

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**Т.Н. ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ: МУАММОЛАР ВА
ЕЧИМЛАР**

Республика илмий-амалий
конференцияси

МАТЕРИАЛАРИ

Иккинчи китоб

Тошкент - 2014

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

1. Х.Ф.Рашидов – педагогика фанлари доктори,
профессор
2. Р.Х.Джураев – педагогика фанлари доктори,
профессор
3. Р.Г.Сафарова – педагогика фанлари доктори,
профессор
4. М.Э.Иноятова – педагогика фанлари номзоди,
катта илмий ходим
5. М.С.Диванова – педагогика фанлари номзоди,
катта илмий ходим
6. И.Н.Стыркас – педагогика фанлари номзоди,
катта илмий ходим
7. А.П.Сулаймонов – педагогика фанлари номзоди,
катта илмий ходим
8. Ҳ.М.Тожибоева – илмий ходим
9. Ф.Э.Абдуқуддусова – илмий ходим
10. З.А.Умарходжаева – илмий ходим

Педагогика фанлари доктори Ш.Қ.Мардоновнинг умумий таҳрири остида.

Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Илмий кенгаши қарори (25.03.2014 №3) билан нашрга тавсия этилган

ЎҚУВЧИЛАРДА ИЖОДИЙ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ФАОЛ МЕТОДЛАР

Елмуратова А., Нукус ДПИ ўқитувчиси

Маълумки, инсоннинг фикрлаш фаолияти кўпқиррали тушунча сифатида унинг бутун фаолиятини ифодалайди.

Ўқувчиларда ижодий фикрлашни шакллантиришда, ўқитувчининг жонли сўзи энг таъсирли метод ҳисобланади. Сухбат учун мавзу танлашда сухбатдан кутилаётган натижани ҳисобга олиш лозим.

Сухбат жонли, оммавий, ғоявий, ишонарли бўлиши катта аҳамиятга эга. **Сухбат методи** – ўқувчиларнинг ҳаёти, фан ва техника, этика-эстетика ва бошқа соҳалардаги тасаввур ва тушунчалари доирасини кенгайтиришга ёрдам беради. Ўқитувчи сухбат самарасини ўқувчиларнинг ижобий ёки салбий жавобларига қараб билиш мумкин.

Сухбат турли мавзуларда уюштирилиши мумкин: ахлоқий мавзулар (кишиларнинг жамиятдаги ахлоқ мезонлари, ўзини тутиш қоидалари), эстетик мавзуларда (табиат гўзаллиги, шахслараро муносабатлар, инсон гўзаллиги), сиёсий мавзуларда (давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, дунё воқеалари), таълим ва билишга оид мавзуларда (қоинот, ҳайвонот дунёси).

Сухбат давомида ўқувчиларда дилидагини айтиш жасоратини уйғотиш, уларнинг фикрларини тинглаш, сухбатда фаол қатнашишга эришиш, яъни ўқувчиларни ижодий фикрлашга мажбур қилувчи саволлар бериш, мавзу бўйича ўз билимларини таҳлил қилишга, тортишишга ва ҳақиқатни англашга эришишлари жуда муҳимдир.

Ўқувчилар одатда ҳаётдан ва бадиий адабиётдан олинган аниқ мисоллар билан тўлиқ ҳикояларни қизиқиб тинглайдилар. Уларга ахлоқ мезонлари, тарих қоидалари, Ватанимизнинг табиий бойликлари, ажойиб меҳнаткаш кишилари, тарих, адабиёт, санъат ҳақида ҳикоя қилиб бериш мумкин. **Ҳикоя методидан фойдаланиш** орқали болаларни илк ёшидан бошлаб атроф-муҳитга, ўз оиласига, жамиятга, Ватанига бўлган ижобий муносабати шакллана бошлайди. Шунингдек, уларда маънавий-ахлоқий ва инсоний сифатлар, эзгу фазилатлар ҳамда ўзига бўлган ишонч туйғуси шаклланади. Бу ўз навбатида, болаларда ижодий фикрлашларига замин яратади.

Бадиий адабиёт, радио, телевидение, газета ва журналлардаги мақолалар ҳам қимматли манба бўлади. Сухбат ҳам, ҳикоя ҳам ўқувчиларнинг ёшига мос мавзуларда, улар тушунадиган сўзлар орқали ўтказилиши керак. Сухбат ва ҳикоя мавзусини ўқувчиларнинг ўзлари танлашса, бунда сухбатнинг завқлилиги ва қизиқарлилиги таъминланади, ўқувчилар мавзуга бефарқ қарамайдилар. Ўқитувчи сухбат мавзусини олдиндан эълон қилиши, масалан, меҳнатсеварлик ёки ростгўйлик, ҳалоллик мавзуларида сухбат ўтказиш учун мавзуга оид мақолалар, маталлар ва шеърлар, эртақлар, ҳикояларни тўплашни топшириши, ўқувчиларнинг ўтказиладиган тадбирда фаолликларини янада орттиради.

Ўқувчиларда ижодий фикрлашни шакллантириш учун, энг аввало, уларнинг ўзлари масъул эканликларини англашиш лозим. Педагог-психологларнинг вазифаси танқидий фикрлашни рағбатлантириб турувчи муҳитни яратишдан иборат бўлади.

Ўқувчиларда ижодий фикрлашни пайдо қилиш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

- ўқувчида ўзига хос нуқтаи назарни пайдо қилиш;
- бир фикрдан бошқасининг афзаллигини асослаш маҳорати;
- мураккаб муаммоларни ечиш маҳорати;
- далилларга асосланган ҳолда баҳслашишга одатлантириш;
- ягона фикрни ишлаб чиқиш учун ўзаро ҳамкорликда ишлаш маҳорати;
- ўқувчиларда мавжуд бўлган билимлар ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга қай даражада хизмат қилишини аниқлаш.

Ўқувчиларни фаол ўйлаш жараёнига киритиш, муаммоли вазиятни ечиш, мантиқий

жараёнларни оқилона ҳал этишга ўргатиш билимларни ўзлаштиришда ижобий натижаларга олиб келиши муқаррар.

Жамиятнинг раванқ топишида мустақил фикрловчи, турли ахборотларга ҳаққоний муносабат билдирувчи, бу соҳада амалий кўникмаларни пухта эгаллаган хилма-хил фикрловчи ёшлар ниҳоятда зарурдир. Шунинг учун ҳам бошланғич синф ўқувчиларида ижодий фикрлаш кўникмаларини изчил шакллантириш ниҳоятда зарур бўлиб, бу соҳада амалга оширилган изланишларни ўрганиш натижасида қуйидаги долзарб масалаларга эътибор қаратиш лозимлиги аниқланди.

1. Ўқувчиларда танқидий фикрлашни шакллантиришнинг дидактик асосларини яратиш долзарб муаммолардан бири эканлиги ижтимоий заруратдир.

2. Амалга оширилган ишлар шуни кўрсатдики, шахснинг ижодий фикрлаш фаолиятига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд ва бу ёндашувлар бир-бирини тўлдириб, бир-бирини тақозо қилмоқда.

3. Ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятлари, ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш фаолиятини шакллантириш соҳасидаги шахсий тажрибалари таҳлиллари ва ўқувчиларда ижодий фикрлашнинг шаклланганлигининг мавжуд ҳолати шуни кўрсатдики, ўқув дастурлари ва дарсликларда ўқувчиларда ижодий фикрлашни шакллантиришга хизмат қиладиган мавзулар ва ўқув материалларига кенг ўрин ажратиш ўқитувчилар томонидан ўқувчиларни мустақил ижодий фикрлашга ундовчи таълимий топшириқлар ва саволлар асосида ўқув жараёнини такомиллаштиришлари, таълим жараёнига янги методлар ва инновацион технологияларни татбиқ этишларига эҳтиёж сезилмоқда.

4. Бошланғич синф ўқувчиларида ижодий фикрлашни шакллантиришга йўналтирилган изчил педагогик тизимни яратиш мақсадга мувофиқ.

5. Бошланғич синф ўқувчиларида ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда бир қатор дидактик хусусиятлар, педагогик-психологик ўзига хосликларни алоҳида ҳисобга олиш талаб этилади.

6. Таълим жараёнига киритилган ҳар бир таълим соҳаси бўйича белгиланадиган таълим мазмунига мос равишда, ўқувчиларни ижодий фикрлашга ундовчи ўқув топшириқлари тизимини шакллантириш ва ўқув жараёнига жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

7. Таълим жараёнида ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув топшириқларининг уларда ижодий фикрлашни изчил шакллантиришни назарда тутган ҳолда танлаш зарурияти мавжуд.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ержанова М.К., Қорақалпоғистон РПҚҚТМОИ ўқитувчиси

Халқимиз азал-азалдан ўз келажаги бўлган ёшларни тарбиялашга жиддий эътибор қаратиб келган. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ҳар томонлама етуқ, маънавий бой комил инсонни вояга етказиш борасидаги ислохотлар бунинг исботидир. Албатта, ҳар бир ота-она фарзандининг руҳий ва жисмоний тарафдан соғлом бўлишини чин кўнгилдан истайди.

Халқ таълими тизимида педагогик фаолият кўрсатаётган ҳар бир олий маълумотли мутахассиснинг мақсади ўзлари таълим бераётган ёшларни мана шундай баркамол этиб вояга етказишдан иборат. Аммо, таълим-тарбия жараёни жуда мураккаб бўлганлиги боис унга бир қанча омиллар ўз таъсирини ўтказди. Айниқса, бошланғич таълим ўқитувчилари таълим жараёнида ҳар бир боланинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиши орқали ёндашиши улар фаолиятида самарадорликка эришишини таъминлайди. Бошланғич таълим ҳар бир боланинг ҳаётида муҳим давр саналади. Чунки, инсоннинг эртага қай даражада шаклланиши, ақлий фаолияти, мавқеи шу даврда олинган билимларнинг маҳсули ҳисобланади. Шу сабаб бошланғич таълим ўқитувчилари ўқувчилар учун идеал инсон

вазифасини бажаради.

Бошланғич синф ўқувчиларига дарс ташкил этилган пайтда ўқитувчи шу 45 дақиқа давомида болаларнинг психик билиш жараёнларига, яъни руҳиятига таъсир ўтказишни билиши зарур.

Боланинг руҳиятини белгиловчи билиш жараёнларига сезги, диққат, хотира, идрок, нутқ, тафаккур ва хаёл жараёнлари киради. Айнан шу боис мактабларда ҳар бир бола учун мўлжалланган педагогик-психологик ташхис дафтари мавжуд. Ва юқоридаги психик билиш жараёнлар шу дафтарда ўз ифодасини топган.

Бошланғич таълим ўқувчиларини эркин фикрлашга ўргатиш улар таълим жараёнининг асосий талабларидан биридир. Бундай ҳолларда биз болаларда тафаккур жараёнининг шаклланишига жиддий эътибор қаратишимиз зарур. Тафаккур жараёни психологияда воқеликнинг умумлаштирилган ҳолда, қонуний боғланишларини сўз ва тажриба воситасида акс эттиришдир. Нарса ва ҳодисалар ривожланиш қонуниятларини аниқлаш билан одам, табиат ва кишилик жамияти тараққиётини бошқариш имкониятига эга бўлади. Инсон тафаккури тил билан чамбарчас боғлиқдир. Тафаккур барча психик жараёнлардек, мия фаолиятининг натижасидир. Тафаккурнинг турларига назар ташлайдиган бўлсак, конкрет-амалий, конкрет образли, абстракт каби турлари бор. Масалан, болалар бошланғич таълим дарсларида топшириқларни бажаришда кўрсатилган образларга нисбатан ҳар хил таҳлил натижаларига эга бўлиши мумкин. Бу жойда болаларнинг ижодкорлиги ҳисобга олинади. Кесма расмлар билан ишлаш, яъни уларнинг фантазияларига асосланиб давомийлигини таъминлаш ёки ҳикояларнинг давомини яратиш, шунинг билан бирга берилган расмлар асосида ҳикоялар тузиш каби топшириқлар орқали ижодий фикрларни шакллантириш мумкин. Шунингдек, ижодий ишлаш учун фикрнинг илдамлиги, яъни вазифаларни конкрет шароитга қараб еча олиш, вазифани ҳал қилишнинг янгича йўлини топа билиш талаб қилинади. Мантикий тафаккурга келадиган бўлсак, бошланғич синфларда ўқитувчилар дарсларида кроссворд, чайнворд ва ребуслардан самарали фойдалана олмагани мантикий фикрлашни шакллантира олиши мумкин. Шунингдек, қизиқарли математика ва бошқа аниқ фанлардан масалалар тўпламлари орқали ҳам ўқувчиларнинг мантикий фикрлашларини янада ривожлантира оламиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Уларда кечаётган психологик ҳолатлар, шахсий психик хусусиятлар ва психик билиш жараёнларининг ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда дарсларни ташкил этиш бошланғич таълим ўқитувчисининг асосий вазифаси эканлигини англамоғимиз зарур. Шунинг билан бирга юқорида кўрсатилган тафаккур жараёнининг ижодий ва мантикий фикрлаш усулларидан самарали фойдаланиш ҳам ижобий натижа беради.



ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИГРОВОГО МЕТОДА ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ

Есбергенова Г.Б., Нукусский ГПИ

Использование игр на уроках является одним из эффективных приемов обучения иностранному языку. Об обучающих возможностях игр известно давно. Многие выдающиеся педагоги справедливо обращали внимание на эффективность использования игр в процессе обучения.

Обучение младших школьников иностранному языку вызвано стремлением использовать потенциальные возможности возраста, наиболее благоприятного для овладения языком, в расчете на получение более высокой результативности обучения предмету с целью удовлетворения существующих в обществе потребностей иноязычного общения в различных

сферах деятельности.

Обучение детей младшего школьного возраста иностранному языку способствует всемерному развитию ребенка в процессе изучения языка, активному включению в этот процесс мышления, памяти, воображения, эмоций, использованию иноязычной речи для выражения и понимания мысли.

Однако, необходимо отметить, что урок иностранного языка в начальных классах должен кардинально отличаться от урока в средних и старших классах. При обучении детей раннего школьного возраста необходимо применять методы обучения, соответствующие психологическим особенностям этих детей. Как известно, у детей 6 – 10 лет преобладает игровая форма деятельности. Игра, игровые ситуации создают прекрасные естественные условия для овладения языком. И учитель не может и не должен игнорировать этот факт.

Игра является действенным инструментом преподавания, который активизирует мыслительную деятельность учащихся, позволяет сделать учебный процесс привлекательным и интересным, заставляет учащихся волноваться и переживать. Это мощный стимул к овладению языком.

Игра всегда предполагает принятие решения: как поступить, что сказать, как выиграть. Это обостряет мыслительную деятельность учащихся. Именно в игре дети усваивают общественные функции, нормы поведения.

Немецкий психолог К. Гросс называет игры начальной школой поведения. Для него, какими бы внешними или внутренними факторами не мотивировались игры, смысл их именно в том, чтобы стать для обучающихся школой жизни. Игра – объективно-первичная стихийная школа, кажущийся хаос, предоставляющий ребенку возможность ознакомления с традициями поведения окружающих его людей.

Игра – разновидность общественной практики, действенное воспроизведение жизненных явлений вне реальной практической установки. Она всегда выступает в двух временных измерениях: в настоящем и в будущем, даря сиюминутную радость, а также служит удовлетворением назревших актуальных потребностей личности. В ней моделируются жизненные ситуации, закрепляются свойства, качества, состояния, умения, способности, необходимые личности для выполнения социальных, профессиональных и творческих функций.

Основная функция педагогической деятельности состоит не просто в передаче знаний, а в создании проблемно-познавательных ситуаций и управлении процессом познавательной деятельности учащихся с учетом их индивидуальных способностей.

Однако хочется отметить, что использование игры недостаточно хорошо изучено в преломлении к обучению иностранным языкам. Игра всегда предполагает определенное напряжение эмоциональных и умственных сил, а также умения принятия решения (как поступить, что сказать, как выиграть?). Желание решить эти вопросы обостряет мыслительную деятельность играющих. Положительным является и тот факт, что при этом ученик еще и говорит на иностранном языке. Из этого следует вывод, что игровой метод таит в себе богатые обучающие возможности. Ученики, естественно, над этим не задумываются.

Использование игровых форм обучения делает учебно-воспитательный процесс более содержательным и более качественным.

Обобщая все вышесказанное, можно сказать, что игра – уникальный феномен общечеловеческой культуры, ее исток и вершина. Ни в каких видах деятельности человек не демонстрирует такого самозабвения, обнажая свои психофизические, интеллектуальные способности, как в игре. Игра – регулятор всех жизненных позиций учащегося. Школа игры такова, что в ней обучаемый – и ученик, и учитель одновременно. Использование игры помогает сделать урок более интересным и увлекательным. Игровая деятельность на уроке иностранного языка не только организует процесс общения на этом языке, но и максимально приближает его к естественной коммуникации. Игра развивает умственную и волевую активность. Являясь сложным и одновременно увлекательным занятием, она требует огромной концентрации внимания, тренирует память, развивает речь. Игровые упражнения

увлекают даже самых пассивных и слабо подготовленных учеников, что положительно сказывается на их успеваемости.

Игровые формы обучения позволяют использовать все уровни усвоения знаний: от воспроизводящей деятельности через преобразующую к главной цели – творческо-поисковой деятельности.

Ученики повторяют в играх то, к чему относятся с полным вниманием, что им доступно наблюдать и доступно их пониманию. Уже поэтому, игра, по мнению многих ученых, есть вид развивающей, социальной деятельности, форма социального опыта, одна из сложных способностей человека.

Использование различных игровых приемов и ситуаций на уроках способствует повышению эмоционального состояния учащихся и формированию дружного коллектива в классе, так как каждый ученик в игре имеет возможность взглянуть на себя и своих товарищей со стороны. Ролевые игры и использование приемов драматизации воспитывают ответственность и взаимопомощь учащихся. Использование игр на различных ступенях обучения не только помогает в изучении иностранного языка, но и выполняет определенную роль в переходе учащегося на новую, более высокую ступень психического развития.

Литература:

1. Биболетова М.З., Добрынина Н.В., Ленская Е.А. Английский язык для маленьких. – М.: Просвещение, 1994.
2. Выготский Л.С. Психология развития как феномен культуры / Под ред. М.Г. Ярошевского. – М.: Изд.: «Институт практической психологии», Воронеж: НПО «МОДЭК», 1996.
3. Стронин М.Ф. Обучающие игры на уроках английского языка. – М., 1994



BOSHLANG`ICH TA`LIM JARAYONIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR VA INTERAKTIV METODLARDAN FOYDALANISH

Jabborova X., Navoiy viloyati Uchquduq tuman 7-umumiy o`rta ta`lim maktabi o`qituvchisi

“Shuni unutmashimiz kerakki, - deb ta`kidlaydi O`zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov, - kelajagimiz poydevori bilim dargohlarida yaratiladi, boshqacha aytganda, xalqimizning ertangi kuni qanday bo`lishi farzandlarimizning bugun qanday ta`lim va tarbiya olishiga bog`liq”. Shunday ekan, inson kamolotida muhim o`zini tutgan o`qituvchining kasbiy va shaxsiy tayyorgarligi, professional mahorati yuqori darajada bo`lishi talab etiladi.

Shu o`rinda **“Hammasi o`z qo`lingda...”** rivoyatini keltirishni lozim topdim: Bir qishloqda donishmand yashar ekan. Qishloq aholisi barcha ishlarda u bilan maslahatlashar, uning ko`rsatmalariga amal qilar ekan. Shu qishloqda bir g`alamis , ichi qora kishi ham bor ekan. Kunlardan bir kuni u xaloyiqni to`plab: “Hozir ko`rasiz, siz donishmand deb bilgan , siz ko`klarga ko`tarayotgan qariya aslida hech narsani bilmaydigan, firibgar ekanligini isbotlayman”, - debdi va kaftiga tirik kapalakni yashiribdi. U xalqni ortidan ergashtirib, donishmandning kulbasi tomon boribdi va undan: “Mening kaftimda kapalak bor. U tirikmi yoki o`likmi?” – deb so`rabdi. Shunda donishmand miyig`ida kulib: **“Hammasi o`z qo`lingda!”** deb javob beribdi. Qissadan hissa shuki, qanday o`qituvchi bo`lish, o`quvchini o`qitish yoki uning rivojlanishiga yordam berish barchasi o`zimizga bog`liq. Agar biz o`zimiz o`zgarishga va atrof-muhitni, o`zgalarni o`zgartirishga astoydil intilsak, bunga albatta erishamiz.

Ta`lim-tarbiya jarayonida dars samaradorligini oshirish, o`quvchilar bilimini mustahkamlash, o`quvchularning darsga qiziqishlarini oshirishda **innovatsion texnologiyalar va interaktiv metodlarni** qo`llash tobora keng tus olmoqda. Bunday metodlarni qo`llash ta`lim samaradorligi va ta`sirchanligini oshiradi, o`quvchilarning o`qish motivlarini o`stiradi.

“Innovatsiya” inglizcha - innovatoin yangilk yaratish, yangilik ma`nolarini anglatadi.

Bunda an'anaviy ta'limdagi kabi bir xillik asosida emas, balki yangiliklar asosida ta'lim jarayonining ta'sirchanligini oshirishga qaratilgan ish shakllaridan foydalaniladi. Mashg'ulotlar jarayonida pedagogik texnologiyalarga asoslanish va innovatsiyaga intilish, o'quvchilarni faollashtirishga qaratilgan turli interaktiv metodlardan foydalanish ta'lim maqsadini muvaffaqiyatli amalga oshirishga yordam beradi.

Ta'lim jarayonini innovatsion metodlardan foydalanib tashkil etish uchun, avvalo, darsning rejasi va loyihasi aniq ishlab chiqilishi zarur.

Dars loyihasini tuzishda o'qituvchi o'zining ish shakllari va o'quvchilarning ko'nikmani egallash jarayonidagi ishlari doirasini aniq belgilab olishi lozim. Shuningdek, qanday o'qitish metodlaridan foydalanishi ham muhim ahamiyatga ega.

O'qitish metodi – ko'zlangan maqsad, yoki rivojlantirilgan aniq bir maqsadga erishish yo'lidagi amallar ketma-ketligidir.

“Interaktiv” - inglizcha so'z bo'lib, **“o'zaro harakat qilmoq”** degan ma'noni bildiradi.

“Interfaol ta'lim” –bu:

- doimiy muloqatga asoslangan metodlar tizimi;
- birgalikda o'qish va faol ishtirok etishdir. Bu - o'zaro harakat, ya'ni hamkorlik asosida o'qitish demakdir.

Buyuk faylasuf Konfutsiy 2500 yil oldin shunday degan:

“Eshitganimni yoddan chiqaraman, ko'rganimni eslab qolaman, mustaqil bajarsam tushunib yetaman”.

Biz darslarda o'quvchilar bilan birgalikda, juftlikda, guruhlarda ishlashda juda ko'plab interaktiv metod va mashqlardan - **“Guruhlarda ishlash”, “Taqdimot”**, yangi mavzuni bayon qilishda **“Kichik ma'ruza”, “Rolli o'yin”, “Aqliy hujum”, “Charxpalak”** metodlaridan va **“Hamma, hammaga o'rgatadi”, “Mevalar salati,” “Impuls” “Hayot yo'li”, “Vaziyatlar” “Aql charxi”** mashqlaridan foydalanishimiz mumkin. Bunda o'quvchilar ta'lim olish jarayonida guruhlarda, hamjihatlikda ishlaydilar, mustaqil bajaradilar va eslab qoladilar. Bunda birinchi navbatda o'quvchilarda “do'stona kelishuv” va “hayotiy ko'nikmalar shakllantiriladi.

“Do'stona kelishuv” - intizom, faollik, o'zoro hurmat, o'ng qo'l qoidasi, ijodkorlik, ijodiy jarima, reglament (aniq, qisqa, lo'nda fikrni bayon qilish)

“Hayotiy ko'nikmalar” –muloqat qila olish, ijodiy fikrlash, stress holatdan chiqib ketish, his-tuyg'ularni jilovlay olish, muammolarni hal qila olish, o'z-ozini tahlil qila olish, qaror qabul qilish, tanqidiy fikrlash.

O'quvchilarni guruhlariga bo'lishda ham “Kichik guruhlar ishi” metodidan foydalanish mumkin.

- guruhlarini shakllantirish;
- guruhlarda o'quvchilar soni;
- 3 kishidan iborat guruh eng kichik guruh;
- 4 kishilik guruh yetarli darajadagi;
- 6 kishilik guruh samarali guruh;
- guruhlar 7,8,9,10 kishidan iborat bo'lishi ham mumkin.

Guruh ishlari:

- guruhlarini nomlash;
- vazifa berish;
- guruhlarini boshqarish
- taqdimot;
- baholash;

O'quvchilarni guruhga bo'lish jarayonida “enerjalyzer” (energizer inglizcha so'z bo'lib, “kuch” degan ma'noni bildiradi. Maqsadli energizerlar dam olish daqiqasini o'tashi bilan birga ishtirokchilarni kichik guruhlariga bo'lishga ham xizmat qiladi) mashqlaridan foydalanish mumkin. Bunda stol ustiga 3-4 xil mevalarning rasmlari teskari holda qo'yiladi. O'quvchilar bu rasmlarni navbatma-navbat oladilar. Uzum rasmini olgan o'quvchilar bir guruh, pomidor rasmini olgan bolalar ikkinchi guruhni, olma rasmini olgan bolalar esa uchinchi guruhni tashkil etadi. Har bir

jamo'a o'ziga ajratilgan joyga borib o'tiradi. Demak, o'quvchilar uch guruhga bo'linadi.

Bundan tashqari o'quvchilarni guruhlariga bo'lishda xatti-harakatlardan foydalanish ham mumkin. Bunda o'qituvchi o'quvchilarning quloqlariga sekin cholg'u asboblarning nomini aytib chiqadi (masalan: doira, rubob, nay, g'ijjak) O'quvchilar shu cholg'ularning chalinish xatti-harakatlarini bajarib, guruhlariga bo'linadilar. Bu guruhlarda turli metodlardan foydalanib, munozarali masalalarni hal etishda, bahs-munozaralar o'tkazishda, yoki o'quv rejasi asosida biror bo'lim o'rganib bo'lingach, umumlashtiruvchi darslarda qo'llash mumkin. Bunday metodlarning barchasida ham o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi hamkorlik, o'quvchining ta'lim jarayonidagi faol harakati nazarda tutiladi.

Quyida ana shunday metodlardan ayrimlarini e'tiboringizga havola etamiz.

“Charxpalak” metodidan ona tili darslarida **“So'z turkumlari”** mavzusini mustahkamlashda foydalanish mumkin. Bunda o'quvchilarni istalgan metodingiz bilan guruhlariga bo'lib olishingiz mumkin. Masalan, **“Mevalar salati”**, **“Guruhlariga bo'lishda xatti-harakat”**. O'qituvchi guruhlariga qog'oz tarqatadi va har bir guruhga topshiriq beriladi. 1-guruh ot so'z turkumiga kiruvchi so'zlarni, 2-guruh sifat so'z turkumiga kiruvchi so'zlarni, 3-guruh fe'l so'z turkumiga kiruvchi so'zlarni, 4-guruh son so'z turkumiga kiruvchi so'zlarni yozadilar. Ularga vaqt beriladi, vaqt tugagach, guruhlar qog'ozlarini almashtiradilar, ya'ni bir-birlari bilan, o'z-o'zidan savollar ham almashadi, endi o'quvchilar boshqa guruh yozgan so'zlarni yozmasdan boshqa so'zlar topib yozishlari talab etiladi. Shu tariqa qog'ozlar **“Charxpalak”** misoli aylanib keladi. Bu metod o'quvchilarni juftlikda ishlashga, bir-birining fikrini tinglashga, so'z turkumlarini farqlay olishiga, ijodiy fikrlashga, barcha o'quvchilarning faol qatnashishlariga yordam beradi.

“Hamma, hammaga o'rgatadi” mashqidan foydalanish boshlang'ich sinflarda ham qo'l keladi. Buni barcha fanlarga moslab o'tkazish mumkin. Matematikada mustahkamlash darslarida o'qituvchi mavzularga doir ma'lumotlarni qisqacha yozib keladi. Masalan, uzunlik birliklariga millimetr, santimetr, detsimetr, kilometrlar kiradi. Hamma tomonlari teng to'rtburchak kavadrat deyiladi va hokazo. Bu ma'lumotlar o'quvchilarga tarqatiladi. Ular o'zlaridagi ma'lumotlarni o'qib, o'rganadilar. Ma'lum vaqtdan keyin yonidagi o'rtog'i bilan bir-birining ma'lumotini o'rganadi. Belgilangan vaqt tugagach, 4 ta o'quvchi bir biriga ma'lumotlarini o'rgatadilar. O'qituvchi tomonidan vaqt belgilanib, vaqt tugaganligi, endi yonidagi sherigiga o'rgatishini eslatib, aytib boradi. Mashq tugagach, o'qituvchi quyidagi savollar bilan o'quvchilarga murojaat qilishi mumkin: ushbu mashq sizga nimasi bilan yoqdi va nimalari foydali bo'ldi? (O'quvchilar o'z javoblarini aytadilar).

- Bu mashqda siz uchun nima osonroq bo'ldi, o'zingiz o'qib o'rganganingizmi yoki boshqaga ma'lumot berganingizmi?

Bu mashq orqali o'quvchilar o'tilgan mavzularni yodga oladilar. O'zlashtirmagan o'quvchilar bo'lsa, ular ham bilib oladilar.

“Aql charxi” usulida o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlari, nutqi rivojlanadi, tez va to'g'ri javob berish malakasi shakllanadi. Bu mashqda ikki yoki uchta o'quvchidan iborat guruhlar ishtirok etadi. Birinchi o'quvchi mavzuga oid terminlardan birini aytadi, ikkinchi o'quvchi birinchi o'quvchi aytgan terminni qaytaradi va o'zi ham bitta termin aytadi. Uchinchi o'quvchi avvalgi ikkita terminni qaytaradi va bitta termin qo'shib aytadi. Navbat birinchi o'quvchiga keladi. Qaysi o'quvchi adashib ketsa yoki, aytilgan terminni qaytarib aytsa, o'yindan chiqadi. Bu o'yinni tashkil etishda – maqsad aniq bo'lishi va o'quvchilarning qaysi bilim, ko'nikma va malakalarni egallashlariga e'tibor qaratilishi lozim. Masalan: ot – so'z turkumiga tegishli so'zlarni ayting: 1-o'quvchi: bulbul.

2-o'quvchi: bulbul-qarg'a.

3-o'quvchi: bulbul - qarg'a - mushuk.

1-o'quvchi: bulbul-qarg'a-mushuk- ota.

2-o'quvchi: bulbul-qarg'a-mushuk-ota-opa.

3-o'quvchi: bulbul-qarg'a-mushuk-ota-opa-uka va hokazo


Xuddi shu taxlitda “So'z turkumlari”, “Otlarning egalik qo'shimchalari bilan qo'llanilishi”, “Otlarning kelishik qo'shimchalari bilan qo'llanilishi”, “Ot yasovchi qo'shimchalar” va boshqa

mavzularni o'rganishda ham bu mashqdan foydalanish mumkin. Bu mashqlar takrorlash va umumlashtirish darslarida qo'l keladi.

Darslarda bunday metodlarni qo'llash bola shaxsiga munosabatni yanada yaxshilaydi, turli xarakterdagi bolalar bilan ham til topa olishni uddalaymiz. Ular guruhlarda ishlash orqali bir-birlarining fikrlarini tinglaydilar, ma'qullaydilar va hamjihatlikka o'rganadilar.

Ta'lim-tarbiya jarayonida dars samaradorligini oshirish, o'quvchilar bilimini mustahkamlash, o'quvchilarning darsga bo'lgan qiziqishlarini oshirishda **innovatsion texnologiyalar va interaktiv metodlarni** qo'llash bilan birgalikda turli ko'rgazmali qurollardan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Bunda ayniqsa qo'lda, ijodkorlik bilan tayyorlangan ko'rgazmalar muhim ahamiyat kasb etadi. Masalan, ana shunday ko'rgazmalardan biri oddiy daraxt shoxining rasmi chizilgan plakat bo'lib, uning shoxlariga gullarni, qushlarni, mevalarni joylashtirish mumkin. Bu qo'lda tayyorlangan ko'rgazmadan barcha fanlarda o'z o'rnida foydalanish mumkin. Bu ko'rgazma orqali o'quvchilar fanlarning bir-biriga o'zaro bog'liqligini, vatanning muqaddasligini, tabiatni sevishtirishni, jonivorlarni asrashni o'rganadilar. Quyida ana shunday ko'rgazmalardan namuna keltirilgan:



Masalan, matematika darslarida gullardan foydalanganimizda mashqni shunday davom ettirish mumkin. Gullarning bir tomoniga matematika faniga oid savollar yozilgan bo'ladi, ikkinchi tomoniga esa bo'g'inlar yozilgan O'quvchilar gullarning bir tomoniga yozilgan matematikaga oid savollarni o'qiydilar va bo'g'inli tomonini daraxt shoxiga qistiradilar. "Kimki savollarga to'g'ri javob bersa, daraxtning gullashiga yordam beradi." – degan gaplar o'qituvchi tomonidan aytiladi. Shu tariqa daraxt shoxlaridagi gullarda bo'g'inli so'zlar hosil bo'ladi.

Hozirgi misolimizda **"Sog'lom bola yili"** hosil bo'ldi. Bu mashqning nomi **"Darxtimiz gullasin"** deb nomlanadi. Buni bahor faslidagi darslarimizda qo'llasak bo'ladi. Bundan tashqari kuz faslida mevalardan foydalanib, **"Meva terish"** mashqi bilan, qish faslida esa qush rasmidan foydalanib, **"Qushlarga yordam"** nomlari bilan ham foydalanilsa bo'ladi.



Darslarning samaradorligini oshirish, o'quvchilarning bilim darajalarini boyitishda darslarda turli interfaol metodlardan foydalanish yaxshi samara beradi. O'quvchilarda bilimga ishtiyoq

uyg'otadi. O'quvchilar darsga puxta hozirlik ko'rishga intiladilar. Bunday usullar darsning qiziqarliligini va ta'sirchanligini oshiradi, o'quvchilarni ta'lim jarayonining faol sub'yektlariga aylantiradi. O'quvchilarning mustaqil bajarib, tushunib yetishlari uchun turli interaktiv metodlar va mashqlardan foydalanishimiz mumkin.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Жалилова Н., Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, 16-умумий ўрта таълим мактаби
бошланғич синф ўқитувчиси**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар таёрлаш миллий дастури” ҳамда бир қатор ҳужжатларда бошланғич таълим, ўрта махсус, касб-хунар орасида узвийликни таъминлаш назарда тутилган.

Мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар таълимни янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш имконини бермоқда. Ўқув машғулотларини замонавий ахборот технологиялари ёрдамида олиб бориш, ўқувчилар қалбига миллий кадрият ва анъаналаримизга ҳурматни, илм-маърифатга муҳаббатни чуқур сингдириш ҳозирги даврда педагогларнинг устувор вазифасидир.

Мамлакатимизда таълим тизимида маълум предметни ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш долзарб масаладир. Айнан ахборот технологиялари таълимнинг универсал воситаси ҳисобланиб, нафақат ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш имконини беради, балки уларнинг шахсий хусусиятларини ҳам ривожлантиради, билишга бўлган қизиқишларини оширади.

Педагогик ва психологик тадқиқотларда шу нарса таъкидланмоқдаки, замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ўқувчиларнинг назарий, ижодий ва рефлексив тафаккури ривожланишига катта таъсир кўрсатар экан. Ўқувчининг хотирасида у ёки бу ҳодиса, жараённинг образли ифодаланиши ўқув материални бойитиб, унинг илмий жиҳатдан ўзлаштирилишига ҳам ёрдам беради.

Замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнига жорий этилишидан асосий мақсад - айнан замонавий ахборот муҳити учун характерли бўлган ўқув фаолиятларининг янги турларининг пайдо бўлишидир.

Маълумки, бошланғич таълим - таълим тизимининг пойдевори ҳисобланиб, келажакда ўқувчиларни ўқитиш сифати унга боғлиқ бўлади, бу эса бошланғич синф ўқитувчиси зиммасига катта масъулият юклайди. Узоқ вақт давомида таълим тизимида бошланғич таълим кўникмаларни ривожлантириш жараёни бўлиб келди, яъни ўқувчи кейинги таълим олиш учун ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш каби асосий кўникмаларни ўзлаштириши керак бўлган таълим босқичи сифатида қаралди. Бугунги кунда бошланғич таълим босқичида фаолликни, мустақилликни ривожлантириш, идрок этиш фаоллигини сақлаб қолиш ва бола таълим дунёсига шахдам кириб бориши учун шароитлар яратиш, унинг саломатлигини ва эмоционал хусусиятларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда ўқувчиларнинг айнан мана шу сифатлари таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш билан ривожланаётганлиги айтиш ҳақиқатдир.

Ахборот технологияларидан фойдаланиш ўқувчиларга ахборот манбаларидан фойдаланиш имконини беради, мустақил ишлар самарадорлигини оширади, ижодкорлик, малака ва кўникмаларни эгаллаш ва мустаҳкамлаш учун умуман янги имкониятлар беради. Таълимнинг янги шакллари ва методларини амалга оширишга имкон беради. Ҳар бир ўқувчида шахсий ўқув йўналишини ривожлантиришни таъминлайди.

Бошланғич таълим жараёнида ҳам тайёр мультимедиа маҳсулотлар ва компьютер таълими дастурларидан, ўқув ва синфдан ташқари ишларда Интернет тармоғи воситаларидан фойдаланиш ижобий самара беради. Масалан, она тили дарсларида саводхонликни ошириш бўйича машқларни бажариш жараёнида ўқувчилар компьютерларда турли хилдаги амалий

топширикларни бажарадилар. Бунда турли кўргазмали-машқ, назорат-машқлари ва тест синовлари модуллари киритилган аралаш компьютер дастурларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Бошланғич синфларда ўрганиладиган кўплаб мавзулар бўйича турли материаллар берилган. Турли мураккаблик даражасидаги турли хилдаги топшириклар ҳар бир ўқувчининг идрок этиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга ҳам ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич таълим жараёнида ҳам замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ўқувчиларни қизиқарли оламга олиб киради, таълим беришда ўқитувчининг имкониятларини кенгайтиради. Бу жараёни ташкил этиш замонавий бошланғич таълимнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.



THE PROBLEM OF TEACHING WORD FORMATION IN PRIMARY SCHOOL

Jalilova N., O'zDJTU 2-fakulteti, 4-kurs talabasi

The problem of word formation is connected with different branches of lexicology as: Semasiology, Etymology, Phraseology, Lexicography.

Word-formation is the system of the derivative types of words and the process of creating new words from the material available in the language after certain structural and semantic formulas and patterns.

Teaching the forms of words in primary stage of school demands special methods and teaching styles. The teacher should know the most productive ways of word building and teach them to pupils not regarding the types of it.

In Modern English not a single can be coined by changing a root vowel of a word by shifting the place of the stress. Sound-interchange in fact has turned into a means of distinguishing primarily between words of different parts of speech and as such as rather wide spread in Modern English, e.g.¹.

To sing-song

To live-life

Strong-strength

The method shown above is a considerably effective way of teaching some words to students. As it is represented, both pairs of words as “to sing – song” are distinguished only by altering a root vowel from “I” to “o.”

Undoubtedly, student will be able to remember the pairs of words as they are similar enough both in meaning and form.

Sound interchange falls into groups: vowel-interchange and consonant-interchange. By vowel-interchange we distinguish different parts of speech, e.g.

Full- to fill

Food – to feed

Blood – to bleed

In some cases vowel interchange is combined with affixation, e.g.

Long – length

Strong – strength

Broad – breadth

The given vocabulary should be clear and memorable to learn for students.

According to researches, majority of students at the age of 7 – 16 learn words with the assistance of association.

Associating one word with the other while learning them by heart is one of essential points in memorizing new vocabulary. To the point, we can say that conversion is an important characteristic in association.

¹ Htt: /www.yahoo.com/search/

Conversion (zero derivation, root formation, functional change) is the process of coining a new word in a different part of speech and with different distribution characteristics but without adding any derivative element, so that the basic form of the original and the basic form of derived words is homonymous. This phenomenon can be illustrated by the following cases:

work – to work,

love – to love,

water – to water.

If we regard these words from the angle of their morphemic structure, we see that they are root words. On the derivational level, however, one of them should be referred to a derived word, as having the same root morpheme they belong to different parts of speech.

By putting infinitive before the root, we are changing the part of speech.

It should be explained like this:

Work – ish

To work – ishlamoq

Love – sevgi

To love – sevmoq etc.

As a conclusion we can say that word formation can contribute a great deal to vocabulary teaching process. Sound interchange and conversion can easily be seen as a way of activating motivation and directing attention to learn and memorizing new vocabulary.



БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ЎҚУВЧИЛАРНИ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ ХУСУСИЯТИ

Жолдасбаев П., Нукус ДПИ ўқитувчиси

Инсон боласи кундалик турмушда ўзини қуршаб турган нарса ва ҳодисалар билан алоқада бўлади. Уларнинг хусусиятлари, сифатлари, ҳаракатлари, бир-бири билан алоқадорлиги, яшаш шароитларини билиб олишга интилади. Дунёни таниш, билиш жараёни жуда мураккаб, қийин, узоқ давом этадиган жараён. Биз билдик, ўргандик деган нарса ва ҳодисаларнинг ҳали бизга маълум бўлмаган томонлари пайдо бўлади.

Дунёни таниш, билиш, нарса ва ҳодисаларни, жамият ва табиат ҳодисаларини жонли кузатишдан бошланади. Сизги бизни қуршаган нарса ва ҳодисаларнинг сезги органларимизга (кўриш, эшитиш, таъм сезиш, ҳид сезиш) таъсир кўрсатиши натижасида пайдо бўлади. Сезги органларимизга асосланиб, нарса ва ҳодисаларнинг оддий сифат ва хусусиятларини кўз олдимизга келтирамыз. Мисол учун, бола шафтолини биринчи марта кўрди деб ўйлаймиз. У шафтолини нима эканини билсин. Бола кўриш органи кўз билан шафтолининг турини, катта кичиклигини, таъм сезиш органи билан мазасини, тери-туйғу сезиш органи билан каттиклигини, ҳид сезиш органи билан ҳидини билиб олади. Инсон сезги органларисиз нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини, сифатларини ва боғлиқликларини билиши мумкин эмас. Сезги бизнинг барча билимимизнинг асоси. Ҳар қандай билиш сезишдан бошланади. Сезги органлари бўлмаганда нарса ва ҳодисаларнинг турлари, хусусиятлари, ҳаракат шакллари ҳақида ҳеч нарса билмаган бўлар эдик. Сезги инсон онгини ташқи дунё билан боғлайди. Билиш, эслаш, хаёл ва бошқа психик жараёнларнинг фаолияти учун материал тўплайди. Агар инсон дунёга сезги органларисиз келганда, у ташқи дунё билан алоқа қилмаган бўлар эди.

Ўқитувчи янги материалларни тушунтираётганда ўқувчи эшитади, кўради ва шу билан бирга фикрлайди, ўйлайди.

Ўйлаш жонли кузатиш материалларига суяниб қолмасдан, ундаги чекланувчанлик ва камчиликларни бартараф этади, билимни янаям олға суради. Мисол учун, ракетанинг учиш тезлигини, куннинг, ойнинг, юлдузнинг улканлигини биз фақат ўйлаш орқали биламыз.

Дунёни таниш, билиш жараёнини амалий фаолиятдан, тажрибадан ажратиб қараб

бўлмайди. Чунки амалий фаолият билишнинг асоси, ҳақиқатни ўлчаш воситаси ҳисобланади. Назариясиз амалиёт сўқир, амалиётсиз назария ўлик. Амалиёт тушунчасининг маъноси жудаям кўп.

Жонли кузатиш абстракт ўйлаш, амалий фаолият бир-бири билан яқин алоқада ва биргаликда олиб борилади. Мисол, IV–синфда тупрокнинг таркиби ўтилади. Тупрокнинг хусусиятини билиш учун ўқувчилар уни ушлаб кўришади, ичидаги чириндиларни, тузни, сувни ва бошқаларни аниқлаш учун тупрокни қиздиришади. Шундай амалиёт билан ўқувчилар қишлоқ хўжалик, санъат, техника сирларини билиб оладилар, улардан турмушда фойдаланишни ўрганадилар. Амалиёт бизнинг тушунчаларимизнинг, билимларимизнинг тўғри ёки хато эканлигини билишга ёрдам беради. Амалиёт абстракт ўйлаш ва назарий ўйлашнинг асоси ҳисобланади.

Инсон боласи дунёни билишда жонли кузатиш, абстракт ўйлаш ва амалий фаолият босқичларини ўтайди. Бундан билимларни ўзлаштириш доим ушбу учта босқич орқали бўлади деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Чунки айрим шароитларда билимларни ўзлаштириш амалий фаолиятдан ҳам бошланиши мумкин. Ўқувчи бунда ўқитувчи берган амалий топшириқларни бажаради, зарур тажрибалар тўплайди. Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синф ўқувчиларини мазкур босқичлар орқали ўргатиб борсак, мантиқий фикрлаш ва таълим-тарбия жараёнида ижобий натижаларга эришамиз.

ЛИСОНИЙ ЎЙИНЛАР – БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАНТИҚИЙ ВА ИЖОДИЙ КўНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ЕТАКЧИ ОМИЛ

**Жуманазаров У.А., Жиззах ДПИ профессори.
Жуманазарова Г.У., Жиззах ДПИ доценти в.б.**

Она тили дарсларида ўқитувчининг олдида турган энг долзарб масалалардан бири - бу ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш доирасини ўстириш ва ижодий кўникмаларини шакллантириш. Мантиқий фикрлаш орқали ўқувчида зукколик, зехн ўткирлиги, фаҳм тезлиги, хотира, эса сақлаш, муаммони тез англаш, тегишли билимни тез эгаллаш каби қобилиятларнинг ўсишига замин тайёрлайди. Масалан, “*Ўқинг*”, “*Харитани тўлдириш ва изоҳланг*”, “*Мантиқий давом эттириш*”, “*Ўқинг*”, “*Сирли ёзув*” каби лисоний ўйинлар ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини ўстириш ва ижодий кўникмаларини шакллантириш учун хизмат қилади. Бошланғич синф она тили дарсларида лисоний ўйинлардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишда муҳим омил бўла олади. Қуйида улардан айрим намуналарни тавсия этамиз.

“*Ўқинг*” ўйини унли товушлар маълум шакллар орқали берилади, ундошларнинг тўлиқлиги (мавжудлиги) яширинган сўз ёки жумлани ўқишга мадад бўлади. Мантиқий фикрлашга мажбур қилувчи бу ўйин хотирани, зехни, фаҳм тезлиги ва зукколикни чархлайди.

Туширилган ҳарфни қўйинг. Бу ўйин ўқувчиларга ўтилган мавзунини ўзлаштириш ҳамда саводхонлигини оширишда яқиндан ёрдам беради. Масалан: Х ёки Ҳ: *Му.....тор, А.....мад*, ёки б ёки п: *кито....., макта.....* ва шу каби.

“**Ҳарф жилдириш**”. Ушбу ўйин ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини ўстиради ва сўз бойлигини кенгайтиради. Масалан: 5 та 5 ҳарфли сўз ёзилади. Биринчи сўзда а ҳарфи биринчи ўринда, иккинчи сўзда иккинчи ўринда ва шу каби: *аҳоли - баҳор - арава - лугат - тиёла*

“**Ким тез?**”. Бу ўйиндан алфавит мавзусини ўтганда фойдаланиш мумкин. Ўқувчилар гуруҳларга бўлинади ҳамда ким тез алфавит тартибида сўзлар ёза олади, деб машқ бериш мумкин. Бу ўйинни мураккаблаштириш учун иккинчи ёки учинчи ҳарфи алфавит тартиблар бўлишини топшириқ қилиб берилади. Масалан: *савдо, абгор.....*

“**Сўнги бўғинга сўз ясаш**”. Бўғин мавзусидан сўнг фойдаланиш мумкин бўлган ўйин: *са/вол – воли/да – да/да – Да/мир – ми/роб.*

“**Ким кўп ўйлаб топади?**”. Ўқувчиларни зукколикка, топқирликка йўловчи

ўйинлардан бири. У уч хил кўринишда бўлиши мумкин.

а) Масалан: а ҳарфи билан бошланадиган, а ҳарфи билан тугаган, а ҳарфи қатнашган сўзларни топинг; б) маълум шакл берилади, шунга сўз топадилар;

в) аа - *мурожаат, матбаа*; ао - *маош, маориф*; ай - *саид, машаат*; ои - *оид, доир*... каби кўринишларда бўлиши мумкин.

Ҳар бир гуруҳларга алоҳида ҳарф бериб, навбатдан чиқиб ёздириш орқали ушбу ўйинни бойитиш мумкин. Қайси гуруҳ аввал ёзиб тугатса, шу гуруҳ ғолиби бўлади. Булардан ташқари, ҳар икки томондан бир хил ўқиладиган сўзлар топиш, “*Сирли катак*”, “*Сирли рақам*” каби ўйинлардан “Фонетика” бўлимини ўрганишда самарали фойдаланиши мумкин. «Унли ва ундош товушлар» мавзусини ўрганишда *и, у* ҳарфлар бошланадиган асарлар рўйхатини тузиш ўйинидан фойдаланса бўлади.

Тилнинг энг бой ҳамда тез ўзгарувчи бўлими бўлган лексикада ҳам хилма-хил лисоний ўйинлардан самарали фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Улардан айрим намуналар келтирамиз.

“**Бошқача айт**”. Синоним мавзусини ўтганда шу ўйиндан фойдаланиш мумкин. Масалан: Бир сўз айтилади, ўқувчи бошқача сўзни, яъни синонимини айтади: *катта - улкан - гигант*.

“**Пирамида**”. Миср эҳромлари бўйича олиб бориладиган грамматик ўйин тури. Бунда ўқувчиларнинг зехн ўткирлиги синалади ва чархланади. Ўйин зинапоя усулида олиб борилади. Қайси гуруҳ аввал бажарса, шу гуруҳ ғолиб саналади.

1-усул

2-усул

“**Бир сўздан кўп сўз ясаш**”. Бу ўйин орқали ўқувчиларнинг топқирлиги синалади ва ривожлантирилади. Бу ўйин ҳар бир ўқувчини мустақил ишлашга ундайди. Масалан: *Ўзбекистон* сўздан кўп сўз ясаш: *ўзбек, тўп, ос.....кит, тик, от, из, тез* ва шу каби.

“**Ёддан ёзиш**”. Ушбу ўйин ўқувчиларнинг хотирасини чархлайди, зехнини, фаҳм тезлигини ўстиради. Ўйин қуйидаги усулда олиб борилади: маълум бир сўзлар (аввалдан тайёрланган) қисқа фурсатда 1 мартаба ўқитувчи томонидан тезда ўқиб берилади, сўнг ўқувчилар ёзадилар. Қайси ўқувчи кўп ва тўғри ёзса, шу ўқувчи рағбатлантирилади. Бу ўйинни янада мураккаблаштириш ҳам мумкин. Масалан: *капалак, камалак, лайлак, элак, челақ, телпақ, чойнақ*.

“**Кўчма маъноли сўзлардан ҳикоя тузинг**”. Бу ўйин аввало ўқувчиларни ижодкорликка ундаса, иккинчидан нутқ маданиятини (ёзма) саводхонлигини ўстиради. Ушбу ўйин ҳар бир боланинг мустақил ишлашини таъминлайди.

Кўрамизки, педагогик технологиянинг энг асосий негизи ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларига боғлиқ. Бошланғич синф она тили машғулотларида мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланилган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини тўғри ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчилар мустақил фикрлаб, ижодий изланиб, мустақил таҳлил этиб, хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса қўйилган асосий мақсадга эришилади. Бу жараёнда, албатта, ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологиясини ҳисобга олиш зарур.



ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР – БОШЛАНҒИЧ АДАБИЙ ТАЪЛИМИНИНГ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ

Жуманазаров У.А., Жиззах ДШИ профессори
Жуманазарова Д.У., п.ф.н. Жиззах ДШИ

Дидактик ўйинлардан бошланғич адабий таълимида (ўқиш дарсларида) самарали

фойдаланиш ўқувчиларни бир мунча эркин фикрлаш ва ижодкорликка ўргатади, ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги ҳамкорликнинг мукамаллашишига, билимлар тизимлилиги, бошқарувчилик фаолиятининг такомиллашувига эришилади. Бошланғич синфларда дидактик ўйинлардан фойдаланишда ўқитувчи кўпроқ ўқувчиларни мустақил гапиришларига, ўз-ўзини бошқариш жараёнига эга бўлишига эриштиромоғи лозим. Масалан, ўқитувчи I–IV синфларда ҳадисларни ўргатишда дидактик ўйинларнинг кўпгина усулларини қўллаш мумкин, бунда, энг аввало, ўқувчиларнинг ёши, фикрлаши ва дунёқараш доираси кўлами эътиборга олинishi лозим. Биз қуйида **“Поездаги саёҳат”** ўйинининг “ўқиш” дарсларининг сифати ва самарадорлигини оширишдаги ўрни ҳақида фикр юритамиз.

“Поездаги саёҳат” номидаги дидактик ўйинда синф ўқувчилари уч гуруҳга ажратилади ва ҳар бир гуруҳ бирор чиройли ном билан номланади. Албатта номлар ҳам мазмунан ҳадисларга яқинроқ бўлиши ёки истиқлолни ифодаловчи, миллийликни акс эттира оладиган бўлиши керак. Масалан, “Саҳобалар”, “Муҳаддислар”, “Келажак”, “Ҳумо”, “Истиқлол” каби номларни бериш. Бу уч гуруҳ битта поезддаги учта вагонга кетма-кет жойлашиб, саёҳат қилишлари лозим. Лекин, ким биринчи вагонда кетиши ноаниқ. Бу ноаниқликка аниқлик киритиш учун ўқувчилар қуйидаги тўртта шартни бажаришлари ва биринчи вагонга ҳаракат қилишлари лозим. Шартлар эса қуйидагича:


1 – Шарт: “Одоб инсон кўрки”. Бу шартда ҳар бир гуруҳ бир–бирига ҳадислар айтади. Қайси гуруҳ кўп ва мазмунли ҳадис айтганлигига қараб, ушбу шартнинг ғолибига айланиши мумкин. Ўқувчилар бу шарт орқали кўпроқ ҳадислар ёдлашга ҳаракат қилишади.

2 – Шарт: “Зехну заковат”. Бу шартда гуруҳлар бир–бирига ҳадисларнинг биринчи қисмини айтади, иккинчи гуруҳ эса давом эттириб кетаверади. Қайси гуруҳ ҳадис айтолмаса ёки ҳадиснинг давомини топа олмаса ўйиндан чиқиб туради. Худди шундай тарзда ўйин давом этиб кетади. Масалан, биринчи гуруҳ “Сафар қилинлар...” деса, иккинчи гуруҳ “Соғлом бўласизлар”, яъни бунда “Сафар қилинлар–соғлом бўласизлар” ҳадисини айтишлари керак. Энди учинчи гуруҳ “Уч тоифа одам жаннатга кирмайди...” деса, биринчи гуруҳ “1. Ота–онасини ранжитган, 2. Майхўр, 3. Берганини миннат қилувчи киши” дея давом эттириб бораверади.

3 – Шарт: “Ким зукко”. Ушбу шартда ҳар бир гуруҳ конвертдаги тўртта ҳадиснинг мазмунини гапириб беради. Ҳар битта шартга энг юқори балл уч балл қўйилади. Ўқувчиларнинг шартларда тўплаган балларига қараб, вагонлардаги ўринларнинг алмашилиш жараёни содир бўлади. Энг юқори баллни қўлга киритган гуруҳ биринчи вагондан жой олиши мумкин. Ушбу дидактик ўйинни дарс давомида қўллашдан асосий мақсад ўқувчиларга ҳадисларни ва ҳадисларга боғланган одоб-ахлоқ мезонларини бошланғич синф ўқувчиларига сингдириш, ҳадисларни ўқитиш учун дидактик ўйинлардан фойдаланган ҳолда кичик мактаб ёшидаги болаларга таълим–тарбиянинг юксак маънавий фазилат ва хислатларини шакллантиришдан иборат. Ушбу дидактик ўйинни “Одобнома”, “Ўқиш” дарсларида қўллаш мумкин ва у орқали ўқувчиларни ҳам мустақил фикрлашга, ҳам ҳадисларни ўрганишга чорлаш мумкин.

3 – Шарт: “Олтин тож” ўйини. Бунда ўқувчилар “Олтин тож” ўйинини ўйнашади, яъни қуйидаги расмдан фойдаланиб ўйнайдилар.

Ушбу расмдаги ҳар битта топшириқ ёки савол яширин саволлардан ҳадислар ҳақидаги топшириқлардан иборат бўлган расмлардан ташкил қилинади ва бу топшириқлар бажарилиши учун уч гуруҳнинг сардори ўзаро беллашишади. Ҳар битта саволга жавоб ёзишга ҳаракат қилишади.



Бошланғич синфларда дарс давомида бундай дидактик ўйинлардан “Сирли сандиқ”, “Баҳоройнинг саволлари”, “Занжир”, “Имом ал Бухорий айтади” каби бир қанча турларидан ҳадисларни ўқитишда фойдаланиш мумкин, уларнинг ҳаммаси бошланғич адабий таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишга, ўқувчиларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини такомиллаштиришга, одоб-ахлоқли бўлиб вояга етишларига хизмат қилади.



ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ – ДОЛЗАРЪ МУАММО

Жуманазаров У.У., ТДПУ ўқитувчиси

Маълумки, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори тасдиқланди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан-техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир, - деб алоҳида таъкидланади. Дарҳақиқат, бугунги тараққиёт ҳар бир ўқитувчидан ўзига хос ижодкорликни, малака ва

тажрибани тақозо этмоқда. Бу, ўз навбатида, чет тили фани ўқитувчилари зиммасига катта масъулият юклайди.

XXI аср ўқитувчиси тобора юксак тараққий этиб бораётган бугунги фан-техника ютуқларига ҳар доим ҳозиржавоб бўлиши, улардан ўз дарсларида самарали фойдалана олиши керак бўлмоқда. Дарсларда қўлланилаётган илғор педагогик технологиялар ўқувчиларда чет тили фанига бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиш, уларни чет тилига бўлган қизиқишини ошириш ва бу тилни мукамал билиш даражасига кўтариш, мантиқий, аниқ ва тўлиқ нутқ соҳиби бўлишига эришиш каби муҳим вазифаларни бажаришни назарда тутати.

Маълумки, чет тили дарсларига илғор педагогик технологияларни олиб кириш, уни таълим мазмунига сингдириш, дарс ўтишининг янги-янги усулларини топиш давлат таълим стандартлари талабларини бажаришга замин яратади. Бунда ўқитувчига дарс ўтиш қулай, жонли бўлиши учун турли кўргазмали куроллар ишлаб чиқиш ва уларни ўз вақтида ҳамда дарс жараёнида қўллаш, замонавий илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш лозим. Мураккаб мавзуларни ўқувчилар онгига осонгина сингдириш учун педагогик технологияларнинг турли хил метод (усул)ларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, “Фикрий ҳужум” (“Мозгавая атака”), “Ақлий ҳужум”, “Кластер”, “Қизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш”, ”БББ (Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим.)”, “Венн диаграммаси” методлари шулар жумласидандир.

Булардан ташқари, чет тили дарсини ўтиш жараёнида ўқитувчи ҳар хил усуллардан, масалан, видео дарс, интернет дарс, саёҳат дарс, мюзик дарс, “Модул” дарс, баҳс-мунозара дарс, мусобақа дарс, “Заковат” ва интерфаол каби педагогик усуллардан фойдаланиши мумкин. Таълим ҳар доим такомил ва янгиланишга мушток. Шунинг учун ўқитувчилардан иложи борича таълимнинг янги усуллари устида изланиш талаб этилади. Чунки ўқувчиларга анъанавий дарслар, яъни бир хил қолипдаги дарслар ёқмайди, уларни зериктиради. Натижада ўқувчи мавзунини яхши ўзлаштира олмайди. Ҳар бир усулдаги дарслар икки-уч марта ўтилгандагина ўзини оқлайди. Ўқувчиларнинг зерикиб қолмаслиги учун педагогик технологиялардаги усулларнинг турлича бўлиши дарснинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Дарс жараёнларида ўқитувчи ўқувчининг нутқига, мустақил фикрлай олиши, ўз фикрини чет тилида бемалол ифода эта олиши, мустақил иш, ёзма иш, суҳбат, ҳикоя, мустақил фикрга таяниш каби шаклларига катта эътибор бериши лозим.

Аслида, педагогик технологиялардан ўқитувчи дарс жараёнида мажбуран фойдаланиши мумкин эмас. Аксинча, тажрибали педагоглар томонидан асосланган ёки амалда қўлланилаётган илғор технологиялардан фойдаланиш билан бирга, уларни янада, ижодий ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳозирги давр талаби.

Чет тили дарслари қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилишидан қатъий назар энг аввало педагогик технологиялар:

- педагогик фаолият (таълим-тарбия жараёнининг) самарадорлигини ошириш;
- ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши;
- ўқувчилар томонидан ўқув предметлари бўйича пухта билимларнинг эгалланишини таъминлаши;
- ўқувчиларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириши;
- ўқувчиларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиши;
- педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишини кафолатлайди.

Бу каби педагогик технологиялардан фойдаланилганда ўқувчиларнинг билим салоҳияти, фанга бўлган қизиқишлари янада ортади. Билим, малака, кўникмалари янада шаклланади ва улар танланган фаннинг асосий тушунчаларини фарқлай оладилар. Ўқитувчи дарс жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланишдан олдин мавзу бўйича асосий тушунчалар ҳақида маълумот бериб ўтади. Шундан сўнггина бу тушунчаларни ўқувчилар томонидан мустақил равишда ўзлаштиришлари, такрорлашлари, кенгайтиришлари ва

мантикий фикр юритишларига имконият беради. Бунда интерфаол усулларнинг аҳамияти ошади. Куйида бундай усуллардан бирининг инглиз тили дарси жараёнига татбиқини кўриб чиқайлик:

Бу метод “Think” яъни “Ўйла” деб номланади. Ўқитувчи дастлаб ўқувчиларни икки ёки уч гуруҳга бўлади. Уларга таниш бўлган бир сўзни айтади ва маълум бир чегараланган вақт беради. Ўқувчилар шу сўзга алоқадор (боғлиқ) бўлган сўзларни дафтарларига ёзишади. Масалан: “develop” сўзи. Бу сўзнинг ўзбекча таржимаси “ривожланиш”дир. Ўқувчи бу сўзга боғлиқ бўлган бошқа сўзларни ёзиши керак, яъни ўқувчи белгиланган вақт ичида нималар ривожланишини сўз ва гаплар орқали ўз мисолларида кўрсатиши лозим. Ўйиннинг асосий шартларидан бири улар ўйин давомида луғат, китоб ва дафтарларидан фойдаланмайдилар. Берилган вақт муддати тугаганидан сўнг гуруҳларнинг топган мисоллари тўғри ёки нотўғрилиги аниқланади ва натижалари баҳоланади.

Бу методни қўллаш ўқитувчига ўқувчиларнинг фикрлаш доирасининг қай даражадалиги, уларнинг луғат бойлигини билишга ёрдам беради. Ўқувчиларга эса мантикий фикрлашга, гуруҳ билан ишлаш кўникмасини шакллантиришга, ҳар бир ўқувчини фаолликка ундашга, ўзлари билмаган ва тополмаган мисолларни гуруҳдошлари ёки рақиб гуруҳ топган мисоллар орқали эслаб қолишларига ёрдам беради. Бундай методдан дарс жараёнида бир неча марта фойдаланилса, албатта ўқувчиларнинг сўз бойлиги янада ошади.

Бундан ташқари, дарс жараёнида ўқувчиларга чет тили дарсини ўтишда “Continue” яъни “Давом эттир” методини қўллаш мумкин. Бу методда ўқувчилар ўзларининг сўз бойлиги ва грамматик билимига таянадилар. Ўқитувчи доскага битта содда феълни ёзади. Ўқитувчи танлаган ўқувчилар бу феълдан кетма-кет содда ва мураккаб гаплар тузишади. Бу методни қўллаш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг грамматик билими ҳамда сўз бойлигини яна бир синовдан ўтказиши мумкин. Масалан, ўқитувчи доскага “Go” феълни ёзади. Танланган ўқувчи эса уни содда гапга айлантиради. Масалан, “I go” ёки “Go to bed”. Ва шу тариқа кейинги танланган ўқувчилар бу гапни кетма-кетликда давом эттиришади. Бу мисолимизни куйидагича матнда кўриб чиқишимиз мумкин:

Ўқитувчи: - Go.

1-ўқувчи: - Go to bed.

2-ўқувчи: - Go to bed said my mother.

3-ўқувчи: - Go to bed said my mother angrily.

Бу каби мисолларнинг кетма-кетлигини таъминлаш, энг аввало албатта ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришларига боғлиқ. Бу методни ўқитувчи гуруҳлар мисолида ҳам қўлласа бўлади. Ўқувчиларни ўқитувчи икки гуруҳга бўлиб, уларга иккита феълни доскага ёздирди ва ҳар бир гуруҳ қатнашчилари навбат билан феълни гапга айлантириб, гаплар кетма-кетлигини давом эттирадилар. Гапларнинг грамматик жиҳатдан тўғри ишлатилганлиги ва сўзларнинг тўғри ёзилиши ўқитувчи томонидан назоратга олинади ва улар умумлаштириб баҳоланади. Энг яхши кўрсаткичга эга бўлган ўқувчи эса ўқитувчи томонидан ўрнатилган кўрсатилади ва рағбатлантирилади.

Бу каби методлардан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин ва улардан чет тили дарсларида унумли фойдаланса бўлади. Булардан келиб чиқадиган хулоса шуки, ўқитувчи ўз дарсига илғор педагогик технологияларни қанчалик кўп даражада олиб кирса, уларни таълим мазмунига сингдириб ўз ўрнида фойдаланса ва ўзи ҳам бундай методларни янада ривожлантириб, янгидан-янги методларни ўйлаб топса, ана шундагина у ҳақиқий самарага эришади. Бу эса ўқитувчига ҳам, ўқувчига ҳам фойдали, деб ўйлаймиз.



**BOSHLANG‘ICH SINFLARDA Z.M.BOBUR HAQIDAGI ASARLARNI O‘RGANISHDA
INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH ORQALI DARS
SAMARADORLIGINI OSHIRISH**

Jumaniyozova M., Urganch DU f.f.n., dotsent.
Qurbonova E., Urganch DU talabasi.

«Ta'lim to'g'risida»gi Qonunda va «Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi»da yoshlarni jismonan baquvvat, ma'naviy jihatdan yuksak, aqliy jihatdan barkamol, ruhiy jihatdan qobiliyatli, zamonaviy ilm va kasb-hunarni mukammal egallagan, o'zining shaxsiy fikriga ega vatanparvar, insonparvar va mehnatsevar shaxs qilib tarbiyalash ko'zda tutilgan. Bunda boshlang'ich ta'lim ham muhim o'rin tutadi. Ma'lumki, boshlang'ich ta'lim insonning bilim va tarbiya olishida poydevor vazifasini o'taydi.

Boshlang'ich ta'limda o'quvchilarga Davlat ta'lim standartlariga mos bilim, ko'nikma va malakalar berish, umumiy madaniyatni shakllantirish uchun uni jamiyat hayotiga moslashtirish, ularda mustaqil fikrlashni rivojlantirish, inson shaxsini har tomonlama tarbiyalash orqali ularda vatanparvarlik, mustaqillik va demokratiyaga sodiqlik hissini shakllantirish belgilab qo'yilgan.

Ma'lumki, boshlang'ich sinf o'quvchilariga ta'lim-tarbiya berishdagi muhim vazifalarning asosiy qismi o'qish darslarida amalga oshiriladi.

Boshlang'ich sinf o'qish darslarini ilg'or ta'lim texnologiyalaridan foydalanib tashkil etish bugungi kunning dolzarb masalalaridan bo'lib, bu darslarni qiziqarli va samarador bo'lishini ta'minlaydi. Chunki ilg'or ta'lim texnologiyalarining asosiy maqsadi o'quv jarayonini faollashtirish, o'quvchilar tomonidan o'quv materialini o'zlashtirishning yuqori darajasiga erishish va ularni mustaqil fikrlashga hamda o'z fikrini bayon etishga o'rgatishdir.

Bugungi kunda ta'lim texnologiyalarini tushunishning asosiy yo'li aniq belgilangan maqsadlarga qaratilganlik, ta'lim oluvchi bilan muntazam o'zaro aloqani o'rnatish, pedagogik texnologiyaning falsafiy asosi hisoblangan ta'lim oluvchining xatti-harakati orqali o'qitishdir. O'zaro aloqa pedagogik texnologiya asosini tashkil qilib, o'quv jarayonini to'liq qamrab olishi kerak.

Ta'lim texnologiyalarini qo'llashda muhim talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdir. Qisqa vaqt orasida muayyan nazariy bilimlarni tahsil oluvchilarga yetkazib berish, ularda ma'lum faoliyat yuzasidan ko'nikma va malakalarni hosil qilish, shuningdek, tahsil oluvchilar faoliyatini nazorat qilish, ular tomonidan egallangan bilim, ko'nikma hamda malakalar darajasini baholash o'qituvchidan yuksak pedagogik mahorat hamda ta'lim jarayoniga nisbatan yangicha yondashuvni talab etadi.

Ta'lim texnologiyalarini majburan qo'llash orqali maqsadga erishib bo'lmaydi. Aksincha, tajribali pedagoglar tomonidan asoslangan yoki ular tomonidan qo'llanilayotgan ilg'or texnologiyalardan foydalanish bilan birga, ularni ijodiy rivojlantirish maqsadga muvofiqdir.

Boshlang'ich sinf "O'qish kitobi" darsliklaridan o'zbek xalqi tarixida katta o'rin tutadigan buyuk ajdodlarimiz haqidagi bir qator asarlar ham o'rin olganki, bular boshlang'ich sinf o'quvchilariga Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali Ibn Sino, Amir Temur, Mirzo Ulug'bek, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur kabi dunyo fani va ma'rifatiga o'zlarining munosib hissalarini qo'shgan allomalar, buyuk shaxslar haqida ma'lumot beradi. Ana shunday buyuk insonlardan biri Zahiriddin Muhammad Boburdir.

Boshlang'ich sinf "O'qish kitobi" darsliklaridan Zahiriddin Muhammad Bobur haqidagi bir qator asarlar o'rin olgan. Jumladan, "Shoh va shoir" ilmiy ommabop maqolasi va G'.Komilovning "Ona sabog'i" hikoyasi (1-sinf); G.H.Pantning "Boburning fazilatlarini" ilmiy-ommabop maqolasi (2-sinf); "Bobur va kabutar" rivoyati; X.Sultonning "Zahiriddin Muhammad Bobur" va Mirzo Karimning "Sayilda", P.Qodirovning "Bobur va Humoyun" hikoyasi (3-sinf); "Hidi, tilimi va mazasidan" rivoyati (4-sinf) kabilar.

Bu berilgan hikoya, rivoyat va matnlarning har biri qaysidir jihati bilan Boburning insoniy fazilatlarini ko'rsatishga, uning o'zligi haqida o'quvchilarda tasavvur uyg'otishga yordam beradi. Boshlang'ich sinf o'qish darslarida Bobur haqidagi asarlarni o'rganishda ham o'quvchilarning hikoyani chuqur o'zlashtirishlarini, uni tahlil qila olishlarini ta'minlash kerakligini hisobga olgan holda metod tanlashga e'tibor qaratiladi. Bunda innovatsion texnologiyalarni qo'llash maqsadga muvofiqdir. Shu bois yuqoridagi asarlarni o'rganish darslarida "Klaster", "Aqliy hujum", "Venn

diagrammasi”, “Dumaloq stol”, “Esse”, “T-sxema” kabi turli metodlarni o`rni bilan qo`llash darsning samaradorligini oshirish omili bo`ladi desak, yanglishmaymiz.

Xususan, 4-sinfda P.Qodirovning “Bobur va Humoyun” hikoyasi o`qilayotganda o`quvchilarga Bobur haqida oldingi sinflarda olgan bilimlarini Klaster shaklida ko`rsatish taklif qilinadi. Bu esa o`quvchilarning Bobur haqidagi tushunchasini aniqlashga va uni yanada kengaytirishga yordam beradi.

«Ikki qismli kundalik» metodi esa hikoya o`qish darsining yangi mavzu o`rganilayotgan qismida yoki uni mustahkamlashda foydalaniladi. Bu metod bilan ishlash asosan yozma shaklda amalga oshiriladi. Bunda o`quvchi o`zining konspekt daftarini ikki qismga ajratadi.

Yangi o`rganilgan tushuncha, ta`rif yoki izohlar daftarning birinchi tomoniga yoziladi. Ikkinchi tomoniga esa har bir o`quvchi berilgan ta`rifdan kelib chiqib, o`z ta`rifini bir nechta variantda yozishi kerak bo`ladi. Masalan:

Berilgan ta`rif	O`quvchining ta`rifi
Jonkuyar ota	O`glini juda sevadi Farzandi uchun qayg`uradi Farzandi uchun jonini fido qilishga tayyor

Bu metod o`quvchilarning mantiqiy fikrlashini shakllantiradi hamda ularda o`z fikrini izchillik bilan ifodalash ko`nikmasini hosil qiladi.

“Aqliy hujum” metodi o`quvchilarning hikoya mazmuni xususida keng va har tomonlama fikr yuritish, shuningdek, o`z tasavvurlaridan ijobiy foydalanish borasida ma`lum ko`nikma hamda malakalarni hosil qilishga undaydi. Ushbu metod yordamida Bobur haqidagi hikoyalarning mazmunini o`zlashtirishni bilib olish imkoniyati tug`iladi. Masalan, “Hidi, tilimi va mazasidan” rivoyatini o`qitishda “Aqliy hujum” metodidan foydalanish mumkin:

- Bog`bon nima uchun Boburshohni aldashga jur`at qildi?
- Shoh aldanganini kechiradi deb o`ylaysizmi?
- Nima uchun Bobur o`zini aldagan bog`bonni jazolamay, aksincha taqdirladi?

Darsda o`quvchilarni berilgan savollar doirasida keng fikr yuritishga undash, ular tomonidan kutilmagan mantiqiy fikrlarning bildirilishiga erishish muhim sanaladi.

Ko`rinadiki, Bobur haqidagi asarlarni o`rganish darslarida innovatsion texnologiyalarni qo`llash o`quvchilarning buyuk ajdodimiz haqidagi bilimlarini yanada kengaytirishga, dars samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Shuningdek, o`quvchilarning ijodiy, mustaqil va mantiqiy fikrlashini shakllantirishga erishish vositasi sifatida ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Uzviylashtirilgan Davlat ta`lim standarti va o`quv dasturlari (Ona tili, o`qish, matematika, atrofimizdagi olam va tabiatshunoslik) (1–4 sinflar). – Toshkent. 2010.

2. Azizxo`jayeva N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – Toshkent. O`zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2006.



БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТАРЗДА ТАШКИЛ ЭТИШ САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

**Жўраева Х.Ш., Учкўприк тумани 24-умумий ўрта таълим мактаби 1-тоифали
инглиз тили ўқитувчиси**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрда эълон қилинган “Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида, чет тил ўқув фани сифатида бошланғич таълим таркибидан тўлиқ ўрин эгаллаши, чет тилларни ўрганишга қизиқишни кучайтириш ва халқнинг ўртача маълумот даражасини ўстириш, умумий маданиятга талабнинг ошиши, халқаро ва маданиятлараро ҳамкорликка

тайёргарликни шакллантириш каби истикболдаги вазифаларни амалга оширишни кўзда тутди.

Шуни қайд этиш керакки, мактабгача таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфлари учун ўқув материални танлаш ва саралашда ўқувчиларнинг ёш, психологик ва эргономик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда мазмуннинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш зарур.

Узлуксиз таълим тизимининг кейинги бўғини бўлган умумий ўрта таълим мактабларида ҳам хорижий тилларни ўрганиш соҳасида муайян тажрибалар тўпланган бўлиб, мазкур тажрибалар асосида 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча ҳудудида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш жараёни **биринчи синфда** вазиятли ва таълимий ўйинларни қўллаш орқали нутқни ривожлантириш мақсадида ташкил этилади. Шу сабабли инглиз тилини ўрганишда фойдаланиладиган дидактик ўйинларни танлаш ва саралаш зарур.

Бошланғич таълимнинг иккинчи синфидан бошлаб, вазиятли ва таълимий ўйинларни қўллаш орқали оғзаки нутқни ривожлантириш баробарида ўқувчилар томонидан мазкур тилнинг алифбоси, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириши босқичма-босқич амалга оширилади. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг фаоллигига эришиш таълимнинг метод ва усуллари тўғри танлай олиш билан боғлиқдир. Методик адабиётларнинг таҳлиliga кўра, муайян метод ва усуллар ёрдамида ўқувчиларнинг билиш фаоллиги икки йўл билан амалга оширилади: фанга бўлган қизиқишни кучайтириш, ўқувчиларнинг мустақиллигини таъминлаш. Дарс жараёнида ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш ҳам ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини ва билиш фаоллигини оширади, ўқувчиларнинг қизиқиш билан ишлари ҳамда дарс давомида учрайдиган қийинчиликларни осон енгишларига ёрдам беради.

Катталарга нисбатан ёш болаларнинг, айниқса, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг диққати чегараланганлиги туфайли дарс жараёнининг ҳар 5-7 дақиқасида эркин машғулот ташкил қилиб туриш мақсадга мувофиқ. Бошланғич синфларда чет тилда мулоқот қилиш асослари оғзаки ва ёзма нутққа эътиборни қаратиш билан белгиланади. Ўқув вақтининг асосий қисми талаффуз, график, орфографик, лексик ва грамматик кўникмаларни шакллантиришга ажратилади.

Мутахассис олимларнинг таъкидлашларича, бола 9 ёшгача тил эгаллаш бўйича ўзига хос мутахассис бўлади. Болалар томонидан хорижий тилларни нисбатан осон ўзлаштирилишини импритинг ҳодисаси билан боғлаш мумкин бўлиб, бу ҳодиса тез эса олиб қолишни, сўзлардан нутқда бирикмалар ва жумлалар ҳосил қила оладиган даражада тўғри фойдаланишни кўзда тутди.

Психолог олимлар эса, 8 ёшгача болада импритинг учун қулай бўлган ёш деб ҳисоблайдилар. Бунга кўра, агар болаларга 5-6 ёшдан бошлаб хорижий тиллар ўргатиб борилса, 2-3 йил ичида уларга тил бўйича бирмунча кўп материал бериб, улардан оғзаки нутқда фойдаланиш қоидаларини самарали ташкил этиш мумкин. Бу жараён самарадорлиги боланинг ёдда сақлаб қолиш хусусиятлари билан боғлиқ. Кичкина болаларда оператив хотира кўникмалари ҳали шаклланмаган бўлиб, сўзларни эса олиб қолиш механизми асосан бола доимий равишда фойдаланадиган она тили бўйича эса олиб қолишнинг доимий механизмлари билан бир хил бўлади.

Шунинг учун ҳам **мактабгача ва кичик мактаб ёшидан** бошлаб хорижий тилларни ўрганиш катта ёшда хорижий тилларни ўрганишни бошлашдан кўра тезроқ ва мустаҳкамроқ бўлади. Болаларнинг фонематик эшитиш қобилиятлари жуда ривожланганлиги сабаб улар барча янги сўзларни яхши ўзлаштирадилар. 4-8 ёшли болалар нафақат сўзларни, балки уларнинг хусусиятларини ҳам имитация қила оладилар.

Хорижий тилларни ўрганишга нисбатан энг қулай бўлган давр бу 5-8 ёш бўлиб, бу даврда бола томонидан ўз она тилини ўрганиш тизими тўлиқ эгалланган бўлиб, хорижий тилни эгаллашга у онгли равишда ёндашади, атрофдагилар билан хорижий тилда алоқага киришиш унда қийинчилик туғдирмайди. Болаликда хорижий тилларни ўрганиш жараёни

орқали ривожланадиган аналитик лаёқатлар боланинг коммуникатив қобилиятлари ривожига ижобий таъсир кўрсатади. 10 ёшдан сўнг хорижий тилларни ўрганувчи болаларнинг фақат 5 фоизигина сўзларни акцентсиз талаффуз этиши мумкин. Шунинг учун ҳам хорижий тилларни ўрганишни эрта бошлаш самарали ҳисобланади.

Ўқувчиларга хорижий тилларни самарали ўргатиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1. Ўқувчиларга чет тилида гаплашиш, бошқаларни тушуниш ва уларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлган имкониятларни яратиш;

2. Ўқувчиларни чет тилларини ўрганишга нисбатан қизиқишларини юзага келтириш ва бу қизиқишнинг давомий ва узлуксиз бўлишини таъминлаш;

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда инглиз тили саводхонлигини тўғри ташкил этиш ва узлуксизлик тамойиллари асосида ривожлантириб бориш уларнинг келажакда хорижий тилни ўрганишга қизиқиш билан ёндашишга ва самарали равишда инглиз тилида сўзлашувга ўргатади. Бу эса, инглиз тили ўқитувчисига ўзига хос машаққатли меҳнатни юклайди. Шундай экан, ўқитувчилардан янада самарали меҳнат қилишлари ва етарли даражада саводхонлик машғулотларни тўғри ташкил этишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори // Ма’рифат.– Т., 2012. – 12-декабр.(№ 99). – Б. 1-2.

2. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. – Т.:Фан.2000 .- 128 б.

3. Jalolov J. Chet til o‘qitish metodikasi: chet tillar oliy o‘quv yurtlari (fakultetlari) talabalari uchun darslik. – Toshkent: O‘qituvchi, 2012. – 432 b.

4. Зарипова Р.А. Чет тиллар ўқитиш методикасидан қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1986. – 184 б.



РОЛЬ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ПРИНЦИПОВ В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА И ЭФФЕКТИВНОСТИ НАЧАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Забирова Е., доцент, Утемуратов Б., к.ф.н Каракалпакстан РИПШКПК

Педагогическая система каждой исторической эпохи переживает существенные изменения. Однако на всех этапах развития общества следует уделять особое внимание качественной подготовке педагогических кадров. Слушатели курсов, имея высокий умственный потенциал, хорошо владея знаниями, часто не могут применить их в практической деятельности. Одним из эффективных средств решения данной проблемы может стать интеграция содержания образования, способствующая формированию у слушателей знаний новых педагогических технологий в образовательной системе.

Идеи интегрированного обучения сегодня особенно актуальны, поскольку способствуют успешной реализации новых образовательных задач, определенных государственными документами. Интеграция обучения предусматривает создание принципиально новой учебной информации с соответствующим содержанием учебного материала, учебно-методическим обеспечением, новыми технологиями.

Интегрированное обучение сегодня пытаются внедрить прежде всего на первом этапе - в начальной школе. Сущность интеграции многокомпонентного содержания начального образования заключается в том, что она даёт возможность ребёнку воспринимать предметы и явления целостно, разносторонне, системно и эмоционально.

Традиционное разделение содержания школьного обучения на отдельные автономные учебные предметы вызвано стремлением дать школьнику более обстоятельную подготовку

по той или иной учебной дисциплине, с тем, чтобы при завершении обучения каждый учащийся, имея хорошее представление о частном, имел бы общее представление в целом. Однако практика обучения показывает, сколь трудно осуществить принцип обучения письму. Практика работы в школе и в РИПККП им. К. Убайдуллаева с 1978 года показала, что современное образование характеризуется системными изменениями в структуре и содержании.

Рассмотрим конкретно интеграцию таких предметов учебного курса начальной школы: уроки ПДД, ОБЖ, уроки здоровья, экономики, азбука Конституции в соответствии ГОСО выше указанные предметы рекомендуется включать в состав предметов: азбука, этика, чтения, природоведение, О.Н.М. труд, математика, физвоспитание и в содержание воспитательных часов.

На наш взгляд, учителю начальных классов (он является и классным руководителем) необходимо решать проблему интеграции этих предметов. Для того, чтобы процесс обучения письму в 1-2 классах был целенаправленным, требуется знание специальной методики. По нашим наблюдениям принципы обучения письму остаются актуальными и в настоящее время. В РИПиПККП им. К. Убайдуллаева приходят сейчас на переподготовку учителя, окончившие факультеты физики, математики, русский язык и др.

Возрос спрос на учителей начальных классов. Далее учителя проходят специализацию во время учебы в РИПиПККП.

Поэтому, на наш взгляд, этот материал будет использован в дальнейшей работе учителей начальных классов.

При формировании каллиграфических навыков у младших школьников рекомендуются использование таких принципов обучения:

- принцип наглядности
- принцип сознательности
- принцип повторяемости
- принцип соответствия физическим и психологическим особенностям детей.

Интеграция обучения чтению и письму.

Принцип научности требует, чтобы в содержании обучения были отражены объективные научные факты, теории, законы.

Принцип систематичности последовательности предусматривает преподавание и усвоение знаний в определенном порядке, системе.

Принцип доступности требует учета особенностей развития учащихся, анализа материала с точки зрения их реальных возможностей и такой организации обучения, чтобы дети не испытывали интеллектуальных, моральных, физических перегрузок. Еще Я.А. Каменский дал толкование этого принципа:

- переход от близкого к далекому;
- от легкого к трудному; от известного к неизвестному;

Принцип наглядности - один из старейших и важнейших в дидактике - означает, что эффективность обучения зависит от целесообразного привлечения органов чувств к восприятию учебного материала. При обучении письму используют изобразительную наглядность (картина, фотографии, рисунки), символическую и графическую наглядность (графики, схемы и так далее), внутреннюю наглядность (образы, создаваемые речью учителя) и внешнюю (буквы из бархатной и наждачной бумаги), направленную на развитие тактильных ощущений и мелкой моторики руки. Этот принцип особенно важен в обучении чистописанию. Очень важно, чтобы обучение графическим навыкам письма было **сознательным**.

Принцип сознательности и активности учащихся выражается в том, что учащиеся осознают цели учения, планируют и организуют свою работу, умеют себя проверить, проявляют интерес к знаниям, ставят проблемы и умеют искать их решения.

Это значит, что навыки, приемы, привычки, которые формирует учитель, обучая учащихся письму, должны быть с самого начала их подачи разъяснены учащимся и понятны

им. Так, учащиеся должны знать, как, в каком порядке пишется та или иная буква, как она соединяется с другими буквами; знать, зачем мы пишем с наклоном и как получается наклон при письме, какой должна быть высота букв, как держать ручку, как сидеть при письме и другое.

Принципа повторяемости для автоматизации навыка письма имеет большое значение. Этот принцип осуществляется в основном в упражнениях.

Упражнение- это не просто механическое повторение нужных движений и их последовательности. Упражнение должно быть таким повторением, повторным воспроизведением, при котором совершенствуется исполнение.

Обучая детей чистописанию, учитель должен опираться на **принцип учета индивидуальных особенностей детей**: хорошо знать способности детей к письму, учитывать особенности зрения детей (близорукие, дальнорукые), замечать отклонения в моторике, леворукость.

Принцип прочности требует, чтобы знания прочно закрепились в памяти учеников, стали бы частью их сознания, основой привычек и поведения. Этот принцип очень важен при формировании графического навыка.

Принцип рационального сочетания коллективных и индивидуальных форм и способов учебной работы. Это означает, что учитель может и должен испытать самые разнообразные формы организации обучения, а также различные способы взаимодействия учащихся. Необходимо сочетать: индивидуальную работу, работу в постоянных и сменных парах, в малых и больших группах.

На первых этапах обучения грамоте важен **принцип совместного обучения чтению и письму**. Введенный еще К.Д. Ушинским, этот принцип оправдал себя в практике обучения в течение более ста лет и успешно реализуется в настоящее время.

Некоторые выводы и рекомендации:

1. Учителю надо ориентироваться как на отдельные принципы обучения, так и на их систему, обеспечивая научно-обоснованный выбор целей, отбор содержания, методов и средств организации деятельности учащихся, создание благоприятных условий и анализ учебного процесса;

2. Учителю целесообразно рассматривать обучение как всестороннее гармоничное развитие личности, индивидуальности школьника, деятельности и личностного подхода в обучения и воспитании, организацию оптимизации учебного процесса.

3. Учитель должен видеть разные стороны педагогического процесса и умело регулировать их взаимодействие, опираясь на законы и принципы обучения и добиваясь гармоничного единства.

Таким образом формирование каллиграфических навыков письма имеет большое педагогическое и общественно-воспитательное значение. Приучая школьников к аккуратному и четкому письму, заботясь об устойчивости их почерка, учитель воспитывает у них аккуратность, трудолюбие, добросовестное и старательное отношение к выполнению любой работы.

Обучение элементам письма присущи как кириллице так и латинской графике.

Литература

1. Каримов И.А. «Узбекистан по пути углубления экономических реформ». «Узбекистан» 1995.
2. Агаркова Н.Г. Графический навык. Каллиграфические навыки письма.
3. Агаркова Н.Г. Русская графика. Книга для учителя.



**BOSHLANG'ICH TA'LIMDA O'QUVCHILARGA TEXNIKA XAVFSIZLIGI
QOIDALARI VA SANITARIYA-GIGIYENA TALABLARINI O'RGATISH**

Zaripova G., Buxoro DU dotsenti, p.f.n.

Hozirda informatika va axborot texnologiyalari fani boshlang'ich ta'limda o'tilmoqda. Shuning uchun ham boshlang'ich sinflarda dastlab texnika xavfsizligi qoidalari va sanitariya-gigiyena talablari o'tilishi ko'pgina ko'ngilsiz hodisalarning oldini oladi. Bu qoidalar quyidagilardan iborat: elektr tokidan foydalanish qoidalari; yong'inning oldini olish choralari; elektromagnit va lazerli nurlanishlaridan saqlanish; zaharli moddalardan ehtiyot bo'lish sanitariya-gigiyena talablaridir.

Boshlang'ich ta'limda elektr tokidan foydalanish qoidalari. Tabiatdagi barcha narsalarda, xususan o'quvchi organizmida ham elektr zaryadlari mavjud bo'lib, ular o'zaro muvozanatda turadi va hayot uchun hech qanday xavf tug'dirmaydi. Bundan tashqari, bola tanasi a'zolarining faoliyati o'ta kuchsiz elektr signallari yordamida amalga oshiriladi va boshqariladi. Lekin o'quvchi organizmidan elektr toki oqib o'ta boshlaganda, bu muvozanat va zaryadlarning joylashish tartibi o'zgaradi va juda qisqa vaqtda o'quvchining yurak, miya kabi o'ta muhim a'zolarining tiklab bo'lmaydigan darajada ishdan chiqishiga olib kelishi mumkin. Shuning uchun ham boshlang'ich sinflarda kompyuter saboqlaridan ta'lim berganda mana shu qoidalarni avvalo, o'quvchilarga batafsil o'rgatmoq kerak. Inson hayoti uchun butun tana bo'ylab, masalan bir qo'ldan ikkinchisi tomon yoki qo'ldan oyoqqa qarab o'tadigan elektr toki eng xavfli hisoblanadi. Odatda tok urganda elektr toki inson tanasi orqali yerga o'tib ketadi.

Yuqori kuchlanish (220 Volt) yuradigan simlarning barchasi, shu jumladan uzaytirgichlarning, kompyuter va boshqa qurilmalarning elektr ta'minotiga ulanish simlarining ikki marta izolyatsiya qilinganligi talab qilinadi. Inson tanasidan oqib o'tadigan tok miqdori bola tanasining elektr tokiga qarshiligiga ham bog'liq. Foydalanuvchilarning shamollab qolishi, isitmasining chiqishi, qo'lni yuvib, yaxshi artmaslik ham o'quvchi tanasi qarshiligini 2-50 marta kamaytirib, tok urish xavfini shuncha marta oshirib yuborishi mumkin. Kompyuterning korpusida yuqori kuchlanishli elektr toki bo'lmasa-da, ular yerga ulanmagan yoki yaxshi ulanmagan va uzoq vaqt, masalan, kun bo'yi ishlayotgan bo'lsa, korpusda hayot uchun xavfli miqdordagi elektr zaryadlari yig'ilib qolgan bo'lishi mumkin. Shu sababli auditoriyadagi kompyuterlar devor bo'ylab yoki xonaning o'rtasiga ikki qator qilib joylashtirilishi kerak.

Dars jarayonida yong'inning oldini olish choralari. Kompyuterning ichida kamida 4 ta elektr ta'minoti blokida, mikroprotessor ustida, vinchester rusumidagi diskda va videoprotessor ustida ventilyator borligining o'zi kompyuterning qizib ketishi xavfi qanchalik kattaligini ko'rsatib turibdi. Ayniqsa, respublikamiz sharoitida bahor va yoz oylarida ob-havoning keskin isib ketishi bu xavfni yanada oshiradi. To'g'ri kompyuter uskunalarining qizib ketishi, ko'proq ularning ishdan chiqishiga olib kelsa-da, kuygan uskunalar elektr ta'minoti tizimida qisqa tutashuvga va yong'inga sabab bo'lishi mumkin.

Kompyuter qizib ketishining oldini olish uchun ularning korpusidagi ventilyatsion teshiklarning berkilib qolishiga yo'l qo'ymaslik kerak. Ularga havo oqimlarining bemalol bora olishi uchun kompyuterni devorga taqab qo'ymaslik kerak. Ularga havo oqimlarining bemalol bora olishi uchun kompyuterni devorga taqab qo'yish, ularni saqlash uchun mo'ljallangan temir qutilarda turgan holda ishlatish, kompyuter va monitor ustiga qog'oz varaqlari, daftar va kitoblarni qo'yish, kompyuter texnikasini changdan saqlash uchun maxsus tikilgan g'iloqlarni yig'ishtirmay ishlatish taqiqlanadi.

Odatda kompyuter xonalarining derazalari va eshigi temir panjara bilan to'silgan bo'ladi. Yong'in xavfi tug'ilganda o'quvchilarni tezda va turli yo'llar bilan olib chiqish imkoni bo'lishi uchun deraza panjaralari qulf va kalit yordamida ochiladigan bo'lishi lozim.

Zaharli moddalar. Lazerli printerning kukuni tarkibida zaharli moddalar mavjud. Ular qog'ozga tushirilayotgan paytda kuydiriladi va butunlay zararsizlantiriladi. Printeriga tiqilib qolgan qog'oz sug'urib olinganda undagi kukunning bir qismi kuydirilmagan bo'ladi va havoga chang tarzida tarqalishi, kiyim va teriga yuqib, bola organizmiga kirib borishi mumkin. Bunday chala kuydirilgan qog'ozlarni qarovsiz qoldirish, ulardan boshqa maqsadlarda foydalanish va axlat qutilariga tashlash mumkin emas. Ularni darhol avvaldan tayyorlab qo'yilgan yupqa selofan yoki qog'oz paketlarga joylash kerak.

Boshlang'ich ta'limda sanitariya-gigiyena talablari qoidalari. Informatika va axborot

texnologiyalari darsida o'quvchilar kompyuterda ishlaganlarida, boshqa darslardan farqli o'laroq, ularning bir qator mushaklari tarang holatda bo'ladi va kompyuterda uzoq muddat ishlash to'liq shakllanib ulgurmagan o'quvchilarning gavdalarining zo'riqishiga va uning noto'g'ri shakllanishiga olib kelishi mumkin. Buning oldini olish uchun quyidagi talablarga rioya qilish kerak: kompyuter monitori oldida o'tirgan o'quvchilarning ko'zlari darajasidagi balandlikda bo'lib, ular displeydan 40 sm dan 80 sm gacha masofada o'tirish imkoniyatiga ega bo'lishlari kerak; kompyuter klaviaturasi oldida o'tirgan o'quvchilarning bukilgan tirsaklari darajasida bo'lishi kerak. Sichqoncha uchun klaviaturaning ikkala tomonidan yetarlicha joy qoldirilishi va ular bir xil balandlikda bo'lishlari kerak; kompyuterlarni maxsus ishlangan stend va shkaf ko'rinishidagi mebellarga joylash taqiqlanadi. Kompyuter stolining tortmalari bo'lsa, o'quvchilarning o'tirgan holda oyoqlarini oxirigacha uzatishlariga xalaqit berishi kerak emas; kompyuterda muttasil ishlash vaqti o'quvchilar uchun (yoshiga qaragan holda) 40 minutdan ortmasligi kerak; kompyuter xonasining kvadrat metrdagi sathi unga joylashgan kompyuterlar soniga kamida 6 marta ko'p bo'lishi kerak; kompyuter xonalari yetarli quvvatga ega ventilyatsiya tizimiga ega bo'lishi kerak; kompyuter klaviaturasida iflos qo'llar va o'stirilgan tirnoqlar bilan ishlashga ruxsat berilmaydi; yuqumli kasalliklar huruji paytida o'quvchilar kompyuterda ishlashdan oldin va keyin qo'llarini sovun bilan yuvishlari kerak; klaviaturaning kompyuter ishlamayotgan paytda uzoq muddatga ochiq holda qolishi va unda chang yig'ilib qolishining oldini olish lozim.

Kompyuter xonasida stol va stullarga talablar mavjud bo'lib, stol balandligi yerdan 68-77 sm bo'lib, stullar esa aylanuvchan bo'lishi kerak va albatta orqasida suyanchig'i bo'lishi kerak. Chunki stol-stullar o'z gabariti bilan to'g'ri kelmasa, foydalanuvchi tezda charchab qoladi. Stol va stullar shunday joylashtirilishi kerakki, ular o'quvchiga turib yurishga xalaqit bermasligi kerak. Bundan tashqari, o'qituvchi bemalol har bitta o'quvchini oldiga borib, uni qilgan xatolarini kompyuterda bemalol ko'rsata olishi kerak. Monitorni dizayni va rangi o'ziga e'tiborni jalb qilmasligi kerak. Shuning uchun monitoring sirt tomonida har xil reklama yopishtirgichlarini olib tashlash kerak.

Yuqorida aytib o'tilgan fikrlar nafaqat boshlang'ich ta'limda informatika va axborot texnologiyalari darslarini o'tish jarayoni davr talabi bo'libgina qolmasdan, balki o'quvchilarning texnika havfsizligi qoidalarini va sanitariya-gigiyena talablarini bilishlari hamda unga rioya etishlari natijasida o'quvchilarga ta'lim berib, ularni tarbiyalash sog'lom, bilimli, kelajagi porloq avlodning shakllanishida o'z hissasini qo'shadi.



БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ИНТЕРНЕТДАН ФЙДАЛАНА БИЛИШГА ҚИЗИҚИШНИ ТАРБИЯЛАШ ЭТИКАСИ

**Зарипова Г., Бухоро ДУ доценти, п.ф.н.
Имомова Ш., Бухоро ДУ ўқитувчиси**

Миллий мустақиллик йўлида дадиллик билан одимлаётган республикамизнинг келажакдаги тараққиёти, аввало, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар жиҳатдан камолга етказишни такозо этади. Келажакимиз бўлмиш ёш авлодни соғлом, баркамол, билимли, мустақил ва эркин фикр соҳиби этиб тарбиялаш муҳимдир.

Деярли ҳар дақиқа сайёрамизнинг турли бурчакларида ўзгаришлар, янгиланишлар ва кутилмаган воқеа-ходисалар содир бўлмоқда. Ҳар бир кунимиз кучли ахборот оқими остида кечмоқда. Ахборот оқими бизни уйда, дарсларда ва таътилда таъқиб этади. Инсон ахборот таъсиридан ҳоли нормал фаолият юрита олмайди. Ҳаётни англаш уни ўрганиш ахборотларни қай даражада ўзлаштирганига: озми ёки кўпми, сифати, мазмундорлиги билан боғлиқдир. Шунинг учун замонавий билимлар сари кенг йўл очиш маълумотни такомиллаштиришда Интернетдан унумли фойдаланиш – бугунги куннинг талабига айланди.

Зеро, фарзандларимизни комил инсон этиб тарбиялашда, уларда аввало мустақилликни шакллантириш зарурки, токи бола мустақил ўйнасин, мустақил ўқисин, мустақил ўргансин ва шу билан бирга у ҳар томонлама мустақил фикр ҳам юритсин. Болаларда мустақилликни тарбиялашнинг имкониятлари кичик мактабдаги дарслар ва дарсдан ташқари фаолиятлар,

айниқса информатика дарсларининг ўрни бекиёсдир. Чунки ўқувчи машғулотларда кўрган-билганларини ўзича қабул қилади, бу эса уни интеллектуал (ақлий) ривожлантиради, мустақилликка ўргатади. Одатда, қизиқувчан ўқувчи мактабда ўрганган машғулотларни уйда ҳам давом эттиради. Яъни компьютер дарсларида кўрганларини, билганларини, ўрганганларини уйда ҳам бажариб кўради. Ота-она боладаги бу хатти-ҳаракатларини кўриб, назорат қилиб, керак бўлганда унга кўмаклашиши, болани рағбатлантириши ва унинг ижобий ишини муносиб баҳолаши лозим. Уйда эса боланинг мустақил шуғулланиши учун етарли шарт-шароитни яратиб бериши ва уни текшириб бориши ҳам зарур. Айтайлик, фарзандларимиз ижодий-ижобий иш билан шуғулланыпти. Биз уларнинг ишини дарров маъқуллашимиз, яхши муносабатда бўлишимиз шарт, чунки улар мустақилликка интилаяпдилар, лекин улар масалан компьютер тармоғига уланган ҳолда ишлаётган бўлсалар-чи, у ҳолда уларни мустақил фикрларини инобатга олиб туриб, аниқ бир топшириқларни бажариш даркор. Чунки Интернет сайтларида керакли маълумотлар билан биргаликда кераксиз (ахлоқсиз) маълумотлар ҳам борки, шаклланиб келаётган болаларимизни бу машғулотда тўла мустақил қўя олмаймиз. Бунинг учун ўқитувчиларимиз, ота-оналаримиз, аввало боланинг компьютер техникасидан, шунингдек машғулот куролларидан тўғри ва унумли фойдаланишни, сўнгра иш, ўқиш ёки ўйин жойини озода сақлашни ўргатиш лозим.

Ҳозирда биз Интернет тармоғидан самарли фойдаланганимиз учун, таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Таълим тизимида масофадан ўқитиш услуги шакллари қўлланилмоқда. Бу йўлда ўқитиш айниса соғлиғида ноқислик бор болаларда юқори натижаларга эришилмоқда. Интернетнинг ажойиб имкониятларидан бири – унинг ёрдамида бола синфдошлари билан мулоқотга киришишидир. Масофадан туриб бир ўқувчи ўз ўқитувчиси ёки синфдош-ўртоғи билан дарс юзасидан мулоқотда бўлиши, хатто Skype (скайп)да бир бирови билан сўзлашиши, биргаликда режалар тузиши, лойиҳалар тузиши ва уларни амалга биргаликда (ҳар қайсиси ўз уйда туриб) бажариши мумкин. Интернетдан ўқувчи фақат информатика фанига тааллуқли бўлган ахборотларни эмас, балки барча ўқитилаётган фанларига доир маълумотларини мустақил олиши, ўрганиши ва бажариши мумкин.

Юқорида айтилган Интернетнинг ижобий томонлари саналса, шунинг билан бирга бу тизимнинг салбий томонлари ҳам йўқ эмас. Юртбошимиз Ислоҳ Каримов бу ҳақда ўзларининг “Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз” асарида (–Тошкент: “Ўзбекистон”. -2001й. 117-б.): “...ҳаётимизга чуқур кириб бораётган телекоммуникация ва интернет каби замонавий воситаларни ҳам ўзининг разил ниятлари йўлида маккорлик билан ишлатишга ҳаракат қилмоқда. Ёшларимизни бу бало-қазолардан асраш учун жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди” – деб ўринли таъкидлаганлар. Булар: Интернетда порнографик расмлар, ахлоқсиз фильмлар ва рекламалар бизнинг миллий мафкурамизга, қадриятларимизга зид бўлган диверсиядир. Болаларимизни Интернетдаги бу салбий ахборотлардан ҳимоялаш учун, аввало, уларда ахлоқ-одобни, миллий урф-одатларимизни тарбиялашимиз лозим. Шунинг билан бирга болаларимизнинг миллий онгини ўстиришимиз ва уларга миллий қадриятларимизни сингдиришимиз лозимки, натижада улар бизнинг назоратимизсиз ҳам Интернетдан фойдаланганларида ўзлари учун керакли, фойдали ва макбул ахборотларни олишлари ва зарарли ахборотлардан воз кеча билишлари, уларга нисбатан танқидий муносабатда бўлишлари даражасида тарбиялашимиз керак. Бунинг учун компьютер технологияларидан дарс бераётган ўқитувчи дарсида Интернетдан фойдаланаётганида мавзуга доир ўринларини миллий қадриятларимизга боғлаб олиб бориб, Интернет ва миллийлик, ахлоқ-одоб, виждон, инсонийлик, меҳр-мурувват, қадр-қиммат, соғлиқ-саломатлик каби тушунчаларни ёшларнинг онгига уларнинг психологиясидан келиб чиққан ҳолда педагогик ёндашилса ҳамда бунга ота-оналар яқиндан ўз болаларини таълим-тарбиясида биргаликда кўмаклашишса шу йўл билан Интернетдан фойдаланиш этикаси ва миллий қадриятларимизни уларнинг онги ва қалбига сингдириш мумкин бўлади. Бу ишни уларнинг мустақиллиги, индивидуаллиги, шахсиятига, фаоллигига,

топқирлигига, ижодкорлигига путур етказмаган ҳолда олиб бориш таълим-тарбия бераётган педагогларнинг санъаткорона маҳоратига боғлиқ бўлади. Президент Ислон Каримов ўзининг “Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз” асарида (– Тошкент: «Ўзбекистон». – 2001й. 113-бет): “Бугунги кунда миллий информация тизимини шакллантириш жараёнида Интернет ва бошқа глобал ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Бунга эришиш XXI асрда мамлакат тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади” – деб таъкидлашларида жон бор.

Бинобарин, эртанги кун янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали ёшларни талаб этади. Бундан келиб чиқадики, ўқувчиларни Интернетдан фойдалана билишга қизиқишни тарбиялашда уларни мустақил фикрлашга, ижодга ўргатиш ўта муҳимдир. Зеро, бундай таълим-тарбияни амалга ошириш ҳурматли педагогларимизнинг, кадрли ота-оналаримизнинг тажриба, малака, маҳорат ва қобилиятларига боғлиқдир.



БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРДА АҚЛИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Зарипова Г., п.ф.н., Бухоро ДУ доценти

Фан-техника тараққиётининг инқилобий ривожланиши математика, информатика ва ахборот технологиялари кўлга киритган ютуқлар билан боғлиқлиги тобора ойдинлашиб, шу туфайли мактабларда математика, информатика ва ахборот технологияларини ўқитишга эътибор кучаймоқда. Ушбу фанларнинг ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилиб, шу асосда янги дарсликлар яратилмоқда. Математик тушунчалар боғчаларнинг мактабга тайёрлов гуруҳларида қисман ўргатилиб, уларга 10 сонигача тўғри ва тесқари санаш, қўшув, айирув, шулар ичида оғзаки (предметли ва тасвирий, техник кўргазмалилик асосида) мисол, масалалар ечиш машғулоти ўтказилади. Боғчаларнинг шу хил тайёргарликни ўтаган катта гуруҳ болалари мактабга қабул қилиш психологик тестларидан муваффақиятли ўтиши табиий. «Математика – ақл гимнастикаси» деб аталувчи тасвирий ифода бу ўринда ўзини яна бир бор оқлайди. Ҳозирги замон илғор боғчаларида ва боғча-лицейларда математика билан бирга информатика ва ахборот технологияларининг дастлабки билим, тушунчалари ҳам болалар онгига сингдирилмоқда. Уларга компьютер сабоқлари берилиб, бу дарслар «компьютер ўйинлари» шаклида олиб борилмоқда, болаларга бериладиган ахборот ҳажми, вақти, мураккаблиги қатъий белгиланмоқда ва назорат остига олиб борилмоқда. Акс ҳолда, бу машғулотлар фойда эмас, зарар келтиришини унутмаслик лозим. Шу хил тажрибалар юртимизнинг Ёиждувон ва Бухоро шаҳридаги намунавий боғча – лицейларида, Бухоро шаҳрининг 1- сонли мактабининг бошланғич синфларида қатор йиллардан буён олиб борилиб, улардан бугунги кунда ижобий натижалар олинмоқда.

Тажрибада қатнашган ўқувчи-болалар белгиланган дастур талабларини ҳеч қийналмай бажариш билан бирга компьютердан ҳам дастлабки сабоқ олмақдалар, шу йўл билан уларда математика, информатика ва ахборот технологияларига қизиқиш ортмоқда. Бу хил тайёргарликни ўтаган болалар мактабларнинг бошланғич синфларида ортиқча қийналмай сабоқ оладилар. Шу туфайли уларнинг ўзига ишончи, дадиллиги ортиб, дарсларда ақлий машқларни удалай олишларига имконият яратилади. Кейинги йилларда фанлар тараққиётида уларни математикалаштириш, тадқиқотда математик усул ва услублардан фойдаланиш тобора расм бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ҳатто адабий қобилиятлар, мусиқага бўлган қобилиятлар ва уларнинг ривожланиш динамикасини, даражасини математик ҳисоблашларсиз, формулаларсиз аниқлаб, ўлчаб бўлмайди. Республикамизда истиқлолдан кейин илмий, илмий-техник институтлар ва ҳисоблаш марказларининг математик ёш кадрларга ва информатик мутахассисларга эҳтиёжи янада ортди. Шу каби асослар туфайли мактабларда математика, информатика ва ахборот технологияларини ўқитишга эътибор ошди.

Олимларнинг аниқлашича (А.Крутецкий, В.Давидов, Н.Колмогоров ва бошқалар), математикага, жумладан, информатикага ҳам бутунлай қобилиятсиз болалар бўлмайди, ҳар бир ривожланаётган ўқувчига тўғри, илғор педагогик технологиялар асосида, интерактив методларни қўллаб таълим берилганида, уларда мактаб дастурини озми-кўпми муваффақиятли амалга ошириши учун зарур бўлган қуйидаги сифатларни шакллантириш лозим: мазкур фаолиятга актив, ижобий муносабат унга қизиқиш, у билан шуғулланишига кучли иштиёқ, табиий ички майл, эҳтиёжни уйғотиш; меҳнатсеварлик, батартиблик, барқарор диққат, ақлий мустақиллик, мақсадга изланувчанлик, қатъийлик; математика, информатика ва ахборот технологиялари фанлар бўйича ўз ёши ва синфи даражасида билим, кўникма ва малакаларнинг мавжудлиги; математика, информатика ва ахборот технологиялари фаолияти билан шуғулланишга муттасил интилиш, истак ва ундан завқланиш, руҳий озиқ олишнинг бўлишидир.

Математика, информатика ва ахборот технологияларига қобилиятлилар масала-мисол ҳамда топшириқларни аналитик-синтетик йўл билан идрок қилиши, мустақил ва мантикий фикрлаш қобилияти, бу материалларни тез, осон ўзлаштира олиши, улардан умумлашган, кенг, аниқ ақлий хулосалар чиқара олиши, математика, информатика ва ахборот технологиялари маълумотларидан энг муҳим ва зарурларини ақлан ҳис қилиб, ажратиб олиб, хотирада сақлаши, оператив хотирага эга бўлиши ҳамда зарур бўлганида бу маълумотлардан оператив (эпчил, енгил, ҳаракатчан, тез) фойдалана олиши муҳимдир. Шунингдек, қўл эпчиллиги, фазовий геометрик тасаввур ҳам ўсган бўлади, бу айниқса, геометрия, тригонометрия, алгебрадан элементар билимларни эгаллаш жараёнида математик мисол, масалаларни ечишда, информатикада виртуал фазовий ҳаракатларни кўрганида, улар ҳақида тушунчаларга эга бўлганида яққол кўринади. Мазкур фанларга қобилиятли ўқувчи қуйидаги сифатларга эгаллиги билан ҳам ажралиб туради:

1. Математика, информатика ва ахборот технологиялари билан бўш вақтларида, ҳеч ким мажбур қилмасдан, ўзи бажонидил шуғулланишга мойиллиги;

2. Мазкур фанларга оид билим, кўникма ва малакаларни улар одатдагидан анча кучлироқ эгаллашлари кўзга ташланади. Шуниси ҳам борки, математик қобилиятлар мусиқага бўлган қобилият каби жуда эрта намоён бўлади;

3. Бу қобилиятларнинг борлиги мазкур соҳаларни тез ва осон ўзлаштиришда кўринади;

4. Мазкур фанлар бўйича ривожланиш даражаси: билими, ўзлаштириши, топқирлиги ўқувчининг ёши ва синфига нисбатан юқори бўлиши.

Шундай қилиб, бошланғич синфларда математика, информатика ва ахборот технологияларига доир билим ва тушунчаларни дастур асосида шакллантиришда катта, кичик, тенглик, қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш; айлана, учбурчак; компьютер хоналарида техника хавфсизлиги, компьютерда расм чизиш, илмий билимини оширадиган компьютер ўйинлари, компьютер клавиатура тугмачалар мажмуи ва «сичқонча» билан ишлаш кабилар орқали турлича қобилиятдаги ўқувчиларга табақалаштириб дарс ўтиш асосида ўқувчиларнинг ақлий-интеллектуал қобилиятлари ривожлантириб борилади.



“KIDS’ ENGLISH 2” ДАРСЛИГИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВ АСОСИДА!

Зокиров И., Республика таълим маркази директори

Матниёзов И., Хорижий тиллар бўлими бошлиғи

1-синф чет тили дарсликларининг мантикий давоми сифатида, ўша ғоя билан, 2-синф ўқувчилари учун муаллифлар гуруҳи томонидан Чет тиллардан давлат таълим стандарти ва ўқув дастури асосида ўқув-методик мажмуалар (дарслик, иш дафтари, мультимедиа иловаси ва ўқитувчи китоби) яратилди. Иккаласининг дизайни, илмий-методик концепцияси бир хил ҳамда методикасининг узвийлиги таъминланган.

Таъкидлаш жоизки, ўқувчи учун дарслик, ўқитувчи китоби, иш дафтари ва

мультимедиа илова бир-бирига боғлиқ ҳолда юритилади. Ўқувчи дарслигида ёзма машқлар шартли белгилар билан қайд этилган бўлиб, ўқувчи иш дафтарида тегишли жойини очиб машқларни бажараверади. Дарсликда яхши ўзлаштирувчи ўқувчилар учун қўшимча машғулотлар, мультимедиа иловаси ҳамда ўйинли машқларни бажаришни англаторувчи шартли белгилар бўлиб, улар ўқувчиларга “Kids’ English 1” дарслиги орқали яхши таниш.

Ўқув-методик мажмуада ўзбек халқининг миллий менталитети, кадрияти ва урф-одатлари акс этиши билан бир қаторда чет тилини ўрганишда она тилининг хусусиятлари инобатга олинган.

Ўқув методик мажмуани тайёрлаш чоғида иккинчи синфда ўрганиладиган бошқа фанлар билан боғланишлар кўзда тутилган, яъни ўқув дастур талаблари ҳамда материаллари ҳам инобатга олинган.

Масалан, мавзуга мос дарсларда санаш, ҳисоблаш (математика), гигиеник малакаларни ривожлантириш (атрофимиздаги олам), нутқ маданияти ва этика (одобнома) бўйича топшириқлар учрайди. Ҳар бир дарсда қисқа жисмоний машқлар (жисмоний тарбия) ўтказиш кўзда тутилган.

“Kids’ English 2” ўқув-методик мажмуаси тўрт қисм: ўқувчи дарслиги, иш дафтари, мультимедиа иловаси ва ўқитувчи учун методик қўлланмадан иборат.

Дарслик 14 та бўлимдан иборат бўлиб, 56 соатга мўлжалланган ва 12 та такрорлаш дарсидан ташкил топган. Улар ўқув режада 2-синф учун инглиз тили фанидан кўзда тутилган йиллик жами 68 соатни қамраб олади. Ўзига хослиги шундаки, иккинчи чоракдан бошлаб такрорлаш дарсларида ўқувчилар билимларини ўзлари баҳолашига мўлжалланган “I can...” (Мен ... қила оламан) деб номланувчи машқлар киритилган.

Ота-оналар учун ажратилган қисмда ҳар бир бўлим давомида ўрганиладиган билимларни умумлаштирган материаллар берилган. Бу саҳифалар ёрдамида ота-оналар уйда қўшимча равишда фарзандлари билан шуғулланишлари, уларнинг дарсда олган билимларини янада мустаҳкамлашлари мумкин. Ушбу бўлимда инглизча сўзлар маъноси расмларда ифодаланиб, таржимаси ва шартлари транскрипцияси ҳам берилган. Дарслик охирида грамматик маълумотлар ҳамда 1-ва 2-синфда ўрганилган сўзлар луғати келтирилган. Яна шуни таъкидлаш керакки, дарсликни тайёрлаш жараёнида янгича бир ёндашув асосида, грамматик ва фонетик материаллар алоҳида эмас, мавзуларга уйғунлашган ҳолда берилган.

Иш дафтари ҳам 14 бўлимдан иборат бўлиб, уй вазифалари, қўшимча машқлар ҳамда ўқувчилар билимини, ўзлаштириш даражасини текшириш дарслари “Progress check” ўрин олган. “Кроссвордни еч, фарқларни топ, мантиқий гуруҳга оид бўлмаган сўзни топ, мос келувчи жуфтликни топ” каби турли-туман топшириқлар ўқувчиларнинг мантиқий ва танқидий фикрлаши ва оғзаки нутқини ривожлантиришга қаратилган. Барчаси ўқувчиларнинг қизиқишлари, ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда тайёрланган.

Дарсликдаги машқларнинг шартлари дастлаб инглиз ва она тилида, кейинчалик аксарияти инглиз тилида берилган. Иш дафтарида эса уй вазифалари ота-оналарнинг таълим ва тил ўрганиш жараёнига иштирокини таъминлаш мақсадида инглиз ва она тилида берилган.

Ўқитувчи учун методик қўлланма инглиз тилида, содда ва тушунарли тарзда ёзилган. Кириш қисмини том маънода ўқув-методик мажмуанинг концепцияси дейиш мумкин. Унда ҳар бир қисмининг таркиби, ёндашув ва умумий принциплари, инглиз тилида йўл қўйилган хатоларни тузатиш, машқ турлари, уларнинг мақсад ва вазифалари, қачон ва қандай текшириш усуллари ҳақидаги маълумотлар берилган. Иккинчи қисмида эса ҳар бир дарснинг мақсадлари, кутиладиган натижалар, дарсда керак бўладиган ўқув қуроллари рўйхати келтирилиб, машқларни ўқувчилар билан биргаликда бажариш юзасидан батафсил тавсия ва кўрсатмалар ёритилган.

Ўқувчининг ҳар томонлама билим ва малакасини ривожлантириш ва берилган материалларни кенгайтириб ўтиш мақсадида ўқитувчи китобининг охирида компакт диск мультимедиа топшириқлари билан илова қилинган. Мазкур дисклар берилган мавзуларга ҳамоҳанг бўлиши, ўқувчиларни қизиқтириши ва мулоқотга киришишига, тинглаб ва кўриб

тушунишга мўлжалланган ёрдамчи материал вазифасини бажариши назарда тутилган. Ўқувчилар аудио ва видеолавҳаларни кўриб, тинглаб инглиз тилида ўрганганларини такрорлайдилар.

Инглиз тили алифбоси биринчи чорак давомида ўзлаштирилади, ҳар дарсда иккитадан ҳарф ўргатиб борилади. Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда болалар лотин графикасига асосланган алифбомизни 1-синфда аллақачон ўрганиб олгани туфайли инглиз ҳарфларини ўзлаштириш уларга унча қийинчилик туғдирмайди. Чунки айрим ҳарфларни ҳисобга олмаганда ўзбек ва инглиз алифболарининг кўриниши деярли бир хил. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда болалар лотин графикасига асосланган ўзбек тили алифбосини 2-синфдан ўрганишни бошлайди. Улар 2-синфнинг биринчи ҳафтасида ўзбек тили ҳарфларидан 5тасини (А, В, D, E, F), инглиз тили ҳарфларидан 4 тасини (А, В, С, D) ўрганади.

Аввал ҳарфларнинг кўргазмали намуналари ва талаффуздаги товушлари, кейин иш дафтарида тўғри ёзиш техникаси таништирилади. Ўқувчилар мактабда ўқитувчи кўмагида ҳарфлар талаффузи ва ёзувини машқ қилса, оилада ота-оналар билан бирга уй вазифасини бажариб дарсда ўрганганларини мустаҳкамлайдилар. Дарсликнинг биринчи ярмида инглиз тили алифбосини ўрганиш мобайнида 1-синфда ўтилган материаллар такрорланади. Иккинчи дарсдан, яъни “Dd” ҳарфи ўтилганидан кейин сўзларни (масалан, “dad” ота, дада) ўргана бошлайди. Алифбо ўзлаштириб бўлингандан сўнг ўқувчилар содда гап ва матнларни ўқиш ва ёзишга киришади.

1-синфда ўқувчилар тинглаб тушуниш ва гапириш кўникмаларига эга бўлган бўлса, 2-синфда ҳарфларни ўрганиб, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини эгаллайдилар. Агар ўқувчи сўзларни тўғри талаффуз қилишни ўрганса, ёзиш малакасини ҳам осон эгаллайди ва ушбу “Kids’ English 2” ўқув-методик мажмуаси бошланғич таълимда инглиз тили ўқитиш сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.



ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИНГ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИДИР

Ибрагимова Д., Халматова Н., Самарқанд ВПКҚТМОИ

Ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни шакллантириш давримизнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Она ватанимиз Ўзбекистоннинг келажаги бугунги ёш авлоднинг уқуви, билим салоҳияти, истеъдоди, мустақил фикрлашига бевосита боғлиқдир. Республикамизда олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнидаги ислохотларнинг бош мақсади ҳам баркамол авлодни тарбиялашдир. Бошланғич таълим бу борада бош бўғин бўлиб, боланинг бу даврдаги қизиқишлари, қобиляти, кўникмаси, машғулот жараёнига бўлган муносабати, боланинг келгуси ҳаётида, касб танлашида пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунга келиб, интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Ўқитувчи ҳар бир дарсга пухта тайёрланиши, дарс ўтиш жараёнида замонавий педагогик технологиялардан тўғри ва ўринли фойдалана олиши керак. Ўйин фаолияти ўқувчиларни дарсга қизиқишини, диққатини ва фаоллигини оширади. Боланинг диққатини, тасаввурини, фикрлашини, хотирасини ва дунёқарашини ривожлантиради.

Бошланғич синфдан бошлабқў ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ижод қилишга, янгиликларни яратишга ўргатиб бориш лозим. Бошланғич синфларда бир вақтнинг ўзида бир неча фанлар ўтилади. Ҳар бир фанда педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш лозим. Бунинг учун бошланғич таълим ўқитувчисидан изланиш, ҳаракат ва маҳоратни талаб қилади.

Дарснинг самарадорлиги, тушунарли бўлиши ўқитувчининг нутқи, маҳорати ва ижодкорлигига боғлиқ. Ўқитувчи синфда ҳар бир боланинг алоҳида хусусиятларини

инобатга олиб, дарсларни интерфаол усуллардан фойдаланилган ҳолда ташкил этса, таълим самарадорлигини ошишига ёрдам беради.

Бола табиатан қизиқувчан, фаол ва фаолликка интилувчан бўлади. Боладаги қизиқувчанликни ва фаолликни сўндирмаслик учун дарс жараёнида интерфаол ўйинлардан кўпроқ ва мазмунли фойдаланиш лозим. Дарсда инновацион технологияларни қўллашда ўқитувчи дастлаб дарснинг технологик харитасини тўғри тузиши керак. Бугунги кун бошланғич синф ўқитувчисидан дарсларни анъанавий тарзда эмас, балки бола эҳтиёжи ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, ижодий ёндошиб ташкил этиши талаб этилади. Бошланғич синфларда “Кластер”, “Мульткластер”, “Ролли ўйинлар” каби усулларни дидактик ўйинлар орқали татбиқ этиш мумкин.

Кластер “тармоқлаш” маъносини англатиб, болаларни мантикий фикрлашга, умумий фикр доирасини кенгайтиришга, тушунчалар ва воқеаларнинг бир-бири билан боғлиқлигини англаб етишга ўргатувчи усул ҳисобланади. Бу усул асосан дарснинг якуний қисмида олинган билимларни мустаҳкамлашда қўлланилади. Мульткластер усулида болаларга мультфильм қаҳрамонларидан иборат кластер тақдим этилади. Ўйиннинг асосий мақсади болаларни ҳаёлан тасаввур қилишга, топқирликка, нутқи равон бўлишига сўзларни тўғри гапиришга, гап тузишга ўргатади. Кўриш, сезги қобилиятлари ривожланади. Бу усулларни қўллашдан асосий мақсад, зерикарли муҳитни бартараф этиш, болаларни қизиқтириб, улар ўртасида самимий дўстона муносабат ва ижодий муҳитни юзага келтиришдан иборат. Энг муҳими бунда таълим самарадорлиги ошиб, баркамол шахс вояга етказилади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнида инновацион технологияларни қўллаш таълимнинг самарадорлигини кўтаришга, машғулотларни қизиқарли ташкил этишга, педагогнинг инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш ҳаракатини фаоллаштиришга қаратилган. Бола тарбиясида муаммолар келиб чиқишининг олдини олишда, дидактик ўйинларни турли хил ролли ўйинлар билан боғлаган ҳолда ташкиллаштириш, боланинг ижтимоий фаоллигини оширишда инновацион технологиялардан тўғри фойдаланиш мақсадга мувофиқ.



SAVODGA O‘RGATISH DAVRIDA TA’LIM SIFATINI OSHIRISH MASALALARI

Inoyatova M., O‘zPFITI loyiha rahbari

Savodga o‘rganish bola hayotida eng mas’uliyatli davr. Bu davrda bola ijtimoiy tafakkurida keskin o‘zgarishlar vujudga keladi. O‘ziga ota-ona tomonidan bildirilayotgan ishonchni bola yaxshi his qiladi. Zimmasiga yuklatilayotgan sinovlarga munosib javob bera olmasligidan cho‘chiydi. Ichdan ezilishi, chuqur hayajonga tushishi mumkin. Shuning uchun bu davrni psixologlar “krizis davri” deb ham ataydilar. Demak, insonparvapkka asoslangan ta’lim tizimimiz, o‘zini ustoz degan sharaflı nomga sazovor deb bilgan o‘qituvchilar bolaning maktab hayotiga, yangi o‘rtoqlariga, noodatıy hayot tarzıga ko‘nikib ketishlari uchun imkon qadar ko‘maklashishlari lozim.

Savodga o‘rgatishning ilk bosqichida o‘qituvchi oldida so‘zlarning yozuvda ifodalanishi, harf va tovush haqida tushuncha, so‘zni bo‘g‘in va tovushlarga ajratish, bog‘lanishli nutqni o‘stirish, boshlang‘ich orfografiya qoidalari xususida tasavvurni rivojlantirish, umuman ona tilining go‘zalligi va rang-barangligini anglatishdek muhim vazifa turadi. Bu bosqichda muayyan turlarni tashkil etuvchi predmetlar nomi - alifbe darsligining alifbegacha bo‘lgan davrida: mevalar, sabzavot, poliz ekinlarining turlariga oid rasmlarning berilishi, keyingi bosqichlarda joy nomlari, o‘rmon hayvonlari, parrandalarni turkumlab o‘rgatishga oid matnlar va rasmlarning tavsiya etilishi, tugallanmagan jumla, matn, so‘zlarning berilishi, ularning o‘quvchi tomonidan davom ettirilishi, o‘zbek xalq maqollari, topishmoq, tez aytish va hikmatli so‘zlarning berilishi – bularning barchasi o‘quvchining nutqi va tafakkurini o‘stirishga qaratiladi.

Savod o'rgatishning asosi hisoblangan alifbe darsligini takomillashtirish davr talabidir. Takomillashtirish darslikning metodik qurilishiga, mazmuniga, g'oyaviy yo'nalishiga birdek aloqador bo'lib, bunda, avvalo, didaktikaning umumiy mezonlariga hamda alifbe darsligi tuzilishining xususiy mezonlariga asoslaniladi.

- g'oyaviylik;
- bayonning ilmiyligi, tushunarlilik;
- ko'rsatmalilik;
- onglilik;
- o'quv materiallarining hayot bilan bevosita aloqadorligi;
- bolalar yoshi va dunyoqarashi, o'ziga xos ruhiy xususiyatlarini hisobga olinishi kabi qator didaktik mezonlar alifbe darsligining tuzilishida, mazmunida hisobga olinishi zarurdir.

Shuningdek, alifbe darsligini tuzishda qator xususiy jihatlar ham mavjud bo'lib, bular alifbe darsligini tuzishning asosiy qoidalarida nazarda tutiladi.

Alifbeni tuzishdagi asosiy qoidalar:

- alifbe materiali bolalarda ongli, to'g'ri va ravon o'qish, shuningdek, harf, so'z, kichik gap va bog'lanishli matnlarni to'g'ri o'qish malakalarini hosil qilishga yordam beradi. O'qish uchun berilgan matnlar, rasmlar mavzu jihatidan bolalarning saviyasiga mos bo'lishi kerak;

- alifbeda bolalarning tafakkuri va nutqini o'stirish uchun ta'lim-tarbiyaviy matnlar hamda rasmlar beriladi. Rasmlar bolalarda savollarga javob berish ko'nikmasini, talazffuz qilish qobiliyatini o'stirishi, o'quvchilarni nutq unsurlari bilan tanishtirishga, obrazli tafakkurini o'stirishga, mustaqil ravishda so'z tanlashiga, gap va hikoya tuzishiga xizmat qilishi kerak;

- alifbening hajmi savod o'rgatishga ajratilgan vaqtga mos bo'lishi zarur;

- alifbening harfi, terilishi, qog'ozi, matn va rasmlarning to'liq tushunarli bo'lishiga, shuningdek, hoshiyaga, so'zlar orasidagi masofaga, harfning hajmiga, qog'ozga, rasmlarning bo'yog'iga va yozuvning namunasiga qo'yilgan gigiyenik talablarga mos bo'lishi zarur;

- alifbening tashqi ko'rinishi chiroyli, bezagi ravshan, bolaga yoqadigan bo'lishi lozim;

- alifbe darsligida ko'rgazmalilik bola bevosita idrok etadigan aniq obrazlar asosida bo'ladi.

Ko'rgazmalilik mezonini asoslab bergan buyuk didakt olim Y.A. Komenskiy uqtirganidek, agar biron-bir narsani bir necha sezgi a'zolari orqali idrok ettirish mumkin bo'lsa, u narsani idrok qilish uchun bir necha sezgi a'zolarini ishga solish kerak (ya'ni eshitib bo'ladigan narsalarni eshittirish bilan; hidlarni - hidlatish; ta'mni - tatib ko'rish, ushlab ko'rish mumkin bo'lgan narsalarni ushlatib ko'rsatish vositasi bilan idrok qildirish lozim).

Shuningdek, o'quvchilar ongini faollashtirishda rebus-o'yinlar, topishmoqlar, turli jumboqlar katta ahamiyatga molik bo'lib, ular savodga o'rgatish jarayonining qiziqarli va sermazmun bo'lishiga imkon yaratadi.

Savodga o'rgatishning o'ziga xos metodlari mavjud bo'lib, bundagi asosiy talablar quyidagilardan iborat:

a) o'zbek tilining tovushlari va mazkur tovushlarning yozuvda ifodalanishining o'ziga xos yo'nalishlarini e'tiborga olish;

b) maktab ostonasiga ilk bor qadam qo'ygan bolaning ta'lim jarayoniga moslashish imkoniyatlarini o'rganish, alifbegacha bo'lgan davrda o'quvchilarni savod o'rgatishga tayyorlash, ularda gapni so'zdan, so'zni bo'g'inlardan va nihoyat bo'g'inlarni alohida tovushlardan tashkil topganligi haqida tushunchani tarkib toptirish – savodga o'rgatish alifbegacha bo'lgan davrdan to alifbe davri tugagunga qadar davom etadi. Chunki o'quvchining tovush, bo'g'in, so'z va gapning o'zaro aloqadorligi, uyg'unligi va yaxlitligini to'g'ri idrok etishi orfografik savodxonlikka, tovushlarni to'g'ri talaffuz qilishga, bola nutqining rivojlanishi va o'sishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Dastlab bola so'zni idrok etishi, so'ng so'zni bo'g'inga, bo'g'inni tovushlarga ajrata olishi, gapni so'zlardan, matnni gaplardan farqlay olishi lozimdir.

Bu davrda asosiy e'tibor bola nutqini o'stirishga, sinfda o'quvchilar jamoasini tashkil qilishga, bolani hali yaxshi o'zlashtirilmagan vaziyatda o'zini erkin, bimalol his qilishiga, atrof tevarak bilan tanishtirish, o'quvchilar jamoasi bilan do'stona aloqa o'rnatish kabilarga e'tibor beriladi.

Hozirgi vaqtda izlanuvchan va tajribali o'qituvchilar bilish faoliyatini jadallashtirishda ta'lim jarayonini didaktik o'yinlar bilan uyg'unlashtirib samarali natijalarga erishmoqdalar.

Ma'lumki, o'qituvchi didaktik o'yin darslarni o'tkazish uchun juda ko'p adabiyotlar bilan tanishishi, o'quvchilarning bilim darajasi, yoshi, psixologik xususiyatlari, iqtidorini hisobga olishi zarur.

Didaktik o'yinli darslar yangi mavzuni bayon qilish, mustahkamlash, bolalar bilimini sinab ko'rish va baholash jarayonida qo'llanilishi mumkin. O'qituvchi o'quvchilarni yakkama-yakka, keyinchalik guruhli o'yinlarga tayyorlashi, ular muvaffaqiyatli chiqqanidan so'ng ommaviy o'yin darslarini o'tkazishi kerak. Chunki o'quvchilar didaktik o'yin darslarda ishtirok etish uchun kerakli bilim, ko'nikma va malakalarni egallagan bo'lishlari zarur.

Ta'limdan maqsad o'quvchilarni ilmiy bilim va tushunchalar bilan qurollantirishdangina iborat bo'lmay, balki axloqqa oid bilim va tushunchalar asosida ular ongiga, turmush tarziga insoniy axloq me'yorlarini singdirishni, e'tiqodi va ma'naviyatini tarkib toptirishni ham nazarda tutadi. Shunga ko'ra alifbe darsligiga o'quvchilarni axloqiy tarbiyalashga qaratilgan ertak, hikoya, rivoyat, masal, maqol kabilar kiritilgan.

Alifbe darsligi ta'lim-tarbiya jarayonining birligini ta'minlashi kerak. Savodga o'rgatish davrida alifbe darsligidagi mavjud o'quv materiallari, qo'shimcha manbalar asosida o'quvchilarda milliy g'oya, milliy ruh tarkib toptiriladi, ularga jamiyatimiz a'zolariga xos vatanparvarlik, insonparvarlik, xalqparvarlik g'oyalari singdiriladi. O'quvchilar o'rtasida hamjihatlik, o'rtoqlik, ota-onaga, oilaga mehr-muhabbat tarkib toptiriladi.



BOLA SHAXSINI SHAKLLANTIRISHDA RIVOJLANTIRUVCHI TA'LIM TEKNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING USLUBIY MASALALARI

Ismailova Sh., p.f.n., Urganch davlat universiteti

Ta'lim jarayoniga innovatsion pedagogik texnologiyalarning tadbiq qilinishi "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da belgilab berilgan ta'limni insonparvarlashtirish muammolarini samarali hal qilishda muhim o'rin tutadi.

Maktab ta'limi mazmunini to'la ma'noda insonparvarlashtirish bugungi kun o'qituvchisidan o'z faoliyatiga yangicha nazar solishni, pedagogik jarayonga ilmiy-ijodiy yondoshishni taqazo qiladi.

Maktab atalmish mo'jizakor dunyoga olamjahon umidlar bilan qadam qo'ygan murg'ak qalbli insonning jamiyatga, o'z-o'ziga va o'zgalarga nisbatan bo'lgan munosabatlari tizimining ijobiy mazmun kasb qilishida, ezgu fazilatlarining tarkib topishida maktab boshlang'ich ta'lim bo'g'inining o'rni beqiyos. Maktab ta'limining poydevori hisoblanmish ushbu davrda o'quvchi ilmlar dunyosiga oshno bo'ladi, ma'lum ma'noda o'qishga bo'lgan munosabati, dunyoqarash tushunchalari tarkib topadi. Nafaqat intellektuallik, balki ma'naviy-madaniy nuqtai nazardan hayotiy tajribalari kengayib boradi. Bu singari vazifalarning samarali hal qilinishi, shubhasiz, boshlang'ich ta'lim o'qituvchisining kasbiy tayyorgarligiga, pedagogik mahoratining shakllanganlik darajasiga bog'liq. O'qituvchi o'z shogirdlarini bilimli, zukko qilib tarbiyalaydi, ularga go'zal orzular mamlakatiga sayohat qilishni, umid-istaklarini real maqsadlarga aylantirish va hayot atalmish betakror olamda yuksaklikka parvoz qila olish kabi har bir aql va ong sohibi hisoblanmish insonga xos bo'lgan yashash sirlaridan ham boxabar qiladi.

Rivojlantiruvchi ta'lim texnologiyalari o'quvchilarda shaxslik sifatlarini hamda ularda ma'naviyatlilik, madaniyatlilik, intellektuallikni, ijodiy sermahsul faoliyat yuritish qobiliyatini,

keng dunyoqarashni yaxlit tarzda shakllantirishni nazarda tutadi.

Shuningdek, rivojlantiruvchi ta'lim texnologiyalari o'quvchilarning matn ustida mustaqil ijodiy ishlash ko'nikmalarini rivojlantiradi. O'quvchining har qanday axborotda keltirilgan ma'lumotlar bilan shunchaki tanish bo'lishi yetarli emas. Keltirilgan ma'lumotlarga nisbatan o'quvchilarda shaxsiy munosabat, ijodiy fikr tarkib topgan bo'lishi zarur. Yuqorida ko'rsatilgan ko'nikma va malakalar bevosita ta'lim jarayonida o'quvchilarning o'quv axborotlari ustida mustaqil ijodiy faoliyatini tashkil qilish orqali rivojlantiriladi.

Ma'lumki, bu yosh davrlarida bolaning dunyoqarashi, ma'naviyatlilik, axloq, odob haqidagi tushunchalarining tarkib topishida ertak va rivoyatlarning o'rni beqiyos. Bolalikda inson ertak va afsonalarni jonu-dili bilan eshitadi, ular syujetini reallashtirishga intiladi, yaxshilik va yomonlik haqidagi tasavvurlari kengayib boradi.

Bolani ezgulik ummoniga sho'ng'ish va inson qalbi durdonalarini kashf qilgan holda avaylab-asrash, qadriga yetish ilmidan boxabar qilish o'qituvchi-ustozning a'lo maqsadi. Bu o'rinda o'zbek xalq ijodiyoti namunalaridan bo'lgan «Sehrlı surnay» ertagi syujetidan foydalanishni taklif qilishimiz mumkin. «Sehrlı surnay» ertagida bir bolakayning achchiq qismati haqida hikoya qilinadi. U ota-onasidan erta yetim qolgan, kun kechirishi uchun shahar ko'chalarida tilamchilik qilishga majbur edi. U qo'lida o'zi yasab olgan naychani chalgan holda ayanchli taqdiriga kattalarning e'tiborini tortishga harakat qilar edi. Afsus, unga hech kim qiyo ham boqmas, har kim o'z yumushlari bilan band, xattoki bir burda nonni ham ravo ko'radigan odam topilmas edi. Bolakay kechgacha ko'chada yegulik va mehr ilinjida turib qoladi. Otaxon Quyosh bolakayga iliql nurlarini so'ngi marta taratganicha, shahar tashqarisidagi katta tepalik orqasiga sho'ng'iydi. Bechora yetimcha Otaxon Quyoshdan uni sovuq, qorong'u tunda yolg'iz tashlab ketmasligini iltijo qilgan holda yig'lab qolaveradi. Chunki Otaxon Quyoshgina har kuni sho'rlik bolakayga o'z mehr nurlarini taratar, uni erkalab, ilitib qo'yar edi. Yetimcha yig'lab-yig'lab, Otaxon Quyoshning uyini axtarib topishga qaror qiladi. «Bolakay, qorong'i tunda bitta o'zing qayerga yo'l olding? Ota-onang qayerda?» Bu shu yaylovlarda chodir qurib olgan cho'ponning ovozi edi. «Men yetimchaman, hech kimim yo'q... Amaki, siz Otaxon Quyoshning uyi qayerda ekanligini bilmaysizmi? Otaxon Quyosh har kuni meni erkalab, ilitib qo'yadi! U meni kutadi sovg'alar beradi!» Qalbi larzaga to'lgan cho'pon: «Yur, o'g'lim, men bilan...», deganicha yetimchani o'z uyiga olib ketadi va bolalari qatori tarbiyalashga qaror qiladi. Cho'ponning ayoli bolani mehr bilan ko'ksiga bosadi, qornini to'yg'azib, farzandlari qatori uxlagani yotqizadi. Bechora yetimcha bunday saxovatli insonlarni o'zi yasab olgan naychasida kuy chalib, xursand qiladi. Yarim tunda bolakay tush ko'radi. Emishki, u baland moviy osmonga parvoz qilib, Otaxon Quyosh saroyiga uchib kelganmish. Otaxon Quyosh bolani mehr bilan bag'riga bosib, sehrlı surnay sovg'a qilganmish... Bolakay baxtdan entikib, uyg'onib ketadi. Qarasaki tong otgan va uning jajji qo'llarida haqiqiy surnay bor. Bola tushundiki, Otaxon Quyoshning uyi shu yerda, cho'ponning xonadonida. Shu oilada bolakay mehr-oqibat topadi, qalbi ezgulikka to'lib, yaxshi inson bo'lib ulg'ayadi...

Ushbu ertakda ko'rsatilgan saxovatlilik, mehr-oqibatlilik, odamiylik va, afsuski, real hayotda uchrab turadigan loqaydlik, bemehrlik, xudbinlik illatlari, ularning sabab va oqibatlari to'g'risida o'quvchilarning faol ishtirokini ta'minlagan holda suhbat tashkil qilish mumkin.

Suhbatning mantiqiy davomi sifatida o'quvchilarni kichik guruhlariga birlashtirgan holda karampeshalik, oqibatlilik haqida o'z ertak variantlarini yaratish taklif qilinadi. Kichik jamoalarni shakllantirganda o'quvchilarning tayyorgarlik darajalari turlicha bo'lishini inobatga olish lozimki, toki jamoadoshlar bir-birlariga o'qish, ijod qilishda yordam bera olsun. Chunki kichik guruhlarda ta'limning asosiy qoidalaridan biri – bu hamkorlikda o'rganish, o'zaro bir-birlarini qo'llab-quvvatlash muhitini yaratish, o'quvchilarda muloqotchanlik, madaniyatlilik sifatlarini, mustaqil, ijodiy fikrlash qobiliyatini rivojlantirish hisoblanadi. Bu o'z navbatida o'quvchilar tafakkurida ijtimoiy sog'lom munosabatlar to'g'risidagi tasavvurlarni kengaytiradi.

O'quvchilar kichik jamoalarida muayyan muddat davomida hamkorlikda mustaqil ijod qiladilar. Ayni vaqtda o'z g'oyalarini asosli va mazmunli qilish maqsadida ertak, afsona va rivoyatlar o'qiydilar, real hayot voqealarini kuzatadilar, o'z tajribalaridan kelib chiqqan holda fikrlarini ifodalashni o'rganadilar.

O'quvchilarning ijodiy-loyihalashtirish ishlarini keng ko'lamda tashkil qilish uchun barcha sharoitlar yaratilishi juda muhim. Faoliyat yakunida o'quvchilar ertak loyihalarini o'z sinfdoshlari davrasida himoya qiladilar, fikrlarini asoslaydilar. Bolalar o'zlari yaratgan ertaklarni turli rasmlar bilan bezashlari mumkin, bu o'z navbatida ular ma'naviy-axloqiy hamda estetik tuyg'ularini yanada mustahkamlaydi. O'quvchilar ijod namunalari maxsus tashkil qilingan ertaklar to'plamida chop qilinishi va maktab kutubxonasida saqlanishi mumkin.

Natijada ta'limiy va tarbiyaviy jarayonda o'quvchilar shaxsan ishtirok qiladilar, nima afsonayu, nima haqiqat ekanligini oydinlashtiradilar, ularda insoniy tuyg'ular, ehtiros, oliyanob fazilatlar tarkib topadi, ijtimoiy hayot ko'nikmalari shakllanadi. Chunki mehr-oqibatlilik, saxovatpeshalik, bag'rikenglik, samimiylik insonning insonligini belgilovchi fazilatlar sirasiga kiradi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Karimov I.A. Jamiyatimiz mafkurasi xalqni xalq, millatni millat qilishga xizmat qilsin. T. 1998.
2. O'zbekiston Respublikasi. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi- T., 1997.
3. Книга изечений // Восточные миниатюры. Составитель Абдурахимов М., Т., «Фан», 1992.



ЗДОРОВЬЕСБЕРЕГАЮЩИЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Исламова Д., преподаватель Наманганского ОИПКПК

С развитием техники, с расширением диапазона экологических проблем проблема здоровья человека в XXI веке становится первостепенной. Не случайно в Узбекистане 2014 год назван Годом здорового ребенка. Состояние здоровья школьников вызывает серьезную тревогу специалистов. Наглядным показателем неблагополучия является то, что здоровье школьников ухудшается, по сравнению с их сверстниками двадцать или тридцать лет назад. При этом наиболее значительное увеличение частоты всех классов болезней происходит в возрастные периоды, совпадающие с получением ребенком общего среднего образования.

Здоровье ребенка, его социально-психологическая адаптация, нормальный рост и развитие во многом определяются средой, в которой он живет. Для ребенка от 6 до 17 лет этой средой является система образования, т.к. с пребыванием в учреждениях образования связаны более 70% времени его бодрствования. В то же время в этот период происходит наиболее интенсивный рост и развитие, формирование здоровья на всю оставшуюся жизнь, организм ребенка наиболее чувствителен к экзогенным факторам окружающей среды.

На здоровье учащихся, по мнению специалистов, влияют следующие факторы:

1. Стрессовая педагогическая тактика;
2. Несоответствие методик и технологий обучения возрастным и функциональным возможностям школьников;
3. Несоблюдение элементарных физиологических и гигиенических требований к организации учебного процесса;
4. Недостаточная грамотность родителей в вопросах сохранения здоровья детей;
5. Провалы в существующей системе физического воспитания;
6. Интенсификация учебного процесса;
7. Функциональная неграмотность педагога в вопросах охраны и укрепления здоровья;
8. Частичное разрушение служб школьного медицинского контроля;
9. Отсутствие системной работы по формированию ценности здоровья и здорового образа жизни.

Образовательные технологии, которые не наносят ущерб здоровью обучающихся, и при этом соблюдается качество образования на всех уровнях его обучения; называют здоровьесберегающими образовательными технологиями.

Специалисты предлагают несколько подходов к классификации здоровьесберегающих технологий. Наиболее проработанной и используемой в образовательных учреждениях является классификация, предложенная Н.К.Смирновым (Н.К.Смирнов, 2006). Среди здоровьесберегающих технологий, применяемых в системе образования, он выделяет несколько групп, в которых используется разный подход к охране здоровья, а соответственно, и разные методы и формы работы.

1. Медико-гигиенические технологии. К медико-гигиеническим технологиям относятся контроль и помощь в обеспечении надлежащих гигиенических условий в соответствии с регламентациями Санэпидем станций..

2. Физкультурно-оздоровительные технологии. Реализуются на уроках физической культуры и в работе спортивных секций.

3. Экологические здоровьесберегающие технологии. В школе это – и обустройство пришкольной территории, и зеленые растения в классах, рекреациях, и живой уголок, и участие в природоохранных мероприятиях.

4. Технологии обеспечения безопасности жизнедеятельности. Их реализуют специалисты по охране труда, защите в чрезвычайных ситуациях, архитекторы, строители, представители коммунальной, инженерно-технических служб, гражданской обороны, пожарной инспекции и т.д.

5. Здоровьесберегающие образовательные технологии.

Здоровьесберегающие технологии по мнению Н.К.Смирнова, подразделяются на 3 три подгруппы:

- **организационно-педагогические технологии**, определяющие структуру учебного процесса;

- **психолого-педагогические технологии**, связанные с непосредственной работой учителя на уроке, воздействием, которое он оказывает все 45 минут на своих учеников. Сюда же относится и психолого-педагогическое сопровождение всех элементов образовательного процесса;

- **учебно-воспитательные технологии**, которые включают программы по обучению грамотной заботе о своем здоровье и формированию культуры здоровья учащихся, мотивации их к ведению здорового образа жизни, предупреждению вредных привычек, предусматривающие также проведение организационно-воспитательной работы со школьниками после уроков, просвещение их родителей.

Мы можем добавить, что в наших школах отдельное место занимают технологии, обеспечивающие формирование и укрепление психологического здоровья учащихся, повышение ресурсов психологической адаптации личности, входящие в обязанности школьного психолога.

В наших школах не развиты технологии проведения социально-психологические тренингов, программы социальной и семейной педагогики, к участию в которых целесообразно привлекать не только школьников, но и их родителей, а также педагогов.

От правильной организации урока, уровня его рациональности во многом зависят функциональное состояние школьников в процессе учебной деятельности, возможность длительно поддерживать умственную работоспособность на высоком уровне и предупреждать преждевременное наступление утомления.

Практически все исследователи сходятся во мнении, что урок, организованный на основе принципов здоровьесбережения, не должен приводить к тому, чтобы учащиеся заканчивали обучение с сильными и выраженными формами утомления.

Утомление, возникающее в результате работы, временное ухудшение функционального состояния человека, выражается в снижении работоспособности, в неспецифических изменениях физиологических функций и в субъективном ощущении усталости. Но утомление не следует рассматривать только как отрицательный феномен. Это защитная, охранительная реакция организма, стимулятор его восстановительных процессов и повышения функциональных возможностей. Действительно, отрицательное влияние на

организм оказывает постоянно возникающее и хроническое утомление, особенно перерастающее в переутомление.

Здоровьесберегающие образовательные технологии - это многие из знакомых большинству педагогов психолого-педагогических приемов и методов работы, технологий, подходов к реализации возможных проблем плюс постоянное стремление самого педагога к самосовершенствованию. Только тогда можно сказать, что учебно-образовательный процесс осуществляется по здоровьесберегающим образовательным технологиям, когда при реализации используемой педагогической системы решается задача сохранения здоровья учащихся и педагогов.

Список литературы

1. Ковалько В.И. Здоровьесберегающие технологии в начальной школе. 1-4 классы. М.: «ВАКО», 2004, 296 с. - (Педагогика. Психология. Управление).

2. Менчинская Е.А. Основы здоровьесберегающего обучения в начальной школе: Методические рекомендации по преодолению перегрузки учащихся / Е.А. Менчинская. — М. : Вентана-Граф, 2008. — 112 с. — (Педагогическая мастерская).

3. Смирнов Н. К. Здоровьесберегающие образовательные технологии в современной школе. – М.: АПК и ПРО, 2002. – с. 62.

<http://www.shkolnymir.info/>. О. А. Соколова. Здоровьесберегающие образовательные технологии.



БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ АСОСИДА ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Исламова Г.Ш., Жалақудуқ туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

Лойиҳалаштириш асосида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишдан мақсад ўқувчиларда изланувчанлик, жамоада иш олиб бориш, ҳаракатчанлик каби хусусиятларини таркиб топтиришдан иборат.

Ўқув йилининг бошида синф ўқувчиларига лойиҳада иштирок этишлари, амалга ошириш босқичлари, тартиблари, муддатлари ҳақида тушунча берилади. Синф жамоаси бир неча гуруҳга бўлинади. Лойиҳа қатнашчилари олдиндан баҳолаш мезони ва лойиҳа тақвими билан танишадилар.

Лойиҳани амалга ошириш давомида ўқувчилар ўз изланишларини компьютерларда жамлаб борадилар, ҳар бир босқич якунида ўз тақдимотлари билан ўртоқлашадилар. Интернет орқали маълумотларга эга бўладилар, АКТдан ва ОАВдан самарали ва мақсадли фойдаланишга ўрганадилар.

Лойиҳани амалга ошириш давомида ўқувчиларнинг нафақат танқидий фикрлаш кўникмалари ҳосил бўлади, балки дунёқараши кенгаяди, ижодкорлиги, ўқишга, билим олишга бўлган қизиқиши ортиб боради.

Лойиҳа ўқув йили давомида 9 босқичда ҳафталарга тақсимланган бўлиб, назарий ва амалий жиҳатни қамраб олади. Ҳафта давомида ўзини намоён этган гуруҳ “Изланувчан гуруҳ”, ҳар бир гуруҳда фаоллик кўрсатган ўқувчилар “Ҳафта ўқувчиси” унвонига сазовор бўладилар.

Албатта, ҳар бир қилинган иш баҳоланиб, борилади. Сабаби, бошланғич синф ўқувчилари меҳнати натижасига ўз вақтида эътиборли бўлишингизни хоҳлайдилар.

“Табиат ва инсон - бир бутун” лойиҳаси асосида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш куйидаги босқичлар асосида амалга оширилади:

1-босқич ўз ичига экология ҳақида фикрлар, маълумотлар тўплаш, табиатга муносабат ифодаланган ҳикматли сўзлар, мақолалар, ижодий ишлар намойишини қамраб олади. Бу босқичда синфнинг фаол бобо ва бувилари билан учрашув, самимий суҳбат уюштирилади.

Ўқувчилар ўзларининг тақдимотларини намойиш этадилар.

2-босқич. Октябрь ойи давомида “Пахтаой” тадбири амалга оширилади. Ўқувчилар пахта–миллий бойлигимиз эканлиги, ундан олинадиган маҳсулотлар, уни етиштираётган инсонлар ҳақида маълумотлар, тақдимотлар тайёрлашлари лозим. Мавзуга доир ижодий ишлар намойиш этилади.

3-босқичда “Меҳржон” тадбири амалга оширилади. Бунда ўқувчилар сабзавот ва мевалар ҳақидаги маълумотларни, шеър, сахна кўринишлар тарзида намоён этадилар. Сабзавот ва меваларнинг фойдали томонлари кўргазмали намойиш этилади.

4-босқич. “Қиш завқи”. Бу босқичда ўқувчилар гуруҳлари билан Ўзбекистонда қишлаб қоладиган қушлар, ҳайвонларнинг қиш фаслидаги ҳаёт тарзи ҳақида маълумотлари билан ўртоқлашадилар. Амалий жараёнда “Энг чиройли ҳайвон либоси” кўриги ўтказилиб, ўқувчилар “Янги йил” тантаналарида қатнашадилар.

5- босқич. Янги йил таътилларига чиқишдан аввал ўқувчилар кейинги босқич топшириқлари билан танишиб, амалга оширишга киришадилар. 11 январь “Кўриқхоналар ва миллий боғлар куни”ни нишонлаш, “Қизил китоб”га киритилган ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳақида маълумотларни жамлаб борадилар. Мактабнинг биология ўқитувчиси билан ҳамкорликда викторина ташкил этилади.

6-босқич февраль ойида ўтказилиб, “Эко-арт” галереяси деб номланади. Бунда ўқувчиларнинг экология, табиат ҳақида чизган расмлари, ижодий ишлари намойиш этилади.

7- босқич “Наврўз – умумхалқ байрами” деб номланади. Ўқувчилар Наврўз байрами ҳақида тарихий маълумотлар, ривоятлар, мақоллар йиғадилар. Мактаб, хонадон, маҳалланинг ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашиш, Наврўз байрамини кўтаринки руҳда нишонлаш, “Баҳор таомлари” кўрик-танловини ўтказишни ўзига камраб олади.

8-босқични амалга ошириш апрель ойига тўғри келиб, “Мактабим – обод масканим” деб номланади. Бу босқичда ўқувчилар манзарали дарахтлар, гуллар ҳақида маълумотлар, уларнинг инсон учун аҳамияти ҳақида фикрларини жамлайдилар. Амалий жараёнда мактаб гулзорида, хонадонларда, маҳалларида гул кўчатларини, уруғини экиш тадбирларида қатнашадилар. Гуллар уруғи икэбана, гуллар ҳақида буклетлар кўриги ўтказилади.

9- босқичда сув, сувдан фойдаланиш, сувни эҳтиёт қилиш, сув ҳақида доноларнинг фикрлари, сувга бўлган муносабат акс эттирилган “Томчивой” тадбири ташкил этилади. Ўқув йили якунида “Табиат ва биз” тренинги ўтказилади. Лойиҳа давомидаги суратли лавҳалар намойиши, ота-оналар, лойиҳани амалга оширишда кўмак берган инсонлар иштироқида тақдирлаш маросими амалга оширилади. Лойиҳа ғолиблари баҳолаш варақлари, босқичлар ғолиблари, “Ҳафта ўқувчиси” номинацияларидаги кўрсаткичларига асосан аниқланади. Ғолибларга табиатни (япроқ устидаги сув томчиси) акс этувчи рамзий белгили нишонлар мактаб директори томонидан топширилади.

Таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш усулидан фойдаланишдан мақсад ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтириш, жамоада, гуруҳларда ишлаш кўникмаларини шакллантириш, қизиқишларини орттириш, сўз бойлигини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириши, эстетик сифатларини шакллантириш, ижодкорликка ундаш, мустақилликка одатлантириш, мантиқий, танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, фаолликларини ошириш, белгиланган муддатида топширикни бажаришга одатлантириш, ўзгаларнинг фикрларини ҳурмат қилиш, меҳнатларини қадрлашга ўргатишдан иборат.



РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ У УЧАЩИХСЯ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА

Камалова Н., преподаватель русского языка Наманганский колледж Олимпийского резерва

Творчество - это бесконечный поиск, радость открытий, ощущение полноты бытия. (К.Д. Ушаков).

Важнейшими факторами формирования гармонично-развитой личности — является духовность, интеллигентность, развитие дарований и творческих начал у учащихся. Важную роль при этом играет личность учителя, его кругозор, педагогическое мастерство, творческий подход к процессу обучения.

Развитие творческого мышления - это один из способов мотивации учащихся в процессе обучения. Творческие способности учащихся можно развивать на всех этапах школьного обучения. Вначале закладываются базовые основы общего умственного развития детей, которые создали бы условия для воспитания самостоятельно мыслящего, критично оценивающего свои действия человека, который бы мог сопоставлять, сравнивать, выдвигать несколько способов решения проблемы, выделять главное и делать обобщенные выводы; применять знания в нестандартных условиях. Творчество оживляет познавательный процесс, активизирует познающую личность и формирует её.

При развитии творческих способностей личности на уроках русского языка выявлены такие подходы как проблемно – поисковый подход. Строить обучение каждого ребенка в соответствии с результатами диагностического обследования и развивать учащегося с уже достигнутого им уровня с учётом индивидуальных способностей

Для создания на уроках атмосферы поиска, для развития системного мышления большая роль отводится нестандартным урокам: урокам - сказкам, путешествиям, лекциям, праздникам, восхождениям, аукционам, урокам – исследованиям и т.д.

Уроки-семинары предполагают обращение учащихся к словарям, справочникам, дополнительной литературе. Они помогают обобщить, систематизировать и углубить знания учащихся по теме. К таким урокам дети готовятся заранее, получают вопросы, изучают литературу, стремятся найти новый дополнительный интересный материал, что, несомненно, способствует развитию творческих и познавательных интересов.

Проводятся такие уроки по следующему плану: 1. За неделю до семинара сообщаются тема, вопросы и литература. Учитель назначает ассистентов, которые готовят сообщения. Задания к семинару включают как теоретические вопросы, так и практические. Слушаются сообщения ассистентов. В обсуждении принимают участие все обучающиеся. Рецензирование выступлений. Подведение итогов.

Уроки-лекции – форма, которая предполагает погружение учеников в предлагаемую тему; уроки, рассказывающие всё крупными блоками и дающие экономию времени для творческой работы. Урок-лекция – это первый урок по новой теме. Проводится он так: 1. На доске записывается план лекции. 2. Далее идёт совместное решение «ключевых» вопросов. Обучающиеся самостоятельно делают для себя новые открытия, опираясь на изучаемый материал. 3. Весь изученный материал конспектируется в тетрадях согласно предложенному плану. 4. Затем предлагается работа в парах; обучающиеся обмениваются полученными знаниями, используя план. 5. Итог подводится у доски. Желающие рассказывают о новой теме. На первом же по теме уроке обучающиеся знакомятся с вопросами к зачёту, определяя ЗУНы, которыми они должны овладеть при изучении данной темы.

В уроки - сказки включается материал известных детям сказок, иногда сказочные герои сопровождают учащихся в течение всего урока, помогают им выполнить разнообразные задания.

Урок в форме аукциона активизирует мысль детей. Процесс повторения, систематизации знаний проходит занимательно, интересно и динамично. Знания в области русского языка становятся лично значимыми для ребёнка. Этот вариант проведения урока даёт возможность большому количеству детей принять участие в диалоге «на торгах», так как всё действие проходит очень динамично.

Каждый урок – это определенная система заданий, которая ведет ученика к овладению тех или иных понятий, умений, навыков. От того, какие задания подбирает учитель для

данного урока, в какой последовательности их выстраивает, зависит достижение целей урока, самостоятельность, активность учащихся. Задания «от простого к сложному» учат работать самостоятельно. Ответив на 2-3 простых вопроса, ребёнок может самостоятельно ответить и на более сложный вопрос (задание). Учитель должен подбирать к уроку такие задания, которые служили бы определенной цели или были основаны на применении каких-либо понятий, правил, установления тех или иных связей, выявление закономерностей на основе наблюдений. Задания такого типа позволяют не только проводить уроки эффективно, но и служат развитию мыслительной деятельности учащихся. От того, насколько умело учитель сможет подобрать и сгруппировать задания к уроку, настолько будет в дальнейшем зависеть самостоятельность их мышления, умение связывать теоретический материал с практической деятельностью.

Важным средством развития творческого мышления является *занимательность*. Элементы занимательности вносят в урок что-то необычное, неожиданное, вызывают у детей живой интерес к процессу познания, помогают им легко усвоить любой учебный материал.

Игры. Они являются ярчайшим эмоциональным средством формирования мышления. Используя из урока в урок элементы учебно-познавательных игр, учащиеся поднимаются на ступеньку выше: игра – развлечение превращается в игру – работу. В процессе игры на уроке учащиеся незаметно для себя выполняют различные упражнения, где им приходится сравнивать, упражняться, тренироваться. Игра ставит ребенка в условия поиска, пробуждает интерес к победе, а отсюда – стремление быть быстрым, собранным, находчивым, уметь четко выполнять задания, соблюдать правила игры.

Как всякая игра, решение кроссвордов, ребусов, шарад требует смекалки, сообразительности, находчивости. Отгадывание различных занимательных загадок способствует формированию мышления, внимания, готовности к волевым усилиям, настойчивости. В то же время у детей расширяется кругозор, они приобретают сведения из различных областей знаний, обогащается их словарный запас. В игре сам процесс мышления протекает активнее, трудности умственной работы ребенок преодолевает легко, не замечая, что его учат.

Огромная роль в развитии творческого мышления на уроках русского языка отводится *работе с учебником*. Учебник организует познавательную деятельность учащихся, систематизирует знания, формирует навыки орфографии, развивает речь. В нём содержатся задания, развивающие умение рассуждать, доказывать, сопоставлять, делать выводы.

Поощрять детскую инициативу в период обучения. Уважать желание ребенка работать самостоятельно, уметь воздерживаться от вмешательства в процесс творческой деятельности детей. Создавать условия для конкретного воплощения творческих идей, раскрепощённую радостную обстановку, атмосферу не боязни высказать свое мнение. Избегать неодобрительной оценки творческих попыток ребёнка, уважать его идеи, любопытство, вопросы. Учить применять полученные знания в нестандартных ситуациях (конкурсы, соревнования, олимпиады, индивидуальные задания различной степени сложности с учётом уровня детей). Уметь создать добрые, доверительные, насыщенные положительными эмоциями отношения между учителем и учащимися, диалог на равных на уроке, сотворчество, чтобы ребенок ценил в себе творческую личность.

Таким образом, в процессе формирования творческого мышления у учеников, самое важное - научить ребят делать пусть маленькие, но собственные открытия. Ученик должен решать задачи, которые требовали от него не простого действия по аналогии, а таили бы в себе возможность для «умственного прорыва». Полезен не столько готовый результат, сколько сам процесс решения с его гипотезами, ошибками, сравнениями различных идей, оценками и открытиями, что, в конечном счете, может привести к личным победам в развитии творческих способностей.

Список использованной литературы

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Тошкент: ТГПУ, 2003. – 198 с
2. Вишнякова Н.В. Креативная психопедагогика. – Минск, 1995.
3. Нурманов А.Т. Подготовка студентов к технологии и технике эффективного общения. – Тошкент, 2010. – 112 с.
4. Как развивать педагогическое творчество. – М.: Знание, 1987.
5. Кан-Калик В.А., Никандров Н.Д. Педагогическое творчество. – М., 1990.



DARSLARNI INTEGRATSIYALASH ORQALI TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH

**Karimova N., Namangan VPKQTMOI o'qituvchisi,
Egamberdiyeva G., Mingbuloq tumanidagi 45-maktab o'qituvchisi**

Yurtimizda amalga oshirilayotgan ta'lim islohotlari o'sib kelayotgan yosh avlodni hayotda o'z o'rnini topishiga, yoshlardagi mavjud qobiliyatni to'la ro'yobga chiqarishga, jamiyatda mustaqil fikrlovchi, erkin shaxsni shakllantirishga, zamonaviy dunyoqarashga ega bo'lgan komil insonlarni tarbiyalashga qaratilgan. Bu sa'y harakatlar esa, albatta, dastlab boshlang'ich sinflardan boshlab amalga oshirilishi kerak. Darhaqiqat, yosh avlodni kelajakda qanday inson bo'lib voyaga yetishi, uning boshlang'ich sinflardan olgan puxta bilimi-yu, ta'lim-tarbiyasiga bog'liq. Shuning uchun ham yoshlarga mukammal bilim berishning turli yo'llarini, shakllarini izlab topmoq va amaliyotga qo'llamoq zarur. O'quvchilarga xuddi shunday ta'lim-tarbiya berishda hozirgi davrda integratsiyalash hamda kompyuter texnologiyasi asosida dars o'tishning o'zni beqiyosdir. Integratsiya ta'lim jarayonida bilimlar majmuasini kengaytirish va chuqurlashtirishga xizmat qilishi kerak. Mujassamlashgan darslarni tashkil etishda ularni samaradorligini oshirish uchun turli strategiyalardan foydalanish, o'quvchilarni dars jarayonida kichik guruhlarga bo'lish, yakka tartibda mashg'ulotlar o'tkazish, ko'zlangan maqsadga erishishning yo'llaridan biri bo'lishi mumkin.

Albatta, bu jarayon bevosita o'qituvchining tashabbuskorligi bilan amalga oshiriladi. Boshlang'ich sinf o'qituvchisi har bir darsning barcha mavzulari o'zaro bog'liqligini, har bir keyingi mavzu oldingisi asosida tuzilganligini hamisha e'tiborga olishi, shuningdek, ayni paytda o'tilayotgan dars mavzusi ma'lum bir ma'noda boshqa dars va boshqa fanlarga ham bog'liqligini unutmasligi kerak. O'z-o'zidan ko'rinib turibdiki, boshlang'ich sinflarda o'tiladigan mashg'ulotlar integratsion va fanlararo aloqadorlikka ega bo'lishi zarur. O'qituvchi o'z ishini shunday tuzishi kerakki, o'quvchilarda shakllangan tushunchalar, bilimlar keyinchalik rivojlanib, aniqlashtirilsin, ularni hayotda o'z ehtiyoji uchun ishlata olsin. Shuni alohida ta'kidlash joizki, integratsiyalashgan texnologiya ta'lim jarayoniga kirgandan buyon o'qituvchilarimiz imkon qadar darslar jarayonida fanlararo bog'lanishga e'tibor qaratmoqdalar. Lekin faqatgina bu bilan chegaralanmasdan, ayrim fanlarni bir-biriga o'xshash va bir-birini takrorlovchi mavzulari yuzasidan ma'lum bir "Chegara fan" hosil qilish mumkin. Buning uchun o'qituvchi dastlab fanlar mavzularini ko'rib chiqishi va bir-biriga bog'liq bo'lgan mavzuni topishi zarur. Shuning bilan birga qaysi fanlarni uyg'unlashtirmoqchi bo'lsa, ularni DTS talablarini ham hisobga olmoq'i zarur. Ya'ni integratsion dars shunday tashkil etilsinki, unda tanlangan fanlarni maqsad va vazifalari amalga oshirilsin. Masalan, o'qish, tabiat darslari mavzularini kuzatar ekanmiz, ular o'rtasida aynan bir-birini takrorlovchi, o'xshash mavzularni kuzatishimiz mumkin. 2-sinf o'qish darsligidagi "Kuz", "Qish", "Navro'z bayrami", "Suv - hayot manbai" kabi mavzular bevosita atrofimizdagi olam darsligidagi aynan shunday mavzudagi matnlar bilan bog'liq bo'lib, ularni o'zaro bog'lab, ma'lum bir mavzudagi "Chegara fan" hosil qilish mumkin. Bunday darslar orqali o'quvchilar fanlarni o'zaro bog'lagan holda idrok etishga o'rganadilar. Ya'ni o'quvchi biror mavzuni tabiat darsligi orqali ilmiy tushunishga qiynalsa, aynan shu mavzuni o'qish fanidagi mavzu bilan bog'lagan holda badiiy ifodalar orqali tushunishi qulay bo'ladi, badiiy so'zlar orqali tabiatning go'zalligi va mukammalligini kuchliroq sezishga imkon yaratadi. Tabiatni she'riy jihatdan o'zlashtirish

o'quvchilarning taassurotlarini yanada aniqlashtiradi va estetik hissiyotlarini ko'rsatishga undaydi. Bunday darslarni yanada tushunarli, qiziqarli tashkil etishda kompyuter texnikasidan foydalanish, yanada samara beradi. Ya'ni:

-o'qituvchi vaqtini tejaydi;

-o'quvchilarni qiziqishini orttiradi;

-o'quvchilarga qiyin bo'lgan tushunchalarni singdirishda yordam beradi;

-ayniqsa harakatli rasmlar, multimedialar orqali berilgan bilim, ko'proq esda qolishiga ko'maklashadi;

-dars samaradorligini oshirib, maqsadga erishishga yordam beradi.

Demak, o'qituvchi dars jarayonida kompyuter texnologiyasidan foydalanar ekan, buning uchun o'quvchilarga ham kompyuter texnikasi haqidagi bilimlarini oshirib borishi lozim. To'g'ri, ayni paytda boshlang'ich sinflar uchun kompyuter darslari yo'q. Lekin sinf rahbar darsdan keyingi mashg'ulotlar, to'garaklar orqali o'quvchilarni kompyuter savodxonligini oshirishi mumkin. Buning uchun o'qituvchining o'zi kompyuter texnologiyasini puxta egallagan bo'lishi muhimdir. Bunday mashg'ulotlarni 1-sinf dan boshlab o'tish mumkin bo'lib, o'rgatiladigan mavzularni sinflar kesimida moslashtirib olish mumkin bo'ladi. O'qituvchi imkoniyatidan kelib chiqqan holda yuqoridagi mavzularga qo'shimchalar kiritib, kengaytirish mumkin. Bunday mashg'ulotlarni o'tkazilishidan maqsad shuki, bolalar faqat kompyuterni tomosha qilmay, balki undan o'zlari ham foydalanishni o'rganadilar. Bizga ma'lumki, ayni paytda o'quv jarayonida ingliz tilini muvofiqlashtirish dolzarb muammolardan biridir. Shunday ekan, 1-sinf dan boshlab har qanday darslarda mavzuga oid tayanch so'zlarni dastlab ingliz tilida talaffuz qilishni o'rgatish, keyinchalik yodlatish o'quvchilarni keyingi ingliz tilida oladigan bilimlari uchun ko'makchi sifatida yordam beradi. Bunda:

-mavzuga oid tayanch so'zlarni aniqlash;

-ularni ingliz tiliga tarjima qilish;

-ingliz tilidagi so'zlarni tushunarli bo'lishi uchun rasmlar, multimediyalardan foydalanish;

-dastlabki o'rganilayotgan ingliz tilidagi so'zlarni yodlashga qiynalsada, ularni talaffuzda to'g'ri aytilishiga e'tibor berish;

-mavzuga bog'langan holda, ingliz tilidagi so'zlarni o'rgatishda o'yin texnologiyasidan foydalanish;

-o'quvchilarni ayrim darslardagi inglizcha so'zlarni talaffuz qilishlarini video lavhaga olib, darslardan so'ng o'zlariga ko'rsatib berish orqali xatolarni to'g'irlash mashqlarini o'tkazish maqsadga muvofiqdir. Bunday darslar o'quvchilar uchun qiziqarli bo'lishi bilan birga, ularni dunyoqarashini kengaytiradi.

Har bir darsni mazmunini aniqlashda fanning o'zi, fanlararo aloqalarni hisobga olish muhim sanaladi. O'qituvchi darsning maqsadini aniqlagach, unda qanday tasavvurlar va tushunchalar o'z aksini topishini, o'quvchilar ushbu darsda qanday malaka va ko'nikmalarga ega bo'lishi kerakligini belgilab olishi kerak. Demak, darsning sifati uning to'g'ri tashkil qilinishiga bog'liq bo'ladi.



CHET TILI DARSLARI ORQALI BOSHLANG'ICH SINFLAR O'QUVCHILARIDA IJODIY VA MUSTAQIL FIKRLASHNI SHAKLLANTIRISH

Karimova N., O'zDJTU talabasi

O'zbekistonda bozor iqtisodiyoti shakllanib, taraqqiy etmoqda. Jamiyatda mulkchilik munosabatlari qaror topib, jamiyat a'zolari ongida boqimandalik kayfiyati, fikriy tanballik hissi o'rnini iqtisodiy tafakkur, tadbirkorlik, yo'qdan bor qilish, ichki imkoniyatlarni ishga solish istagi egallab, aql-idrokka qudratli yaratuvchi kuch sifatida qarash, chetdan madad kutmaslik tuyg'usi shakllanmoqda.

Bozor iqtisodiyoti ta'limda tarbiyalanuvchining mustaqil va ijodiy fikrlash ko'nikmasi va

malakasini hosil qilishni taqozo qilar ekan, shunga muvofiq, o`qitish usuli iqtisod va mafkuraning o`zi kabi keskin isloh qilishni talab qiladi. Chunki an'anaviy reproduktiv usul mohiyatan bozor iqtisodiyoti talablariga javob bera olmaydi. Prezidentimiz I.Karimov "Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori" nomli ma'ruzasida bu masalaga alohida e'tibor qaratadi: "Ta'lim-tarbiya islohoti haqida gapirar ekanmiz, uning mazmunini lo`nda qilib ifoda etish mumkin: bizga bitiruvchilar emas, maktab ta'lim-tarbiyasini ko`rgan shaxslar kerak." Bunda bitiruvchi deganda, albatta, maktab dasturida belgilangan bilimlarni egallagan shaxslar nazarda tutilmoqda. Bu Prezidentimizning quyidagi fikrida yaqqol ifodalangan: "Albatta, bilim kerak. Ammo bilim o`z yo`liga. Mustaqil fikrlash ham katta boylik." Demak, bozor iqtisodiyoti bilimli shaxsgagina emas, balki bilim olish yo`llarini puxta o`zlashtirgan, mustaqil idrok qilish ko`nikmasiga ega bo`lgan ongli fuqaroga ehtiyoj sezadi.

Ijodiy va mustaqil fikrli, ma'naviy yetuk shaxsni tarbiyalashda boshlang'ich ta'limning o`rni va roli beqiyos. Ma'lumki, boshlang'ich sinflarda bolaning dunyoqarashi, didi, salohiyati shakllanadi. Prezidentimiz I.A.Karimov bu haqda so`z yuritir ekan, boshlang'ich ta'limga ikkinchi darajali ish deb qaramaslik, bolaning dunyoqarashi, didi, salohiyati shakllanadigan boshlang'ich sinflarga eng yetuk, eng tajribali murabbiylarni birlashtirishga e'tibor berish zarurligini ta'kidlaydi.

Jahon globallashuv jarayonida xorijiy tillarni egallashga bo`lgan ehtiyoj natijasi o`laroq Prezidentimizning PQ-1875-sonli qaroriga asosan ingliz tilini boshlang'ich sinflardan o`quvchilarga o`qitib borish yo`lga qo`yildi. Avvallambor, shuni ta'kidlash kerakki, har qanday til o`rganish jarayoni bevosita fikrlash, tafakkur qilish kabi aqliy faoliyatlar bilan chambarchas bog`liqdir. Zero, til hodisasining oliy ko`rinishi bo`lgan nutq shaxsning bilim va dunyoqarashini o`zida aks ettiradi. Demak, til o`rganish darslari o`quvchilarga grammatik qoidalarni yodlatish bilan cheklanmasdan ularni mustaqil va ijodiy fikrlashga yo`naltirish, ijodiy tafakkur tarzini shakllantirish, o`quvchilarning nutqiy malakasini yuzaga keltirish kabi maqsadlarga yo`naltirilishi lozim.

Boshlang'ich sinflarda xorijiy tilni o`quvchilarga o`qitishdan maqsad ularning shu tilda so`zlash, yozish, tinglab va o`qib tushunish kabi ko`nikmalarini shakllantirish bilan bir qatorda bolalarning tafakkurini, muloqot madaniyatini, bilim olishga qiziqishni, faollik, mustaqillik, mehnatsevarlik, qiyinchiliklarni yenga olish qobiliyatlarini o`stirishga qaratiladi. Bolalarning aqliy va nutqiy qobiliyatlarini muvaffaqiyatli o`stirish kelgusida fanlarni puxta o`zlashtirishga imkoniyat yaratadi.

O`quvchilarda chet tili orqali mustaqil va ijodiy fikrlash ko`nikmalarini shakllantirishda ilg`or pedagogik texnologiyalar o`ziga xos ahamiyat kasb etadi. Bugungi kunda o`qituvchiga qo`yilayotgan muhim talablardan biri ham ilg`or pedagogik texnologiyalar bilan tanishish, amalda qo`llash va shular orqali bolalarni mustaqil fikrlashga o`rgatishdan iboratdir. O`quvchi shaxsini rivojlantirishga yo`naltirilgan texnologiya, pedagogik jarayonni faollashtirish va jadallashtirish texnologiyasi, mediata'lim hamda tadqiqotchilikka yo`naltirilgan ta'lim texnologiyalari shu kabi innovatsion ta'lim texnologiyalariga misol bo`la oladi. Mazkur ta'lim texnologiyalari xususiyatlarini quyidagicha tasniflash mumkin:

- o`quvchilar ongida muayyan mavzu asosida yangi tushunchalarni hosil qilish;
- yangi mavzuga oid qoida, atamalar mohiyatini ochib berish;
- yangi mavzuni o`tilgan mavzular bilan izchillikda yetkazish;
- o`quvchilarning fikrlash darajalarini rivojlantirib borish;
- ta'limiy o`yinlarning izchilligi, xilma-xilligi va qiziqarli bo`lishiga erishish;
- shu mashg`ulotning o`zida yangi bilim asosida shakllangan ko`nikmani tekshirib borish;
- mavzuni muammoli tarzda yetkazish, turli noan'anaviy usullardan foydalanish;
- o`quvchilarning psixologik xususiyatlarini hisobga olish;
- dars jarayonida o`quvchilar ishtirokini kuchaytirib borish.

Masalan, koptok orqali o`ynaluvchi "Bog`liq so`z" o`yinida o`quvchilar o`zaro ichki aloqadorlikka ega so`zlarni aytishlari kerak: 1-o`quvchi koptokni istalgan o`quvchiga otgan holda ma'lum so`zni aytadi: a garden, 2-o`quvchi o`z navbatida shu so`zga aloqador so`zni aytishi kerak: a flower va hokazo. Yana bir "Begona so`z" o`yinida o`quvchilar bir nechta so`zlar ichidan qaysidir

belgisiga ko'ra farq qiluvchi so'zni topishlari kerak. Bu so'z qolgan so'zlardan so'z turkumi jihatidan, ma'no mazmuni jihatidan, yoki qo'llanilish doirasiga ko'ra farqlanadi. O'quvchidan mana shu xususiyatlarning barchasini inobatga olgan holda "begona" so'zni topish talab qilinadi. Bu kabi ta'limiy o'yinlar o'quvchilarning lug'at boyligi, grammatik bilimlarini rivojlantirish bilan birga ularda sinchkovlik, ziyraklik, mantiqiy va ijodiy fikrlashni o'stirishga samarali hissa qo'shadi.

Xulosa qilib aytish kerakki, kelajagimiz bo'lgan yoshlarning erkin firkllovchi, barkamol shaxs bo'lib shakllanishi uchun ularni har tomonlama rivojlantirish zarur. Jumladan xorijiy tillarni o'rganish darslari mazkur maqsadni amalga oshirishda – o'quvchilarning psixologik, jismoniy va ijtimoiy jihatlarini o'rganib, o'zlarini erkin tutishi va fikrini mustaqil ifodalashida to'siq bo'ladigan salbiy psixologik holatlarni aniqlash va bartaraf etishda qo'llanishi lozim. Negaki bu holatlar faqatgina yoshlarning bilim olishiga to'siq bo'lib qolmasdan, balki ularning o'z-o'zini past baholashiga ham olib keladi va bu narsa o'z navbatida shaxsning boshqa psixik jarayonlarining normal rivojlanishiga salbiy ta'sir ko'rsatadi.



ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ

Кенжабоев А., Жумаев С., Сурхондарё ВПКҚТМОИ ўқитувчилари

Бугунги кунда Республикамиз таълим тизимида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Кўплаб ривожланган мамлакатлар қатори республикамиз таълим тизимида ҳам жаҳон саҳнасида ўз ўрнини топмоқда. Хорижий давлатлар билан ҳам бу соҳада тажрибалар алмашилмоқда. Бугунги кунда ёш авлодни баркамол шахс сифатида шакллантиришда умумий ўрта таълим мактабларида таълим тизimini ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида хорижий тилларни ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Чет тилларидан янги давлат таълим стандарти, ўқув дастури, дарслик мажмуалари лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу ўқув дастури ва дарслик мажмуаларини тайёрлашда Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш, ўргатиш ва баҳолашнинг умумевропа компетенцияси” талаблари инобатга олинган.

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётини зарурияти бўлган таълим тизими қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПК-1875 қарори қабул қилиниши мамлакатимизда ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу йўналиш бўйича 2013 йил 8 майда 124 - қарор билан узлуксиз таълим тизимида чет тиллар бўйича ДТС қабул қилинди ва бошланғич синфлар учун чет тили ўрганишнинг А-1 бошланғич даражаси белгиланди.

Маълумки, бугунги кунда илм-фан, техника ахборот тизими шиддатли ривожланмоқда.

Ўқишда ва ўқитишда кундалик фаолиятга қатнашиш учун инсон ҳар томонлама мукамал билимга, малакага ва кўникмага эга бўлишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Бизга маълумки, шахснинг ҳар томонлама комил инсон бўлишида учта асосий омил муҳим роль ўйнайди. Биринчиси, биологик омил (инсонда мавжуд бўлган ирсий имкониятлар), иккинчи омил муҳим (яъни оиладаги, жамиятдаги яратилган соғлом муҳит, имкониятлар) ҳисобланади. Учинчи омил тарбиядир. Демак, юқорида қайд этилган омиллар асосида бугунги кунда ҳар биримиз мақсадга эришиш учун фидокорлик билан меҳнат қилишимиз керак бўлади.

Президентимиз И.А.Каримов бугунги кун ёшларини ҳар томонлама комил инсон

бўлиб тарбияланишлари учун бош-қош бўлмоқдалар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги қарори асосида бугунги кунда Республикамиз умумтаълим мактабларида, айниқса 1-синфларда хорижий тилларни ўқитиш муваффақиятли амалга оширилмоқда. Таълим муассасаларида ўқувчиларга билим ўргатиш билан биргалликда уларда ўз фикрини бошқаларга тушунтира олиш, тинглаб тушуниш, баҳсга киришишни, яъни бошқача қилиб айтганда, таълимнинг таълимий, тарбиявий ривожлантирувчи мақсадларини бугунги хорижий тил ўқитувчилари шакллантира олаётиларми? Бу саволга ижобий жавоб бериш мумкин.

Бугунги кунда 1-синфдан бошлаб муайян тилда мулоқот қилишга хорижий тилларни ўқитишни муваффақиятли амалга ошириш учун ўқитувчиларга педагогик, психологик талаблар қўйилмоқда. Тилни ўрганиш, ўргатиш кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг она тили фанидан эгаллаган саводхонлигига боғлиқдир. Ўз она тилини, унинг фонетикасини, грамматикасини мукамал билган ўқитувчигина ўқувчиларга хорижий тилдан яхши таълим бера олади.

Узлуксиз таълим тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ўқитувчи, жумладан хорижий тил ўқитувчилари зарур компетенцияларга эга бўлишлари лозим.

Компетенция ўзи нима? Компетенция олинган билим кўникма асосида ҳар бир ўқитувчида шаклланган лаёқатдир. Авваламбор шунини таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўргатишнинг асосий мақсади ўрганувчиларнинг кўп маданиятли жамиятда кундалик илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилида коммуникатив компетенцияни шакллантиришдан иборатдир. Чет тили коммуникатив компетенцияси ўрганилаётган тил бўйича эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилиятидир. Коммуникатив компетенцияни муваффақиятли амалиётга татбиқ этиш учун бугунги кун хорижий тил ўқитувчилари компетенцияни яна қуйидаги турларини ўзларида шакллантиришлари лозим:

1. Лингвистик компетенция. (Тил материали фонетика, лексика, грамматика ҳақида билимлар ҳамда нутқ фаолияти турлари (тинглаш, гапириш ўқиш ва ёзиш) бўйича кўникмаларни эгаллашни назарда тутилади).

2. Социолингвистик компетенция. Бу сўзловчининг бирор бир нутқий вазият, коммуникатив мақсад ва хоҳиш истагидан келиб чиқиб, керакли лингвистик шакл, ифода усулини танлаш имконини беради. Социолингвистик компетенция ижтимоий, маданий ҳолатни ўз ичига олиб, аутентик нутқнинг миллий хусусиятларини ўзи яшаётган мамлакат урф-одатлари, кадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий, маданий хусусиятларини билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини кўзда тутди.

3. Прагматик компетенция ўрганилаётган чет тилида коммуникатив вазиятда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такроран сўраш ва ҳоказолар орқали мураккаб вазиятлардан чиқиб кетиш қобилиятини назарда тутди. Мазкур компетенция оғзаки ва ёзма нутқдаги изчилликни тегишли тип воситалари орқали ифодалашни билдиради.

Биз юқорида компетенция турлари ҳақида фикр юритдик. Бугунги кундаги хорижий тил ўқитувчиларида лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенция юқори даражада шаклланган бўлиб, ёшларимиз ўз устиларида тинимсиз ишламоқдалар ва тилни мукамал ўргатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Компетенциявий ёндашувни амалиётга татбиқ этиш мақсадида соҳанинг тажрибали мутахассислари 1-синфларда хорижий тиллар ўргатиш аҳволини ўрганиш, мониторинг қилиш ёш мутахассислар фаолиятини кўрсатиб уларга тегишли услубий тавсиялар бериши зарур.

Биз бугунги кунда таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялар, интерфаол усуллар ҳақида кўплаб фикр юритамиз, хўш ёш мутахассисларимизда шуларни амалга оширадиган компетенциялар шаклланганми деган кўплаб саволлар қўйишимиз мумкин.

Ёшларимизда замонавий ўқитувчиларимизда компетенция шаклланмоқда, биз тажрибали ўқитувчилар шогирдларга янада кўпроқ услубий ёрдам беришга

кўмаклашмоқдамиз. Бугунги кунда таълимнинг самарадорлигини оширишда ўқувчининг таълим марказида бўлишини ва уларни мустақил билим олишларини таъминлаш учун ҳар томонлама шароитлар яратилмоқда. Республикамиз умумтаълим мактаблари 1-синфларида 500 мингдан ортиқ ўқувчилар хорижий тилларни ўрганмоқдалар, улар билан қўшилиб 500 минг ота-оналар ҳам хорижий тилларни ўрганишга қизиқмоқдалар. Узлуксиз таълимнинг 2-синфларида таянч тажриба мактабларда «Kids English» дарслиги тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Бу синов-тажрибалар компетенцияга эга бўлган тажрибали ўқитувчилар томонидан олиб борилмоқда. Демак бугунги хорижий тил ўқитувчисининг асосий мақсади, коммуникатив компетенцияни эгаллаш экан, у бошланғич синф ўқувчилари билан мулоқотда бўлишда, ўқувчиларга ёндашиш учун тўғри йўл топа олишга, улар билан педагогик нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашда, педагогик тактга эътибор бериши керак. Коммуникатив компетенцияни таъминлашда коммуникатив қобилиятнинг ўрни муҳимдир. Комуникатив қобилиятни белгилайдиган жиҳатлар: характер хислатлари, муомила маданияти, ўқитиш усуллари, ўқувчиларни хафа қилмасдан ва шахсиятига тегмасдан хулқини ўзгартириш усуллари ўз нуқтаи назарини ўзгаларга ўтказиш усуллари орқали амалга ошириши лозим.

Бугунги кунда хорижий тил ўқитувчиси учун таълим жараёнида яъни 1-2-синф бошланғич синф ўқувчилар билан ишлаш учун уларнинг психологиясини, физиологиясини мукамал билишлари керак. Коммуникатив лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенцияларни янада такомиллаштириб борсалар синф ўқувчиларининг ёш ва индивидуал хусусиятларини албатта ҳисобга олсалар иш муваффақиятли амалга ошади. Бугунги мутахассис таълим берувчи, моҳир тарбиячи, тажрибали қўшиқчи, яъни ҳар томонлама қобилиятга эга бўлган актёр бўлсагина бизнинг келажагимиз бўлган ёшларга хорижий тилларни ўқитишда юқори натижаларга эриша оладилар. Хулоса сифатида қуйидагиларга эътибор бериш зарур деб биламиз:

1. Коммуникатив компетенцияни шаклланиши учун ўқитувчи ўз она тилида чиройли нутқий маданиятга, кўникма ва малакага эга бўлиши лозим.

2. Хорижий тилда лингвистик компетенцияни яъни унинг фонетика, грамматика ва лексикасини мукамал эгалласа иш унумли бўлади.

3. Социолингвистик компетенцияни мукамал шакллантириш учун ўқитувчи ўз мамлакати, миллати, урф-одатлари, қадриятлари, тарбия усулларини ҳар томонлама билса хорижий тил мамлакати билан қиёслаб олса, ўқувчиларга хорижий тилни ўргатиш осон кечади.

4. Прагматик компетенцияни эгаллаш орқали ўқитувчи ҳар қандай вазиятдан педагогик такт орқали чиқиб кетишини таъминлай олади.

Шундай қилиб, бугунги кунда ёш ўқитувчларидан биз кўп муаммоларни компетенциявий хал қилишларига ишонамиз. Бунинг учун ўқиш ва изланиш орқали муаммони ечиш керак бўлади. Тажриба-синов мактаб ўқитувчилари, ота-оналари ва жамоатчилик билан ҳамкорликда фидокорона меҳнат қилсалар ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга муваффақиятли ижросини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшган бўладилар.

Таълим самарадорлигига эришиш учун хорижий тил ўқитувчисига бугунги кунда аҳамиятга молик бўлган қатор талабларни қўйиш лозим.

Юқоридаги сифатларни ўзида мужассамлаштирган хорижий тил ўқитувчиси шахсида: олижаноблик, ақлий қобилият, маънавий етуклик ва бошқа юксак инсоний сифатлари ўзларида мавжуд бўлиши керак. Бу жараёнда ўқитувчи бошланғич синф ўқувчиларнинг ёшига хос педагогик-психологик индивидуал хусусиятларни ҳисобга оладилар ва ўзларида шаклланган компетенцияга таянадилар.

Ҳозирги замон ўқитувчисининг асосий фазилатларидан бири ўз касбига садоқатлилиги, ғоявий эътиқодлилиги, ўз касбини севиши, уни бошқа касб эгаларидан ажратиб туради. Чунки мактабда таълим-тарбия ишининг юқори савияда олиб бориш фақат ўқитувчига, унинг касбий тайёргарлигига боғлиқ. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган муҳим талаблардан бири шуки, у ўзи ўқитадиган фанларни чуқур билиши, унинг методикасини ўзлаштириб

олган бўлиши зарур. Фанни ва унинг назариясини чуқур билиш, уни қизиқарли қилиб ўқувчиларга етказа олиш болаларнинг шу фанга бўлган қизиқишини, ҳавасини оширади. Улар ўқитувчининг ўз билимини болаларга етказа олиш имкониятини кадрлабгина қолмай, балки унинг фидойилигини ҳам тақдирлашади. Ўқитувчи касбига ҳос бўлган муҳим талаблардан бири болаларни севиш, уларнинг ҳаёти билан қизиқиш ҳар бир шахсни ҳурмат қилишдан иборатдир. Болани севган, бутун куч ва билимини болаларнинг келажаги, уларни Ватанга содиқ фуқаро қилиб тарбиялашга сафарбар қила оладиган инсонгина, ҳақиқий ўқитувчи бўла олади. Болага бефарқ унинг келажаги билан қизиқмайдиган ўқитувчилик касбига лоқайд инсон ҳақиқий ўқитувчи бўла олмайди.



ФОРМИРОВАНИЕ НАВЫКОВ ЛОГИЧЕСКОГО И ТВОРЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ В УЧЕБНО-ВОСПИТАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ

Колмыкова Л.В., учитель начальных классов школы №182 Чиланзарского района

Психологам хорошо известен тест, изобретенный шведским психиатром Германом Роршахомю. Испытуемому предлагается набор листов с чернильными пятнами различной конфигурации и цвета и предлагается назвать ассоциации, которые возникают при разглядывании этих пятен (сами психологи так и называют этот тест – «пятна Роршаха»). Ассоциации испытуемого позволяют диагностировать его скрытые установки, побуждения, свойства характера и одаренность.

С точки зрения Аристотеля, умение подмечать сходство- это признак таланта « Важнее всего- быть искусным в метафорах. Это нельзя перенять от другого; это- признак таланта, потому что слагать метафоры- значит подмечать сходство», -читаем в «Поэтике». Неужели Аристотель прав и этому нельзя научиться? Возможно, нельзя от другого, но можно развить этот талант.

Вот одно упражнение- на листочках напишите несколько понятий так называемого широкого контекста: жизнь, судьба, семья, любовь, счастье, обучение и так далее. На каждом листочке- по одному слову. Затем на других листочках напишите (или предложите написать своим ученикам) названия конкретных предметов (лампочка, туфли, компьютер, муравейник, мел, дерево и так далее). Затем раздайте пары листочков, чтобы каждому достались листочки с понятием широкого и узкого контекста. Чем меньше связаны значения слов, тем интереснее получается сравнения. Теперь пусть в течение пяти минут каждый придумает, чем похожи эти на первый взгляд непохожие понятия. Что между ними общего? Сходство может быть иллюзорным, мгновенным. Тем оно интереснее. Здесь как нигде подходит объяснение: «Я так вижу». Так видишь? Замечательно. Попробуй объяснить почему...

Вот несколько примеров из работ четвероклассников:

Есть люди, подобные солнцу: могут освещать путь другим.

Несчастья как облака: они приходят и уходят.

Люди подобны планетам: нет похожих друг на друга.

Жизнь подобна подарку: хорошему подарку всегда радуешься.

Школьник как зайчонок: одна зайчиха прибежала- покормила, убежала. Другая прибежала, покормила, убежала. Одна учительница дала знания -ушла. Пришла другая...

Друзья как натуральные числа- они бесконечны.

Люди как облака: одни легкие и прозрачные, другие серые, черные, важные. Одних обидишь - они ничего не скажут, только покачают головой, другие обрушат на тебя дождь мести.

Судьба как щит: то заслоняет тебя от опасности, то, как легкая ткань, еле закрывает

тебя.

Класс как лужа: когда идет дождь, даже дождь знаний, класс наполняется знаниями, а когда дождь иссякает, все балуются.

Судьба как самолет: когда летишь на самолете, то падаешь в воздушную яму, а то облако закрывает обзор. Так и в жизни..

Или вы называете какой-нибудь предмет в классе, а ваши ученики скажут, на что он похож. Победителем в игре становится тот, кто придумал самое необычное и точное сравнение. Например, фикус на подоконнике может быть похож на стаю крокодилов, плывущих в одну сторону, когда над ними пролетаешь на вертолете. А еще можно попросить описать кого-нибудь (человека или животное), используя как можно больше сравнений.

«У меня есть хороший друг. Его зовут Алишер. Его улыбка похожа на ручей, потому что она веселая, озорная и сияющая. Алишер любит шутить и смеяться.

Когда он веселится, то кажется, что мы сидим в цирке или в веселом театре.

Алишер бегаёт, прыгает, скачет, как белка. Если он прыгнет, то он похож на мячик, отскочивший от земли. Его бег подобен потоку воды в водопаде. Мы в школе часто смотрим телевизор, и он смотрит его с таким увлечением, что в этот момент похож на маленького ребенка. А когда мы едим, то он ест с таким аппетитом, будто есть праздничный торт или вкусные конфеты.

На переменах мы играем в разные игры, и Алишер играет очень азартно. Он любит делать разные поделки из бумаги. Это у него хорошо получается. Когда Алишера чем-нибудь огорчишь, он не обижается и не воспринимает это всерьез. А когда он пишет что-нибудь, то сразу становится сосредоточенным. На уроках он стесняется отвечать у доски. А вот участвовать в соревнованиях он не любит, словно не хочет показать свою силу. Я дружу с Алишером, потому что он веселый, с ним легко общаться и с ним интересно!».

Можно попробовать угадывать предмет по сравнению. Класс делится на две группы. Первая группа загадывает предмет, который есть в классе, и каждый участник придумывает, на что он похож. Затем они называют свои сравнения, пока кто-нибудь из другой группы не угадает задуманный предмет.

Например, стул похож на оленя, четыре заводские трубы, деревянную лошадку, пуговицу с четырьмя дырочками, в которые кто-то просунул пальцы и спортивный тренажер одновременно.

Можно потренироваться в подборе устойчивых словосочетаний (сравнений) с союзом как: дождик льет как из ведра, бледный как мел, смотрит как баран на новые ворота, молчит как воды в рот набрал. Пусть ваши ученики сами получают удовольствие от подбора подобных словосочетаний. (Похож как две капли воды, свалился как снег на голову, как с неба свалился, ползет как черепаха, смелый как лев, грязный как поросенок, болтливый как сорока, хитер как лис, робок как заяц, один как перст и так далее)

Как объяснить человеку, как выглядит то, чего он никогда не видел?

Конечно, используя сравнения. В языке много слов, основанных на сходстве: шарообразный или шаровидный, слоноподобный, правдоподобный, воронкообразный, громоподобный, зверообразный. Давным-давно, открывая новые виды живых существ, люди давали им названия, исходя из их сходства с уже знакомыми предметами и существами: рыба-игла, лирохвост, морской еж, голотурия- морской огурец, птица-носорог. А интересно, чем похожа на собачку рыба-собачка? Или на быка рыбка-бычок? Предложите своим ученикам самим вспомнить такие названия (морской конек, рыба-пила, грибы лисички и так далее).

А теперь попробуйте объяснить человеку, никогда не видевшего слона, на что он похож, подбирая сравнения. Только смотрите, чтобы не получилось как в старой восточной притче.

«Однажды в темном помещении людям, не знавшим, что такое слон, показали это животное. Один вошел в комнату, где был слон, ощупал руками хобот и сказал : « Слон похож на змею. Он длинный и гибкий». Другой ощупал слоновый бок и сказал: «Слон похож

на стену - он большой и плоский». А третий ухватил слона за хвост, закричал: «Вы все ошибаетесь! Слон- это длинная веревка!». И никто из них не знал, что это просто слон, потомучто каждый знал толькочасть».

Ученым давно известно, что подбор сравнений активизирует творческое мышление. Этот прием называют приемом образного сравнения (аналогии), когда какой-то сложный процесс или явление сравнивается с более простым и понятным. А ученые, занимающиеся специализацией полушарий головного мозга, считают, что сравнения, метафоры и притчи являются языком правого полушария. Метафоры задействуют глубинные структуры значения слов, воздействуют глубинные структуры значения слов, воздействуют по всем каналам восприятия, создают эмоциональный нажим, активируют мышление, дольше остаются в памяти. Они позволяют посмотреть на предмет или явление с новой точки зрения.



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ – ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ДИДАКТИК ЖАРАЁННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Кудайназаров А., Нукус ДПИ ўқитувчиси

Узлуксиз таълим муассасалари Ўзбекистон жамиятидаги ижтимоий институтлардан бири сифатида унинг тараққиётига ҳар томонлама чуқур таъсир кўрсатади. Узлуксиз таълим тизимининг таянч бўғини ва дастлабки босқичи сифатида умумий ўрта таълим муассасалари ижтимоий-маданий, илмий-техникавий ва иқтисодий тараққиётни таъминлашга ҳисса қўшади.

Шак-шубҳасиз, умумий ўрта таълим айниқса, унинг дастлабки бўғини бўлган бошланғич таълимни такомиллаштириш бугунги кунда янада долзарблик касб этмоқда. Бошланғич таълим жараёни олдига қўйилган вазифалар ечимининг зарурлиги республика ҳукумати ва Халқ таълими вазирлигининг диққат марказида турибди. Бошланғич таълимни ривожлантириш, уни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга татбиқ этишнинг бугунги кундаги вазифалари билан ҳам бевосита боғлиқ. Мазкур муаммо доирасида бошланғич таълим жараёнида ўқув фаолияти сифатини янада ошириш зарурияти вужудга келди.

Бошланғич таълим жараёнида юқори сифат даражасига эришиш мазкур йўналишдаги ислохотларнинг асосий мақсадига айланмоқда. Ушбу вазифани назарий-эмперик жиҳатдан таҳлил қилиш билан боғлиқ вазифалар ўқув жараёнида юқори сифатларга эришиш ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятлари билан бевосита боғлиқлигидан далолат бермоқда. Бунда ўқитувчининг ўз меҳнатига нисбатан ижодий муносабати, ўқув жараёни моҳиятини ҳар томонлама чуқур тушуниши, ўқитишга оид илғор тажрибалар ва методлардан фойдаланиши алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётидаги ўзгаришлар ва қайта қуришлар бошланғич таълим жараёнини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган педагогик фаолиятни жадаллаштиришни тақозо қилмоқда. Инновацион педагогик тизимлар ва ўқитувчининг инновацион фаолияти мутахассисларнинг эътиборини тобора кўпроқ жалб қилмоқда. Ўқитувчининг инновацион фаолияти таълим жараёнини ривожлантирувчи муҳим омил эканлигини амалга оширилган назарий изланишлар ҳамда амалий тажрибалар яққол кўрсатмоқда Р.Сафарова, Б.Адилов, Г.Нажмиддинова, Р.Нуржанова, В.Н.Аверкин, Л.И.Аттаева, Т.Н.Демина, Н.Л.Корнюшкин, Н.М.Мартынова, С.Д.Намсараев, А.Б.Панькин, Н.А.Садовскийларнинг ишларида таълим жараёни ўқитувчининг ижодкорлиги, новаторлиги, янгиликларни амалиётга татбиқ этиши, ўқув жараёнига инновацион ёндошувларни амалга оширишига бевосита боғлиқ эканлиги асослаб берилган.

Инновацион фаолиятнинг умумий масалалари, унинг самарадорлигини таъминловчи ўзаро алоқадор омиллар, бошланғич синф ўқитувчисининг касбий компетентлиги кўплаб

тадқиқотларда очиб берилган. Ўқитувчиларни мақсадли тарзда инновацион фаолиятга йўналтириш ва уларни инновацион фаолиятларини лойиҳалашга ўргатиш бугунги кунда ниҳоятда долзарб педагогик муаммолар сирасига киради. Чунки ўқитувчи ўз инновацион фаолиятини лойиҳалаштирганда унинг ўқув жараёнига нисбатан мавқеи намоён бўлади. Бунинг учун улар педагогик инновацияларнинг моҳияти ва ўқитувчининг инновацион педагогик фаолиятларидаги ўрнини чуқур англаб етишлари лозим.

Ўқитувчиларнинг инновацион жараёнлар ҳақидаги тасаввурлари унинг ривожланишини таъминлайди. Бошланғич таълим жараёни бошланғич синф ўқитувчисининг ижодкорлиги, ўз инновацион фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда лойиҳалаштириши ва амалга ошириши, ўқув жараёнига инновацион ёндошуви натижасида ривожланади ва янги сифат босқичига кўтарилади.

Бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион фаолияти дидактик жараёни такомиллаштиришнинг асосий омили ҳисобланади. Ўқитувчининг инновацион фаолияти биринчи навбатда дидактик жараён сифатига таъсир кўрсатади. Шунга боғлиқ тарзда ўқитувчининг инновацион фаолияти ўқув жараёнини бошқариш ва уни такомиллаштириш механизми ҳамдир.

Бунинг учун ўқитувчи инновацион фаолиятининг ўқув жараёнини такомиллаштиришга кўрсатадиган таъсири чуқур таҳлил қилиниши ва педагогик жиҳатдан баҳоланиши лозим.



ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ ИГРОВЫХ МЕТОДОВ В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ

Куртебаева Н., Сейтова Г., Нукусский ГПИ

В Республике Узбекистан большое внимание уделяется интенсивному обучению иностранным языкам. Указом Президента Республики Узбекистана И.А.Каримова от 10 декабря 2012г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» в Республике создаются все необходимые условия для качественного обучения иностранным языкам. Одним из важнейших средств обучение иностранным языкам являются приемы обучения, удовлетворяющие потребность школьников в новизне изучаемого материала и разнообразии выполняемых упражнений. Использование разнообразных приемов обучения способствует закреплению языковых явлений в памяти, созданию более стойких зрительных и слуховых образов, поддержанию интереса и активности учащихся. Обучения английскому языку на начальном этапе основывается на повышении интереса к предмету. Для этого используются игровые методы обучения. Использование игр дает широкие возможности для активизации учебного процесса.

Игра является инструментом преподавания, который активизирует мыслительную деятельность учеников, позволяет сделать учебный процесс привлекательным и интересным, заставляет учеников волноваться и переживать. Это мощный стимул к овладению иностранным языком.

Игра дает возможность робким и неуверенным в себе учащимся говорить, преодолевая все комплексы и нерешительность. Игра способствует развитию таких качеств как самостоятельность и инициативность. Типы игр: фонетические, лексические, грамматические, игры для обучения аудированию, говорению, чтению.

Фонетическая сторона устной речи и чтения учащихся, как правило, значительно отстаёт от нормы. Возможно, потому, что на обучение фонетике отводится недостаточно времени в процессе занятий. От правильного произношения всего лишь одного звука в слове оно теряет или полностью меняет смысл. Среди фонетических игр, используемых на начальном этапе обучения, можно выделить игры-загадки, игры-имитации, игры-соревнования, игры с предметами, игры на внимательность, игры-лото со звуками.

«Какой звук я задумала?» (игра-загадка)

Учитель называет цепочку слов, в которых встречается один и тот же звук. Отгадавший первым получает право загадать свою загадку. Назови слово (игра с предметом) Ведущий бросает мяч участникам игры по очереди, называя звук, ученики возвращают мяч, называя слово, в котором этот звук слышится. [ei] –name, [ou]- nose.....

Лексические игры. Слова хранятся у нас в памяти ассоциативно-тематическими группами. Поэтому, формируя у учеников базовый словарь, то есть запас «кирпичиков», из которых они будут строить фразы, нам необходимо вводить новые лексические единицы тематическими группами.

В этой связи учебный материал объединяется вокруг основных лексических тем: семья, внешность, одежда, дом, школа, еда, домашние животные, звери, цвет и другие. Чтобы слова и выражения запоминались прочно, их надо очень много раз повторять. А чтобы повторение не наскучило ученикам, при обучении лексике целесообразно использовать игры на карточках, картинках или кубиках.

«Игра Ромашка»

Это самодельная игра, для которой мы делаем ромашку. На её лепестках изображены предметы по лексическим темам, наиболее употребительные лексические единицы. Имеется дополнительный набор карточек-лепестков, дублирующих изображения предметов основной «ромашки». Эти карточки раздаются учащимся.

Например, по теме «Школа» - «The school» ученики получают карточки с изображением школьных принадлежностей и предметов классного обихода: портфель, пенал, ручка, карандаш, дневник, учебник, мел и т. д. Разложив все карточки - лепестки на основной «ромашке» ученик называет каждый предмет по-английски.

Игры для обучения аудированию, эти игры представляют собой восприятие информации учениками на слух. Самыми интересными являются следующие игры.

Творческий диктант.

Учитель диктует отдельные предложения (слова, фразы, рассказ). А ученики рисуют то, что слышали. Затем делают подписи под рисунками слова, фразы, рассказ).

«Наблюдательный ли вы?»

На демонстративной доске установлены картинки, одинаковые по содержанию, но отличающиеся лишь несколькими деталями. Однако только одна из них точно иллюстрирует рассказ, который участники игры прослушивает в записи.

Игры для обучения говорению. Речь – это деятельность зависящая от других её видов, которые стимулируют говорение. Обучая ученика иноязычной речи, обязательно надо связать это с другими видами деятельности, например с игрой. Игра помогает создавать естественные ситуации, необходимые для порождения речи. Игры для обучения говорению весьма разнообразны. В основе их пересказ, описание иллюстрации, составление и воспроизведение текста по плану или на основе ключевых слов, таблиц, чертежей, рисунков, схем и т. д. Наиболее интересным примером может служить рассказ – игра с помощью подстановочных таблиц по теме «Внешность».

«Внешность»

С помощью подстановочных таблиц постепенно появляются глаза, нос, рот, щёки, волосы, уши и т.д. Ученики называют слова в результате поэтапно собирается весь портрет.

«Игра – дни рождения»

Каждый ученик называет свое имя и дату своего рождения (день и месяц) встают в линию, начиная с 1 января и заканчивая 31 декабря.

Цели игры:

1. Знакомство.
2. Тренировка в употреблении порядковых числительных.

Так шаг за шагом, преодолевая страх перед новым и неизвестным, ученики продвигаются вперёд. Таким образом, игра, которая нравится ученикам и правила которой они хорошо знают, может использоваться вновь и вновь.

Самое главное, чтобы она была естественным продолжением ситуации на занятии. Необходимо помнить, что **цель игры** – обучение иностранному языку.

Список литературы

1. Г.А. Китайгородская. Методика интенсивного обучения иностранному языку. МГУ 1986.
2. Е.В. Ильченко. Игры, импровизации и мини спектакли. 2003.
3. Н.Д. Гальскова. Современная методика обучения иностранным языкам. Арктика–Глосса, 2000



БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ЧЕТ ТИЛЛАРИГА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТИШ

Мадазизова Д.Х., Ҳақназарова С.А., Фарғона ДУ ўқитувчилари

Ватанимизнинг келажиги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқ. Фарзандларимизнинг жаҳон цивилизацияси ютуқларини эгаллаб олишлари учун биз, катталар, уларга, биринчи навбатда, она тилини эгаллаб олишларида ёрдам беришимиз ва унинг негизида жаҳон тилларини, шу жумладан, инглиз, немис, рус ва бошқа тилларни ўрганишга қизиқиш ва хоҳиш уйғотишимиз зарур.

Барчага маълумки, яхши ривожланган нутқ кўп жиҳатдан бутун билим олиш жараёнини белгилаб беради. Нутқ - бу ақлни ривожлантириш каналидир. Нутқ қанчалик эрта ўзлаштириб олинса, билимларни ўзлаштириш шунчалик осон кечади.

Болажонларнинг чет тилларини муваффақиятли ўзлаштириб олишлари нафақат объектив шарт-шароитларга, балки субъектив шарт-шароитларга ҳам боғлиқдир. Буларнинг ичида тилнинг ўзига нисбатан шахс сифатида ёндашув, тўғрироғи унга бўлган билиш истаги муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Агар таълим олаётган болаларнинг ўзлари ушбу жараёнга бефарқ бўлсалар ва унда иштирок этишга интилмасалар, кўргазмали ўқув қуролларини қанчалик тўлиқ ва мукамаллигига, таълим жараёни қанчалик самарали методлар ва усуллар билан олиб борилаётганига қарамасдан қутилган натижаларга эришиш муваффақиятсиз кечади.

Чет тилларини ўқитиш жараёнида машғулотлар, дарсларнинг ҳиссиёт билан боғлиқ жиҳатларига кўпинча етарли даражада эътибор берилмайди ва бу ўқувчиларнинг зарур ўқув материални ўзлаштирмасликларига олиб келади.

Буюк педагог В.А.Сухомлинский ҳам ўз асарларида агар таълим жараёнида тегишли ҳиссий муҳит мавжуд бўлмаса, машғулотлар ўқувчиларда чет тилларига бўлган жонли қизиқишни кучайтирадиган самарали ҳиссий рағбат воситаларидан фойдаланилмаса энг яхши дарс услуги ҳам яхши натижа бермаслигини бир неча бор таъкидлаган.

Энг яхши тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳиссиёт омили фикрлаш жараёнига тааллуқлидир. У ахборотни ишлаб чиқиш жараёнини назорат қилиш ва тартибга солиш учун зарурдир. Инсоннинг фикрлаши ўзининг алоҳида мотивлари ва эҳтиёжларига эга.

Ақлий ҳиссиётлар инсон руҳиятидаги фикрлаш ва ҳиссиёт соҳаларининг амалда бир-бирига қўшилиб кетганлигининг ёрқин ифодасидир. Бунга ҳиссиётга қизиқувчанлик, ҳақиқатни яхши кўриш, кутиш, шубҳаланиш, ҳайрон қолиш, завқланиш, доно фикрга лол бўлиш, секин фикрлашдан ҳафсаласи пир бўлиш, тушунмаслик азоби ва ҳоказолар киради.

Маълумки, одамга ўз она тилидан бошқа тилни ўргатишда, одатда, бир неча йил кетади. Лекин амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бу борада эришилган натижалар жуда паст даражада. Бунинг сабаби нима? Балки одатдаги ўқув жараёнида фақат хотира ва нутқ

марказлари ишлаши ва ҳиссиёт соҳасини ишга туширмаслиги учун шундайдир. Педагогнинг вазифаси ҳиссиётни қизиқарли ўйинга айлантириб юборишдан иборат ва шундагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Чет тилида ўргатилаётган мавзу нафақат тушунарли бўлиши, балки у ўқувчилар томонидан ҳис қилиниши ҳам лозим. Ижобий ҳиссиётлар асаб тўқималарининг уйғонувчанлигини оширади ва руҳий жиҳатдан тартибга солишни яхшилайд. Бу эса ўқув материални нисбатан енгил ва мустақил қабул қилишга ёрдам беради. Хорижий тил ўрганишда ҳиссий муҳитнинг роли шу даражада муҳим экан, бунинг яратилишига тўсқинлик қилувчи сабаб нимада?

Бундай сабаблар сирасига гуруҳнинг ўқитувчи томонидан бир яхлитлик сифатида қабул қилиниши ҳамда барча ўқувчилар ўқув материални бир хил қабул қиладилар, деган нотўғри тассавурга боришини эътироф этиш жоиз. Машғулот давомида педагог билан ўқувчилар ўртасида катта оралиқ масофада мавжуд бўлган ҳолатларда педагог имкон даражада бу масофани яқинлаштиришга ҳаракат қилиши, ҳар бир боланинг ёнига бориши ва улар билан тушунарли тилда, юз-кўз мимикасида самимий сўзлашиши лозим.

Таълим жараёнида, айниқса хорижий тилларни ўргатишда болалар билан жонли ва узвий мулоқот жуда зарурдир. У нафақат тил воситаси ёрдамида, балки ёқимли табассум, илиқ назар, мафтункор талаффуз ва актёрлик маҳорат ёрдамида ҳам амалга оширилиши лозим. Қачонки, педагог ўқувчиларни чуқур ҳурмат қилмас экан, болалар бу дарсни тезроқ тугашини орзу қилиб ўтирадилар.

Чет тили дарсларида мутлақ жимжитлик ва темир интизом ўрнатиш асло мумкин эмас. Жонли муҳит, ижодий жараён, билим олишга бўлган ҳақиқий интилишдир. Ҳиссий кечинмаларсиз, педагог билан болалар ўртасидаги дўстона муносабатсиз, қизиқишсиз тил ўргатишда яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Янги ўқув материаллари нафақат тушунарли бўлганида, балки у чуқур ҳис қилинган тақдирдагина бола тўлақонли, мустақкам билим олди, дейиш мумкин. Чин кўнгилдан, моҳирона берилган билим болалар қалбида қувончли ҳаяжон ҳисларини уйғотиши лозим.

Машғулот давомида педагог бир хил такрорланадиган сўзлар, машқлар ва ҳолатлардан халос булиши керак. Мажмуа ёки дарсликда баён этилган материалнинг ҳар бир ҳарфига амал қилиб ўтириш мумкин эмас. Педагогнинг умумий маданияти, унинг ўқув материални болалар онгига қизиқарли тарзда етказа олиш маҳорати, дарсинг яхши ташкил этилганлиги ва ўқув жараёнига нисбатан ижобий муносабат, сўзнинг ифода имкониятларига эгаллик - болаларда чет тилларини ўрганишга қизиқиш уйғотишда катта таъсир кўрсатади. Бунда оҳанг, талаффузга алоҳида эътибор бериш зарур. Бир хил оҳанг, бир хил овоз ўқувчиларни зериктиради ва уйқусини келтиради. Замонавий техникалардан фойдаланиш ўқув жараёнига хилма-хиллик, баён этилаётган материалга эса жонлилиқ бахш этади.



ДИКТАНТЛАР ОРҚАЛИ БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МАНТИҚИЙ ВА ИЖОДИЙ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ

Мадалиева М., Андижон вилояти Қўрғонтепа туман 16- мактаб бошланғич синф ўқитувчиси

Дунёга келган ҳар бир бола ҳақиқий инсон бўлиб вояга етиши учун жуда кўп нарсаларни билиши керак. У ўзига керакли билимларни олишни бошланғич синфданок кўриб, эшитиб, ўқиб, ёзиб ўрганади. Болада товуш ва ҳарфларни таниб ўрганиш билан бир қаторда ёзма нутқ ҳам ривожланиб боради. Ёзма нутқ оғзаки нутқдан сўнг ёзув таъсирида пайдо бўлиб, адабий тилни имловий, пунктуацион, услубий қонун-қоидаларга бўйсинувчи график шаклдаги нутқдир.

Ёзма нутқнинг мазмуний бўлаклари, гаплар, уларнинг қисмлари, турли хил тиниш

белгилари орқали ажратиб кўрсатилади. Ёзма нутқ оғзаки нутқ каби кишилар ўртасидаги бевосита алоқа воситаси эмас, балки бошқа жойда ва бошқа замонда яшовчи кишилар билан алоқа боғлаш воситасидир. Ёзма манбалар орқали биз ўтмиш тарихимизни ўрганамиз ва бундан келажак авлод фойдаланишини таъминлаймиз. Ёзма нутқ доирасига илмий нутқ, бадий нутқ, шунингдек, ҳужжатлар, оммавий ахборот воситалари учун тузилган ёзма матнлар кирилади. Ёзма нутқ саводхонлиги ҳар бир кишидан ўз фикр ва қарашларини тилнинг имловий-грамматик қоидаларига, адабий тил меъёрларига риоя қилган ҳолда ифодаланиши талаб қилади.

Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини ўстириш мақсадида грамматикага оид айрим қоидалар ўргатиб борилади. Ёзма ишлар кўчириб ёзиш, баён ва иншо ёзиш тарзида амалга оширилади. Ўқувчиларни хатосиз ёзишга ўргатишда энг фойдалиси диктантдир. Диктант ўтказишда ўқувчиларнинг имкониятини ҳисобга олиш, ишда аниқликка эътибор бериш, соддадан мураккабга ўтиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам диктант имло ўргатишда ўз табиатига кўра таълимий ёзма иш ҳисобланади.

Таълимий диктант - диктантнинг бу турида ўрганилган мавзу мустаҳкамланади. Бошланғич синфларда диктантнинг луғат диктант, сайланма диктант, кўрсатиш диктанти, изоҳли диктант, ижодий диктант, эркин диктант каби турларидан фойдаланилади. Бу таълимий диктант турларининг ҳар бирини ўзига хос томонлари бор. Масалан, сайланма диктант ўқувчиларни ҳар бир гапга, сўз бирикмасига, ҳар бир сўзга диққат билан қарашга одатлантиради, керакли сўзни грамматик шаклини қоидага мос ёзувни топа билишга, зийракликка, мантиқий ва ижодий фикрлашга ўргатади. Мана шундай диктантлардан бири “Чалғитма диктант” деб номланган диктант бўлиб, тажрибада яхши натижа берди. Бу диктантни бошланғич синфнинг ҳар бир синфида ўтказиш мумкин. Ўқувчилар учун ҳам кизиқарли. Мен ўз фаолиятимда 1-синфда “Айтилиши ва ёзилишида фарқ қиладиган сўзлар” мавзуси бўйича “Чалғитма диктант” дан фойдаландим. Бу диктант ўқувчиларни мантиқий фикрлашини ўстиришда катта самара берди. Аввал болага диктант тушунтирилади, ўқитувчи томонидан сўзлар айтилади, ўқувчилар шу сўзларни тўғрилаб ёзадилар. Масалан, **рубон-рубоб**, **авлот-авлод**, **барк-барг**, **Хуршит-Хуршид** каби сўзлардан фойдаланиш мумкин. Ўқувчилар бу сўзларни ёзиб бўлганидан кейин ўқитувчи хаттахтага бу сўзларни ёзади. Ўқувчилар ўзларининг хатоларини текширади. 2–3-синфларда бу диктантни шева ва адабий тилни қиёслаган ҳолда ўтказиш мумкин. Бундай диктантлар ўқувчиларнинг ижодкорлик, топқирлик, мантиқий фикрлаш қобилиятини оширади.



– INNOVATION TECHNOLOGIYALAR –
**BOSHLANG‘ICH TA‘LIM MEHNAT DARSLARI SIFAT-SAMARADORLIGINI
OSHIRISH OMILI**

Mamanazarova T., Rustamov J., Raximov I., Sirdaryo VPKQTMOI katta o‘qituvchilari

Bugungi kunda jamiyatimiz uchun har tomonlama rivojlangan fan texnika yutuqlaridan foydalana oladigan yetuk malakali kadrlar tayyorlash masalasi turibdi.

Maktab ta‘limining hozirgi bosqichida o‘quvchilarni mehnatga tayyorlash, o‘sib kelayotgan avlodning ta‘lim va tarbiyasidagi eng zarur masalalardan biridir.

Ayniqsa boshlang‘ich sinflarda o‘quvchilarni mehnatga tayyorlash ularning qiziqishlari, moyilliklar va imkoniyatlariga asoslangan qo‘l mehnati hisoblanadi. Shu munosabat bilan mehnat ta‘limi jarayoni o‘quvchilarda ushbu yosh uchun bilim, mehnat, axloqiy, estetik, iqtisodiy-ekologik va aqliy imkoniyatlarni aniq mehnat jarayonlarida rivojlantirishga qaratilgan. Ularni mehnatga tayyorlashni qo‘l mehnati darslari jarayonida bolalarga asosan ishlab chiqarish texnologiyalar chiqindilari (qog‘oz, karton, sim, yog‘och, gazmol va boshqalar) tabiiy va sun‘iy xom ashyolar (maxsus loy, yog‘och va plastmassalar, plastilin, yelim va boshqalar) bilan ishlash orqali keyingi sinflarda qo‘l mehnati darslarini davom ettirilishda zaruriy asos bo‘lib xizmat qiladi .

O‘quvchilarni mehnat ta‘limiga o‘rgatishda zamonaviy pedagogika texnologiyalardan o‘z

o'rnida to'g'ri foydalanish, o'quv jarayonini tashkil etishda uning tamoyillari va usullariga qo'yiladigan umumiy talablariga muvofiq tarzda amalga oshirish zarur. To'g'ri tanlangan o'qitish metodlari orqali va o'qituvchi o'quvchilar ma'lum o'rganayotgan mavzu mazmunidan yetarli darajada bilim olishlari va ko'nikma, malakalarni egallashlari lozim. O'qituvchi dars jarayonida mavzu mazmunini ochib beradigan o'quvchilarning mustaqil fikrlashi, mustaqil ishlashi uchun xilma-xil usullardan foydalanishi mumkin. O'qituvchining intilishi, xatti-harakati darsda o'quvchilarning diqqat-etiborlari susaymasligiga, fikrlarning jamlangan bo'lishiga qaratilishi zarur. O'qituvchi darsning har bir daqiqasidan unumli foydalanishi va o'quvchilarni ham shunga o'rgatish kerak. Har bir o'qituvchiga o'z uslubi, o'z usulining o'ziga xosligiga ega bo'lish huquqi berilgan.

Mehnat ta'limini amaliy mehnat faoliyati bilan birlashtirish va o'quvchilarning ilmiy bilimlarini chuqur o'zlashtirishini ta'minlashda ta'limning turli usullaridan foydalaniladi. Nazariy materialni tushuntirish chog'ida o'qituvchi o'quvchilarning bilimlari va tajribasiga suyanadi. O'quvchilar tomonidan bajariladigan barcha mehnatga oid harakatlar nazariy bilimlarga tayanadi. Boshlang'ich sinflarda ish materiallarining mazmuni, hajmi va usullari o'quvchilarning tayyorgarlik bosqichiga mos kelishi zarur. O'quv materiallarini o'quvchilarga yetkazib berishda faqat soddalashtirish yo'li bilan borish maqsadga muvofiq bo'lmaydi. Bunday yo'l bilan borish o'quvchilarning aqliy rivojlanishini ta'minlay olmaydi. Har bir mavzuni o'rganishda soddadan murakkabga qarab borish maqsadga muvofiqdir.

Ko'pgina o'qituvchilar o'qitishning turli metod va usullarini qo'llab shuningdek, sinfdan tashqari ishlarni qiziqarli tashkil etib, yaxshi o'zlashtirish natijalariga erishmoqdalar va bilimga muhabbat hamda qiziqishlarini singdirmoqdalar. Bunday o'qituvchilar qo'l mehnatini o'rgatishda o'quvchilarga turmush sohasidagi bilim va ko'nikmalarni singdirish bilan birga, ularda ijodiy qobiliyatlarni va bilishga qiziqishini, mustaqil faollikni o'stirishga yordam bermoqdalar.

O'qitish usullari bilimlarni shunday darajada egallanishiga xizmat qilishi kerakki, unda o'quvchilar chizmani o'qituvchi chizgan o'lchamlar asosida emas, balki buyumni istalgan o'lchami bo'yicha chizib, egallagan bilimlarini amalda qo'llay olsinlar.

Qo'l mehnatiga o'rgatishda qo'llaniladigan asosiy usullar tizimi quyidagichadir:

1. Og'zaki bayon qilish.
2. Tushuntirish va hikoya qilish.
3. Suhbat.
4. Mashqlar.
5. Amaliy ishlar.
6. Laboratoriya ishlari.
7. Mustaqil ishlar.
8. Ekskursiya.
9. Kitob bilan ishlash.
10. Texnik vositalar.

Mehnat ta'limi jarayonida o'quvchilarni mehnat ta'limi va tarbiyasiga tayyorlashda mana shu usullardan samarali foydalanilsa o'qituvchi o'quvchilarning mehnat tahlimi va tarbiyasining malaka, ko'nikmalarini egallashlariga va mehnatga tayyorlash to'g'ri tarbiyalansa, haqiqiy mehnatkash uchun zarur bo'lgan sifatlar shakllanadi.

Qo'l mehnatiga o'rgatishda boshqa fanlarni o'rgatishda bo'lganidek, o'qitishning xilma-xil usullarini qo'llab, ular yordamida o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini egallab olishlariga, shuningdek bilish qobiliyatlarini rivojlanishiga erishiladi.

O'quvchilarni kasb-hunarga qiziqishini tarbiyalashda insoniyat mehnat faoliyati tarixini o'rgatuvchi omillarga tayanib, o'quvchilarni kelajakda to'g'ri kasb tanlashlariga ulkan zamin yaratilsa, maqsadga muvofiq bo'lardi. O'quvchilarni mehnat turlariga qiziqishini oshirish, kasb tanlash va o'zlashtirishni shakllantirib borish uchun pedagoglar zimmasiga o'quvchilarga yoshligidan boshlab ta'lim, tarbiya berish bilan birga kasb-hunarga qiziqish ishlarini to'g'ri yo'lga qo'yishda quyidagi shartlarga amal qilish lozim:

- Boshlang'ich sinf o'quvchilariga kasb-hunar to'g'risidagi tushunchalarni singdirish;
- O'quvchilarni yoshiga, jinsiga mos kasb-hunar tanlashga ularga pedagogik-psixologik

yondoshish;

- Kasb-hunarga qiziqtirishda o'quvchilarning yoshi va qobiliyatlarini hisobga olish.

Ko'rilgan choralarga qaramay sinfdagi baxtsiz hodisa ro'y bersa, o'qituvchi birinchi yordamni ko'rsatishi va maktab vrachini chaqirishi lozim. Ish xonasida yod, bint solingan aptechka bo'lishi shart.

Boshlang'ich sinf qo'l mehnati darslari uchun o'quvchilar shaxsiy papkalarini qo'llanilishi 1-3 sinf o'quvchilariga qo'l mehnati darslarini metodik to'g'ri tashkil etish va ularni muntazam o'tkazish imkonini beradi.



БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИЖОДИЙ ТАФАККУР ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Маматкулов Д., Сапаров Қ., Азимов И., Мадатов Р.,
ТДПУ ўқитувчилари**

Хар қандай жадал ривожланиб бораётган жамиятнинг вазифаси соғлом, маънавий бой, мутоносиб ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат. Шу нуқтаи назардан Республикамизда маънавий ва ахлоқий етук, интеллектуал ривожланган, жисмоний бақувват, хар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш мақсадида “2000-йил – Соғлом авлод йили” деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил, 15 февралдаги 46 -сонли қарори билан “Соғлом авлод” Давлат дастури тасдиқланди. Ушбу давлат дастури асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг “ Соғлом авлод” мажмуали тадбирлари ишлаб чиқилган. Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасида 2005 йилни “Сиҳат саломатлик йили”, 2008 йилни “Ёшлар йили”, 2010 йилни “Баркамол авлод йили”, 2014 йилни “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашни асосий мақсад қилиб кўйилганлигини кўрсатади.

Юқоридагилар умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида ижодий тафаккур соғлом турмуш тарзини шакллантириб бориш учун энг муҳим асос саналади. Мактабда соғлом турмуш тарзига эътибор бериш, таълим ва тарбия жараёнида муҳим ўрин тутаяди. Соғлом турмуш тарзини жисмоний, руҳий ва ижтимоий турлари бўйича фикр юритишимиз ва буни мактаб ўқувчилари онгига сингдиришимиз керак. Ижтимоий саломатлик – бу атроф-муҳит ва одамлар таъсирида инсон шахсининг шаклланишидир. Ахлоқ, виждон, бурч, ватанпарварлик, таълим-тарбия, маданият ва шу қабилар одамнинг ижтимоий саломатлигини ташкил этади.

Албатта табиатга тўғри муносабатда бўлиш тўғрисидаги билим кўникмалар мактабгача таълим, мактаб даври, касб-ҳунар коллежи, олий таълим тизимида изчил амалга ошириб борилади. Инсониятда атрофимиздаги оламга онгли муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш соғлом турмуш тарзини амалга ошириш учун асос бўлади. Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида атрофимиздаги олам ва табиатшунослик курси ўрганилади. Бу курсларда жонли ва жонсиз табиат ҳақидаги тушунчалар шаклланиб боради. Табиатшунослик география, биология, физика, кимё курсларини ўрганиш учун замин таёрлайди. Табиатшунослик курси Ер ва Кўёш, жонсиз табиат компонентларининг физик ва кимёвий хоссалари, жонли ва жонсиз табиат ўртасидаги боғланишлар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг яшаш муҳитига мослашганлиги, табиат ва уни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш каби тушунчаларни шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди.

Бошланғич синф ўқувчиларини ўқитишда одамнинг табиатдаги роли ва ўрнини болалар онгига етказиш зарур: одам табиатнинг бир қисми ҳисобланади, у табиат бойликларидан фойдаланиб яшайди, шу сабабли у ўз фаолиятини шундай ташкил этсинки, сув ва ҳаво тоза сақлансин, ерлар унумдор бўлсин, Ер юзидаги биологик хилма-хиллик сақлансин.

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, унинг ресурсларидан рационал фойдаланиш муҳим умумдавлат вазифаларидан бири бўлиб қолди. Бу вазифаларни амалга оширишда шаклланиб бораётган ёш авлоднинг роли ўзига хос ўрин тутди.

Табиатшунослик дарсларида – табиат гўзалликларидан баҳра олиш ва унга тўғри муносабатда бўлиш ҳисларини тарбиялаш соғлом турмуш тарзининг бир шаклидир. Бунда гўзаллик ҳисси, туйғулар бадиий дидни ривожлантиришга қаратилади. Табиат гўзалликларидан завқлана оладиган, табиат уни сеза биладиган инсонларда ҳеч қачон зарарли одатлар шаклланмайди. Табиат гўзалликларини кўра билиш, идрок қилиш, барпо этиш, чиройли иш кўриш соғлом турмуш тарзининг шаклланганлик даражаларидан биридир. Табиатшунослик дарсларида ўқитувчи ўрмонлар, чўллар, ўлкамиз тоғлари, табиати, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг гўзаллигини очиб беради. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг эътиборини жонсиз ва жонли табиатнинг ташқи гўзаллигига қараб, табиатдаги яширин гўзалликни, унинг ҳаётини, муҳит билан ўзаро уйғунлигини, унинг инсоният маданиятидаги родини идрок қилишга ўргатмоғи керак. Ҳаёт гўзаллигини идрок этиш, атрофимиздаги оламга ижобий таъсир кўрсатиш кишининг табиий эҳтиёжи бўлиши лозим. Аммо шундай эҳтиёжни фақат болалик ёшидан бошлаб изчил равишда олиб бориш орқали шакллантириш мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларини ўқитиш жараёнида уларда табиатга, меҳнатга, атрофдаги одамларга нисбатан ҳурмат билан қараш хусусиятлари тарбияланади. Табиатни муҳофаза қилиш, ўсимлик ҳамда ҳайвонларнинг ҳимоя қилиш ўқувчида атрофимиздаги оламга тўғри муносабатда бўлишни тарбиялайди. Тартибсизлик, ифлослик, инсон меҳнати натижаларига, табиий ёдгорликларга путур етказиш, ишнинг ёмон бажарилиши ўқувчиларда бунга қарши ижобий туйғуларни ва тегишли тартиб ўрнатиш истагини вужудга келтириш керак.

Табиатшуносликни ўрганиш давомида ўқувчилар ўз организмига нис-батан катта эътибор ва эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш, шахсий гигиенага риоя қилиш йўли билан жисмоний чиниктириш ижтимоий санитария ва гигиена, бахтсиз ҳодисаларда биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича кўникмаларни шакллантиради. Ўқувчида ўз-ўзини интизомга бўйсундириш, чидамлик, қийинчиликларни енгишда ироданинг чиникқанлиги, уюшқоқлик, ўзаро ёрдам каби ҳисларни тарбиялашга катта эътибор бериш керак.

Ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш Ватанга, жумладан табиатга муҳаббатни ривожлантиришга асосланади. Бошланғич синфларда ўқитишнинг жозибadorлик томонига, айниқса, катта эътибор бериш лозим, чунки бу жозибadorликни шу ёшдаги болалар психологиясининг ўзига хослиги талаб этади. Атрофимиздаги оламга тўғри муносабатда бўлишни тарбиялаш катта самара беради ва зарарли одатларнинг шаклланишини олдини олишда, соғлом турмуш тарзини амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

BOLA SHAXSINI RIVOJLANTIRISHGA YO`NALTIRILGAN TA`LIM TEKNOLOGIYALARI

Mamatqulova G., Zarafshon shahar 2- umumta`lim maktabi o`qituvchisi

Zamonaviy metodika 250 tadan ortiq turli xil usullarni o`z ichiga oladi. Ushbu usullar o`qituvchi rolining o`zgarishiga hamda o`quvchilar yutuqlarini yangi usullarda baholanishiga olib kelmoqda.

Innovatsiya (inglizcha *innovation*) yangilik yaratish, yangilikdir. Demak, an'anaviy ta'limdagi kabi bir xil shablonlar asosida emas, balki yangiliklar asosida ta'lim jarayonining ta'sirchanligini oshirishga qaratilgan ish shaklidan foydalanish innovatsiya demakdir. Ta'limda pedagogik texnologiyalarga asoslanish va innovatsiyaga intilish, o'quvchilarni faollashtirishga qaratilgan turli interaktiv metodlardan foydalanish ta'lim maqsadini samarali amalga oshirishga yordam beradi.

Ta'lim jarayonini innovatsion metodlardan foydalanib tashkil etish uchun avvalo darsning rejasi va loyihasi aniq ishlab chiqilishi zarur.

Dars loyihasini tuzishda o'qituvchi o'zining ish shakllari va o'quvchilarning ko'nikmani egallash jarayonidagi ishlari doirasini aniq belgilab olishi lozim. Shuningdek, u qanday o'qitish metodlaridan foydalanishi ham muhim ahamiyatga ega. Metod tanlashda ko'proq interaktiv metodlarga e'tiborni qaratish ta'lim samaradorligini oshiradi. (*Interaktiv* so'zi inglizcha - *interaction*, ya'ni, *inter* - aro, o'zaro, *act* - harakat ma'nosini anglatadi.) Interaktiv usullar - bu o'zaro harakat, ya'ni hamkorlik asosida o'qitish demakdir. Interaktiv usullarning 4 asosiy turi mavjud. Bular:

- kognitiv usullar;
- o'yinlar, eksperimental faoliyat;
- o'yinlar, modellashtirish;
- amaliyot orqali o'qitish, bevosita faoliyat.

Boshlang'ich sinfda ta'lim jarayonida o'quvchilarning o'qish motivini rivojlantirish katta ahamiyatga ega. Chunki motiv o'quvchilarni ta'lim jarayoniga qiziqtiradi, o'quvchilarning darsga faol qatnashishga, bilimlarni egallashga undaydi. Interaktiv metodlar o'qish motivini rivojlantirishga katta yordam beradi. Masalan, «Baxtli tasodif» usuli.

«Baxtli tasodif» usuli orqali mavzu yuzasidan uyga berilgan topshiriqlarni nechog'ik o'rganilganligini aniqlash oson bo'ladi. Buning uchun qog'ozdan kartochkalar tayyorlanadi va har bir kartochkaga 2-3 tadan savollar qo'yiladi. Faqat bitta kartochkaga «Yutuq «5» baho» deb yoziladi. Shu yutuqli kartochka kimga tushsa «Baxtli tasodif» sohibi hisoblanadi va bugungi darsda eng yuqori ballni oladi. Savolli kartochkalar olgan o'quvchilar ham savollarga bergan javoblari asosida baholanadilar.

Masalan, 4-sinf ona tili darsida «baxtli tasodif» o'yini quyidagicha tashkil etilishi mumkin:

«Baxtli tasodif» o'yini uchun tuzilgan kartochkalar:

Baxtli tasodif- 1

Gapning qanday bolaklari bor?

Ega va kesim gapning qanday bo'laklari?

Baxtli tasodif - 2

Gapda so'zlar qanday bog'lanadi?

Kesim nimaga bog'lanadi?

Baxtli tasodif- 3

Gapda ikkinchi darajali bo'laklar nimaga bog'lanadi?

So'roqlar yordamida quyidagi gapning bosh va ikkinchi darajali bo'laklarini toping:

Gullar kechasi ko'zlarini yummaydi.

Baxtli tasodif- 4

Gapda so'zlar nimalar yordamida bog'lanadi?

Quyidagi gapdagi gap bo'laklarini aniqlang:

Men elimning yuragida yashayman.

Baxtli tasodif - 5

Yutuq «5» baho.

Bunday usullar o'quvchida bilimga ishtiyoq uyg'otadi. O'quvchi darslarga puxta hozirlik ko'rishga intiladi.

“Tovushlar va harflar” mavzusini o'tishda jadvallardan foydalanish

“Tovushlar va harflar” mavzusidagi asosiy tayanch tushunchalar va qoidalarni o'qituvchi juda ham mukammal, asosli misollar hamda ularning o'zbek adabiy tili diksiyasi me'yorlariga mos ravishda tushuntirishi zarur. Aks holda o'quvchidagi diksiya va talaffuz normalari yaxshi shakllanmaydi, ular yuqori sinfga o'tganlarida ham shevaga xos orfoepik hamda fonetik nuqsonlar saqlanib qoladi. 2-sinf Ona tili darsligida “Tovushlar va harflar” mavzusiga oid berilgan mashqlarning ketma-ketligi, uzviyligi, lisoniy talablar asosidagi ko'rsatmalar barcha metodik hamda didaktik talablarga to'liq mos keladi. Lekin bular uchun beriladigan sinfdagi guruhli hamda yakkama-yakka tarzidagi dars mashg'ulotlarini uyushtirish uchun asosli ko'rsatma yoki axborot-kommunikatsion texnologiyalarga asoslangan biron bir ijodiy ish namunasi o'qituvchi uchun tavsiya etilmagan. Ko'pchilik hollarda o'qituvchilar darslik materiallari yuzasidan kompyuter

topshiriqlarini sinfda tayyorlashga kirishadilar. Bu mutlaqo metodik jihatdan noto'g'ri jarayon hisoblanadi. O'qituvchi qanchalik mahorat yoki tajribaga ega bo'lmasin, o'quvchiga mustaqil topshiriq berish orqali, ularning kompyuter texnologiyasi yuzasidan mashq yoki amaliy tavsiyalar bajartirishi mumkin emas.

“Tovushlar yozuvda qanday belgilanadi? degan savolga javob topish uchun darslikdagi 12-mashqda maqollar berilgan bo'lib, uni o'quvchi og'zaki bajarishi topshirilgan. Buning uchun o'qituvchi o'zining kompyuterida mazkur maqolning yozuvdagi ifodasini ikki variantda tavsiya etadi, ya'ni birinchisi bosma harflar bilan terilgan varianti, ikkinchisi yozma variantda berilgan matnidir. Shunda o'qituvchi mazkur ikki variantdagi matnga jadvallar tuzib, o'shanga birinchi qatorda nechta harf bor, ikkinchi qatorda nechta harf bor? degan savol bilan murojaat qiladi. Bu ma'lumotni o'quvchilar har bir berilgan kataklarga so'zlar miqdoriga qarab joylashtiradi. Darslikning 7-betida berilgan katakchalarni ham harflar bilan to'ldirib, ularni og'zaki o'qish topshiriqlari o'quvchilarga mustaqil beriladi. Shunda o'qituvchi sinfdagi o'quvchilarning soniga qarab, ularni to'rt asosiy guruhga bo'ladi. Har bir guruhga vaqti besh minutdan oshmagan talab asosida tovush hamda harflarni o'qish uchun topshiriq beradilar. Har bir guruhdagi o'quvchilar o'ziga berilgan topshiriqni tez va xatosiz bajarganlaridan so'ng ekranli doskaga o'qituvchi shaxsiy kompyuterida tayyorlab kelgan quyidagi qoidani, jadvalda beradi, ya'ni “Tovushlar yozuvda harflar bilan ifodalanadi” degan qoidani o'quvchilarning o'zlari tavsiflab bera oladilar. Bu – birinchidan, o'quvchilarni dars jarayonida ortiqcha zo'riqishdan saqlasa, ikkinchidan, o'quvchilarda kompyuter topshiriqlarini mustaqil bajarish ko'nikmalarini shakllantiradi. Darslikning 8-betidagi mashqlarga kompyuter topshiriqlaridan animatsiyali rasmlarni berilsa, o'quvchilar bunda, birinchidan, so'zlarning o'qilishi hamda yozuvini o'rgansa, animatsiyali rasmlar ko'rgazmada o'quvchilar mazkur predmetning aynan jonli tasvirda ekranli doskada ko'rib, uning izohi bilan ham tanishadilar.

“So'z turkumlari” bo'limini o'rganishda “Aqliy hujum” metodidan foydalanish o'quvchilarning keng va har tomonlama erkin fikr yuritish ko'nikmasini hosil qilishiga yordam beradi. Ushbu metod qo'llanilganda quyidagi qoidalarga amal qilish talab etiladi:

1. O'quvchilarni o'rtaga tashlangan muammo doirasida keng va atroflicha erkin fikr yurutishga undash ularning mantiqiy fikrlarini bildirishga erishish.

2. O'quvchi tomonidan bildirilayotgan fikrlarni rag'batlantirib borish.

3. Har bir o'quvchining javobini doskaga yozib borish.

4. Aytilgan fikrlar shu jarayonda tushuntirib berilmaydi.

5. Shuningdek, ularni muhokama va tanqid qilishga yo'l qo'yilmaydi.

6. Takliflar tugaguncha, doskaga yozib borilavermaydi.

“Aqliy hujum” uchun tanlangan muammo butun sinf jamoasiga yakka tartibda mo'ljallangan bo'lib, har qanday savol o'rtaga tashlanavermaydi. Ular o'quvchilarni fikrlashga undaydigan masalaga turlicha yondoshishni taqozo etadigan, keng fikr yurutish mumkin bo'lgan savollar bo'lishi kerak.

3-4-sinfda “So'z turkumlari” bo'limi o'rganilayotganda quyidagi savollardan foydalanish mumkin.

3-sinf

1. So'zlar nima uchun turkumlarga bo'linadi?

2. Ot qanday qo'shimchalar bilan qo'llaniladi?

3. Egallik qo'shimchalari va ularning vazifasi nimalardan iborat?

4. Kelishik qo'shimchalari qanday vazifani bajaradi?

5. Sifat va ot so'z turkumlarining o'zaro qanday bog'liqligi bor?

6. Ot bilan fe'lning - chi ?

7. Fe'llardagi zamon qo'shimchalari qanday ma'nolarni bildiradi?

8. Shaxs - son qo'shimchalari –chi?

1- savolga o'quvchilar quyidagicha javob beradilar:

so'zlar turli ma'nolarni bildiradi;

Ayrim so'zlar narsa ma'nosini bildiradi;

Shuningdek harakat ma'nosini va belgi ma'nolarini ham bildiradi;

Soʻzlarni maʼnolariga koʻra turlarga boʻlib oʻrgansak, oson boʻladi.

4-sinfda esa 2- savolga quyidagicha javob beradilar:

- otlar koʻplik qoʻshimchasini oladi;
- otlar *-lar* qoʻshimchasini oladi;
- otlat *-chi* qoʻshimchasini oladi.
- otlar *-dosh* qoʻshimchasini oladi va hokazo.

Otlarning egalik qoʻshimchasi (*-im, -ing, -si, -imiz –ingiz,- lari*) qoʻllangan, shuningdek kelishik qoʻshimchalari bilan ishlatilgan holatlari gaplar tarkibida koʻrsatiladi va soʻroqlar yordamida aniqlanadi. Oʻquvchilarda “Aqliy hujum” metodi orqali “Otlar yana boshqa qoʻshimchalar bilan ham qoʻllanar ekan. Ular qanday qoʻshimchalar?”, degan qiziqish paydo boʻladi.

Shunda keyin oʻquvchilarga quyidagi savollar bilan murojaat qilinadi:

- Ot soʻz turkumi oladigan qoʻshimchalar haqida qaysi maʼlumotlarni bilar edingiz?

Koʻrinib turibdiki, oʻquvchilarning savoli - oʻquvchilar bilish qobiliyatining boshqarish vositasi ekan. Savollar qaysi vaziyatda berilishiga qarab, oʻquvchilarni ilgarilab borishga bilimlar sari olgʻa intilishga undaydi, ularning fikrlash darajasini oʻstiradi.


Boshlangʻich sinf ona tili darslarida soʻz turkumlarini oʻrganishda qoʻllaniladigan interfaol usullardan yana biri – “Klaster” usulidir.

“Klaster” soʻzi bogʻlam maʼnosini anglatib, undan darsning “Daʼvat”, “Anglash” va “Fikrlash” bosqichlarida foydalanish mumkin. Bu metod turli xil gʻoyalar oʻrtasidagi aloqalar toʻgʻrisida fikrlash imkoniyatini beruvchi tuzilmadir. Mazkur metod mavzuning oʻquvchilar tomonidan puxta oʻzlashtirilishini taʼminlaydi. Unda oʻquvchilar bilan yakka tartibda va guruh - guruh boʻlib ishlashda foydalanish mumkin.

“Klaster” - “Tarmoqlash” metodi oʻrganilayotgan til hodisasini umumlashtirish va ular oʻrtasidagi aloqalarni topish imkoniyatini yaratadi. Bunda yozuv doskasiga yoki plakatga kalit soʻzlar, soʻz birikmalari yoxud gaplar yoziladi. Kalit soʻzlar til hodisasining aloqadorligiga qarab bogʻlab boriladi. Klaster tuzishda, agar u doska yoki plakatda sinf jamoasi bilan bajarilayotgan boʻlsa, barcha oʻquvchilarning ishtirok etishi shartdir.

“Soʻz turkumlari” mavzusini oʻtganda “Tarmoqlash” usulidan foydalanish oʻquvchilarda darsga boʻlgan qiziqishini kuchaytiradi.

3 - sinfda “Soʻz turkumlari” mavzusi boʻyicha bu usuldan foydalanganimizda oʻquvchilarga bir necha savollar berdik va ularning javobini doskaga tartib bilan yozib bordik:



Shundan soʻng ular shaxs va narsani bildirgan soʻzlar - ot; belgini bildirgan soʻzlar- sifat ; harakatni bildirgan soʻzlar - feʼl ; miqdorini bildirgan soʻzlar esa son degan atama bilan tanishtirildi va yuqoridagi soʻzlar tarmoqqa kiritildi.

Ularga o`ylang, ot, sifat, fe`l, sonni bitta so`z bilan nima deb nomlash mumkin? degan savol bilan murojaat qilindi.

“So`z turkumlari “ mavzusi bo`yicha “Klaster” usulidan mavzuni o`rganmasdan oldin foydalanish o`quvchilarni yangicha fikr yuritishga undaydi. Metodist olimlar fikriga ko`ra, klasterni mavzuni o`rganishni boshlash jarayonida tuzish bilimlarga yetib borish strategiyasi ekanini isbotlaydi.

Xulosa qilib aytganda, darslarda zamonaviy texnologiyalarni qo`llash sifat va samaradorlik omili bo`lib, u o`qituvchidan yanada ko`p o`qish, o`rganish va o`z ustida mukammal ishlashni talab etadi.



БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА “ДАРС–МУКАДДАС” КОНТЕКСТИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Мамедова Ю., Юнусобод тумани, 260-умум таълим мактаб ўқитувчиси

Кўп босқичли узлуксиз таълим мазмуни ва жараёнида юзага келган тенденциялар ҳамда ўзгаришлар вужудга келган муаммолар ва педагогик назария ҳамда амалиёт тараққиётининг янги йўналишларида илмий тадқиқотлар ўтказишни тақозо этмоқда.

Таълим-тарбия тизимининг бугунги кундаги асосий вазифаси ўқувчиларни Ватанимизни севадиган, ўз билими ва истеъдодига суянадиган ҳамда замонавий ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда мустақил равишда пухта билим оладиган, Ўзбекистоннинг қудратли давлат бўлишига ўз ҳиссасини қўшадиган, ҳар томонлама баркамол, соғлом қилиб тарбиялашдан иборат. Мазкур вазифалар, энг аввало самарали дарслар орқали амалга оширилади.

Самарали дарс ўқитувчининг умумий тайёргарлиги орқали, амалга оширилади, умумий тайёргарлик эса узлуксизлик ва узвийлик тамойилига асосланади.

Дарс ишланмасини тайёрлашда ўқитувчи дарснинг ҳар бир қисмини эътиборга олиши мақсадга мувофиқ.

Дарс ишланмаси (конспект) ҳамма ўқитувчида бўлиши шарт. Лекин дарс ишланмаси қандай ҳажмда, неча варақдан иборат бўлиши ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Бунда ҳамма ўқитувчи учун бир хил чегара, чекланиш ўрнатиб бўлмайди.

Агарда ўқитувчи дарс бераётган ўқувчиларининг ўзлаштириш самарадорлиги юқори бўлса, ўқувчилари турли кўрик-танловларда юқори натижаларга эришган бўлса, ўқитувчининг дарс жараёнига мактаб маъмурияти ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари ходимлари томонидан ҳалақит беришларига йўл қўйилмайди.


Дарс ишланмаси (конспекти) қўлёзма шаклида ёки компьютерда ҳам ёзилиши мумкин. Дарс ишланмасини компьютерда ёзишнинг энг муҳим ягона шarti, шу ўқитувчининг ўзи компьютерда ишлашни билиши лозим.

Директорнинг ўқув тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ҳар бир ўқитувчининг дарс ишланмасини кўриб, тасдиқлаш жараёнида ўқитувчиларда дарсга кириш учун қуйидаги энг минимум ҳужжатлар бўлишини назорат қилади:

Ўқитувчининг дарсга пухта тайёргарлиги таълимнинг муваффақиятли ва самарали бўлишининг гаровидир.

Дарс бу - синфда аниқ мақсадларни кўзлаб, белгиланган вақт оралиғида ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар учун ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этилишидир.

Сифатли дарс бу - ўқувчилар томонидан самарали ўзлаштирилган дарс.



Инновация бу – таълим тизимини технологиялаштириш, педагогик технологияларни таълим тизимига киритиш орқали таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахс ижтимоийлашувини таъминлаш, бу борада муайян муваффақиятларга эришиш учун таълим жараёнида болага дўстона муносабатларни шакллантиришга уриниш натижасида вужудга келди.

Инновацион фаолият – бошланғич синф ўқувчиларининг дарсларини тўғри, аниқ, изчил, самарали ва бугунги куннинг талабига жавоб бера оладиган қилиб ташкил этишида, амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг мавжуд меъёр билан тўқнашуви натижасида вужудга келган мажмуали муаммоларини ечишга қаратилган фаолиятдир.

Дарснинг инновацион технологияси – ўқитиш воситалари, техник воситалар, интерфаол усуллар дарснинг узлуксизлик ва узвийлик тамойилига асосланган ҳолда ўз ўрнида самарали қўллай олиш демакдир.

Бошланғич таълимда олинган билим, кўникма ва малака қанчалик изчил ва пухта бўлиши бугунги кунда ўқитувчининг дарсни қай даражада мукамал ташкил этганлигига боғлиқдир.

Биринчидан – ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини пухта ўзлаштириши, таълимнинг тушунарлилик, изчиллик ва тизимлилик, назарияни амалиёт билан боғлаш, кўрсатмалилик бугунги куннинг янги ёндашувлари мультимедиа, ўқувчиларнинг онглилигини амалга ошириш орқали таъминланади.

Иккинчидан – бошланғич синф ўқитувчиси фақатгина ўқиш-ёзишни ўргатувчи муаллимгина эмас, синфдаги тартиб-интизомни, ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатларни назорат қиладиган, таълим-тарбия жараёнини бошқариб турадиган етук мукамал шахсдир.

Учинчидан – ҳар бир ўқитувчи инновацион фаолият жараёнида дарс усулларини ўз ўрнида қўллай олишни билиши дарснинг самарали ташкил этилишини таъминлайди.

Тўртинчидан – ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятларнинг шаклланиши уларнинг шахсида қизиқувчанлик, ўткир зеҳнлилик, мустақиллик, ўқишга қизиқиш ва ижодга интилиш каби фазилатларни тарбиялайди, бошланғич таълимда муаммоли вазиятларнинг ҳар хил турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан – ўқитувчи интерфаол усуллардан – ўқитувчи ва ўқувчи ҳамда ўқувчилараро биргаликдаги ҳаракатдан унумли фойдаланиш керак. Интерфаол усуллар орқали ўқувчини ижодий фикрлашга, олинган ахборотни биргаликда ҳал этишга, фикрини эркин баён қилишга, ташаббускорликка эришилади. Ўқув-билув ижодкорликка йўналтирилса, унинг фаоллиги, яратувчанлик қобилияти ошиб боради. Ўқувчининг ижодкорлиги, мойиллиги, эҳтиёжига қараб иш тутилса, ижобий натижалар беради, яъни ижодкорликка бошланғич синфдан ўргатиш мумкин ва зарур.

Олтинчидан – ўқувчилар ўтилган мавзуни эсдан чиқаришларининг олдини олиш

мақсадида, такрорлаш пассив амалга оширилмаслиги лозим. Такрорлашда кўшимча далил ва мисолларни келтириш, ўрганилган нарса ва ҳодисаларнинг янги томонларини кўриб чиқиш, уларни чуқурроқ таҳлил қилиш, билимларни мураккаб таълимий ва амалий масалаларни ҳал қилишда қўллаш муҳимдир.

Бошланғич синфларда “Дарс – муқаддас” контекстида инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш – бугунги кунда муҳим долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янги ёндашувларга асосланади. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истикболли бўлади, шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади.



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ТАЪЛИМИЙ ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Мардонов Ш.Қ., ЎзПФИТИ директори ўринбосари, п.ф.д.
Иноятова М.Э., ЎзПИФИТИ лойиҳа раҳбари, п.ф.н.**

Мактаб таълимини ривожлантириш, уни жаҳон стандарти талаблари даражасига етказишда чет тили таълимнинг аҳамияти катта. Бунинг изоҳи қисқа ва аниқ. **Қанча кўп чет тилларни билсанг, тафаккур қамровинг шунча кенг, билим доиранг шунча чуқур бўлади.**

Европа мамлакатлари мажбурий таълим дастурида чет тиллар муҳим ўқув фани ҳисобланади. Турли мамлакатларда хорижий тиллар бошланғич синфлардан ўқитилади, масалан, Испанияда 1990-ўқув йилидан, Греция, Италия, Францияда 1992-ўқув йилидан, Шотландияда 1993-ўқув йилидан, Лихтенштейн 1996-ўқув йилидан ва Белгиянинг француз жамиятида 1998-ўқув йилидан бошлаб бошланғич таълим босқичидан бошлаб чет тили ўрганилади. Умуман, кўпгина Европа мамлакатларида чет тили ўқувчиларга 8-11 ёш оралиғида мажбурий ўргатилади. Норвегия ва Австрияда биринчи мажбурий чет тил 6 ёшдан, Италия ва Люксембургда 7 ёшдан, Германияда 8 ёшдан ўрганилади.

Умуман, жаҳонда этироф этилган психологик концепцияларда чет тилларни ўргатишни кичик ёшдан (3-10 ёшлар) бошлаш тавсия этилади. Чунки бу ёшдаги болаларда эшитиш қобилияти ва хотира яхши ривожланган бўлиб, улар янги сўзларни тез ўзлаштирадilar ва яхши ёдда сақлаб қоладilar. 8-9 ёшгача болалар нафақат сўзларни, балки уларнинг хусусиятларини ҳам имитация қила оладilar. **2-2,5 ёшдан 7-8 ёшгача болаларда образли фикрлаш кучли бўлиб, улар нарса ва ҳодисаларни тасаввур қилиш ёки ёдда сақлаб қолишда унинг ўзлари учун яратиб олган образларига таянадilar, демак уларда ассоциатив хотира кучли бўлади. Улар тафаккурининг ушбу хусусиятлари тил ўрганишда кўрғазмалиликдан кенг фойдаланиш зарурлигини талаб қилади.**

2012 йил 10 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори Ўзбекистонда чет тилларни ўқитишнинг жаҳон андозаларига етиб олинишига қаратилгани билан ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Зеро, интеллектуал ривожланган ёш авлодни камол топтириш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Ёш авлод тарбияси учун масъул барча таълим муассасаларида қарор ижросига қаратилган амалий тадбирларнинг оғишмай ижро этилиши унинг ижроси таъминланишида муҳим аҳамият касб этади.

Бинобарин, 2013 йилда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида давлат раҳбарининг мазкур қарорини амалга оширишга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Институтда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги муассислигида “**Ёшларга чет тилларни ўргатишнинг замонавий технологиялари**” мавзусида Республика илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференция уч шўбада иш олиб бориб, уларда

таълим жараёнида чет тилларни ўргатиш самарадорлигини оширишга қаратилган қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди. Натижада таълим тизимида чет тилларни ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-амалий тавсияларишлаб чиқилди. Мазкур тавсиялар барча таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш самарадорлигини оширишда муҳим амалий кўмак бўла олишини ҳисобга олиб, қуйида унинг айрим бандларини келтирамиз (тавсиялар билан тўлиқ танишиб чиқишни истовчилар ЎзПФТИ девонхонасига мурожаат этишлари мумкин):

1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга инглиз тилини ўргатиш учун тақдим этиладиган лингводидактик ўйинлардан фойдаланишда уларни ёш хусусиятларини атроф муҳитдаги воқеликдан келиб чиққан ҳолда танлаш ва лойиҳалаштириш.

2. тили, рус тили ва чет тили бўйича танланадиган ўқув топшириқлари, машқлари ва матнлари орасидаги узвийлик ва мутаносибликни таъминлаш.

3. Бошланғич синф ўқувчилари учун ўзбек, рус ва инглиз тилларининг қиёсий ўқув лугатини яратиш.

4. Биринчи синфлардаги тажриба-синов ишларини давом эттириш ва унинг натижаларини ҳолисона умумлаштириш ва педагогик-психологик жиҳатдан асослаш.

5. Амалиётчи ўқитувчилар билан ҳамкорликда мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга чет тилларни ўргатишда ўйинлардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш.

6. Чет тилларни ўқитишга оид хорижий ва маҳаллий илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш.

7. Оилада чет тилини ўрганиш муҳитини шакллантиришга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Шунингдек, Халқ таълими вазирлигининг махсус буйруғига мувофиқ Чет тилларнинг ўқитилиши, ўқувчилар билими, яратилган шарт-шароитлар, бу борадаги ҳукумат қарорлари ижросининг таълим муассасаларида бажарилиш аҳволини ўрганиш ва амалий ёрдам беришга қаратилган ишчи гуруҳи таркибида институт ходимлари Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Самарқанд, Қашқадарё, Наманган вилоятларидаги қатор мактабларда хизмат сафарида бўлиб, улардаги ўқув ҳолатини атрофлича ўргандилар, кузатилган дарс таҳлиллари натижасида ЎзПФТИ ишчи илмий гуруҳи томонидан қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда жойларга етказилди. Фикримизча, ушбу тасиялар ҳам аксарият хорижий тил таълими ўқитувчиларига ўз дарсларини самарали ташкил этишда амалий йўл-йўриқ бўла олади. Улар қуйидагилардан иборат:

1) дарс босқичлари тўғри амалга оширилиши учун дарс мақсадини тўлиқ равишда янги мавзунга ўзлаштиришга қаратиш керак;

2) дарс жараёнида гуруҳлараро мусобақа ва топшириққа асосланган илғор педагогик технологияларни қўллаш керак;

3) синф хонасининг гигиеник тайёргарлигига эътибор бериш лозим;

4) дарсда илғор ахборот технологиялар, хусусан, дарсликка илова қилиб берилган дисклардан самарали фойдалана билиш зарур;

5) дарсда ўқувчиларни фаоллаштиришга кўпроқ эътибор қаратиш лозим;

6) ўқувчилар билими мониторинги ўқитувчи хонасида сақланиши, унинг оригинал йўллари излаб топилди лозим кабилар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган қарорига мувофиқ, 2013-2014 ўқув йилидан барча мактабларда биринчи синфдан чет тиллар, жумладан, инглиз тили вазиятли ва таълимий ўйинларни қўллаш орқали ўқитилмоқда.

Соҳа муаммолари билан бирмунча таниш кишилар Европа Кенгашининг “Чет тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” (CEFR – Common European Framework of reference) ҳақидаги ҳужжатининг чет тили таълимига самарали татбиқ этила бошлаганини яхши биладилар. Унга кўра, бошланғич синф ўқувчилари чет тилини бошланғич мулоқот даражасида билиши, яъни А1 ва А2 даражаларга жавоб бера олиши зарур. Демак, бошланғич синф битирувчилари учун таниш сўз ва бирикмаларни нутқида қўллаш олиши, тинглаб тушуниши, ўзига яхши таниш ва кенг қўлланиладиган ҳаётий

вазиятлар бўйича саволларга жавоб бера олиши керак. Шунингдек, таниш сўзлар қўлланилган, секин ва раvon нутқ муҳотида мураккаб бўлмаган суҳбатларда иштирок эта олиши лозим.

Ёш даврлари ва педагогик психология қонуниятидан келиб чиқиб ёндашилса, илк мактаб ёшида боланинг ташқи фаол нутқи шаклланаётган давр ҳисобланади. Лекин ушбу ёш даврида тил ўрганишда юзага келадиган объектив, субъектив ва физиологик қийинчиликларни бартараф этиш учун уларни юзага келтирувчи сабабларни ҳам яхши билиш лозим. Улар қуйидагилардан иборат:

1) ўқувчида онг олди ва онг ости фаолиятини йўналтириб, назорат этувчи ихтиёрий диққатдан кейинги диққат барқарорлигининг тўлиқ мужассамлашмаганлиги;

2) бола хотирасидаги сўз-манتيкий хотира образлилиги кўламининг торлиги ва хотирадаги занжирли боғланиш - ассоциациясининг сустлиги;

3) боладаги ташқи нутқнинг доминанталиги ҳамда ички нутқнинг тўлиқ шаклланиб улгурмаганлиги;

4) боладаги мактабга мослашув - адаптация давридаги кризис ҳамда физиологик-анатомик ўзгаришларнинг юзага келаётганлиги;

5) боланинг ижтимоий муҳитдаги янги статусига мослашувида тўсиқларни енгиб ўтишидаги қийинчиликлар ва ҳоказолар.

Маълумки, айрим ўқувчилар сўзнинг график, айримлари эса товушли образини қабул қилишга қийналадилар. Бу борада дидактик ўйинлардан самарали фойдаланиш дарснинг оптималлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Хусусан, инглиз тилини ўрганишда фойдаланиладиган дидактик ўйинларни танлаш ва саралаш зарур.

Чет тиллар, хусусан, инглиз тилини ўргатиш жараёнида қўллаш мумкин бўлган бир қатор ўйинлар мавжуд бўлиб, улар ўз навбатида бир қанча гуруҳларга бўлинади:

I гуруҳ – **предметли ўйинлар**, уларда ўйинчоқлар ва предметлардан фойдаланилади ҳамда инглиз тилини ёзувсиз ўрганиш босқичида қўлланади.

II гуруҳ – **ижодий, сюжетли-ролли ўйинлар**. Булар ҳам инглиз тили дарсларида анча муваффақият билан қўлланади. Ролли ўйинда ҳар бир рол ҳақида ўқувчига аниқ маълумот бериш, у киришиши зарур бўлган ҳолатни тавсифлаб бериш лозим. Бундай ўйинлар боланинг ҳаётий тажрибасига мос келгани сабабли уни ўта қизиқтириб, тегишли мулоқот вазиятини вужудга келтиради. Ўйин вазияти реал турмуш билан тўғридан-тўғри боғланмай, фантастик жанрда бўлса-да, ўқувчининг илгари сурилаётган муаммога нисбатан шахсий муносабатига алоқадор бўлгани сабабли унда кучли мотивацияни таркиб топтиради. Мазкур ўйин фаолияти чет тили таълимининг ушбу босқичи учун, айниқса, аҳамиятли бўлиб, тасаввур этилган вазият тақозосига кўра, ўқувчида ўз муносабатини билдиришга кучли эҳтиёж уйғотади.

III гуруҳ – **интеллектуал ўйинлар**. Ўқувчининг билув фаолиятини фаоллаштириб, бунда ўқув вазифаларини ечиш муаммоли тусга эга бўлади ҳамда чет тили дарсларида кенг қўлланилади.

IV гуруҳ – **техник, конструктив ўйинлар**.

V гуруҳ – **дидактик ўйинлар**. Улар ўқув вазифаларини ҳал этишга қаратилган ўйинлар ҳисобланиб, муайян қоидалар асосида амалга оширилади. Бу гуруҳга асосан чет тили дарсида ўйналадиган лингвистик тавсифдаги ўйинлар киради. Лингвистик ўйинлар иштирокчиларнинг миқдорига кўра индивидуал, жуфтликда ва гуруҳли турларга бўлинади. Шунингдек, кроссворд ва анаграммалар ечиш, жуфтликда ва гуруҳли ишлаш, қиёсий расмлар ҳамда уларнинг жавобларини топишга ёрдам берадиган саволлар кўмагида ўқув жараёнини амалга ошириш, ўйин-диктантлар ўтказишда бу хил ўйинлардан кенг фойдаланилади.

Дидактик ўйинларга қуйидаги талаблар қўйилади:

1) ўйин боланинг ёши ва ўрганилаётган мавзуга мутаносиб бўлиши керак;

2) ўйинда барча ўқувчилар иштирок этиши лозим;

3) ўйинга бериладиган изоҳлар (кўрсатмалар) тушунарли ва унчалик мураккаб бўлмаслиги лозим;

4) ўйинда болалар иштироки ижобий муносабат муҳотида кечиши керак;

5) натижаларни муҳокама этиш муваффақиятли жиҳатларни тавсифлашдан бошланиб, шундан сўнггина камчиликлар таҳлилга ўтиш мумкин.


Ўйин ёрдамида ўқитишдан мақсад ўқувчиларни билимларни самарали ўзлаштиришга йўллаш, мавзуларни тинглаб тушунишга одатлантириш, турли восита ва усулларни қўллаб, ўқувчилар кўзларида билимга нисбатан қизиқиш алангасини ёндиришдан иборат. Психологларнинг уқтиришича, қизиқишсиз, ижобий муносабат ва ҳиссиётлардан холи ўзлаштирилган билимлар фойдали бўлмай, ўлик юкламадангина иборат бўлиб қолади.

Бошланғич синфда ўқувчиларида коммуникатив компетентлиликни шакллантиришга қаратилган дидактик ўйинлар ўқувчининг визуал, аудиал ва кинестетик ахборотларни қабул қилиш каналларига кучли таъсир кўрсатиб, лексик материални ўзлаштиришнинг барча босқичларида қўлланилади.

Масалан, янги сўзларни ўрганиш ва уни илк бор қўллаш жараёнида «Оч айиқ» («AHungryBear») ўйинидан фойдаланиш мумкин. Унга кўра, ўрмонда очликдан егулик излаш дардига тушган айиқларнинг уйқуси қочиб, улардан бири мактаб атрофида тентирайди ҳамда дангаса ўқувчиларни излайди, мақсад дангасаларни ўзи билан олиб кетиш. Ўқувчиларимиз орасида дангасаларга ўрин йўқ, улар ақл-заковатлари кўмагида оч айиқлар учун қопларни тўлдирдилар. Бунинг учун ўқувчилар уч гуруҳга бўлинадилар. Доскага учта қоп сурати чизилади. Ўқувчилар навбат билан доска олдига чиқиб “қоп”га солиш учун ўрганган сўзларини ёзадилар. Энг кўп сўз ёзган гуруҳ ғалаба қозонади. “Айиқ” ҳар учала қопни олиб ўрмонга йўл олади.

Шунингдек, қопларни олдиндан тикиб, турли мавзуларга тааллуқли сўзларни карточкаларга ёзиб аралаштириб қўйиш мумкин. Гуруҳдаги ўқувчилар берилган вазифага мутаносиб сўзларни саралаб тегишли қопларга жойлайдилар. Масалан, гуруҳларга “Оила”, “Озиқ-овқат”, “Транспорт”, “Туллар”, “Ранглар”, “Ҳайвонлар” каби мавзулар бўйича сўзларни топиш ва қопга жойлаш вазифаси берилиши мумкин.

«Сўзлар поезде» («Word Train») ўйинида ҳам ўқувчилар уч ёки тўртта гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга гапдаги сўзлар миқдорига тенг карточкалар тарқатилади. Карточкаларда ўрганилаётган мавзуга мос лексик birlikлардан тузиладиган гап учун керакли сўзлар берилади, масалан:



Гуруҳлар берилган сўзлар асосида гап тузадилар.

Лексикани ўрганишнинг кейинги босқичида “Таржисон» («Interpreter») ўйинини ўйнаш мумкин. Инглиз болакай Джек таътилда сизникига меҳмонга келди. У уй ишларида ойингизга ва сизга ёрдам беришни хоҳлаяпти-ю, лекин ўзбек тилини билмагани учун инглиз тилида мурожаат қиляпти. Афсуски, оила аъзоларингиз унинг гапларига тушунмаяптилар. Джекка ёрдам бериш Сизнинг дўстлик бурчингиз. Сиз Джекнинг гапларини инглиз тилидан ўзбек тилига, онангизнинг гапларини эса ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиб туришингиз лозим. Худди шу каби ушбу ўйин боғ ёки гараж ишларида отага ёки бобога кўмаклашишни истаган Джекнинг истагини қондиришга қаратилиб амалга оширилиши ҳам мумкин. Албатта, ўйин жараёнида она, ота, бобо, Джек ролларида ўқувчиларнинг ўзлари қатнашиб, вазиятга мос диалогларни экспромт тарзида тузадилар.

Халқ таълими вазирлигининг махсус буйруғига кўра жойларда хизмат сафарида бўлиб, 1-синфда инглиз тилининг ўрганилиш ҳолатини тадқиқ этганимизда, айрим ўқитувчиларнинг дарсида дидактик ўйинларни ташкил этишда, уни самарали қўллашда қийналаётганларини, кўпинча ўйинга ажаратилган вақтнинг бекорга сарфланаётганини гувоҳи бўлдик.

Шунингдек, бошланғич синфда инглиз тилин ўргатишда жиддий тўсиқ бўлаётган қуйидаги омиллар ҳам эътиборга сазовор бўлиб, уларни бартарф этиш бошланғич инглиз тили таълими олдида турган муҳим вазифалар жумласига киради.

Ўқитувчилар дарснинг мақсадини янги мавзуни ўзлаштириш билан бирга, ўтилганларни такрорлашга ҳам ҳаддан зиёд кўп эътибор қаратишмоқда. Натижада ўрганиладиган ва такрорланадиган материаллар сони кўпайиб кетмоқда ва дарс босқичлари тўғри тақсимланмай қолмоқда.

Тақвим режадан ортда қолиш ҳолати мавжуд.

Ўқитувчининг назорат дафтаридаги қайдларда ўқувчиларнинг исми-шарифи ва уларнинг айримлари рўпарасига қўйилган нуқталар билан кифояланилмоқда.

Қатор мактабларда (Чирчиқ шаҳридаги 5, Ўртачирчиқ вилоятидаги 3-мактаб) инглиз тили ўқитувчиларининг дарси кузатилгач, уларга дарс самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги тавсиялар берилди:

1) дарс босқичларининг тўғри амалга оширилиши учун дарс мақсадини янги мавзуни ўзлаштиришга қаратиш керак;

2) дарс жараёнида гуруҳлараро мусобақа ва топшириққа асосланган илғор технологияларни қўллаш лозим;

3) ўқувчиларга ўтилган мавзуларни такрорлатишда ўқитувчининг инглиз тилида сўзлаши катта аҳамиятга эга эканлигини ёдда тутиш керак. Масалан, ҳар бир дарсда қандай мавзу ўтилишидан қатъи назар, ўқув жиҳозларининг номларини ўқитувчи инглиз тилида айтиб, уларни кўрсатишининг ўзи шу сўзларнинг фаол ўзлаштирилишга олиб келади;

4) дарсда ўқувчиларни фаоллаштиришга янада кўпроқ эътибор қаратиш лозим;

5) ўқувчилар билимини мониторинги ўқитувчи хонасида сақланиши керак. Бунинг оригинал йўллари топиш, масалан, синф бурчагига вагончалар расмини қўйиб, унга ўқувчилар расмини ўзлаштиришига қараб олдиндан орқага қараб жойлаштириш, кундалик дарс натижалари асосида уларни ўзгартириб бориш) кабилар.

Юқоридагиларга хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқитувчилар дарсда қўлланиладиган ўйин турларини яхши билишлари, дарснинг кундалик режасини шакллантираётганда ўйинни қандай амалга ошириш ва унинг самарадорлигига эришиш учун вақтни тўғри тақсимлаш устида ўз тажрибаларини бойитиб боришлари зарур деган хулосага келдик. Зеро, бошланғич таълимда дидактик ўйинлар дарснинг муҳим компоненти бўлиб, ўқитувчига энг зарур ёрдамчи восита, унинг педагогик маҳоратини кўрсатиб берувчи муҳим мезондир.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК АКСИОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ

Мардонов Ш.Қ., ЎзПФИТИ директор ўринбосари, п.ф.д.

Алмаматов Т., Жиззах ДПИ доценти

Тилакова М., Жиззах ВПКҚТМОИ тадқиқотчиси

Умумий ўрта таълимда бошланғич синф ўқувчиларида зарурий билим, кўникмаларни шакллантириш, бошланғич таълимнинг сифат ва самарадорлигини янги босқичга кўтариш, ўқув-тарбиянинг замонавий усул ва воситаларини амалиётга жорий қилиш, шунингдек, ушбу узлуксиз жараёнга кенг педагогик жамоатчилик ҳамда касб мутахассисларини жалб қилиш ижтимоий заруриятга айланди. Бошланғич таълим сифат ва самарадорлигини оширишда таълимий кадриятларнинг (аксиологиянинг) ўрни ва роли бекиёсдир.

Замонавий шароитларда таълимий кадриятлар, уларнинг табиати, функциялари, ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги педагогиканинги янги соҳаси – педагогик аксиология ривожланиб бормоқда. Чунончи замонавий жамият таълими ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллашининг мақсадга йўналтирилган жараёни ва натижаси сифатида тушунишдан узоқлашди. Таълим бу болада инсонийликни таркиб топтиришдир. Унинг асл моҳияти ҳам ана шунда.

Таълимнинг маънавиятни таркиб топтиришдаги аҳамияти, унда кадриятли билимларни узатиш ва унинг асосида инсонда кадриятли муносабат, кадриятли хулқ-атвори шакллантиришда эканлигини ўз вақтида Афлотун ҳам таъкидлаб ўтган эди. У давлатнинг асосини ягона, қолган барчаси унга боғлиқ бўлган, бирликакс эттиради, деб ҳисоблаган. Бундай асос – олийжанобликдир. Олим юксак олийжаноблик сифатида ҳеч нарса яхшилик ва ёмонлик ҳақида ундай маълумот бера олмайдиган билимни эътироф этади. Билимда қанчалик олийжаноблик ўз ифодасини топганлигини эса таълим жараёнида ўрганиш мумкин.

Педагогик аксиология инсон ва таълимни кадрият деб эътироф этган ҳолда, таълимий кадриятларни муҳокама этувчи ҳамда таълимда кадриятли ёндашувни амалга оширувчи педагогик билимлар соҳасидир.

Педагогик аксиологиянинг предметини шахснинг кадриятли онги, кадриятли муносабати, кадриятли хулқ-атворини шакллантириш ташкил этади.

Аксиологик муаммоларга доир назарий манбалардаги кадрият тушунчасининг моҳиятини таҳлил этиш асосида педагогик аксиология кадрият тушунчасига шахс ва жамият фаолиятида идеал намуна ва йўналишларни акс эттирувчи индивидуал ва ижтимоий онгни ташкил этувчи махсус таълим сифатида қарайди. Алоҳида шахс ёки жамият яхлитликда кадриятларни узатувчиси сифатида қаралади, ниҳояси эса, инсоннинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатини рағбатлайди. Хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларнинг тавсифи шахснинг атроф-муҳитга, ўз-ўзига муносабати ҳақида гувоҳлик беради.

Фалсафадан фарқли равишда педагогик аксиология уларни «кадрият», кадриятли онг, муносабат, хулқ-атвор деб номлаш орқали «кадриятли» тушунчаларга алоҳида-алоҳида қарайди.

Узлуксиз таълимнинг мақсадлари, уни ташкил этиш ва бошқаришга кадриятли ёндашувнинг зарурият эканлигидан келиб чиқиб, ўзгариши мумкин. Педагогик аксиологиянинг муҳим вазифалари сифатида қуйидагиларни аниқлашга имкон беради:

- кадриятлар назарияси нуқтаи назаридан педагогика назарияси ва таълим амалиётининг тарихий ривожланиш йўллари таҳлил қилиш;
- унинг аксиологик йўналганлигини акс эттирувчи таълимнинг кадриятли асосларини аниқлаш;
- миллий таълим мазмуни ва ривожланиш стратегиясини аниқлашга доир кадриятли ёндашувни ишлаб чиқиш.

Н.А.Аstonованинг “Педагогик аксиологиянинг концептуал асослари” (“Концептуальные основы педагогической аксиологии”) мақоласида педагогик аксиологиянинг предмети сифатида шахснинг маданий муносабатини ривожлантириш эътироф этилади. Мақолада қайд этилишича, ана шу жиҳат билан боғлиқликда педагогик аксиологиянинг функциялари, унинг ўзига хосликларини белгилашга имкон беради. Қуйида уларни кўриб ўтамыз:

- мазмун мувофиқлиги (таълимнинг мазмунли ва процессуал жиҳатларини бирлаштирганлиги сабабли интеллектуал ташаббус рағбатлантиради) – фикрий жараён, объектни фаоллаштириш, аниқ далил ва исботларни белгилаш, ахборотни танқидий мушоҳада этиш, маъно-мазмунини тушуниш, шахсий фикрнинг такомиллашуви;

- баҳоловчи – педагогик жараён иштирокчиларида борлик ва маънавий ҳодисаларни адекват баҳолашини акс этиради;

- йўналтириш функцияси – «кадриятлар иерархияси»нинг маълум параметрлари асосида шахсий, касбий тавсифнинг муҳим қоидаларини аниқлаш имкониятлари билан боғлиқлиги;

- меъёрий (норматив) – педагог ва тарбиячининг аксиосферасининг таркибий қисмлари, ўзида кадрият тарзини акс эттирувчи ўзаро муносабатлари тизимини «қонунийлаштиради»;

- бошқарувчилик – инсонпарвар мазмунга эга миллий ва умуминсоний кадриятлар оқимидаги тизим субъектларини таълим тизими ривожланишига йўналтиради, таълим соҳасидаги ўзаро зарурий ҳаракатларни ҳосил қилади;

- назорат қилувчи – маданий-тарихийлик контекстида кадриятнинг ривожланиши, шахсда кадриятга йўналганликни шакллантириш имконини беради.

Педагогик аксиологиянинг мазкур вазифа ва функциялари илмийлик, амалийлик, тажриба бирлигини ифода этувчи мазмунини очиб беради.

Илмий жиҳат (аспект) бошқа барча ижтимоий жараёнларни аниқлаб берувчи, асосий кадрият сифатида таълимни кўриб чиқиш асосида таълимий кадриятларни ўрганувчи педагогиканинг янги илмий йўналиши – педагогик аксиологиянинг муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишни талаб этади. Бу ерда асосий вазифалардан бири сифатида аниқ шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, таълимни кадриятли башоратлаш, илмий асослаш ётади (акс эттирилади). Аксиологик билимларни тизимлаштириш мақсадида педагогикадаги кадриятли меросни ўрганиш ва педагогик аксиологиянинг тушунчали аппаратини аниқлаш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади.

Амалий жиҳат ўқув режалари ва дастурларини тузиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш, дидактик ва методик материалларни ишлаб чиқиш, таълим ва тарбия концепциясини яратишда таълим соҳаси ходимларининг аксиологик билимлардан фойдалана олишини тақозо этади.

Тажрибавий (амалий) жиҳат ўқувчи, талаба, ўқитувчиларнинг кадриятли онги, муносабати, хулқ-атворини шакллантириш, уларнинг кадриятли йўналганлигини ривожлантиришга доир аниқ муаммоларини ҳал этишга қаратилган таълим муассасалари фаолиятини ўз ичига олади. Уларнинг вазифаси ҳозирги вақтда педагогик аксиология нимани тақозо этса, шуларнинг барчасидан моҳирона фойдаланишни ўзида акс эттира олишдир.

Амалий жиҳатни амалга ошириш тўлиқ кадриятли йўналганликнинг назарий асосларини аниқлаб берадиган илмий жиҳатнинг ривожланганлигига ва таълим соҳаси барча бўғинлари фаолияти йўналганлигининг шакллантирилганлигига боғлиқ бўлади.

Таъкидлаганимиздек, таълимий кадриятлар жамиятда кечаётган ижтимоий ўзгаришлар асосида юзага келади. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида амалга оширилган таълимий ислохотлар малакали кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан қайта шакллантиришни тақозо этади. Айни вақтда таълим жараёнини ташкил этиш, мутахассисларнинг чуқур касбий билим, кўникма ва малакага эга бўлишларини таъминловчи илғор, технологик характердаги ёндашувлар қарор топди. Ёшларда билим ўрганиш ҳамда аниқ касб ёки ҳунар сирларини ўзлаштиришга ижобий муносабат шаклланди.

Изланишларимизнинг кўрсатишича, кадриятлар тушунчаси истеъмолга ўтган асрнинг 60-йилларида инсон, ахлоқ, инсонпарварлик, умуман субъект омилига қизиқишнинг ошиши натижасида кириб келганлигига қарамасдан ҳозиргача аниқ бир таърифи берилмаган.

Кадрият – фалсафий ва ижтимоий тушунча. У, биринчидан, бирор объектнинг ижобий ёки салбий қимматини, иккинчидан, ижтимоий онгнинг норматив белгиловчи-баҳоловчи жиҳати (субъектив кадриятлар ёки маънавий кадриятлар)ни ифода этади (Ж.Туленов).

Кадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади.

Демак, кадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиий ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилмоғи лозим.

Табиат ва жамият ҳодисалари инсон фаолияти туфайли, унинг эҳтиёжларини қондириш натижасида кадрият сирасига киритилади.

Инсонни, жамиятни маънавий бойитишга хизмат қиладиган, жамият ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган педагогик жараёнлар, ҳодисалар ва бошқалар таълимий кадриятлардир.

Демак, аксиологик таълимотнинг бола таълим-тарбиясидаги мазмун-моҳияти бугунги кунга қадар кам ўрганилган, лекин таълимий кадриятлар бола тарбиясида, айниқса, бошланғич таълимнинг сифат ва самарадорлигини кўтаришдаги муҳим аҳамияти ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди.



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСЛУБЛАРИ

Махмудова Н.Д., Хоразм ВПКҚТМОИ кафедра муdiri, п.ф.н.

Бугунги кунда таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, таълим мазмунини такомиллаштиришга оид қабул қилинган ҳукумат қарорлари, таълимни ҳаёт билан боғлашни, ўқитиш самарадорлигини оширишни, тез тараққий этиб бораётган жамият учун ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришни талаб қилади.

Янги педагогик технологиялар асосида бошланғич синф ўқувчиларида, дунёни инсонга хос, фуқароларча кўришни тарбиялаб бориш лозим. Улар дунёни фуқароларча, ватанпарварларча кўриш, қандай қилиб, кишилар меҳнати билан, шунингдек, кўтаринки ғоялар, аниқроғи миллий ғоя билан кўшила боришини англамоқлари ва ўрганмоқлари жуда муҳимдир.

Фуқаровийлик ҳиссини бошланғич синф ўқувчилари онгида шакллантиришни маънавий-ахлоқий тарбиянинг асосий мезони сифатида қараш лозим. Чунки ўтмиш маданий, тарихий меросга оқилона муносабатда бўлиш ўтмиш аجدодлардан фахрланиш ҳиссини туғдиради. Бу нарса миллий онгнинг ўсишига, миллий ўз-ўзини англашга йўл очади. Миллий онгнинг ривожланиши эса юқорида таъкидланганидек, ватанпарварлик туйғусини шакллантиради. Ватанпарварлик, энг аввало, киндик қони тўкилган жойга, қариндош-уруғ ва маҳалла-қуйга, эл-юрт, она заминга бўлган ҳурмат-эътибор, меҳр-муҳаббатдан бошланади. Шу нуқтаи назардан 1-синфдан бошлаб ўқувчиларда, ўқиш китоби асосида, ҳар бир мавзунини Ватан туйғуси ва ватанпарварлик тушунчаларини изоҳлаган ҳолда тушунтириб бориш лозим.

Ҳаёт тажрибаси, ақл-идрокнинг ўсиб бориши, кишилар ва жамият олдидаги маъсулият ҳиссини ўсиб бориши билан Ватан туйғуси кундалик одатдан иймон-эътиқодга айлана бошлайди. Ватанпарварликнинг эътиқодга айланиши ҳар бир инсон қалбида, унинг шуурида ва фаолиятида ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак уйғунлашиб, унинг бундан кейинги ҳаётий фаолиятини белгилаб берадиган ички маънавиятнинг ифодаси бўлиб қолади.

Бинобарин, Ватан туйғуси алоҳида индивидуал тушунча бўлса ҳам, бу алоҳидалик болаликдаги хотиралардан бошланиб, кенг қамровли "Ватан" тушунчасига айланади.

Бугунги кунда мустақил Ватанимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Унинг негизида инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат, барча фуқароларнинг эркинлиги ва тенглиги, ижтимоий адолат каби умумбашарий тушунчалар ётади.

Таваллуд топган ерга ҳурмат тариқасида улуғ аجدодларимиз ўз номлари охирига туғилиб ўсган жойи номини кўшиб айтганлар. Масалан: Хоразмий, Бухорий, Термизий, Фарғоний, Марғиноний, Форобий, Яссавий, Қошғарий, Беруний ва бошқалар. Бу ўз Ватанига, киндик қони тўкилган ерга бўлган ҳурмат-садоқат белгиси сифатида хизмат қилган.

Янги педагогик технологиялар асосида бошланғич синф ўқувчиларида ватанпарварлик хис-туйғусини шакллантиришда Ўзбекистоннинг янги давлат рамзларидан фойдаланиш самарали натижалар беради. Жумладан, байроғимиз, мадҳия ва бошқалар, бошланғич синф ўқувчиларида ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Бу эса, ўз навбатида, Ватаннинг шон-шухратини оширади.

Бугунги кун ўқитувчиси ХХI аср киёфасини ўзида тўла шакллантирган, ўз соҳаси эмас, балки фанлараро боғланишни таъминлаш учун бутун бир соҳанинг билимдони, нутқи раво, изчил, гўзал адабий тилда сўзловчи, сўзи билан амали бир, жамиятда баркамол, эътиқоди бут, маънавий мафкураси, фикри ва зикри соғлом, баркамол фарзандларни тарбияловчи мукамал инсон бўлмоғи лозим.

Шунингдек, илғор педагогик технология асосида ташкил этилган дарслар ўқувчиларни билимларининг яхлит ўзлаштирилишига ёрдам беради, ўқувчи тафаккурини ўстиради,

мустақил, ижодий фикрлашга ўргатади. Зеро, баркамол авлод тарбияси жамият маданий-маърифий тараққиётининг, миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир.



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР ОРҚАЛИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН Фойдаланиш

Махмудов Б.А., ТДПУ ўқитувчиси

Инсон бутун ҳаёти давомида ҳаракатда бўлади. Бу ҳаёт эҳтиёжи. Айниқса, ёш болалар, бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний ҳаракатларга бўлган эҳтиёж даражаси юқори бўлади. Шу маънода миллий ҳаракатли ўйинлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, аввало, ўқувчиларни жисмоний тарбияга бўлган қизиқишини орттиради ва фаоллаштиради. Миллий ҳаракатли ўйинларнинг ахлоқий-эстетик жиҳатлари ўқувчиларни тарбиялаш, шу жумладан эстетик тарбиялашнинг муҳим воситасидир. Уларда ҳаракатларнинг гўзаллиги, хилма-хил ҳодисалар шаклида тақдим этилади. Муҳими ўйинлар ғоятда ҳаракатли бўлиб, улар – юриш, югуриш, отиш, сакраш, ушлаб олиш, юк кўтариш ва ҳоказолар. Шу билан бир қаторда, бу ўйинлар фақат жисмоний ҳаракатлардан иборатдек туюлади. Бироқ уларнинг эстетик жиҳатлари диққат марказида бўлиши лозим. Зеро, ўйин турларининг асосида миллий элементлар билан боғлиқ бўлган эстетик хусусиятлар ётади. Шунинг учун бу ўйинлардан фойдаланиш жараёнида мураббий ўзига хос педагогик маҳорат билан раҳбарлик қилган вазиятларда унинг тарбиявий аҳамияти, болага таъсири самарали бўлади. Ҳаракатли ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти Шарқ алломаларининг педагогик қарашлари ва таълимотларида ҳам ўз ифодасини топган. Буюк Хоразм шоири Муҳаммад Ризо Огаҳий ўзининг ижодий фаолиятида халқ ўйинларига алоҳида аҳамият беради, ўйинлардаги ақлий, рухий, нафосат, маънавий имкониятларини фаҳмлаган ҳолда, ўйин вақтида боланинг феъл-атворини билиб олиш, унинг салбий ва ижобий сифатларини осонроқ аниқлаш, беъмани қилиқларини бартараф этиш мумкин, деган хулосага келади. В.А.Сухомлинский эса диққатини ўқувчининг эстетик дунёсига таянишга бир неча марта жалб қилган. Ўқувчининг фақат идроки ва онгига қаратилган тарбия борлиқдаги гўзалликни англаб етишларини ифодалайди. Ўзининг йўналишлари бўйича атрофдаги дунёга шахснинг интеллектуал, эстетик, ахлоқий муносабатларини акс эттириш мумкин. Интеллектуал (“Мен тушундим”, “Мен фаҳмладим”), эстетик (“Мен ўртоқларимнинг камчиликлари устидан кулмайман”), маънавий (“Машқни чиройли бажардим”), ахлоқий (“Мен ўртоғимнинг қилган ҳаракатидан ғурурланаман”) каби ҳиссиётларнинг турли-туманлиги кенг доирадаги эстетик ва ахлоқий вазифаларни ҳал этишга ва ўқувчиларни бунга жалб қилишга имкон яратади.

Миллий ҳаракатли ўйинлар жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш қоидаларига тизимли риоя қилиш орқалигина ўқитиш жараёнида кутилган муваффақиятларга эришиш мумкин. Бу методларни қўллаш ўйиннинг умумий вазифаларига қизиқиш уйғотиш ва бу орқали ўқувчиларда эстетик фикрлаш қобилиятини шакллантириш жараёни бошланади. Энг аввало, ўйин фаолиятини ҳаётий-амалийлиги аниқ мисоллар орқали амалга оширилиши лозим. Миллий ҳаракатли ўйинларнинг бошланғич босқичидаги онгли фикрлаш доираси, дарс жараёнидаги ҳаётий-амалий ҳолатлар орқали, ўқувчилар жисмоний тарбия дарсларида миллий ҳаракатли ўйинларнинг эстетик жиҳатларини англаш билан бир қаторда шахсни ижодий фаолиятга тайёрлашдек вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган билимларга таяниб амалга оширилади.

Юқорида келтирилладиган интерфаол методлардан жисмоний тарбия машғулотларида тарқатма материал сифатида фойдаланиш, ўқувчиларнинг миллий ҳаракатли ўйинлар борасидаги тасаввурларини ҳамда нафосат ҳақидаги билимларини тарбиялашда таянч вазифасини ўтайди.

«Занжир» методи

Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний тарбия дарсларида миллий ҳаракатли ўйинларнинг 25 тагача бўлган ўйин турини ёзадилар (бу вазифани бажаришга 10-15 дақиқа вақт берилади).

Изоҳ: Бу метод жисмоний тарбия дарсларида бошланғич синф ўқувчилари миллий ҳаракатли ўйинларнинг турларини ёзадилар ва шу орқали уларни фикрлаш фаолиятини тезлаштиради, интеллектуал салоҳиятини, таффақурини ишга солади. Бевосита ўқувчиларнинг миллий ҳаракатли ўйинлар борасидаги билимларини аниқлашда ушбу метод жуда қулай ҳисобланади. Бошланғич синф ўқувчиларини билимини баҳоланиши эса ўтилган мавзуларни сонига қараб баҳолаш мумкин.

(...) 5 баҳо (...) 4 баҳо (...) 3 баҳо қўйилади.

“Заковат” технологияси

Ушбу технологияда алифбодоги ҳарфларларга жисмоний тарбия дарсларида олиб борилган миллий ҳаракатли ўйинларнинг номларини ўқувчилар ёзиб чиқади.

Масалан:

- | | |
|-----------------------------------|---------------------------------|
| 1. А – “Айлана”. | 16. Р – “Пат”. |
| 2. В – “Бўш ўрин”. | 17. R – |
| 3. С – | 18. S – |
| 4. D – “Дурра”, “Данак”. | 19. Т – “Тунги соқчи”. |
| 5. Е – “Эчки болалари”. | 20. U – |
| 6. F – | 22. V – |
| 7. G – | 23. X – “Хушёр соқчи”. |
| 8. H – “Хурмача боғи”. | 24. Y – |
| 9. I – | 25. Z – “Зағизгон”. |
| 10. J – “Жуфтми-тоқ”. | 26. O` – |
| 11. K – “Карнайми сурнайми”. | 27. G` – “Ғозлар ва оққушлар”. |
| 12. L – | 28. Ch – “Чиркаш”, “Чархпалак”. |
| 13. M – “Меҳмонмисиз”. | 29. Sh – |
| 14. N – | 30. Q – “Қопкон”, “Қўриқчи”. |
| 15. O – “Оқ теракми – кўк терак”. | |

Изоҳ: Ушбу “Заковат” технологияси ўқувчиларнинг жисмоний тарбия дарсларида ўтилган миллий ҳаракатли ўйинларнинг номини ва дарсдан ташқари (жисмоний тарбия дарсларида, катта танаффусларда, қўшимча группа ўқишларида, маҳаллада) вақтларда ўйнайдиган ўйинларини ёзиб чиқади. Бу технология орқали уларда миллий ҳаракатли ўйинларнинг қай даражада ўзлаштирилганликлари аниқланади. Баҳолаш жараёни ўтилган мавзу сонига қараб ҳисобланади.

Юқорида келтириб ўтилган интерфаол усуллар ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарслари жараёнида миллий ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишда тарқатма материал сифатида кенг фойдаланилса, миллий ҳаракатли ўйинлар жараёнида эстетик жиҳатларни ўқувчилар томонидан ўзлаштириш даражаси ҳар томонлама шаклланишига ёрдам бериши мумкин.



ВНЕДРЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ И ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СИСТЕМУ НАЧАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Махмутова Г.А., к.п.н., Республика Казахстан, г.Шымкент

XXI век – век знаний, информации, стремительного развития новых технологий – определяет и стратегический путь развития Республики Казахстан – через целевую поддержку образования и науки как главных ресурсов экономического и духовного

обновления. В условиях перехода к рыночной экономике социально защищённым может быть лишь широко образованный человек, который способен в течение всей жизни перестраивать направление и содержание своей деятельности в соответствии с требованиями рынка и развитием новых технологий.

Большое влияние на воспитание гуманной личности оказывает педагог-преподаватель. Он должен развивать у учащихся начальных классов мировоззрение, культуру мышления, деятельности и общения, поскольку гуманное воспитание предполагает формирование способности к саморазвитию и самосовершенствованию. При этом субъектом самосовершенствования выступает сама личность, что особенно важно в современных условиях.

Сегодня мы можем сказать, что воспитательно-образовательная и целевая ориентированная научно-тренировочная работа, построенная на принципах гуманизации и демократизации, способствует не только развитию умственных и интеллектуальных способностей, но и воспитанию гуманных качеств личности будущего учителя.

Проводимое исследование позволяет сделать следующие выводы:

1. Рационально построенные учебно-педагогические и научно-тренировочные занятия в условиях вуза обеспечивают не только повышению интеллектуального потенциала, подготовку высококвалифицированного специалиста, но и способствуют воспитанию гуманных и нравственных качеств студентов (доброты, милосердия, человечности, сочувствия). Гуманность как человечность, свойство личности в профессиональной деятельности проявляется в добром и сострадательном отношении к другим людям, отзывчивости, готовности прийти на помощь другому человеку, предъявлении доступных и посильных требований и учебно-тренировочных заданий, в частности, по прикладному программированию, построению информационных систем, ИКТ проектов и т.д.

2. В ходе исследования установлено, что реализация принципа гуманизации в ИКТ образовании позволяет обеспечить благоприятные условия для развития личности обучаемого, очеловечивания воспитательных отношений, признания ценности человека как личности и индивидуальности, и способствует воспитанию гуманной личности учащегося. В этих целях учебно-тренировочная работа в вузе должна быть направлена не только на достижение высоких результатов по профессиональной деятельности, но и на формирование у студентов нравственных общественно-значимых качеств (целеустремленности, ответственности, самостоятельности, доброты, милосердия), необходимых в жизнедеятельности.

3. Педагогические наблюдения выявили, что игнорирование вопросов воспитания гуманных и нравственных качеств студентов по ИКТ может привести к развитию негативных черт личности: эгоизма, высокомерия, зазнайства, индивидуализма, агрессивности, конфликтности и неуважительного отношения к сверстникам. С целью предупреждения развития негативных черт характера будущему педагогу следует проводить индивидуальную работу, построенную на гуманно-личностном подходе в обучении и воспитании студентов.

4. Руководя учебно-научно-педагогическим процессом, педагог должен отказаться от авторитарного метода воспитания и использовать демократический стиль общения, не подавляя инициативу и самостоятельность обучающихся. Ведущим принципом построения учебно-воспитательных занятий с будущими педагогами должен быть – меньше принуждения, больше свободы и самостоятельности – выше результаты.

5. Воспитание у обучающихся положительной мотивации к учению и развитие гуманных качеств (доброты, милосердия), формирование добрых и доверительных отношений между участниками педагогического процесса являются важнейшими задачами педагога. Это способствует созданию благоприятных условий для гуманизации личности в образовательном процессе.

Литература

1. Материалы международной конференции «Подготовка образованного и

интеллектуально развитого поколения как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны». 16-17 февраля 2012 года. – Ташкент: O‘zbekiston, 2012. – 184 с.

2. Антонов А.В. Системный анализ: Учебник для вузов. – Москва: Высшая школа, 2004. – 454 с.

3. Куронов М. Эзгу ғоялар рўёби. – Тошкент: Маънавият, 2011. – 160 б.

4. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. – Тошкент: Info Capital Group, 2011. – 96 б.

5. Орлов К.А. Особенности формирования гуманности на отдельных этапах развития личности // Совершенствование учебно-воспитательного процесса в образовательном учреждении: Сборник научных трудов. – Москва: МГГУ им. М.А.Шолохова, 2007. – С. 162-165.

ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Машарипова А., Қорақалпоғистон РПКҚТМОИ катта ўқитувчиси

Узлуksиз таълим тизимини малакали педагог кадрлар билан таъминлашнинг ижтимоий, умуммиллий аҳамиятини баҳолар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди: “... Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, фаолиятини ривожлантириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак”.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасида юқорида қайд этилган тизимнинг асосий фаолият йўналиши “Кадрлар фаолиятини ривожлантириш ва қайта тайёрлаш, уларнинг касбий билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлаш”дан иборат эканлигига алоҳида урғу берилган. Зеро, ҳар бир ўқитувчи, шу жумладан бошланғич синф ўқитувчиси нафақат мутахассислиги, балки замонавий педагогик-психологик ҳамда методик билимларини доимий равишда, изчил бойитиб бориши, шунингдек, комил инсон ва малакали мутахассисни тайёрлашдек умуммиллий мақсадни амалга ошириш йўлида алоҳида фаоллик кўрсатишига интилиши зарур. Ҳар бир соҳада ташкил этилаётган фаолият самарадорлиги ва муваффақияти мутахассиснинг касбий тайёргарлиги, малакага эгалик даражаси, зиммасидаги вазифаларни бажаришга нисбатан ижодий ёндашиши ҳамда ўз устида қунт ва изчиллик билан ишлаши асосида таъминланади. Шахсий фазилатларни бойитиш, ўз устида ишлаш, фаолиятга ижодий ёндашиш эҳтиёжига эга бўлмаган мутахассис, шу жумладан, бошланғич синф ўқитувчиси муайян ютуқларга эриша олмайди. Доимий равишда ўз устида ишловчи, ижодкор ўқитувчи жамият томонидан ёш авлод таълим-тарбиясига қўйилган ижтимоий буюртманинг муваффақиятли бажарилишини таъминловчи асосий ижрочилар ҳисобланади. Жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган буюк қомусий олимлар – Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбекларнинг илмий қарашлари ҳам изчил билим олиш, мавжуд билимларни ўрганиш, ўзлаштирилган билимларни такрорлаш, машқ қилиш, турли тажрибаларни ўтказиш асосида шаклланган. Муайян фаолиятни доимий равишда ташкил этиш шахсда маълум кўникмаларни ҳосил қилади.

Кўникмалар эса фаолиятни изчил давом эттириш жараёнида малакаларга айланади. Шаклланган малака эса шахс томонидан фаолиятнинг тезкор, сифатли, самарали кечишини таъминлайди. Фаолиятда самарадорликка эришиш инсониятни қай даражада қизиқтириб келган бўлса, уни ташкил этаётган шахснинг касбий малакага эга бўлиши ҳам шундай долзарблик касб этган. Касбий малакага эга бўлиш ижтимоий, шу билан бирга шахсий аҳамиятга эгадир. Малака, аввало, махсус билим, сўнгра узок вақт қайта-қайта такрорланадиган машқлар туфайли эгалланадиган тажриба ва кўникмаларнинг онгли

равишда ақл-идрок ҳамда тафаккур чиғириғидан ўтказилган ҳолда мужассамлашуви ҳисобланади. Ўқитувчиларнинг замонавий билимлар билан қуроллантириш, мавжуд кўникма ҳамда малакаларини такомиллаштириш, шунингдек, маънавий-ахлоқий сифатларини бойитиш сифатида тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Илғор педагогик технологиялар, энг аввало, таълим-тарбия ишидаги таҳсил берувчи ва таҳсил олувчилар орасидаги мажбурий итоаткорлик муносабатлари ўрнини онгли интизом интерфаол ёндашувлар билан алмаштириш, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ижодий ҳамкорликни таъминлаш, ўқитувчиларни мунтазам равишда ижодий фаолият кўрсатишларини талаб этиш, таълим мазмуни ва методларини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириб боришга йуналтириши лозим.

Дарҳақиқат, педагогик технологиялар бугунги кунда ўқитувчи ўз устида ишлаш орқали уларнинг фаолиятини ривожлантиришдаги энг муҳим омилга айланмоқда. Демак, таълим самарадорлигини таъминлашда таълимнинг ноанъанавий шакли яъни янги педагогик технологиялар билан бойитиш мақсадга мувофиқдир.



O'QUVCHI XATO QILISH ORQALI O'RGANADI

Mahmudova M.A., Andijon shahridagi 35-ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktabining boshlang'ich sinf o'qituvchisi

O'quvchilarning yozma va og'zaki nutqida uchraydigan xatoliklarni bartaraf etish o'qituvchidan yuksak mahorat talab qiladigan faoliyatdir. 1-sinfga endigina qadam qo'ygan bolalarning aksariyati xato qilib qo'yish yoki uni tuzatishdagi qiynchiliklar tufayli mashg'ulotlarda gapirishni uncha xohlashmaydi. Ana shunday vaziyatda o'qituvchi o'quvchilarga to'la erkinlik berish, ularni ruhlantirish orqali muloqot jarayonida nutqiy ravonlikni ta'minlaydigan muhitni yaratishi zarur bo'ladi. Shuni unutmazlik kerakki, o'quvchi tomonidan yo'l qo'yilgan xato – shu fanni o'rganish maqsadida tashlangan dastlabki qadam hisoblanadi. Ammo o'qituvchining o'quvchi xatosiga nisbatan bildirgan birgina tanqidiy fikri uni o'rganishga bo'lgan rag'batini so'ndirib qo'yishi ham mumkin.

E'tibor qaratadigan bo'lsak, jarayondagi har bir xato bilim olishga bo'lgan harakat tufayli yuzaga keladi. Shunday ekan, ulardagi bu bo'shliqni qachon va qanday qilib to'ldirsak bo'ladi? Ushbu savolga quyidagicha javob beramiz.

Sinfdagi o'quvchilar tomonidan yo'l qo'yilgan xatolarni tuzatish uchun, avvalo ularning og'zaki nutqini rivojlantirishga yordam berish, fikrini erkin bayon qilgunicha kutib turish, bemalol gapirishi uchun zarur imkoniyatni yaratish kerak bo'ladi. Bunda o'quvchi yo'l qo'ygan xatoga emas, balki bayon etgan fikrining mazmuniga ko'proq ahamiyat qaratmoq lozim. Agar o'quvchi so'zlayotganida yo'l qo'ygan xatolari ta'kidlanib, unga xalaqit berilaversa, bu harakat erkin muloqotni chegaralab qo'yadi. Xatolarni to'g'rilashga yo'naltirilgan harakatlar o'quvchi uchun tanqid yoki jazo turiga aylanib qolmasligi, balki ularga kerakli yordam bo'lishi lozim.

O'quv jarayonida o'quvchilar bilan erkin fikr almashish ham ko'p hollarda yaxshi natija beradi. Sinf xonasiga o'zingiz yasagan pochta qutisini ilib qo'ying, o'quvchilar og'zaki va yozma nutqda uchraydigan xatolarni qanday qilib bartaraf etish mumkinligi haqida o'z fikr-mulohazalarini yozib, unga tashlasinlar. Bu usul savod o'rgatish davridan keyin qo'llansa, maqsadga movofiqdir. Xatlar bilan tanishish chog'ida ular orasidan bir-biriga o'xshamagan ajoyib fikrlarni uchratishingiz mumkin. “Zanjir“ usuli ham bu borada eng maqbul yo'ldir. Bu usul orqali o'quvchilarning uyushiq bo'laklarni mustaqil qo'llay olishlarini tekshirish mumkin bo'ladi. O'qituvchi bir necha gapning ega va kesimini aytadi, o'quvchilar ular asosida uyushiq bo'lakli gaplar tuzib yozadilar:

Bog'da _____ pishdi.

Uyimizga _____ keldilar.

Svetofor _____ rangda bo'ladi.

O'quvchilar bilimini tekshirishda svetofor chiroqlari asosida tayyorlangan rangli kartochkalardan (qizil - rag'bat, yashil – yaxshi, sariq – jarima kabi) foydalanish ham yetarlicha

samara beradi.

Soʻzlar zanjirini notoʻgʻri aytgan oʻquvchining xatosini toʻgʻrilamang, aksincha, oldiga sariq rangdagi kartochkani qoʻyib keting. Shunda u keyingi safar xato talaffuz qilgan oʻsha soʻzni toʻgʻri aytishga harakat qiladi.

Rasm – diktant usuli ham oʻquvchini mustaqil fikrlashga undaydi, diqqatini jamlaydi. Oʻqituvchi qoʻlidagi rasmni bolalarga koʻrsatmagan holda uni ogʻzaki tasvirlab beradi. Oʻquvchilar eshitganlari asosida rasm chizadilar. Masalan. “U madaniy oʻsimlik hisoblanadi. Butasimon, guli va tukkan mevasi qizil rangda. Oʻzi judayam shifobaxsh, meva qobiqlari ham sariq va qizil boʻladi. Bargi mayda, choʻzinchoqroq. Bu qanday mevali daraxt? Tasvirlab bering-chi”.

Oʻquvchilarning yozma nutqidagi xatolarini tuzatishning yana bir usuli yashil va qizil ranglardan foydalanishdir. Yashil rang – ogohlantirish belgisi hisoblanadi. Oʻquvchi tomonidan birinchi marotaba xatoga yoʻl qoʻyilganda oʻqituvchi yashil rang bilan oʻsha soʻzning tagiga chizadi. Bolalar yoʻl qoʻyishgan xatolari borasida oʻzlari mustaqil ravishda xulosa chiqaradilar. Agar oʻquvchi tomonidan bir xil xato bir necha bor takrorlansa, ular tagiga qizil ruchka bilan chiziladi. Bu oʻzlashtirishning pastligiga ishoradir. Natijada oʻquvchilar oʻz ustida jiddiy ishlashga, toʻgʻri va chiroyli yozishga harakat qilishadi. Ularga xatolarini oʻzlari toʻgʻrilashlari uchun imkon berish lozim. Daftarlari: “Gr” (grammatik),

“Or” (orfografik), “I” (imlo) xatolarni anglatuvchi belgilarni qoʻyish va bu belgilarning maʼnosini tushuntirib berish ham ularni ongli tarzda faoliyat yuritishga undaydi.

Oʻz-oʻzini yoki oʻzaro tekshirish usullarining koʻproq qoʻllanishi ham ushbu jarayonda ijobiy natija beradi. Oʻquvchilar daftarlarni almashtirish orqali bir-birlarining xatolarini tekshiradilar. Oʻqituvchining oʻzi ham xatolarni topishda ularga yordam berishi mumkin. Demak, xatolarni toʻgʻrilash – oʻrganish imkoniyatiga keng yoʻl ochish bilan birga mustaqil fikrlashni shakllantirish, shuningdek, bolani oʻz kuchiga ishonch ruhida tarbiyalash ham ekan

Oʻquvchilarning yozma va ogʻzaki nutqidagi xatolar va ularni bartaraf etishning innovatsion usullari toʻliq oʻrganib chiqilgandan soʻng, quyidagicha: koʻrgazmali darslar tashkil etish, seminar-treninglar oʻtkazish, metodik va pedagogik kengashlarda chiqishlar qilish va metodik qoʻllanmalar yaratish orqali amaliyotga keng tatbiq etish va ommalashtirish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, oʻquvchi yoʻl qoʻygan xatolarga salbiy nazar bilan emas, balki ijobiy nazar bilan qaraylik. Chunki ular xato qilish orqali oʻrganadilar. Oʻquvchilarimizning oʻz bilim va kuchiga ishonch hosil qilish yoʻli bilan nutqidagi nuqsonlarni tuzatishga erishaylik. Natijada, ular oʻqishga mehr qoʻyadilar. Shu orqali biz bilim olishga ishtiyoqi baland, maqsad sari intiluvchan va erkin fikrlovchi shaxslarni kamol toptira boramiz.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ФАНЛАРНИНГ ЧЕТ ТИЛЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Мақсудов У.Қ., Фарғона ВПКҚТМОИ ўқитувчиси,
Холиқова О., Қува тумани ХТМФМТТЭБ тасарруфидаги 16-умумтаълим мактаби
бошланғич синф ўқитувчиси**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли Қарори мамлакатимизда чет тилини ўрганиш ва уни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жонлантиргани ҳеч кимга сир эмас.

Унда умумтаълим мактаблари биринчи синф ўқувчиларига дарсларни ўйин тарзида олиб борилишидан асосий мақсад, уларнинг оғзаки нутқини шакллантиришга ҳамда таълим методикасининг оддийдан мураккабга қараб изчиллик асосида ўргатиш тамойили асосида таълим жараёнини ташкил этишни қамраб олинганлиги, дарс машғулотларини ўқувчи учун кизиқарли, мазмунли ҳолда турли интерфаол усулларда ўтказилиши зарурлиги алоҳида таъкидланади.



Шунингдек, бу қарор педагоглар олдида чет тилида эркин сўзлаша оладиган

мутахассисларни тайёрлаш орқали жаҳондаги энг сўнгги ютуқлар ва ахборот ресурсларидан кенг фойдаланиши, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотини ривожлантиришга эриша оладиган баркамол шахсларни етиштиришдан иборат долзарб вазифаларни юклайди. Ушбу вазифаларни бажариш, олий мақсадга эришиш йўлида кўплаб ишларни амалга ошириш

**Clean, but not water,
White, but not snow,
Sweet, but not ice-cream,
What is it?**

**Чист, но не вода,
Бел, но не снег,
Сладок, но не мороженое,
Что это?**

**Toza, lekin suv emas
Oproq, lekin qor emas
Shirin, lekin muzqaymoqmas
O`vlab ko`ring bu nima?**



масаласи
бугунги кун
таълим
жараёнида ўта
муҳим ва
долзарблик
касб этади.
Бу эса,
нафақат чет
тили

ўқитувчиларини, балки умумтаълим мактабларининг барча фан ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида ҳам, тил ўрганишининг энг сўнгги ўзига хос технология ва методларини ўргатиш ҳамда жойларда ўқитувчилар учун замонавий ўқув-методик, техникавий ресурслар билан таъминланишни талаб этади.

Тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда янги ахборотга қизиқиш, уни тезликда ёдлашга бўлган қобилиятлари кучли бўлади. Шундан келиб чиқиб, қарор мақсади ва вазифаларини амалга жорий этишда, чет тилларини ўрганишининг замонавий методлари, илғор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш тавсия этилади.


Бугунги кунда таълим ресурси сифатида амалга жорий этилган электрон манбалар, жумладан бошланғич синф ўқитувчилари ҳам айнан савод ўргатиш даври (“Алифбо” дарслари)да фойдаланиши мумкин бўлган мультимедиа маҳсулотлари яхши самара бермоқда. Масалан: муаллифлар гуруҳи(Р.Сафарова, М.Иноятова, А.Колантаров ва б.) лойиҳаси асосида Халқ таълими вазирлиги ва МУДРМ (Мультимедиа Умумтаълим Дастурларини Ривожлантириш Маркази) ҳамкорлигида яратилган “Алифбе ва чет тилларидан интеграциялаштирилган дарсларда фойдаланиш учун қўлланма” номли электрон қўлланма 1-синф ўқувчиларига савод ўргатиш босқичига ва чет тилидан илк луғат захирасини оширишга йўналтирилган. Ушбу мультимедиа маҳсулоти орқали бошланғич синф ўқитувчиси ҳам чет тилидаги сўз бойлигини оширмоқда ва бевосита ўқувчиларни саводхонликка ўргатишда чет тили таълими билан интеграциялаш (уйғунлаштириш)да муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Кузатишларимиз натижасида бошланғич синф ўқитувчиларига маҳаллий имкониятлардан ҳамда техник таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб, қуйидаги ресурсларни тавсия этамиз.

Бошланғич синф ўқитувчилари ўз дарсларида расмлар, топишмоқлар, кичик эртақ ва ҳикоялар, тез айтиш, шеърлардан ҳам чет тилларида фойдаланиши мумкин. Бунда умумтаълим мактаблари чет тили фани ўқитувчилари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда ўқувчиларга бериладиган ҳар бир манбани чет тилида айтилишини (ўқитувчи чет тилидаги ҳар бир товуш ва ҳарф, бўғин ёки сўзни талаффузига алоҳида эътибор қаратиши қатъий талаб қилинади) тўғри ўргатиш мақсадга мувофиқ. Агар ўқитувчи чет тилида товушлар, бўғин ва сўзларни тўғри талаффуз эта олмаса, амалдаги интеграция жараёни самаралилиги ва натижавийлигини йўқотади. Бунда бошланғич синф ўқитувчиси

дарсинг исталган босқичида қўллаш мумкин бўлган воситалар (расм(1-илова), тасвир(2-илова), тарқатма(3-илова) ва бошқа кабилар)ни дарсга тайёрлайди, чет тили фани ўқитувчиси билан ҳамкорлик қилади. Масалан: бошланғич синф дарсларида ўқувчилар билан топишмоқ ва шеърлардан фойдаланиши мумкин.

1-илова



2-илова



Happy birthday to you!
 Happy birthday to you!
 Happy birthday, dear Andy,
 Happy birthday to you!

hæpi bɜ:θdeɪ tu ju!
 hæpi bɜ:θdeɪ tu ju!
 hæpi bɜ:θdeɪ, diə ændi,
 hæpi bɜ:θdeɪ tu ju!

3-илова

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бошланғич синфда ўқитиладиган ўқув предметлари билан чет тили дарсларини интеграциялашда ўқувчига яхши таниш бўлган, кундалик ҳаётда кенг қўлланиладиган сўзларга эътибор қаратиш лозим. Ўрганилаётган материаллар ўқувчиларнинг дунёқараши, фикрлашини ривожлантириш учун уларнинг маъноларини англашлари, ёдда сақлашлари керак. Қайта-қайта талаффуз қилиш орқали чет тилидаги сўзларни ўзлаштиришда самарадорликка эришиш мумкин.



ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА БЕЛБОҒЛИ КУРАШ УСУЛЛАРИНИ ЎРГАТИШ

Мирзаев А.М., Гафуржанов Ф.С., Тошкент архитектура қурилиш институти ўқитувчилари
Мамажанов Р.Х., 45-сонли БЎСМ мураббийи

Бошланғич синф ўқувчиларини курашнинг тезкорлик-кучлилик қобилияти даражасини ўргатиш, уларни тайёрлашда энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Барча жисмоний қобилиятларнинг мураккаб ва ўзаро алоқадорлиги мусобақа ҳаракатларида намоён бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бирок, амалга оширилган тадқиқотлар натижаларини кўрсатишича, асосий урғу кўпчилик ишларни лоақал машқлардан фойдаланишига ёхуд кўп маротаба мусобақа машқларини такрорланишидан фойдаланишга қаратилади. Албатта, биринчи навбатда бошланғич синф ўқувчиларига жисмоний қобилиятидан келиб чиқиб уларни бу курашга бўлган қизиқишларини аниқлаш, спортнинг кураш тури мураккаб ҳаракатлари ва ҳар бир дақиқадаги курашчи тезкорлик-кучлилик, кучга бўлган чидамлилигини машғулот давомида аниқланди.

Ҳар хил машқларни бажариш усулларининг турли-туманлиги, ёш полвонларнинг кураш тушишдаги фаолиятида намоён бўлиши, мураббийдан ҳаракат уйғунлигини аниқ бажаришни талаб қилибгина қолмасдан, балки уларни ҳар томонлама жисмоний

тайёргарлигига эътибор берган ҳолда бажартиришни тақозо этади. Масалан:

- боланинг ёшига қараб машғулоти турларга бўлиши;
- болани жисмоний қобилиятидан келиб чиқиб гуруҳларга бўлиш;
- жисмоний машғулотларни тўғри танлай билиш;
- мураббийни ҳар бир бола билан тўғри муомалада бўлиши, ёш полвонларнинг

функционал ва биологик ривожланишидаги омиллардан тўғри фойдаланиш шулар жумласидандир.

Соҳага оид махсус адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бошланғич гуруҳлардаги спортчиларни фаоллиги рақиб курашчи яратаётган, доимо ўзгариб турадиган шароитда қўлланиладиган усулларнинг оддийлиги кураш олиб бориш суръатининг тезкорлиги, техник усулларининг мураккаблиги ҳар томонлама жисмоний тайёргарликни талаб қилади ва бу борада махсус тайёргарлик бўлгандагина, курашчи ўйиннинг техник жиҳатдан устунлигини ва тактик масалаларни муваффақиятли ҳал қилиши мумкин.

Белбоғли кураш бўйича мутахассисларнинг фикрича, ёш курашчининг тобе томонлари рақибни синаш, унинг мўлжалида бўлган усул ва машқларни кетма-кет бажариш, курашчининг онгида тўпланиб, гиламда амалга оширилади.

Шуни айтиш жоизки, Ўзбек миллий белбоғли курашида қўлланиладиган восита ва усуллар, техник элементларни такомиллаштириш йўллари илмий адабиётларда бошланғич синфларда етарлича ёритилмаган. Белбоғли курашни ривожлантириш бўйича махсус машқларни бажариш тўғрисида аниқ мулоҳазалар, маълумотлар жуда кам.

Белбоғли курашда бажариладиган машқлар мажмуини характерловчи педагогик кузатишнинг аниқ маълумотлари ханузгача ишлаб чиқилмаган, фақатгина услубий тарзда умумий ҳолатлари қисман баён этилган.

Белбоғли кураш машғулотларида қайси омиллар бошланғич ва асосийлари эканлиги ҳақида ҳам етарли маълумот йўқ. Бу курашда ғолиб чиқиш учун қайси жисмоний қобилиятлар устун туриши бўйича етарлича маълумотлар кўрсатилмаган, жумладан, қайси мушаклар гуруҳи ҳаракатлари қайси усулни бажарганда қанчалик аҳамиятли эканлиги ҳам етарли далилларга таяниб кўрсатилмаган.

Бизнинг фикримизча, ушбу кўрсатилган камчиликларни педагогик нуқтаи назардан бартараф этиш, машғулотларни бошланғич гуруҳларда тўғри уюштириш машғулоти пайтидаги машқларнинг бажариш самарадорлиги ва сифатини кўтаради ва организмнинг функционал қобилиятини оширади. Бундан ташқари, ёш полвоннинг тактик-техник тайёргарлигини такомиллаштириш омилларига етарли эътибор бериш мураббийларнинг диққат марказида бўлиши шарт.

Ҳаракат техникасининг спортдаги аҳамияти ғоят муҳимдир. Спорт техникаси бўйича мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги йирик олимлардан бири В.М.Дьячков спортчининг техник соҳасидаги маҳоратини бутун спорт соҳасидаги бошланғич тайёргарлик ишларига олиб кирадиган "Биринчи қадам", деб таъриф берган эди.

Ёш курашчилар жисмоний қобилиятларининг ривожланиш даражаси билан техник-тактик ҳаракатларнинг ишончли бажарилиши ўртасида ўзаро боғлиқликлар мавжуддир.

Спорт амалиётида, хусусан белбоғли кураш турлари бўйича яратилган илмий, услубий адабиётларда бутун диққат-эътибор ёш курашчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги масаласига қаратилган. Масаланинг бу тариқа қўйилиши курашнинг мураккаб, уйғунлашган спорт тури бўлганлигини ва кураш тушаётган пайтда кўпгина мушакларнинг иши бир-биридан мувофиқлаштирилган ҳолатда олиб борилишини тақозо этади. Кўпгина муаллифларнинг таъкидлашича, жисмоний тайёргарликнинг юқори даражада бўлиши курашчи қобилиятининг бошланғич синфларда шаклланишига ва техник ҳаракатларнинг юқори даражада бажарилишига кафолат беради.

В.Г.Оленик, П.А.Рожков, В.М.Корягинлар ёш курашчиларнинг мусобақа фаолиятида, уларнинг техник-тактик маҳоратини махсус хусусиятларни бажариш суръатига ва яккама-якка ишлаш малакасига ёки техник-тактик жиҳатдан ғолиб бўлишга боғлиқлигини аниқлаганлар.

Кураш вақтида курашни ўз йўналишда бажараётган спортчини бошқарувчи деб ҳисоблашади. Ёш курашчиларни мусобақа фаолиятига кирувчи техник-тактик йўналишларни бажариш бўйича полвонлар шиддат билан бажарувчилар, кучдан фойдаланувчилар, ўйиндан фойдаланувчилар каби катта ва бошланғич гуруҳларга бўлинади.

Бошланғич гуруҳлардаги курашчиларни техник-тактик маҳоратини назорат қилишнинг энг кўп тарқалган усули бу кўз билан кўриб, адолат билан баҳолашдир.

Ёш спортчиларнинг курашга тушиш вақтида техник-тактик фаолиятининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари ўзгариб туради. Энг аҳамиятли ўзгаришлар олишувнинг иккинчи, учинчи минутларида содир бўлади.

Н.А.Бернштейн "Спортчилар уларга табиат инъом этган кучлардан (ўз гавдасининг ҳаракатидаги йўналиш кучидан ва рақибнинг гавдасидан, қобилятидан ва бошқалардан) қанчалик кўпроқ фойдаланса, унинг курашдаги фаоллиги шунчалик юқори бўлади", - деб хулоса чиқарган.

Бошланғич гуруҳлардаги курашчи ўз имконият даражасидан, техник ҳаракатни тик туриб ва бор кучидан кўпроқ фойдаланишини таъкидлайди. Бу эса маълум даражадаги кўрсаткичларни ифодалаб, техник ҳаракатларни ҳар хил таъсир кўрсатувчи омилларга қарши кўяди.

Мусобақаларда қўлланиладиган кўпгина усуллар қулай вазиятдан фойдаланиш билан боғлиқдир. Вазиятни баҳолашнинг аниқлиги, ёш курашчилар маҳоратининг ўзгариши билан боғлиқ. Бу, ўз навбатида, вужудга келадиган вазият муаммоларини кенг миқёсда қўллай билиш ҳамда англаб олиш маҳорати билан белгиланади. Белбоғли курашда кўпинча тезкор ҳаракатларни эмас, балки аниқ, пухта, мураккаб қилиб тайёрланган ҳужум ҳаракатлари муваффақиятга олиб келади. Олимлар томонида ўтказилган тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, тўғридан-тўғри ҳужумга ўтилган кезларда мақсадга эришиш қийин бўлади.

Илмий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда спортнинг белбоғли кураш тури соҳасида техник ҳаракатларга ўргатиш услубларини танлашга турлича ёндашувлар мавжуддир. Шунга қарамай техник-тактик ҳаракатлар хусусиятларини татбиқ этишга ҳамда уларни ўқитишнинг мукамал қондасини ишлаб чиқиш масалаларига оид илмий адабиётлар ханузгача етишмайди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, агарда биз мураббийлар бошланғич синфларда ёшларга курашнинг сир-синоатларини ўргатишда, машғулотлар жараёнида уларга тўғри йўл кўрсатсак, келажакда юртимиз довуғини жаҳонга ёйдиган буюк спортчиларнинг етишиб чиқишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Адабиётлар:

1. Тошпулатов Ж. Ўзбек кураши. –Тошкент: 2000.
2. Иброҳимов Ў., Жумаев З. Тренерлик касби. –Тошкент: Зар қалам, 2006.
3. Борьба. Учеб. для ин-тов физ-ры// Под обш. ред. Н.М.Галковского. – М.: Ф-ра и спорт, 1952.

ТРИ ИСТОЧНИКА ИНФОРМАЦИОННОЙ ЖАЖДЫ

Мирзаева Н., общеобразовательная школа №3 Жалакудукского района Андижанской области

Человек, который пьёт родниковую воду, сильно отличается от тех, кто утоляет жажду из разных других источников. Его организм здоров. Он бодр и силен.

Но существует жажда в другом смысле. Это информационная жажда. Молодой организм более одержим ею, нежели пожилые и старшие люди.

Ребёнок – это прежде всего субъект и объект образования. У нас в стране образование является обязательным («Закон о народном образовании»). Став независимым, Узбекистан в корне пересмотрел свою политику в области образования.

Построены новые школы, колледжи, лицеи; переоснащены учебные заведения новым оборудованием. Обучены и подготовлены к работе новые педагогические кадры.

Но в мире, наверное, нет ничего идеального. Всё, что кажется идеальным сейчас, теряет свою яркость и блекнет через некоторое время. Время неумолимо движется вперёд. Происходит прогресс, принося с собой много изменений в различные сферы общественного строя. Пришло время для перехода от количества в качество.

В этом году наш Президент обращает особое внимание на начальное образование. Перед учителями поставлена задача повышения эффективности и качества начального образования. Ведь именно в этот период жизни формируется личность.

Перед молодёжью открыты все двери: учитесь и дерзайте!

Сегодня мы будем говорить о трёх источниках, откуда ребёнок утоляет свою информационную жажду: учитель, учебник и среда, в которой растёт он, непосредственно его родители.

Объединив их в одно целое, мы сможем добиться повышения эффективности и качества начального образования.

Учитель. Каждый учитель ставит целью, как можно больше дать знаний своему ученику, развивать его всесторонне. Но этого желания мало, если он сам не будет шагать в ногу со временем. Посмотрите вокруг. Сегодняшний ученик уже не тот, который был у нас всего лишь несколько лет назад. Его нужно убедить в том, что всё то, что вы говорите ему-актуально и интересно.

Учебник. Учебник, как ничто иное, должен отвечать всем нормам. Отличаться лаконичностью и в то же время полностью раскрывать содержание учебного материала. Было бы хорошо, если бы к учебнику были приложены диски, на которых записана основная суть той или иной темы. Это позволит ученикам самостоятельно осваивать материал. Это даст большой эффект в реализации Постановления Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 года №1875. Учащиеся смогут корректировать своё произношение.

Кроме того, мне кажется, что перед тем, как отдать учебник в печать в типографию, нужно обсудить его среди учителей страны. Так как учитель находится в самом тесном контакте с учащимся.

Третий источник – это окружающая среда и прежде всего - **родители**. Успеха в воспитании и образовании детей невозможно добиться без помощи родителей и близких, так как ребёнок большую часть своего времени проводит дома вместе с семьёй. Молодым родителям не хватает опыта. И в этом случае в каждом городе и населённом пункте можно организовать школу для родителей, где будут их консультировать опытные педагоги и психологи по возникшим в семье проблемам образования и воспитания.

2014 год объявлен Годом Здорового Ребёнка. «Здоровый ребёнок» - в этих двух словах скрывается очень много смысла. За этими словами стоят годы упорного труда и усилий всего народа и каждого из нас. Здоровый ребёнок – это не тот, у которого здоровый румянец на щеках, а тот, у которого на лице счастливая улыбка, в груди безмятежное сердце, а в голове добрые помыслы. Давайте же все мы приложим усилия, чтобы воспитать всесторонне развитую личность !



**КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ДАРС ЖАРАЁНИГА НИСБАТАН
САЛБИЙ МУНОСАБАТНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ОМИЛЛАРИ**

Мусурмонов Р., п.ф.н., к.и.х., ЎзПФТИ

Ўқувчиларнинг мактабга илк қадамларидан бошлаб уларнинг дарс интизомига риоя

этиш кўникмаларини шакллантириш бошланғич синф ўқитувчиларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Чунки Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” бошланғич синф ўқувчиларига уларнинг лаёқатлари ва билиш имкониятларини ривожлантириш асосида таълим беришни назарда тутди. Жумладан, “Таълимнинг бу тури бошланғич таълимни (1-4-синфлар) қамраб олади ҳамда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билимларни ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий кадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш, атроф муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради” деб таъкидланган [1; 46-47].

Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик технологияларни излаш ва мослаштиришни тақозо қилади. Мазкур жараёнда ўқитувчи ўқув жараёнининг ўзига хос хусусиятларини алоҳида ҳисобга олиши лозим.

Бошланғич таълим концепциясида етук, ижтимоийлашган, маънавий жиҳатдан шаклланган шахсни етиштириш масаласи устувор қилиб қўйилган. Бундай мақсадга эришиш учун дастлаб ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантириш лозим. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари эса, атроф-муҳит, табиат ва ижтимоий ҳаётга нисбатан фаолиятли ёндошув натижасида ривожланади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятларини ривожлантириш уларнинг майлли-эҳтиёжли ҳиссий-ихтиёрий, когнитив соҳаларига мужассам тарзда таъсир кўрсатиш орқали амалга ошади. Ўқувчиларнинг билишга нисбатан қизиқишларини ривожлантиришдан кўзда тутилган асосий мақсад – уларда эркинлик ҳамда фикрий фаолият кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Инсон фаолияти бунёдкорлик характерига эга. Бу шуни англатадики, фаолият субъектлари ташқи ҳаракатларни фаолият жараёнига олиб кирадилар. Бу ақлий ҳаракатлар жараёнида амалга оширилган мулоқот фаолиятининг ички режасига мувофиқ тарзда таъминланади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилган илмий ёндашувлар иккита асосий йўналишни ўз ичига қамраб олади: а) дидактик ёндашувлар, унда асосий эътибор ўқитувчилар фаолияти, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган методик воситаларнинг ўрнини ўрганишга қаратилган; б) психологик ёндашувлар, бу жараёнда ўқувчиларнинг ўзлари уларнинг психологик-педагогик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган билиш фаолиятларидан фойдаланадилар.

Бугунги кунда мавжуд бўлган педагогик-психологик назариялар дидактиканинг асосий негизи сифатида ўқувчилар ҳаракатларини қандай ташкил этиш керак, деган саволга жавоб излаши лозим. Чунки ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари муайян ўқув муаммоларини ечишга йўналтирилиши керак. Бунинг учун фаолият усуллари ва методлари йиғиндисидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ташкил этиш тушунчаси остида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг изчил ҳаракатларини ифодаловчи тизим тушунилади. Мазкур тизим дидактик шарт-шароитларни вужудга келтиришни таъминлаши, ўқув топшириқларини бажариш ва ушбу жараёни мақсадга мувофиқ тарзда бошқариш имконини берувчи тизим бўлиши лозим.

Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида билиш жараёнини фаоллаштириш имкониятлари модернизациялашган таълим мазмуни ва воситаларини амалиётга кенг татбиқ этиш орқали таъминланади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантириш уларнинг ақлий мустақиллигини таъминлайди. Бу уларни янги билимлар, кўникмалар ва малакаларни ўзлаштиришлари ва уларнинг ностандарт, янги вазиятларда қўллай олишларида яққол намоён бўлади.

Ўқувчиларни билиш фаоллигига йўналтириш жараёнининг таҳлили, мазкур жараённинг бир қатор йўналишларини аниқлаш имконини беради. Жумладан:

- ўқувчилар ўқув жараёнининг субъекти сифатида шаклланишлари;
- ўқув жараёнининг диалог асосида ташкил этилиши;
- ўқув жараёнида шахсга йўналтирилган биргаликдаги фаолиятнинг амалга ошиши;
- ўқув-билув жараёнининг индивидуаллаштирилиши ва табақалаштирилиши;
- ўқув материали мазмунининг аҳамиятлилиги ва қимматлилигининг намоён бўлиши;
- ўқув предметлараро ва айна бир ўқув предметининг ичида алоқадорликнинг ўрнатилиши;
- ўқувчиларнинг мунтазам шуғулланишга жалб этилишлари;
- муаммоли ва ҳамкорликдаги ўқитиш методларидан унумли фойдаланиши;
- ўқувчиларнинг мустақил ишлари кўламнинг кенгайиши;
- ўқувчилар бажарадиган мустақил ишлар ҳаётий тажрибалар билан боғланиши;
- синфда ижобий дўстона муҳитнинг таркиб топтирилиши;
- ўқувчилар муваффақиятини таъминловчи дидактик муҳитнинг вужудга келтирилиши;
- ўқувчилар ва ўқитувчилар орасида педагогик-психологик жиҳатдан соғлом муҳитнинг қарор топтирилиши;
- ўқитувчининг ўз ўқувчилари билиш имкониятларига ишониши кабилардир.

Ўқувчилар билиш имкониятларининг кўпроқ табақалашганлик даражаси ва уларни мақбуллаштириш йўллари аниқлаш бошланғич таълим самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартидир. Билиш фаолиятининг бошланғич даражасига эга бўлган ўқувчилар жуда пассив бўлиб, топшириқларни жуда қийинчилик билан бажарадилар. Уларга ўқитувчилар томонидан мунтазам босим ўтказилади. Улар учун некбинликка асосланган муҳитни вужудга келтириш зарур бўлиб, бу ўқувчида топшириқни нотўғри бажарганлиги учун кўрқувни енгил имконини беради. Ўқувчилар билиш даражасининг фаол даражаси муайян вазиятларда манфаатдорликни вужудга келиши, ўқув материалларининг қизиқарлилиги, ўқув дарс шакллариининг жозибадорлиги билан бевосита боғлиқдир. Фаол ижрочилик даражасига эга бўлган ўқувчиларга таълим-тарбия беришда муаммоли вазиятларни қўллаш, ролли ўйинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу уларни фаолликка йўналтиради. Билиш жараёнида фаолликнинг юқори даражаси сифатида ўқувчиларнинг ижодкорлиги намоён бўлади.

Бугунги кунда билиш фаолияти асосий хусусиятларини ўқувчи ҳамда ўқитувчилар орасидаги ўзаро ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар ташкил этади. Ўтмишда мавжуд бўлган бир ёқлама нуқтаи-назар ўқувчи ўқув фаолиятининг объекти эканлигига асосланган бўлиб, ўқитувчи эса мазкур жараённинг субъекти сифатида турли вазифаларни бажаришга сафарбар этилганлигида намоён бўлади. Бугунги кунда ўқувчилар учун фаолиятнинг мақсади очиқ-ойдин ифодаланган бўлиб, ўқувчилар мазкур мақсадни англашлари учун ҳаракат қилинади. Етакчи ғоялар таҳлил қилинади, ўқув предметининг мазмунини ўзлаштиришга қулай бўлиши учун куч сарфланади, билимлар жараён мантиқи ва уларни ўзлаштиришнинг қимматини очади. Шунингдек, ўқувчиларни фаолиятнинг зарур усуллари билан қуроллантиради. Бу эса ўз навбатида, ўқувчилар билиш фаолиятини дастурлаштириш имкониятини беради. Мазкур вазиятда ўқувчилар объект сифатида намоён бўладилар.

Узоқ йиллик тажрибаларимизга таянган ҳолда айтиш мумкинки, ўқувчиларни дарс интизомига қатъий риоя қилиш кўникмалари бошланғич синфлардаёқ шакллантирилса, ўсмирлик даври ва ундан кейин ҳам салбий томонга камроқ оғиш ҳоллари кузатилади.

Демак, хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўқувчиларнинг дарс интизомидан четлашиш ҳолатлари омилларидан бири – бу ўқитувчиларнинг касбий маҳоратлари, тажрибалари даражасининг етарли эмаслиги оқибатида ўқувчиларда фан асосларини ўзлаштиришга нисбатан қизиқишни уйғота олмаганликлари, ўқувчилар билан муомила маданиятининг пастлиги натижасида ўқувчини ўзидан бездириши каби сабаблар натижасида юзага келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. – 46-47-б.
2. Рашидов Ҳ.Ф., Мусурманов Р., Алимходжаева С. Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларга конструктив таъсир этиш амалиёти. – Т.: 2013. ЎзПФТИ. – 84 б.



BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARINI MILLIY URF- ODATLAR ASOSIDA TARBIYALASH

Muxiddinova K., Jizzax DPI o‘qituvchisi

O‘zbekiston Respublikasida mustaqillik tufayli istiqbolli iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy sohalarda tub o‘zgarishlar ro‘y berdi, ma‘naviy taraqqiyot yo‘li belgilab olindi. Ana shu o‘ziga xos taraqqiyot yo‘lining muhim jihati Vatanimiz mustaqilligining ma‘naviy asoslarini mustahkamlash, milliy qadriyatlarimiz va ma‘naviy merosimizni asrash, yosh avlod ongiga milliy tarbiya va urf-odat tushunchalarini singdirish masalasi bugungi kunda tobora dolzarb ahamiyat kasb etmoqda.

Shunday ekan, insoniyat paydo bo‘lgandan buyon mehnati va aqliy salohiyati bilan ongini, dunyoqarashini zamonga mos holda shakllantirib, yashash tarzini yanada qulaylashtirib bormoqda. Amalga oshirilgan turli xil kashfiyot va ixtirolar, ilm-fan yutuqlari, rivojlangan kompyuter texnologiyalarining barchasi inson manfaatlariga xizmat qilmoqda. Barcha moddiy va ma‘naviy ne‘matlarga egalik qilish huquqi ham insonlarning qo‘lida. Bunday imkoniyatlardan unumli foydalanish uchun shaxsda mas‘uliyatlilik hissi yaxshi shakllangan bo‘lishi, o‘zini har jabhada takomillashtirib borishi, ya‘ni bilim va tajribasi bilan birgalikda ham jismoniy, ham ma‘naviy, ham tarbiyaviy jihatdan mavjud kamchiliklarini bartaraf etishga harakat qilishi lozim.

Zamonning yangiliklari va o‘zgarishlariga har bir millat o‘zining urf-odat, qadriyat hamda an‘analari bilan yondashsa, hech qanday salbiy yo‘qotishlar yuzaga kelmaydi. “O‘zbek diyorida tarixda ko‘p marta bo‘lganidek, yana yangidan o‘zimizning betakror va ilg‘or, iqtidorli va eng muhimi – insonlarga kerakli qadriyatlarimiz barpo etiladi [1,68]. Bularning barchasi faqat o‘zbeklargagina xos milliy tarbiyaning asosini tashkil etadi. Mazkur milliy tarbiyani kelajak avlod ongiga singdirib borish va bu ishni ta‘lim tizimining boshlang‘ich bo‘g‘ini ya‘ni, kichik maktab yoshidagi o‘quvchilardan boshlasak, maqsadga muvofiq bo‘ladi, albatta. Shuning uchun ham bugungi kunda yurtimizda amaldagi ta‘lim tizimida boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga beriladigan ta‘lim va tarbiyaning sifatini oshirishga katta e‘tibor qaratilgan. “Sog‘lom bola yili” Davlat dasturida boshlang‘ich sinflarda o‘qitish sifatini yanada ko‘tarish choralari belgilangan. Jumladan, 1 – 4- sinf o‘quvchilari uchun o‘quv dasturlari va darsliklarning qayta ko‘rib chiqilishi, shuningdek, tegishli uslubiy qo‘llanmalar ishlab chiqilishi nazarda tutilgan [2,2].

Davlatimiz tomonidan boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining ta‘lim va tarbiya olishlari uchun shunday imkoniyatlar yaratilayotgan ekan, bundan oqilona foydalanish hamda kelajak avlodni har jihatdan barkamol shaxs qilib voyaga yetkazish maqsadida milliy tarbiyani singdirishda milliy urf-odat va an‘analimiz, qadriyatlarimiz asosida tarbiyalash samarali natija beradi.

Milliy an‘analimizdan biri bo‘lgan Navro‘z bayramini oladigan bo‘lsak, u uzoq asrlardan buyon xalqimiz orasida keng nishonlanib kelinmoqda.

Yangilanish va yosharish bayrami bo‘lgan Navro‘zi olam o‘zining yil boshida nishonlanishi, go‘zalligi-yu, husni-tarovati bilan, elga mehr- muhabbat, xonadonlarimizga rizq-ro‘z, qut-baraka ulashadi.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga milliy bayramlarni qanday nishonlanishi, marosimlarning qanday bajarilishi lozimligi to‘g‘risidagi mavjud bilimlarini rivojlantirish orqali ularda yoshligidan milliy tarbiyamizning mazmunini tashkil etuvchi omillarni, ya‘ni, mehr - oqibatli bo‘lishni, o‘zidan kattani hurmat, kichikni esa izzat qilishni, jamoatchilik ishlarida faol qatnashishni, saxiy va mehnatkash bo‘lishni, kamtarinlik va mehmondo‘stlikni, hamda eng muhimi, boshqa millatlar

vakillarini hurmat qilgan holda o'z millatining urf-odat, an'alarini qadrlash hissini shakllantiramiz.

O'zbekona milliy fazilatlariga ega bo'lgan o'g'il-qizlar esa faqat va faqat mamlakatimiz kelajagini yanada porloq bo'lishiga xizmat qiladi. Demak, biz boshlang'ich sinf o'quvchilariga milliy ruhda tarbiya berish jarayonini yanada jadallashtirmog'imiz zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I. A. O'zbekistonning o'z istiqlol va taraqqiyot yo'li.– T.: "O'zbekiston", 1992 y.
2. Farzandlari sog'lom mamlakatning kelajagi buyukdir // Xalq so'zi, 2014 yil 22 fevral soni.



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ МАСАЛАЛАРИ

**Назарова Б., Гулистон маиший хизмат кўрсатиш коллежи директори, п.ф.н.,
Сафаров Э., Тошкент иқтисодиёт университети талабаси**

Маълумки, бошланғич синф ўқувчиларида фалсафий мушоҳадага, психологик таҳлилга, мантиқий фикрлашга, тафаккур кирраларини ривожлантиришга иштиёқ ва ҳаракат кучли бўлади. Шу билан бирга, уларда фантазияга мойиллик ҳам мавжуд бўладики, мана шу физиологик–психологик ҳолат тафаккурни ривожлантириш, билишга интилишга омил ҳисобланади. Бу эса ўқувчиларнинг педагогик-психологик имкониятлари бошқа ёшдаги болаларга нисбатан кўпроқ эканини, оламни билишга иштиёқни кучлилигини билдиради. Шунинг учун ҳам боланинг бошланғич синф даври шахс сифатида шаклланишида асосий босқич бўлиб хизмат қилади.

Бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий фикрлаш малакаларини, мустақил равишда муаммоларни ҳал қила билиш кўникмасини шакллантириш таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилдир.

Муаммони кенгроқ таҳлил қиладиган бўлсак, аввало, мустақил фикрлаш инсонни воқеликни англаб етиши ва илмга бўлган ижобий муносабатидан бошланади. Илмнинг моҳиятини англаб етган кишигина эркин, мустақил, мантиқий фикрга эга бўла олади.

Худди шундай дунёқараш Яқин ва Ўрта Шарқдаги илғор педагогик таълимотнинг асосчиси Абу Наср Форобий асарларида ҳам мавжуддир. У билим ўзлаштириш жараёни ҳақида шундай дейди: «Инсон билимларни ақл ва сезиш органлари орқали қўлга киритади ... сезилувчи образлар хис этиш орқали, ақлий образлар эса сезилувчи образлар орқали билинади...».

Форобий «Ақл тўғрисида»ги рисоласида ахлоқли кишининг «ўн икки туғма хислати»ни таърифлар экан, инсоннинг фикрлаш хусусиятига алоҳида аҳамият беради. Унинг фикрича, ақл-заковатли инсон барча масала юзасидан ўтказиладиган муҳокама ва мулоҳазани тез ва тўғри тушунадиган, унинг маъносини англаб, сўзловчининг мақсади ва айtilган фикрининг чинлигини тезда пайқай оладиган, хотираси жуда бақувват бўлиб, кўрган, эшитган, сезган нарсаларининг биронтасини ҳам эсидан чиқармай, ёдида сақлаб қоладиган, зехни бирор нарсанинг аломатини сезиши билан, бу аломат нимани англатишини тезда билиб оладиган, фикри ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини равон баён эта оладиган, билимларни осонлик билан ўзлаштира оладиган бўлишини алоҳида таъкидлайди.

Буюк Шарқ мутафаккири Абу Али ибн Сино нафақат тиббиёт оламидаги кашфиётлари билан, балки таълим ва тарбия соҳасидаги асарлари билан ҳам миллий педагогика тарихида муҳим ўрин тутади. У «Тадбири манозил» («Болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш») асарида ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини яхшилаш, билим бериш жараёнининг самарадорлигини оширишда ўқувчиларни бирга ўқитиш зарурлигига диққат қаратади. Бунда ўқувчи зерикмайди, фанни эгаллашга қизиқиш юзага келади, бир-биридан қолмаслик учун ҳаракат, мусобақаланиш истаги ривожланади. Шу асосда ўқувчилар ўқиган китоблари,

фикр-мулоҳазалари, катталардан эшитган фикрлари билан ўртоқлашадилар ва ана шу жараёнда уларнинг мантикий фикрлаш даражаси шакллана боради.

Буёқ қомусий олим, файласуф ва педагог Абу Райҳон Беруний ҳам билимларнинг ҳосил бўлишида ақл, фикр, сезгиларнинг ўрни ҳақида сўз юритар экан, шундай деб ёзади: «Ҳақат сезги орқали, сезги органлари ёрдамида ўзлаштирилган билимлар хатоларга олиб келиши мумкин. Агар инсон сезгилардан фикрлаш ва ҳулоса чиқаришда фойдаланса, ана шу сезгилар ёрдамида идрок қилинадиган нарсаларни ўрганишда жуда катта ютуқларга эришмоғи мумкин... Истақларга меҳнат туфайли эришилади» .

Ҳазал мулкининг султони, маърифатпарвар давлат арбоби Алишер Навоий асарларида ҳам инсоннинг ўз фикри, дунёқарашига эга бўлиши, билим олиши ва олган билимларини ҳаётда қўллай билишида тафаккурнинг ўрни катта эканлигига алоҳида аҳамият берилади. Шоир «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида билим олиб, мустақил мушоҳада юрита олмайдиган инсонни «устига китоб ортилган эшак»ка қиёслади ва «нодон» деб атади.

XX асрнинг сўнги ўн йили ўзбек халқи ижтимоий ҳаётида, онгида туб бурилишлар даври бўлди. Қисқагина вақтда миллатнинг олами, воқеликни англаш, идрок этиш ва тушунтириш тарзида жиддий сифат ўзгаришлари юз берди. Бу ўзбек халқининг ўзлигига қайтганлиги, миллат тафаккурининг соғломлашганлигини кўрсатади.

Ана шу ижобий ўзгаришлар миллий педагогикамизда ҳам ўз аксини топди. Эндиликда миллий педагогикамизнинг мақсади билим бериш ва мутахассис тайёрлаш асосий нияти бўлган мустақил тузум педагогикасидан фарқли ўлароқ, баркамол шахс тарбиясига қаратилган. Педагогика фанлари доктори Қ.Йўлдошев эса миллий тарбияшуносликда самара келтирувчи фаолият бу – педагогик ҳамкорлик, яъни ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги фаолияти, деб кўрсатади. «Эндиликда педагогика фанининг асосий эътибори тарбияланувчини фаоллаштиришга, уни педагогик жараённинг иштирокчисига, тарбиячининг шериги ёхуд ҳамкорига айлантириш йўлини тадқиқ этишга қаратилган».

Ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини, тафаккурини ривожлантиришда она тили таълими катта имкониятларга эга эканлигини исботлади. Чунки тафаккур нутқ воситасида ифодаланади, у айни чоғда шахслик сифатларини таркиб топтиришнинг ҳам муҳим омилidir.

Ўқувчиларни мантикий фикрлаш иқтидорига эга бўлиши уларнинг ўқув-билув кўникма ва малакаларига ижобий таъсир кўрсатади. Шунга кўра ўқувчиларни ижодий ва мантикий фикрлашга ўргатиш «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгилаб қўйилган таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш талабига тўла мос келади.

Ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, мантикийлик бажариладиган ишга бериладиган ёрдам миқдори ёки ёрдам мавжуд эмаслиги нуқтаи назаридан фаолият тавсифномасидир.



МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЛАРНИ БОШЛАНГ’ИЧ ТА’ЛИМГА САМАРАЛИ ТАЙЙORLASH

Nazirova G.M., Qo‘qon DPI o‘qituvchisi

Inson, uning har tomonlama uyg‘un kamol topishi va farovonligi, shaxs manfaatlarini ro‘yobga chiqarishning sharoitlarini va ta’sirchan mexanizmlarini yaratish, eskirgan tafakkur va ijtimoiy xulq-atvorning andozalarini o‘zgartirish respublikada amalga oshirilayotgan islohotlarning asosiy maqsadi va harakatlantiruvchi kuchidir. Xalqning boy intellektual merosi va umumbashariy qadriyatlarini asosida, zamonaviy madaniyat, iqtisodiyot, fan-texnika va texnologiyalarning yutuqlari asosida kadrlar tayyorlashning mukammal tizimini shakllantirish O‘zbekiston taraqqiyotining muhim shartidir.

Respublikamizda ta'limning asosiy maqsadi demokratik erkin davlat qurayotganimiz, bozor iqtisodiyotiga bosqichma-bosqich o'tish yo'lida izchil borayotganimiz bilan bevosita bog'liq.

Chunki davlatning buyuk kelajagi o'z fuqarolarining ma'lumotlilikiga, madaniyatiga, bunyodkorligiga tayanadi. Jamiyat taraqqiyoti bilan bog'liq dolzarb muammolarning yechimi ham mustaqil fikrlash ko'nikmasiga ega bo'lgan yangi avlodga bog'liq.

Ushbu jarayonning samarali tashkil etilishida ta'lim muassasasining malakali kadrlarga egaligi, metodik ta'minotning boyligi, faoliyat jarayonini zamonaviy talablar asosida tashkil etilishi, shuningdek, tarbiyachilarning amaliy faoliyat asoslarini puxta o'zlashtirishga bo'lgan qiziqish darajasi va ta'lim texnologiyalari muhim ahamiyatga ega.

Ma'lumki, maktabgacha ta'limning maqsadi – bolalarni maktabdagi o'qishga tayyorlash, bolani sog'lom, rivojlangan, mustaqil shaxs bo'lib shakllantirish, qobiliyatlarini ochib berish, o'qishga, tizimli ta'limga bo'lgan ishtiyoqini tarbiyalashdir. Ta'lim muassasalarining bir turi sifatida maktabgacha ta'lim muassasasi, shubhasiz, ularning har qaysisiga xos, bolalarning tarbiyasi, ta'limi, rivojlanishi va salomatligiga yaxshi yo'nalganligi bilan bog'liq umumiy xususiyatlarga ega. Shu asnoda tarbiyalanayotgan bolalarning yosh xususiyatlariga ko'ra maktabgacha ta'lim muassasasi faoliyati boshqa ta'lim muassasalarida kechadigan jarayonlar boshqalaridan jiddiy farq qiladi.

Maktabga qadam qo'yayotgan bugungi kunning bolasidan aniq bilim, fikrlash ko'nikmasi, yangi bilimlarni egallashga tayyorligi, obyektiv olamga moslashish ko'nikmasi, voqea-hodisalarni mustaqil ravishda tahlil etishi bilan bir qatorda uning maktab ta'limiga shaxsiy-irodaviy, ma'naviy, intellektual, ijtimoiy-psixologik jihatdan tayyorgarligi talab etiladi.

Maktabgacha yoshdagi bolaning maktab ta'limiga o'tishi hamisha uning hayoti, axloqi, qiziqishi va munosabatlarida anchayin jiddiy o'zgarishlarni yuzaga chiqaradi. Shuning uchun bolani bog'chada yoki uydayoq boshlang'ich maktab ta'limiga tayyorlash, uni uncha qiyin bo'lmagan bilim, tushuncha, ko'nikma va malakalar bilan tanishtirish kerak bo'ladi.

Bolaning maktabda ta'lim olishi samarasi uning ona tilini bilishiga va nutqni qanchalik rivojlanganligiga ko'proq bog'liq bo'ladi. Chunki butun o'quv faoliyati shularga, ya'ni nutqiy-mantiqiy rivoji, bolaning kattalarning yordamisiz mustaqil fikrlashi, til imkoniyatlaridan erkin foydalana olishi, hikoya qilish, mulohaza yuritish, o'z tasavvurini izohlay olish, tushunarli qilib bayon etish kabi omillar asosiga quriladi. Shuningdek, bolaning maktabda ta'lim olishi uchun amaliy intellekt rivoji, ya'ni uning namunani chizish, aytib turiladigan bayoniy topshiriqni bajarishi ham muhim sanaladi. Va nihoyat, maxsus tayyorgarlik bolani savodxonlikka o'rgatish va uning maktabning 1-sinf o'quv dastur materialini yetarli darajada egallash haqidagi tushunchasini shakllantirishni nazarda tutadi.

Shu sababdan ham bolalarni boshlang'ich ta'limda o'qishining samaradorligi ko'p jihatdan ularning tayyorgarlik darajalariga bog'liq bo'ladi. Boshlang'ich ta'lim (maktab)ga tayyorgarlik – MTMsi va oilada maktabgacha tarbiya yoshidagi bolaga qo'yadigan talablar orqali aniqlanadi. Bu talablarning o'ziga xos tomoni bolaning yangi ijtimoiy psixologik o'rni, u bajarishga tayyorlangan bo'lishi lozim bo'lgan yangi vazifa va burchlardan kelib chiqadi.

Boshlang'ich sinfga qatnash bola hayotidagi odatiy turmush tarzi, atrofdagilar bilan munosabat sistemasining o'zgarishiga aloqador muhim davrdir. Bola hayotida birinchi bor markaziy o'rinni ijtimoiy ahamiyatga ega bo'lgan o'quv faoliyati egallaydi. Unga odatiy bo'lgan erkin o'yin faoliyatidan farqli o'laroq, endi ta'lim majburiy bo'ladi va birinchi sinf o'quvchisidan 4 ta jiddiy munosabat talab qilinadi. Ta'lim faoliyatining yetakchi turi sifatida bolaning kundalik hayot jarayonini qayta quradi: kun tartibi o'zgaradi, erkin o'yinlar vaqti qisqaradi. Bolaning mustaqilligi va uyushganligi, uning ishchanligi va intizomlilikka talablar jiddiy ravishda ortadi. Maktabgacha yoshdagi bolalikka nisbatan o'quvchining o'z xatti-harakati, majburiyatlarini bajarishga shaxsiy mas'uliyati ancha-muncha ortadi.

Bolalarni boshlang'ich ta'limga tayyorlash, birinchidan bolalar bog'chasida tarbiyaviy ishni maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarni umumiy, har tomonlama rivojlantirishning yuqori darajasini ta'minlaydigan, ikkinchidan bolalarni maktabning boshlang'ich sinflarida o'zlashtirishlari lozim bo'lgan o'quv fanlarini egallashga maxsus tayyorlashni ta'minlaydigan qilib tashkil etilishini nazarda tutadi. Shunga ko'ra zamonaviy psixologik-pedagogik adabiyotlarda "tayyorgarlik" tushunchasi bola shaxsining rivojlantirish sifatida aniqlanadi va ikkita o'zaro bog'langan jihatlarda:

“Maktabga o‘qishga umumiy psixologik tayyorgarlik” va “Maxsus tayyorgarlik” tarzida ko‘rib chiqiladi.

Maktabga umumiy tayyorgarlik MTMning maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarni har tomonlama tarbiyalashga oid davomli, maqsadga muvofiq ta‘lim-tarbiyaviy ishning muhim yakuni sifatida namoyon bo‘ladi.

Maktabga umumiy tayyorgarlik bolaning maktabga borish vaqtiga kelib aqliy, ma‘naviy, estetik va jismoniy rivojlanishda erishgan shunday darajasidirki, u bolaning maktab ta‘limining yangi sharoitlariga va o‘quv materialining ongli egallashga faol kirib borishlari uchun zarur asosni yaratadi.

Umumiy tayyorgarlik bola maktab ta‘limiga o‘tish davriga kelib erishadigan psixik rivojlanishning muayyan darajasi bilan ifodalanadi.

Xulosa qilib aytganda, ta‘lim berish jarayonida bolalarning har bir sa'y-harakatiga muvofiq, uning muvafaqqiyatga erishishi uchun imkoniyatlarini hisobga olish lozim. Demak, mashg‘ulotlarni o‘ta oddiy tarzda o‘tkazmaslik zarur. Ular har bir bola rivojlanishining aniq joriy davri murakkabligi darajasini hisobga olingan holda, ilgarirovchi xususiyatga ega bo‘lishi kerak.

Har bir bola o‘z ichki imkoniyatlari va o‘zini o‘rab turgan atrof-muhit ta‘sirida o‘zicha ulg‘ayib boradi va rivojlanadi. Uning o‘ziga xos mijozi, qabul qilish usuli va o‘z oilasi bor. Bu individual farqlar bolalarni boshlang‘ich ta‘limga samarali tayyorlash jarayonida hisobga olinishi kerak. Bola uning shaxsiy fikrlari va materiallar, g‘oyalar va odamlar bilan tajribalari o‘zaro ta‘sir etishi natijasida ta‘lim oladi. Bu tajriba uning yosh xususiyatlariga, ichki imkoniyatlariga mos bo‘lishi lozim va shu bilan bir vaqtda uning qiziqishlari va tushunchalarini faollashtirishi kerakligi maktabgacha ta‘lim yoshidagi bolalarni boshlang‘ich ta‘limga samarali tayyorlash jarayonini o‘ziga xosligini e‘tirof etish imkonini beradi.



BOSHLANG‘ICH SINIF ONA TILI DARSLARINI TASHKIL ETISHDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISHNING SAMARALI YO‘LLARI

Ne‘matova S., Namangan VPKQTMOI o‘qituvchisi

Hozirgi kunda ta‘lim jarayonida interfaol metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot kommunikatsion texnologiyalarni o‘quv jarayoniga tatbiq etish masalasi ta‘lim samaradorligini oshirishning muhim omili bo‘lib xizmat qilmoqda. An‘anaviy ta‘lim tizimida o‘quvchilarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o‘rgatilgan bo‘lsa, noan‘anaviy ta‘lim texnologiyalari esa ularni egallayotgan bilimlarini o‘zlari qidirib topishlariga, mustaqil o‘rganib, tahlil qilishlariga o‘rgatadi. O‘qituvchi bu jarayonda shaxsning rivojlanishini, shakllanishini, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda boshqaruvchilik, yo‘naltiruvchilik funksiyalarini bajaradi.

Interfaol usullarning o‘ziga xosligi shundaki, ular pedagog va o‘quvchilarning birgalikda faoliyat ko‘rsatishlari orqali amalga oshiriladi. Bunday pedagogik hamkorlik jarayoni o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lib, ularga quyidagilar kiradi:

- o‘quvchini dars davomida befarq bo‘lmasligi, mustaqil fikrlash, ijod etish va izlanishga majbur etish:

- o‘quvchilarni o‘quv jarayonida bilimga bo‘lgan qiziqishlarini doimiyligini ta‘minlash:

- o‘quvchini bilimga bo‘lgan qiziqishini mustaqil ravishda, har bir masalaga ijodiy yondoshgan holda kuchaytirish:

- pedagog va o‘quvchining muntazam hamkorlikda faoliyatini tashkillash kabi ijobiy natijalarga erishish imkoniyatini yaratadi.

Quyida ana shunday interfaol usullardan namunalar keltiramiz.

“So‘z daraxti chizish” usuli. Ushbu usul orqali o‘quvchilarning imlo savodxonligini, so‘z va nutq boyligini oshirish hamda mantiqiy fikrlash doirasini kengayishiga erishilishi mumkin.


Ona tili darslarida yozma ishlar tahlili o'tkazish jarayonida o'quvchi o'zi xato qilgan so'zni daraxtga joylashtirib, bu so'z necha bo'g'indan iboratligi, bo'g'inlardan yangi so'zlar hosil bo'lishini yodda saqlaydi va kelgusida ana shu so'zni bexato yozishni o'rganadi.

Masalan: **Xirmon** so'zining archa daraxtiga quyidagicha joylashtirish mumkin:

xirmon

xira tegirmon

xirgoyi shirmon



Xirot pushaymon

Xirmon so'zini daraxtga joylashtirishda so'zning aslini daraxt tanasi deb olsak, uning bo'g'inlarini daraxt shoxlari. Bo'g'inlardan hosil qilingan so'zlarni archaning barglari deb olinadi. Bunda, o'quvchilarni so'z boyligi, imloviy savodxonligi va tasviriy faoliyat bo'yicha qobiliyatlari oshadi.

"Sinkveyn" usuli o'rganilayotgan ma'lumot, tushuncha (hodisa, voqea, mavzu) to'g'risidagi axborot yig'ilgan holda turli variantlar va turli nuqtai nazar orqali ifodalanadi. Sinkveyn tuzish jarayoni mavzuni yaxshiroq anglashga yordam beradi. Buning uchun o'quvchilar guruhlariga bo'linadi va ularga mavzuga oid bittadan so'z beriladi. O'quvchilar bu so'zlarni mavzu sifatida olib, unga so'z turkumlari qo'shib, undan so'z birikmalari va gap tuzadilar. Masalan:

1-guruh

"O'zbekiston" so'zi

Mavzu: O'zbekiston

Ot- bog', yurt.

Sifat- so'lim, go'zal.

Fe'l- hisoblanadi.

Gap: O'zbekiston so'lim va go'zal bog'lar yurti hisoblanadi.

2-guruh:

"Vatan" so'zi

Mavzu: Vatan.

Ot- O'zbekiston

Olmosh- men

Fe'l- hisoblanadi

Gap: Mening Vatanim O'zbekiston hisoblanadi.

Topshiriqni tez va to'g'ri bajargan guruh rag'batlantiriladi.

K O J

B N

A R

T E I

"Sehrli harflar" o'yinidan boshlang'ich sinf ona tili darslarida biror bir bo'lim yoki mavzuni mustahkamlash jarayonida foydalanish tavsiya etiladi. Masalan, "So'z turkumlari" bo'limini mustahkamlash maqsadida harflar A4 qog'ozlarga yozilib, xattaxta oldiga, yerda doira shaklida teskari holatda yoyib qo'yiladi. Harflar soni bilan teng miqdorda o'quvchilar harflar atrofida doira bo'lib aylanishadi va qaysi harfga to'g'ri kelsalar shu harf uchun oldindan tayyorlangan topshiriqlarni bajarishlari kerak bo'ladi.

Savollar quyidagicha bo'lishi mumkin:

A- harfi bilan boshlanuvchi sifat so'z turkumiga oid beshta so'z ayting.

B- harfi bilan boshlanuvchi maqol ayting va maqoldagi soʻz turkumlarini toping.

I- son soʻz turkumiga oid toʻrtta soʻz ayting.

E- harfi bilan boshlanuvchi ertaklar nomi va qaysi soʻz turkumiga oidligini aniqlang.

J- feʼl soʻz turkumiga oid uchta soʻz ayting.

R- *randa, raqobat, rohat* soʻzlariga qoʻshimcha qoʻshish orqali feʼl soʻz turkumiga oid soʻzlarni yasang.

N- nima qildi?, nima qilmoqchi?, nima qiladi? soʻroqlariga qaysi soʻz turkumi javob boʻladi?

O- *ota, olma, togʻ, osmon* soʻzlari qaysi soʻz turkumiga oid?

K- harfi bilan boshlanuvchi uchta allomalarning ismlarini ayting.

T- sinf xonasida mavjud *k* harfi bilan boshlanuvchi soʻzlar ayting va qaysi soʻz turkumiga mansubligini aniqlang.

Oʻquvchilar topshiriqni bajarib boʻlishgach, harflar xattaxtaga ilib qoʻyiladi va kalit soʻz topiladi. Kalit soʻzda “Kenja botir” ertagining nomi kelib chiqadi. Harflar yordamida oʻquvchilar yangi soʻzlar tuzadilar. Masalan, *ot, kitob, or, kor, kit, jon, jar, anor, reja, boj, bir* va boshqa soʻzlar tuzishlari mumkin.

Shunday qilib, interfaol usullar oʻquvchilarda yangi bilimlarni egallash, oʻtilganlarni mustahkamlash, ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish, umumiy malakani shakllantirish, mantiqiy, tanqidiy, mustaqil fikr va tafakkurini oshirish kabi bir qator vazifalarni yechishda samarali yoʻl hisoblanadi. Bu metodlarni oʻtkazish jarayonida oʻquvchilar oʻrtasida oʻzaro musobaqalashish, bahs-munozara yuritish ruhiyatining boʻlishini taʼminlash zarur. Bu esa oʻquvchida muammolarni qoʻya bilish, uni yechish, hal qila olish, mustaqil fikrlash, mantiqiylik, obʼektivlikka nisbatan qiziqishni shakllantiradi, muammoni yechishda oʻzini tuta bilish koʻnikmalarini ham shakllantiradi va hosil qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdurahmonov M. Didaktik oʻyinlarning taʼlimiy ahamiyati. Xalq taʼlimi tizimida boshlangʻich sinf oʻqituvchilarining yangi avlodini tayyorlash muammolari. Toshkent, 1996 y. 176-bet.
2. Shayakubov Sh., Ayupov R. Interfaol taʼlim usullari. Toshkent, 2010 y.
3. Yoqubov Sh., Yoqubova D. Grammatik oʻyinlar (Metodik tavsiya). Termiz, 2009 y
4. ziyonet.uz
5. google.ru

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ФИКРЛАШ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

Неъматов Ш., п.ф.н., ЎзПФТИ лойиха раҳбари

Бугунги кунда ўқув жараёнида ечилиши зарур бўлган муаммолардан бири – ўқувчиларнинг фикрий фаолиятларини фаоллаштиришдан иборат. Бунинг учун ўқувчининг фикрий фаолиятини фаоллаштириш усуллари, йўллари, воситаларини янгича педагогик тафаккур нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда танлаш талаб этилади. Кузатиш ва таҳлилларимиз натижасида ўқувчиларнинг фикрий фаолиятларини фаоллаштиришнинг шакллари ва усуллари кўллашда бир қатор камчиликларнинг мавжудлиги аниқланди.

Мақтабда таълимни ташкил этишнинг шакли сифатида мустақил бажариладиган турли таълимий топшириқлар ва уй вазифаларини кўрсатиш мумкин. Уй вазифалари ва мустақил ижодий ишлар орқали ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари, билиш фаолиятларини назорат қилиш ва ривожлантириш мумкин. Уй вазифаси устида ишлаш, ўқув топшириқларни бажариш натижасида ўқувчилар нафақат ўзлаштирган янги билимларини мустаҳкамлайдилар, балки эгаллаган кўникма ва малакаларини такомиллаштирадидилар, мустақил ишлаш кўникмаларини эгаллайдилар, меҳнатсеварлик, тартиблилик, қаъийлик, масъулияллилик, бардошлилик сифатларини ҳам таркиб топтирадилар.

Мазкур фаолиятнинг самарадорлиги ўқитувчининг ўқувчилар фаолиятини қандай

ташкил этиши ва йўналтиришига бевосита боғлиқ. Ўқитувчи ўқувчиларнинг уй вазифаларини нафақат дарс жараёнида уларга уй вазифаларини берган чоғида назорат қилади ҳамда бошқаради, балки уни текшириш жараёнида ҳам амалга оширади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг уй вазифалари ва мустақил ишларининг бажарилишини текшириши жараёнида аксарият ҳолларда ота-оналарнинг кўмагига таянади. Топшириқлар ва мисолларнинг бир қисмини ўқувчилар қоралама шаклда бажариб ота-оналари, ака-опаларига текширтирадилар. Натижада ўқувчилар ҳеч қандай таҳлилсиз хатоларни тўғрилайдилар. Шундан кейин улар текширилган ишни оққа кўчирадилар.

Агар ўқитувчи уй вазифасини текшириши жараёнида ўқувчилардан бажарган ишларининг мазмун-моҳиятини мунтазам сўраб борса, улар ўз ишлари натижаларини таҳлил қилишга одатланадилар. Акс ҳолда ўқитувчининг ўқувчиларга қўйган баҳоси уларнинг билим даражаси ва уй вазифасини бажаришга сарфлаган меҳнатини объектив тарзда акс эттирмайди. Ўқувчиларнинг уй вазифалари ва мустақил ишларини бу тарзда текшириш ҳамда баҳолаши ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Бундай вазиятда ўқувчилар ўз ишларини тартиб билан жиҳозлашга одатланадилар, бажаришлари зарур бўлган топшириқнинг моҳиятини охиригача англаб етмайдилар. Бундай методикадан фойдаланиш натижасида ўқувчилар синфда бажариладиган мустақил ишларни амалга ошириш кўникмасига эга бўлмайдилар. Агар дарс жараёнида ўқувчилар олдида қўйиладиган вазифалар уй вазифасига ўхшаш бўлса улар мазкур топшириқлар ўйлаш, фикрлаш кўникмасига эга бўлмайдилар. Натижада ўқувчиларда ўз кучларига бўлган ишонч йўқолади. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар ўқувчиларнинг уй вазифалари, мустақил ишларини шунчаки текшириш билан чекланиб қолмасликлари, улар ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашган ҳолда йўл қўйган хатоларини таҳлил қилган ҳолда тушунтиришлари, топшириқни бажаришда қўллаган фаолият усулини аниқлаган ҳолда ўқувчиларга тўғри маслаҳатлар беришлари лозим. Шунингдек педагоглар ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини фаоллаштирувчи турли йўللار ва усуллардан самарали фойдаланишлари талаб этилади. Шу билан бир қаторда, ўқувчиларнинг топшириқларни мустақил бажаришларини ташкил эта олишлари керак.

Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг уй ҳамда мустақил ишларини текширишнинг самарали методларини излаш, уларни назарий эмперик жиҳатдан асослаш дидактиканинг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда.

Ўқувчиларнинг мустақил ҳамда уй ишларини текшириш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги мазкур ходисани чуқур ўрганиш ва муаммоларни бартараф этиш имкониятларини излаб топиш заруриятини қўймоқда. Бу муаммони ҳар бир ўқитувчи еча олиши зарур. Чунки Бошланғич синф ўқувчиларига таълим беришда юқори самарадорликка эришиш учун уларнинг уй ишларини сифатли бажаришлари ва уни ўқитувчилар талаб даражасида текширишларига эришиш лозим.

Ўқувчиларнинг фикрий фаолиятларини фаоллаштиришга қаратилган топшириқлар қанчалик катта, кўп, қизиқарли бўлиши керак, деган саволга тез-тез дуч келамиз. Бу саволга турлича жавоб бериш мумкин. Бу ўқитувчининг педагогик тажрибаси, ўқув жараёнига бўлган ёндашувига боғлиқ. Аксарият ўқитувчиларнинг фикрича бундай топшириқлар ва уй вазифалари ўқувчиларга етарлича тақдим этилади. Баъзи ҳолларда бундай топшириқлардан кундалик амалиётда кенг фойдаланадилар. Ўқитувчилар ўқувчиларни фикрий фаоллаштиришдан манфаатдор бўлишлари керак. Чунки бундай топшириқларни ўқувчилар алоҳида қониқиш билан бажаришлари билан бир қаторда улар самарали ҳамдир.

Шу нарса аёнки, ўқувчиларнинг фикрий фаолиятлари фақатгина ижодий жараёнларда фаоллашади. Муайян вазиятлар ташкил этилиб ижодий топшириқлар тақдим этилгандагина уй вазифаларини текширганда ўқитувчининг ижодкорлиги намоён бўлади. Бундай ижодий фаолиятни амалга оширмасдан туриб эса ўқувчиларни ижодий фаолиятга ундаш мумкин эмас.

Аксарият ижодий топшириқларни таҳлил қилиш натижасида шу нарсага ишонч ҳосил қилдикки, уларни таснифлаган ҳолда ўқувчиларга тақдим этиш самарадорликка эришиш

имконини кенгайтиради. Улар:

Ўқиш дарслигидаги адабий асарларнинг муаллифларига бериладиган саволлар.

Ўқувчиларга уй вазифаси сифатида асар муаллифларига саволлар тайёрлаш топширилади. Натижада ўқувчилар бундай асарларнинг мазмунини чуқурроқ англаб идрок этиш имкониятига эга бўладилар. Бундай саволларга авваламбор ўқувчиларнинг ўзлари жавоб беришлари керак. Улар қийинчиликларга дуч келганларида эса ўқитувчининг кўмаги зарур бўлади. Ўзларини муаллиф ўрнига кўя оладиган ўқувчилар уйда мазкур асар, унинг муаллифи ҳақида ранг-баранг материаллар тўплайдилар. Натижада улар кейинги дарсда турли-туман саволларга жавоб қайтардилар.

Ўйинга асосланган мунозара вазиятлари.

Бундай вазиятлар дарс жараёнида ташкил этилиб унга тайёргарлик ишлари уйда амалга оширилади. Ўқитувчининг асосий эътибори ўқувчилар танлаган ролларга қаратилади. Бу жараёнда ўқувчиларга ўзларини ўқитувчи сифатида тасаввур қилиб энг самарали, қулай воситаларни танлаш вазифаси топширилади. Бу топшириқни улар ўқув материаллари мазмунидан келиб чиққан ҳолда бажаришлари лозим. Масалан, ўқувчиларга муайян ўқув материалларини тақдим этишнинг қулай шакллари қўллашлари мумкин.

Жамоавий мунозара вазиятлари.

Бундай вазиятни амалга ошириш учун синфдаги ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳ муаммога нисбатан ўз нуқтаи назари ва қарашларини баён қилади. Ўқувчилар ўтказиладиган мунозарага мустақил тайёрланадилар. Шу билан бир қаторда ўқитувчи ўқувчиларга мазкур машғулотга уйга тайёрланиш учун бошқа вариантларни ҳам таклиф қилиши мумкин. Ўқувчилар муайян гуруҳга бирлашиб жамоа бўлиб ташкил этиладиган ўйин вазиятига тайёрланадилар. Бунинг учун улар олдиндан умумий нуқтаи назарларни ишлаб чиқадилар. Улар ўзларининг ҳақликларини исботловчи далиллар тизимини шакллантирадилар. Бундай гуруҳни тайёрлаш муваффақиятли бўлиши учун барча ўқувчилар фаол ҳаракат қилишлари керак. Гуруҳлардаги ўқувчиларнинг сони эса 5-6 нафардан ошмаслиги талаб этилади. Шу билан бир қаторда, синф ўқувчилари орасидан танланган экспертлар ҳам бундай ўйин машғулотларига махсус тайёргарлик кўришлари керак.

Бошқотирмалар ечиш вазиятлари.

Бугунги кунда барча оилаларда катталар алоҳида қизиқиш билан бошқотирмаларни ечишга ҳаракат қиладилар. Аксарият ҳолларда уларга кичик мактаб ёшидаги болалар ҳам эргашадилар. Шунинг учун ҳам бошланғич синф ўқувчиларига она тили, ўқиш дарсларида бошқотирмалар ўйлаб топиш ва уларни ечишга оид топшириқларни бериш орқали уларнинг фикрлаш фаолиятларини фаоллаштириш мумкин. Кузатишларимиз жараёнида бошқотирмаларни ечишда синфдаги барча ўқувчиларни бир йўла жалб этиш самарали эканлигига ишонч ҳосил қилдик.



**BOSHLANG`ICH TA`LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHGA TEXNOLOGIK
YONDOSHUV**

Normatova G., Sattorova D., Surxondaryo VPKQTMOI

Prezidentimiz I.A.Karimov: “Yoshlarimizning ma`naviy olamida bo`shlik bo`lmasligi uchun ularning qalbi va ongiga sog`lom hayot tarzi, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ehtirom tarzini bolaligidan boshlab shakllantirishimiz zarur”, deya ta`kidlagan edi. Bu teran fikrlardan kelib chiqqan holda ta`lim-tarbiya tizimida milliy tarbiyaga qadriyatlarga alohida e`tibor qaratilgan holda 2014 yilni “Sog`lom bola yili” deb e`lon qilinishi diqqatga sazovor bo`ldi. Negaki, maktabgacha va boshlang`ch ta`limga yanada e`tibor kuchaytirildi.

“Fikr tarbiyasi eng kerakli, ko`p zamonlardan beri taqdim qilinib kelgan Muallimlarning

diqqatiga suyangan muqaddas bir vazifadir” deganlar A.Avloniy, darhaqiqat biz pedagoglarning oldimizda mashaqqatli va sharaflil vazifalar turganligini, xalqning kelajagi, ertangi kunining taqdiri bizga bog`liq ekanligini yanada his qilishimiz darkor.

Ulug` o`zbek shoiri va mutaffakkiri A.Navoiy hazratlari o`qituvchilik-murabbiylik faoliyatini eng murakkab va ma`suliyatli, hamisha e`tiborga sazovor ishlardan biri deb hisoblaganlar. Aslida ham shunday. Chunki ular bilimdon, iqtidorli kelajak nasllarini tarbiyalaydilar, shu sababli shoirimiz “Yuz ranj bilan bir harf o`rgatgan ustoz” mehnatini qadrlashini uqtiradi. Shu sababli, maktab o`qituvchilarining asosiy vazifalaridan biri, o`quvchilarga interfaol usullarda dars berishdir.

Interfaol usullar asosida o`tilgan dars mashg`ulotlarida o`qituvchi ta`limning o`zaro mas`uliyatlilik, yuzma-yuz o`tirish, malakalar hosil qilish va baholash usullaridan foydalanadi.

Sinf o`quvchilarining hamkorlikdagi faoliyati natijasida bir-biridan yordam so`rash, yordam berish, o`zaro qo`llab quvvatlash, juft bo`lib guruhlarda ishlash, o`qituvchi tomonidan berilgan topshiriqlarni o`z vaqtida bajarish, o`zi, sherigi, guruhi, sinfi uchun javob berish, vazifalariga mas`uliyat bilan yondoshish, “Bir kishi hamma uchun, hamma bir kishi uchun” shiori ostidagi mas`ullik hissini rivojlantirish, o`zaro fikrlashib qaror qabul qilish, bir-birini tinglash qobiliyatlari aniqlanadi. Natijada ularda xatosiz yozish, og`zaki nutqining rivojlanish, tasavvur qilish, rasm chizish, ang`lay olish kabi bilim, ko`nikma, malakalari rivojlanadi.

Interfaol usullarda tashkil etilgan darslarda sinfdagi holat butunlay boshqacha tus oladi. Birinchidan, o`quvchilar o`zlarini butunlay erkin tutadilar. Dars tashkil qilinishidan oldin sinf xonani jihozlashga alohida e`tibor qaratiladi. Stol-stullar joyining almashinishi ham o`quvchilarning diqqatini tortadi.

Psixologik jihatdan olib qaralganda faol o`qitish metodlarida fazoviy joylashuvlariga qarab o`quvchilarning psixologik holati har xil bo`ladi. Ruhiy tayyorgarlik va mas`uliyat hissi ham shunga ko`ra o`zgaradi.

“Taqiqlangan meva”

Maqsad: Oilada o`zbek madaniy turmushida taqiqlangan xulq-atvor holatlari motivlarini aniqlash.

Materiallar: Quti, “mumkin emas” deb yozilgan ikkita tablichka.

1. Boshlovchi qutini xona o`rtasiga qo`yadi va uning ikki tomoniga “mumkin emas” degan yozuvlarni qo`yadi. Ushbu yozuv hamma ishtirokchilarga ko`rinib turishi kerak.

Quticha kun boshlanishidanoq xona o`rtasiga qo`yilgani ma`qul, natijada ishtirokchilarning qiziqishi ortadi, o`yinning asosiy qismiga o`tish osonlashadi. Boshlovchi o`yin boshlanishida ishtirokchilarning o`yinini oshirish mumkin (“Ha, endi qiziq narsa yashirilgan-da”, “Keyin ko`rasizlar”, “Bir nasa bor-da” kabi so`zlar bilan), lekin qutiga qaramaslik haqidagi taqiq o`z kuchida turishi kerak. Ko`p hollarda ba`zi bolalar o`zlarini tiya olmay quti ichiga qarashga urinadi va taqiqni buzadi. So`ngra boshlovchi ushbu mashq bilan bog`liq bo`lgan asosiy qismga o`tadi va guruhga quyidadagicha topshiriq beriladi:

“Xona o`rtasida kun boshidanoq chiroyli quti turibdi. Uning xusisiyati shundaki uning ichiga qarash mumkin emas. Bu qutiga nisbatan sizda qiziqish uyg`ongan bo`lsa kerak. Kelinglar kimning ichida nima kechayotganligini aytib beringlar”.

Tahlil.

1. Boshlovchi ishtirokchilardan ular nega o`zlarini shu xilda tutganligini so`raydi, ularning harakatlaridagi asosiy sababni so`rashga harakat qiladi. Taqiq haqidagi qoidani buzish qiyin bo`lganligi haqida so`raydi, o`zini tutib turish qanchalik qiyin kechganligi haqida bilishga urinadi.

2. O`yin yakuni sifatida odamlar nega taqiqlangan xatti-harakatlarni sodir etishlari, oilaviy hayotga zid bo`lgan xatti-harakatlarni amalga oshirishning sabablari aniqlanadi. Ushbu yakuniy xulosalar kichik guruhlarda ham ishlab chiqilishi mumkin.

“O`zimizni qanday tutamiz”.

Maqsad: Turli xulq, harakatlarni ko`rib chiqish va ularning muloqotiga tegishli harakatlarning shakllanishiga ta`sirini aniqlash.

Materiallar: toza qog`oz, ruchka qalam, 3 ta suratli plakat va ularga xos xulq, harakatlarning izohi.

Materillarni tayyorlash: Har bir plakatning chap tomoniga u yoki bu hulq harakatni ko'rsatuvchi tasvir tushirilgan qog'oz yopishtiriladi.

Rasmning yonida ushbu hulqning tavsiflari yozilgan.

Sust (passiv) xulq:

- O'zgalarni o'zingizdan yuqori qo'yapsiz.
- Boshqalarning xohishiga yon berayapsiz.
- Sizni nimadir bezovta qilsa ham indamay turibsiz.
- Doimo uzr so'raysiz.

Agressiv hulq:

- Boshqalarni hech qancha o'ylamay huquqlaringizni himoya qilayapsiz.
- O'zgalardan hukmronlik qilishga urinayapsiz.
- O'zgalarni unutib faqat o'zingizni o'ylayapsiz.
- Boshqalar hisobiga o'z huquqingizga erishayapsiz.

Ishonchli hulq.

- O'zgalardan huquqini poymol qilmay o'z huquqlaringizni himoya eta olasiz.
- O'zingiz va o'zgalarni hurmat qilasiz.
- Tinglash va gapirishni bilasiz.
- Ham salbiy va ijobiy xislatlaringizni ayta olasiz.
- O'zingizga ishonasiz, lekin o'zgalarni "xaqoratlamaysiz".

O'yinning borishi: O'yin 20 minut davom etadi.

1. Kirish. Ko'pincha o'zimizga ishonmasligimiz bizni turli salbiy kuchlarga qarshi turolmashimizga olib keladi, natijada har xil nojo'ya vaziyat va xulqlarning ishtirokchisiga aylanib qolamiz. Har xil salbiy yo'llarga kirib ketmaslik uchun biz o'z xulq-atvorimizni, uning ichki sabablarini yaxshi tushunishimiz, xatti-harakatlarimizni nazorat qilishimiz, hissiyotlarimizni boshqara olishimiz kerak.

2. Sinf uchta kichik guruhlariga bo'linadi.

3. Har bir kichik guruhga quyidagicha topshiriq beriladi: ko'rsatilgan uchta suratga asoslangan holda har xil xulq formalarining xatti-harakatlari, ichki holatlari va nutq xususiyatlarini izohlab bering (guruhlar ishlayotgan paytda suratlarga taalluqli tavsiflar yopib qo'yiladi, suratlar esa ochiq qoladi).

4. Har bir guruh tomonidan taqdim etilgan variantlarni muhokama qilish.

So'ngra plakatdagi tasvirlarni o'qib izohlaydi. Boshlovchilar o'z xatti-harakatlari orqali har xil xulq modellarini misol tariqasida ko'rgazmali namoyon etishlari mumkin.

5. Ikkala boshlovchi ishtirokida agressiv va sust xulq ko'rinishlari tasvirlanadi. Ishtirokchilardan esa boshlovchilarning xarakatlari imo ishora va so'zlarini kuzatgan holda ushbu xulq ko'rinishlari nomlarini to'g'ri topishlari so'raladi.

Birinchi vaziyat: Agressiv holatdagi bir kishi ikkinchi-sust holatdagi va o'zini yaxshi ta'minlaydigan odamdan katta miqdordagi pulni qarz so'rayapti.

Ikkinchi vaziyat: Agressiv holatdagi bir kishi ikkinchi o'ziga ishongan va e'tiroz bildirayotgan odamni spirtli ichimlik ichishga undayapti.

6. Ishtirokchilar orasidan ko'ngilli bir kimsa chaqiriladi va unga guruhdan sir tutilgan holda u o'ynashi lozim bo'lgan rol va shu rolga taalluqli vaziyat aytiladi. Boshlovchi bu vaziyatda o'ziga ishongan odamni rolini o'ynasa guruhning boshqa a'zosi ko'ngilli bo'lib agressiv xulqli kimsani rolini o'ynaydi.

Shunisi ahamiyatliki, boshlovchi ishtirokchilar orasidan guruh liderlarini va guruh a'zolarini yoqtirmaydigan bolalarni ajrata bilishi, tabiatdan agressiv va sust xulqli ishtirokchilarni aniqlab olishi zarur. Bu hol ko'ngillilarni aniqlashda juda muhimdir. Agressiv xulqli o'smirlarga sust yoki o'ziga ishongan xulqli rollarni taqdim etgan ma'qul bo'lsa, sust xulqli o'smirlar o'ziga ishonganlarning rolini o'ynashsin.

O'smir o'ziga berilgan rolni muvaffaqiyatli ijro etishi yoki ijro eta olmasligi unchalik muhim emas. Agar bu rolni yaxshi ijro eta olmasa o'zi yoki guruh buning sababini muhokama qilishlari mumkin, agarda rol yaxshi ijro etilsa guruh a'zolari ushbu xulq ko'rinishi qaysi biriga tegishli

ekanligini darrov bilib olishadi.

7. Ishtirokchilar taqdim etilayotgan xulq ko‘rinishlarini aniqlashadi o‘z taxminlarini izohlashadi.



ИЖОДИЙ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ: МАЗМУН, МОҲИЯТ ВА ЗАРУРАТ

Носиров К.Ж., Олий ҳарбий божхона институти кафедра бошлиғи, п.ф.н., доцент

“Биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз”¹ – дея Юртбошимиз Ислоҳ Каримов баркамол авлодни тарбиялаш масаласи доимо давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифа эканини таъкидлайдилар.

Етук ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш – давр талаби. Бу жараёни амалга оширишдаги асосий шартлардан бири – ўсиб келаётган ёш авлодни ижодий фикрлашга ўргатиш ҳисобланади.

Бугунги кунда инсоният эришган илм-фан соҳасидаги барча ютуқлари ва тараққиётнинг асосий манбаи ижодкорликдир. Атрофимизга диққат билан назар солсак, оддий санок чўпларидан бошлаб, энг мураккаб фазо кемаларигача – инсоннинг ижодий фикрлаши ва кашфиётларининг маҳсули эканлигини кўрамиз.

Ижод – ибтидоси оддийгина бошқотирма, интиҳоси эса баъзан кашфиёт ва ихтиро билан яқунланадиган кенгкўламли жараён ҳисобланади.

“Ижод” сўзи араб тилидаги –“важада” феъли асосида ҳосил бўлган бўлиб, “Топмоқ, изламоқ, яратмоқ, ишлаб чиқармоқ, кашф қилмоқ” каби маъноларни англатади. Демак, “ижод қилиш” деганда – янгиликни излаш, топиш ва яратиш жараёни тушунилади.

Мактаб даврида, айниқса, бошланғич синфларда боланинг шахси, маънавий-руҳий киёфаси шакллана бошлайди ва ривожланиши жадаллашади. Шу сабабли, таълим-тарбия бериш билан бир вақтда уни ижодий фикрлашга ўргатиб, одатлантириб бориш мақсадга мувофиқ.

Ижодий фикрлаш ўз навбатида ўқувчиларни:

- мустақил ва онгли тарзда билим олишга;
- доимо олға томон интилишга;
- турли зиддиятли ва муаммоли вазиятларни оқилона ҳал этишга;
- ноанъанавий ва янгича фикр юритишга ўргатади.

Зеро, немис олими Эрих Фромм: “Ижодий фикрлаш – ҳайратланиш ва билиш, турли вазиятларда оқилона қарор қабул қилиш ва янгиликни кашф этиш ҳамда ўз тажрибасини чуқур англаш қобилияти”², - деб бежиз айтмаган.

Ижодий фикрлашда инсонга қуйидаги сифатлар зарур бўлади:

- а) тезкорлик – қисқа вақтда кўплаб ғояларнинг мавжудлиги;
- б) топқирлик – ғоянинг ноанъанавийлиги ва ғаройиблиги;
- в) сабрлилик – мақсад йўлидаги қийинчиликлардан ортга чекинмалик;
- г) зийраклик – соддалик ва мураккабликни кўра олиш қобилияти.

Ҳар бир соғлом бола ўзига хос қобилият билан дунёга келади ва шу боис моҳир педагог уни ижодий фаолиятга тўғри йўналтирса, шубҳасиз у энг юқори чўққиларни забт эта олиши муқаррар.

Болага уни қуршаб турган атроф оламни қанчалик эрта таништириб борсак, шунча тез

¹Ислоҳ Каримов.Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғкелажагимизнинг асосий омилидир. //ЎзбекистонРеспубликасиКонституциясиқабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 7 декабрь.

²Фромм Э. Душа человека, ее способность к добру и злу. / Перевод В. А. Закса. -М.:«Астрель», 2010. -256 с.

унинг тажрибаси бойиб, таълим-тарбия олиши учун замин яратилади, натижада дунёқарши ва фикрлаш доираси ҳам кенгайиб боради.

Фарзандларимизни ижодий фикрлашга ўргата олсак, улар атрофдаги нарсаларнинг хусусиятларини бошқаларга нисбатан кўпроқ ва тўлиқроқ англайдилар. Уларда атроф-оламни янада бойитиш ва такомиллаштириш имконияти пайдо бўлади.

Ижодий фикрлашга ўргатиш 3 босқичда амалга оширилади.

1. Ижодий фикрлаш учун муайян вазиятни яратиш босқичи.
2. Билим ва имкониятларни жамлаш ҳамда изланиш босқичи.
3. Ижобий натижаларга эришиб, жараёни яқунлаш босқичи.

Ўқувчиларни ижодий фикрлашга ўргатишда ўқитувчининг шахси ва маҳорати бирламчи ва ғоят аҳамиятли ҳисобланиди. Чунки айнан педагог бу жараёни ташкил этади, бошқаради ва йўналтиради.

Ижодий фикрлаш учун фақат ақлий салоҳиятнинг ўзи етарли эмас. Уни амалга ошириш учун қобилият, характер, темперамент, ҳиссиёт, тасаввур, диққат, хотира, эҳтиёж каби психологик жараёнлар хизмат қилади.

Маълумотларга кўра, мактаб ўқувчиларининг қобилиятлари асосан таълим жараёнида, замонавий таълим мазмуни ва усуллари ёрдамида, дарсларни ва қизиқишлар бўйича тўғараклар фаолиятини тўғри ташкил этиш натижасида ривожланиб боради¹.

Болаларнинг ижодий фикрлашида ўйин фаолиятининг аҳамияти катта². Ўйин мулоқот ва меҳнат фаолиятини ўзлаштириш шакли ҳамда ақлий ривожлантириш омили сифатида инсонни ижодий фикрлашга чорлайди.



ЎҚУВЧИЛАРДА ИЖОДИЙ-ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Нурабуллаев Т., НукусДПИ ўқитувчиси

Педагогик инновацияни, ўқув жараёнида қўллаш жаҳон амалиётида кенг тарқалмоқда. Зеро, ўқув жараёнини демократлаштириш, келишувчанлик асосида ташкил қилишда ҳамкорлик, ҳамижодкорлик ривож топмоқда. Булар ўқувчининг ўқув меҳнатини амалга оширишда ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади. Ўқувчи ва ўқитувчини доимий изланишга, узлуксиз ўз устида ишлашга ундайди.

Ўқувчиларнинг ўқув жараёнига нисбатан қизиқишларини орттириш, уларнинг мустақиллиги ва фаоллигини таъминлаш, танқидий тафаккурини шакллантиришга қаратилган билиш жараёнини таркиб топтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда ўқувчиларнинг билимдонлигига эришиш, уларнинг эркин мушоҳада юритишларига кўмаклашиш эҳтиёжи авваламбор ўқитувчилар томонидан қондирилиши керак.

Мустақил ижодий тафаккурнинг ривожланиши ўқув жараёнида ўқувчини изланишга ундайди. Бунда шахс фикрлаш фаолиятининг энг муҳим жиҳатлари намоён бўлади. Бундай шароитда ўқувчилар фаол изланадилар ҳамда эвристик характердаги ечимларни топишга ҳаракат қилдилар. Бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда, уларнинг руҳий ҳолатини аниқ ҳисобга олиш лозим.

Ўқувчиларда ижодий-танқидий фикрлашни шакллантиришда педагогик-психологик узвийлик ва узлуксизликни амалга оширишда маълумотларни таҳлил қилишнинг объективлиги алоҳида қизиқиш уйғотади.

Ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш даражасини ўрганиш учун уларнинг мулоқотга киришиш жараёнларини кузатиш муҳим аҳамият касб этади. Кузатиш методидан ўқувчиларнинг фикрлаш ва мулоқотга киришиш кўникмаларини қиёслашда кенг

¹ Хуторский А. Развитие творческих способностей. – М.: «Владос», 2000. – 22 с.

² Субботина Л. Игры для развития и обучения детей. – Ярославль: «Академия развития», 2001. – 128 с.

фойдаланилади.

Бошланғич синф ўқувчиларида ижодий-танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик тизимни вужудга келтиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- бошланғич синф ўқувчиларида ижодий-танқидий фикрлашни шакллантиришнинг педагогик-психологик шароитларини яратиш;

- бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий-танқидий фикрлашига қўйилган талабларни аниқлаш;

- бошланғич синф ўқувчиларида ижодий-танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш жараёнини ўзига хос педагогик технология жиҳатларини аниқлаш.

Демак, ўқувчиларда ижодий-танқидий фикрлашни шакллантиришда педагогик-психологик узвийлик ва узлуксизликни инobatга олиш бошланғич синф ўқитувчиларининг доимий диққат марказида турган вазифа бўлиши лозим.

Ўқувчиларда ижодий-танқидий фикрлашни шакллантиришда муаммоли ўқитиш методлари ҳам самарали натижаларни беради, чунки таълимда муаммоли ёндашиш ўқув дастурларида, ўқитувчи билимларини баён қилишда, ўқувчиларнинг мустақил ишларида ҳам ўз ифодасини топади.

Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, уларда қизиқувчанлик, ўткир зехнлилик, мустақиллик, ўқишга қизиқиш ва ижодга интилиш каби фазилатларни тарбиялайди.

Бошланғич синф ўқувчиларида ижодий-танқидий фикрлашни шакллантиришда муаммоли таълим усулларидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Улар онгига янгиликларни сингдириш орқали, танқидий фикрлаш кўникмаларини таркиб топтириш реал педагогик вазиятларни вужудга келтиришни талаб қилади. Бу жараён турли таълим-тарбия концепциялари, назариялари ёрдамида лойиҳалаштирилиб, таълим тизими муассасаларига татбиқ этилади.

Ўқувчиларда ижодий-танқидий фикрлашларини шакллантиришда уларнинг объектив ва ҳиссий билиш имкониятларини ривожлантириш лозим. Бунинг учун дидактик топшириқлар мажмуи, махсус методикалар, ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатиш механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Бошланғич синф ўқувчиларида тафаккурни шакллантиришда қуйидаги педагогик-психологик омилларни инobatга олиш зарур:

- бошланғич таълим жараёнига киритилган ҳар бир таълим соҳаси бўйича белгиланадиган таълим мазмунига мос равишда ўқув материалининг тадрижий тарзда берилишини таъминлаш;

- таълим жараёнини таълим соҳаларининг мақсадига бўйсундириш ва таълим соҳалараро мақсадлар мутаносиблигини таъминлаш;

- ҳар бир таълим соҳаси бўйича бошланғич синф ўқувчиларида ҳосил бўладиган билим, кўникма ва малакаларнинг аниқ даражаларини ҳамда таълим натижасини баҳолаш мезонига қўйиладиган талабларни бошланғич таълим стандартининг асосий параметрлари бўйича ишлаб чиқиш;

- индивидуал-психологик хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда дидактик топшириқлардан оптимал равишда фойдаланиш;

- ижодий-танқидий фикрлашни шакллантиришга йўналтирилган дидактик таъминотларни тузиш ва амалга татбиқ қилиш;

- ижодий-танқидий фикрлашни шакллантириш орқали ижтимоий ҳаёт соҳаларида фаол иштирокчи сифатида қобилиятини намоён қилишга замин яратиш лозим;

- замонавий таълим беришда асосий урғу ўқувчиларнинг танқидий фикрлашларини шакллантирадиган ўқув материалларни танлашга ҳам қаратилиши лозим бўлса, ўқитиш жараёнида инновацион методларни тўғри танлай олишни талаб қилади;

- бошланғич синф ўқувчиларида ижодий-танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда бир қатор дидактик хусусиятлар, педагогик-психологик ўзига хосликларни

алоҳида ҳисобга олиш талаб этилади;

- бошланғич таълим жараёнига киритилган ҳар бир таълим соҳаси бўйича белгиланадиган таълим мазмунига мос равишда, ўқувчиларни танқидий фикрлашга ундовчи ўқув топшириқлари тизимини шакллантириш ва ўқув жараёнига жорий этиш мақсадга мувофиқдир;

- бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларга тақдим этиладиган ўқув топшириқларининг уларда ижодий-танқидий фикрлашни изчил шакллантиришни назарда тутган ҳолда танлаш зарурияти мавжуд;

- бошланғич синф ўқувчиларининг индивидуал-психологик хусусиятларини чуқур таҳлил қилган ҳолда уларни танқидий фикрлашга ундайдиган ўқув жараёнини лойиҳалаштириш бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этмоқда;

- бошланғич синф ўқувчиларида ижодий-танқидий фикрлашни шакллантиришга хизмат қиладиган дидактик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш ўқувчиларда танқидий фикрлашни самарали ривожлантириш имконини беради.



O‘QUV-TARBIYA JARAYONIDA BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARINING MANTIQUIY VA IJODIY FIKRLASH KO‘NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH

Nurtoyeva N.B., Chilonzor tumani 184- maktabning boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi

Ma’lumki, nutq tafakkur bilan bog‘liq, shuning uchun u tafakkur bilan uzviy bog‘liq holda o‘stiriladi. Darsda o‘tilgan asarni o‘quvchilar ongli tushinishi, asosiy mazmunini, g‘oyasini anglab yetishi uchun tahlil, sintez, taqqoslash, umumlashtirish kabi mantiqiy usullar qo‘llaniladi. O‘qilgan asarni tahlil qilishda har xil ish usullaridan foydalaniladi. Bolalar hikoyadagi asosiy qatnashuvchi shaxslarni aytadilar, o‘qituvchi rahbarligida asar rejasini tuzadilar.

Qatnashuvchi shaxslarni o‘quvchilar har xil tartibda aytishlari mumkin, ammo o‘qituvchi ularni asarda qatnashish tartibida aytishni so‘raydi. Natijada o‘qituvchi rahbarligida hikoyaning chizmasi tuziladi. O‘qituvchi bergan savollar yordamida asarlarning mazmuni aniqlanadi. Shunday qilib, asar mazmuni bilan birinchi tanishish o‘quvchilardan ongli izlanishni, yani voqealarni, qatnashuvchilar tartibini tahlil qilishni talab etadi. O‘qish bilan bog‘liq holda bajariladigan bunday mantiqiy ishlar asta-sekin murakkablasha boradi.

Boshlang‘ich sinflarning o‘qish darslarida o‘quvchilar nutqining o‘sish darajasi to‘g‘ri uyishtirilgan qayta hikoyalashdir. Maktab tajribasida to‘liq, qisqartirilgan, tanlab va ijodiy qayta hikoya qilish turlari mavjud. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari uchun matnni to‘liq yoki matnga yaqin qayta hikoyalash ancha oson, boshqa turlari esa nisbatan qiyinroqdir. Qayta hikoyalashda o‘qilgan hikoya mazmuni yuzasidan o‘qituvchining savoli hikoyaning detallari haqida, ayrim voqealar o‘rtasidagi bog‘lanishning sabab-natijalari haqida fikrlashga qaratilishi lozim. Asar syujetining rivojlanishida, qatnashuvchi shaxslar, ularning xatti-harakati asosiy rol o‘ynaydi. O‘quvchilar asar mazmunini unda idrok etuvchi shaxslar va ularning xatti-harakati, xarakterli xususiyatlarini tahlil qilish yordamida yaxshi anglab yetadilar.

O‘qituvchining savoli asar qahramonlari nima qilgani, ularning u yoki bu xatti-harakatlari qayerda va qanday sharoitda yuz bergani haqida so‘zlab berishga, voqealarni izchil bayon qilishga va o‘zaro bog‘liqligini yoritishga yo‘naltirishi lozim. O‘quvchi o‘qigan asarining mazmunini o‘qituvchi savoli yordamida aytib berishida faqat tahlildan emas, sintezdan ham foydalaniladi. Ayrim lavhalar o‘zaro bog‘lanadi, bir-biriga taqqoslanadi, ular yuzasidan muhokama yuritiladi va xulosa chiqariladi. Ko‘pincha boshlang‘ich sinf o‘quvchilari qatnashuvchi shaxslar xatti-harakatini yaxshi tushunmasliklari, ba’zan noto‘g‘ri yoki yuzaki tushinishlari natijasida asar mazmunini anglab yetmaydilar.

Shuning uchun ham o‘qituvchi savolni juda o‘ylab tuzishi, u bolani fikrlashga, o‘ylashga majbur etadigan, qatnashuvchi shaxsning xatti-harakati, voqealarning bog‘lanishi yuzasidan

muhokama yuritishga undaydigan, ularni o‘zaro qiyoslashga, ijobiy va salbiy tomonlarini aniqlashga yordam beradigan bo‘lishi lozim. O‘quvchi asarda qatnashuvchilarning xatti-harakatini qanchalik ko‘z oldiga keltira olsa, u hikoyaning asosiy mazmunini shunchalik chuqur tushunadi, shunchalik mustaqil qayta hikoya qilib beradi. O‘qilgan asar mazmunini izchil ravishda qayta hikoyalash uning rejasini tuzishga yordam beradi. Reja tuzishda o‘quvchi hikoyani tarkibiy qismlarga bo‘ladi va har qaysi qismdagi asosiy fikrlarni aniqlaydi. Bularning hammasi analitik ish hisoblanadi. Keyin sintetik ishga o‘tiladi, ya’ni bolalar hikoyaning qismlariga sarlavha topadilar. O‘quvchilar o‘qituvchi rahbarligida reja tuzish jarayonida o‘qilgan hikoyaning har bir bosh va kichik darajali masalasi nimalardan iboratligi haqida, qanday qilib fikrni qisqa va aniq ifodalash, o‘quvchilar topgan sarlavhani jamoaviy muhokama qilish, reja tuzish jarayonining o‘zi bolaning fikrlash qobiliyatini faollashtirishi, unda o‘z munosabatlarini isbotlash, asoslash odatlarini tarbiyalashi lozim. Asarni o‘qish va tahlil qilish jarayonida tuzilgan reja xattaxtaga yozilsa, hikoya mazmunini izchil qayta hikoya qilishga yordam beradi. Reja asosida hikoya qilishning vazifasi mazmunini berilgan izchilikda o‘zlashtirishdir. Reja asosida qayta hikoyalash o‘qituvchi savoliga javob berishga nisbatan asar mazmunini aytib berishning xiyla mustaqil shaklidir. O‘qilgan asar mazmunini o‘zlashtirish ustida ishlashda keyingi bosqich qisqartirib hikoyalash hisoblanadi. Qisqartirib hikoyalash uchun 2-3 qismga bo‘linadigan, bu bo‘limlar yaqqol ajralib turadigan, mazmuni sodda asarlar tanlanadi. Tanlab hikoyalash ham bolalarning tafakkuri va nutqini o‘stirish vositalaridan biridir. Tanlab hikoyalashda o‘quvchi 1) o‘qilgan matndan bir qismini, uning chegarasini ongli ravishda so‘zlab beradi; 2) hikoyadan faqat bir voqeani aytib beradi; 3) hikoya mazmunini faqat bir syujet yo‘nalishida so‘zlab beradi. O‘quvchilarda tanlab qayta hikoyalash malakasini hosil qilishda boshlang‘ich sinf izohli o‘qish darslarida keng qo‘llaniladigan metodik usullar yordam beradi: 1) hikoya qismida chizilgan rasm asosida hikoyalash; 2) hikoyadagi bir voqeani tasvirlovchi rasm asosida hikoyalash; 3) tanlab qayta hikoyalashni talab etadigan savollarga javob berish. O‘quvchi tanlab hikoya qilishga tayyorlanganda o‘qilgan matn tahlil qiladi. Bunday tahlil bolalar tafakkurini, ular nutqidagi mustaqillikni o‘stiradi va o‘qilgan matn mazmunini o‘zlashtirishga yordam beradi. Hikoyani o‘qish bilan bog‘liq holda o‘tkaziladigan ijodiy ishlar o‘quvchilar nutqini, tafakkurini o‘stiradi. Bular: 1) ijodiy qayta hikoyalash; 2) insenirovka qilish; 3) o‘qilgan asarga rasm chizish; 4) hikoyani davom ettirish. Ijodiy qayta hikoyalashda o‘qilgan hikoyaning sharoiti yoki shaklini o‘zgartirib hikoya qilinadi. Bunda hikoyani yangi epizodlar bilan to‘ldirib hikoya qilish ham mumkin. Insenirovka yoki sahnalashtirishda o‘quvchilar o‘qilgan hikoyani sahnabop qilib o‘zgartiradilar. Buning uchun ular hikoya senariysi haqida, kiyim-kechaklari, qatnashuvchilarning imo-ishorasi haqida o‘ylaydilar, monologik nutqni dialogik nutqqa aylantiradilar.

O‘qilgan hikoyaga rasm chizishda o‘quvchi rassomlar tomonidan chizilgan rasmlardan o‘qilgan asarning mazmuniga mos rasm tanlaydi yoki o‘zi rasm chizadi. Agar o‘quvchi rasmni yaxshi chiza olmasa, o‘zi chizmoqchi bo‘lgan rasmni og‘zaki tasvirlab beradi, yani so‘z bilan chizadi. O‘qilgan hikoyani davom ettirish usuli maktab tajribasida keng qo‘llaniladi. Bu usul hikoyaning mazmuni uni davom ettirishga imkon beradigan asarlarda qo‘llaniladi.

Maktab o‘quvchilarini kitobni yaxshi o‘qiy oladigan, uni tushunadigan, ma’lum bir mavzuga oid kitoblarni tanlay oladigan, gazeta va jurnallarni ham mustaqil o‘qiydigan faol kitobxonni tarbiyalaydi. Shu jihatdan sinfdan tashqari o‘qish tarbiyaning asosiy quroli sifatida xizmat qiladi, ko‘p narsani bilishga havasni orttiradi. Uning muhim vazifalaridan biri mustaqil o‘qish malakalarini tarbiyalash hisoblanadi. Buning uchun mustaqil bajarish uchun topshiriqlar berish, qiziqarli mashq turlaridan foydalanish, eng yaxshi insholar, taqrizlar va yozuvchi haqida to‘plangan ma’lumotlarni o‘qitish, „Tez aytish“, „Topishmoqlar topish“, „Ifodali o‘qish“, „Maqollar aytish musobaqasi“, „Ertak to‘qish“, „Bilimdonlar anjumani“ kabi ko‘rik tanlovlari tashkil qilish, muayyan savol-javoblar uyushtirish, o‘yin tarzidagi ish turlaridan foydalanish lozim. Shu kabi vazifalar boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining mantiqiy va ijodiy fikrlash ko‘nikmalarini shakllantirishda muhim ahamiyatga ega.



BOSHLANG'ICH TA'LIMDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH

Omonova U., Uchquduq tuman 10-umumiy o`rta ta`lim maktabining o`qituvchisi

Ta`lim jarayonida ilg'or pedagogik texnologiyalarni faol qo'llash, ta`lim samaradorligini oshirish, tahlil qilish va amaliyotga joriy etish bugungi kunning muhim vazifalaridan biridir. O'quvchilarning fikr doirasi, ongi, dunyoqarashlarini o'stirish, ularni erkin tinglovchidan erkin ishtirokchiga aylantirish nihoyatda muhimdir. O'qituvchi darsda boshqaruvchi o'quvchilar esa ishtirokchiga aylanmog'i lozim. Ana shu vazifani uddalashda innovatsion faoliyatning ustunligi har tomonlama samaralidir.

Boshlang'ich ta`lim umumta`lim maktablarining bosh bo'g'ini bo'lgani sababli ana shu jarayonda o'quvchi shaxsining mukammal rivojlanib borishiga ko'proq e'tibor berish lozim. Boshlang'ich sinf o'qituvchilarining mas'uliyatlari cheksizdir. Ular maktab ostonasiga endigina qadam qo'ygan o'quvchilarni maktab hayotiga ko'niktirib, zamonaviy bilim olishlariga yo'l ochib beradilar. Bolalarning o'qishga munosabatlari, aqliy salohiyatlari ana shu davrda shakllanadi. Bu ham boshlang'ich sinf o'qituvchilarining vazifasi mas'uliyatli ekanligini ko'rsatadi.

Ta`lim jarayonida ilg'or pedagogik texnologiyalarni faol qo'llash, ta`lim samaradorligini oshirish, tahlil qilish va amaliyotga joriy etish bugungi kunning muhim vazifalaridan biridir. O'quvchilarning fikr doirasi, ongi, dunyoqarashlarini o'stirish, ularni erkin tinglovchidan erkin ishtirokchiga aylantirmoq nihoyatda muhimdir. O'qituvchi darsda boshqaruvchi, o'quvchilar esa ishtirokchiga aylanmog'i lozim.

Boshlang'ich ta`lim umumta`lim maktablarining bosh bo'g'ini bo'lgani sababli ana shu jarayonda o'quvchi shaxsining mukammal rivojlanib borishiga ko'proq e'tibor berish zarur. Boshlang'ich sinf o'qituvchilarining mas'uliyatlari cheksizdir. Ular maktab ostonasiga endigina qadam qo'ygan o'quvchilarni maktab hayotiga ko'niktirib, zamonaviy bilim olishlariga yo'l ochib beradilar. Bolalarning o'qishga munosabatlari, aqliy salohiyatlari ana shu davrda shakllanadi. Bu ham boshlang'ich sinf o'qituvchilarining vazifasi mas'uliyatli ekanligini ko'rsatadi.

Pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etilgan darslar tashkiliy usullari, o'tkazish metodlariga ko'ra o'quvchi ehtiyojiga mos tushishi kerak. Chunki bunday darslar bola ruhiyatiga yaqinroq bo'ladi.

Boshlang'ich sinfda ta`lim jarayonida o'quvchilarning o'qish motivini rivojlantirish katta ahamiyatga ega. Chunki motiv o'quvchilarni ta`lim jarayoniga qiziqtiradi, darsga faol qatnashishga, bilimlarni egallashga undaydi. Interfaol metodlar o'qish motivini rivojlantirishga katta yordam beradi.

Boshlang'ich sinflarda ko'proq bolalarning yoshini, bilim saviyasini hisobga olish lozimligini unutmaslik kerak. Ularga oddiy, oson va vaqt kam sarflanadigan o'yin mashqlaridan foydalanib, dars o'tish yaxshi samara beradi. Ko'proq atrof-muhit bilan bog'lab o'tilgan mashg'ulotlar bolalar ongini, dunyoqarashini, erkin fikrlash, bayon etish qobiliyatini, mustaqil ishlash ko'nikmasini rivojlantiradi.

Innovatsion texnologiyalardan dars jarayonida foydalanishning o'ziga xosligi shundaki, ular o'qituvchi va o'quvchilarning birgalikdagi faoliyati orqali amalga oshiriladi. O'qitish jarayoni o'qituvchi hamda o'quvchilar faoliyatini o'z ichiga oladi. O'qituvchining faoliyati o'quv materialini bayon qilish, o'quvchilarning fanga bo'lgan qiziqishini orttirish, fikrini teranlashtirish, e'tiqodini shakllantirish, o'quvchilarning mustaqil mashg'ulotlariga rahbarlik qilish, ularning bilim, ko'nikma va malakalarini tekshirish hamda baholashdan iborat. O'z ishiga ixlos bilan qaragan o'qituvchida chinakam ehtiros bo'ladi.

Ma'lumki, har bir dars mavzusini o'rganishda o'ziga xos texnologiya, usul va vositalarni tanlashga to'g'ri keladi. O'qitish jarayonida yuqori natijaga erishish uchun dars jarayonini oldindan ketma-ketligini mo'ljallash kerak bo'ladi. Bunda o'qituvchi predmetning o'ziga xos tomonlarini, o'quv jarayoni va sharoitini, o'quvchilarning ehtiyoji va imkoniyatlarini, bilim saviyasini, sharoitga

qarab ishlatiladigan texnologiyalarni tanlashi lozim.

Darsni oldindan loyihalash amalga oshirilib texnologik xarita tuziladi. Texnologik xarita tuzishda o'qituvchi darsning har bir bosqichida amalga oshiriladigan ishlar, ularda o'qituvchining pedagogik va o'quvchilarning o'quv biluv faoliyatini tashkil etish, boshqarish va faollashtirish yo'llari, teskari aloqani amalga oshirish, ularga ajratilgan vaqtni aniq belgilashni nazarda tutadi. Texnologik xaritada albatta tashkiliy qism, yangi mavzuning motivatsiyasi, o'quvchilar bilimni tekshirish, yangi mavzuni o'rganish va uni mustahkamlash, erishilgan natijalarni tahlil qilish va yakun yasash kabi bosqichlar bo'ladi. Bunda o'qituvchi va o'quvchining dars davomida bajaradigan ishlari bosqichma-bosqich qayd etiladi. Dars texnologik xaritasining mukammal tuzilishi, maqsad va vazifalarini amalga oshirish, samaradorlikka erishish va bosqichlar o'rtasidagi uzviylikni ta'minlash, vaqtdan unumli foydalanish imkonini beradi.

Darsning turli bosqichlarida har xil interfaol usullardan foydalansa bo'ladi. Masalan, "Zinama-zina" texnologiyasi.

Ushbu texnologiya o'quvchilarni o'tilgan yoki o'tilishi kerak bo'lgan mavzu bo'yicha yakka va kichik jamoa bo'lib fikrlash hamda o'zlashtirilgan bilimlarni yodga tushurib, to'plangan fikrlarni umumlashtira olish va ularni yozma, rasm, chizma ko'rinishida ifodalay olishga o'rgatadi.

O'quvchilar bu texnologiya orqali guruhlarda ishlashga o'rganadilar, o'tilgan mavzuni subyektiv o'qitish orqali mustahkamlaydilar. Odoynoma darslarida "zinama-zina" texnologiyasini "Buyuk ajdodlarimiz" haqidagi mavzuni quyidagicha tashkil qilish mumkin. Topshiriq avvalida sinf o'quvchilari to'rt guruhga bo'linadi.

1-guruhga "Bizning ajdodlarimiz",

2-guruhga "Ajdodlarimiz qoldirgan meroslar",

3-guruhga "Ajdodlarimizga munosib farzand bo'lamiz",

4-guruhga "Hozirgi kun avlodlari" mavzulari bo'yicha bilganlarini yozma yozish topshirig'i beriladi. Guruhlar toshiriqni bajarib bo'lgach, navbati bilan yozgan ma'lumotlarini xattaxtaga tagma-tag iladialar. Har bir guruh sardori bajargan topshiriqlari bo'yicha ma'lumot berib, o'z mavzusini himoya qiladi.

"Baliq skeleti" texnologiyasi

Bu usul orqali o'quvchilar mustaqil, keng, ijodiy, tanqidiy fikrlashga o'rganadilar.

Ushbu texnologiya baliq model chizmasi orqali namoyish etilib, bunda o'quvchilar o'rta tashlangan muammoni har tomonlama ochib berishga harakat qiladilar. Baliq skeleti chizmasi vatmanga chizilib, uning tepa qismiga yechilishi kerak bo'lgan muammo yoziladi. Pastki qismiga muammoni hal etilish yo'llari yozib boriladi. Masalan, yo'l harakati darslarida "Yo'l qoidalari" mavzusida "Svetofor nima uchun kerak?" muammosi qo'yilsa, bolalar o'z fikrlari bilan baliq skeletini boyitib boradilar.

"Venn diagrammasi"

Ushbu texnologiya ona tili, o'qish darslarida o'tilayotgan mavzu haqida o'z fikriga ega bo'lish, matn bilan ishlash, o'rganilgan materialni yodga saqlash, so'zlab berish, fikrini erkin holda bayon etish hamda dars mobaynida o'qituvchi tomonidan barcha o'quvchilarni baholay olishga qaratilgan metodlardan biridir.

Xulosa qilib aytganda, innovatsion texnologiyalardan foydalanib, o'tilgan darsda o'quvchilar o'z qobiliyati va imkoniyatlarini namoyish qilishga erishadilar, jamoa bilan ishlash malakasiga ega bo'ladilar, o'z g'alar fikrini hurmat qilishni o'rganadilar. Bu esa, darsning samaradorligini oshirib, ta'lim sifatini kafolatlashga xizmat qiladi.

Uzluksiz ta'lim tizimining har bir bosqichiga pedagogik texnologiyalarni tatbiq etishning nazariy va amaliy asoslarini ochib berishga qaratilgan ilmiy tadqiqot ishlarining sust olib borilayotganligi, maxsus tavsiyanomalarning kamligi.

Yuqorida qayd etilgan muammolarning ijobiy yechimga ega bo'lishini ta'minlash uzluksiz ta'lim muassasalari, shu jumladan, boshlang'ich ta'lim mehnat ta'limi darslarini interfaol metodlar asosida tashkil etish muvaffaqiyatini kafolatlaydi.

O'quv jarayonida o'quvchining o'z-o'ziga baho berishi, tanqidiy qarashi rivojlanadi. O'quvchi uchun dars qiziqarli o'qitilayotgan predmet mazmuniga aylanadi. O'qish jarayoniga

ijodiy yondashuv, ijobiy fikr namoyon bo'ladi. Har bir o'quvchining o'zi mustaqil fikr yurita olishiga, izlanishga, mushohada qilishga olib keladi. Interfaol usulda o'tilgan darslarda o'quvchi faqat ta'lim mazmunini o'zlashtiribgina qolmay, balki o'zining tanqidiy va mantiqiy fikrlarini ham rivojlantiradi. Xulosa shuki, bunday sharoitda o'qituvchi yuksak rivojlangan fikrlash qobiliyatiga, muammolar bo'yicha chuqur mushohada yuritishga, muammolarni o'z vaqtida yecha oladigan qobiliyatga ega bo'lishi kerak. Interfaol metodlarda darsni tashkil etishda o'quvchi shaxsini rivojlantirish o'z-o'ziga zamin yaratishdan boshlanishi kerak. Ya'ni o'quvchining:

- O'zi mustaqil mutoala qilishi, o'qishi asosida bilim olishi;
- O'z-o'zini anglab yetishga, anglab tarbiya topishga;
- O'z kuchi va imkoniyatlariga ishonch bilan qarashga;
- O'quv mehnatiga mas'uliyat hissi bilan qarashga;
- O'z faoliyatini mustaqil tashkil eta olishi, har bir daqiqani g'animat bilishga;
- O'quv mehnatiga o'zida xohish, istak uyg'ota olishga;
- Har qanday vaziyatda faollik ko'rsata olishga;

Ayniqsa, hozirgi tezkor axborot manbalaridan unumli foydalana olishni asosiy va bosh maqsad qilib olishga o'rganmog'i zarur.

Shuning uchun ham hozirgi kunda o'quvchining o'zini o'zi rivojlantirish texnologiyasini yaratish pedagogika, didaktika fani oldida yechimini kutayotgan dolzarb muammolardan hisoblanadi.

Interfaol usullar nimalarni o'z ichiga oladi? Hozirgi kunda mamlakatimiz metodistlari, trenerlari, amaliyotchi o'qituvchilar turli usullarni taklif etishmoqda va amaliyotda qo'llamoqda. Ulardan:

- Juftlikda ishlash;
- Karusel;
- Kichik guruhlarda ishlash;
- Akvarium;
- Tugallanmagan gaplar;
- Aqliy hujum;
- Broun harakati;
- Daraxt yechimi;
- O'z nomimdan so'zlayman;
- Rolli o'yinlar;
- Press metod;
- O'z pozitsiyasini egallash;
- Munozara;
- Debatlar;
- Katta davra va boshqalar.

Yuqoridagi turli interfaol usullardan foydalanish, o'quvchilarni shu jarayonda ishlashga tayyorlash kutilgan natijalarni beradi.



РАДОСТЬ И ЗДОРОВЬЕ ДЕТЯМ – ЧЕРЕЗ ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБУЧЕНИИ И ВОСПИТАНИИ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЫ

**Пирниязова Н.В., Старший преподаватель РИПКПК им.
УбайдуллаеваК., Республика Каракалпакстан**

Независимо от типа образовательного учреждения педагоги используют новые технические и педагогические возможности и средства, которые позволяют реализовать любые технологии обучения и новое содержание образовательного процесса. Для процесса обучения существует всегда своя технология, характерная для тех методов и средств,

которые преподаватель использует при организации и проведения занятий. Технология обучения, с одной стороны, воспринимается как совокупность методов и средств обработки, представления, измерения и предъявления учебной информации, а с другой стороны - это наука о способах воздействия преподавателя на учащихся и взаимодействие с ними в процессе обучения с использованием необходимых технических или информационных средств.

Технология обучения - это способ реализации содержания обучения, предусмотренного учебными программами, представляющий систему форм, методов и средств обучения, обеспечивающих наиболее эффективное достижение поставленных целей. Таким образом, технология обучения - это то, что характеризует учебный процесс и является руководством для достижения поставленных целей обучения.

Выбранная технология в любом случае должна базироваться на доверии педагогическому профессионализму учителя; на соблюдении физиолого-гигиенических норм работы учащихся; гарантированности образовательной подготовки учащихся на любом отрезке учебного процесса и сохранении комфортности ученика и учителя. С овладения технологией конструирования образовательного процесса начинается новое педагогическое мышление учителя: четкость, структурность, ясность методического языка, появление обоснованной нормы в методике.

Технология представляет формирование методического видения учебного процесса на учебный год. С этого начинается использование технологии.

Развитие современной школы в Республике Узбекистан осуществляется посредством инноваций. Под инновационной деятельностью понимается деятельность по разработке, поиску, освоению и использованию новшеств, осуществлению нововведению. Из всего многообразия инновационных направлений современной дидактики мы сегодня будем говорить о педагогических технологиях, используемых чаще всего в начальной школе Республики Каракалпакстан. В наших школах очень разнообразный контингент обучающихся. Каждый учитель выбирает более целесообразные технологии в обучении и воспитании учащихся.

В современной начальной школе на первое место выходит личность ребёнка и его деятельность. Поэтому среди приоритетных технологий мы выделили:

- Личностно-ориентированный подход;
- Деятельностный подход;
- Здоровьесберегающие технологии;
- Арт-технологии;
- Игровые технологии;
- Тестовые технологии и др.

Личностно-ориентированный подход обеспечивает активность каждого ученика на основе разноуровневого подхода к содержанию, методам, формам организации учебно-познавательной деятельности, к уровню познавательной самостоятельности, переводу отношений учителя и ученика к равноправному сотрудничеству. Новые жизненные условия выдвигают свои требования к формированию молодых людей. Они должны быть не только знающими и умелыми, но мыслящими, инициативными и самостоятельными. Новые технологии не отбрасывают преподавания информации ученикам, а просто меняют роль информации. Она необходима не только для запоминания и усвоения, сколько для того, чтобы ученики использовали её в качестве условий или среды для создания собственного творческого продукта. Всем известно, что личность развивается только в процессе собственной деятельности. В основе деятельностного подхода лежит личностное включение школьника в процесс, когда компоненты деятельности им самим направляются и контролируются.

Арт-технологии и игровые технологии позволяют более активно включать учащихся в учебно-воспитательный процесс, так как для школьников этого возраста основной формой деятельности остается игровая деятельность. Игровые технологии помогают решать вопросы

мотивации, развития учащихся, а также вопросы здоровьесбережения и социализации. Развитие гармоничной благополучной личности невозможно без сохранения физического, душевного и социального здоровья. Сохранение здоровья школьников начинается с организации всего учебно-воспитательного процесса. На первое место выходит проблема профилактики утомляемости учащихся.

Однако биологическое значение утомления двояко. С одной стороны, оно является защитной реакцией организма от чрезмерного истощения, а с другой - стимулирует последующий рост работоспособности. Поэтому гигиенически правильная организация учебной деятельности должна быть направлена на отдаление появления усталости и ограждение организма школьника от её отрицательного влияния. Чтобы утомление не разрушало здоровье, важно учитывать суточные циклы работоспособности детей. Наиболее резкие изменения функционального состояния центральной нервной системы происходят после четвертого часа занятий.

Именно в это время не стоит загружать учащихся сложной и объемной учебной работой. Для этого учителя школ ведут специализированный дневник, в котором прослеживается определённая динамика функционального состояния организма школьников на протяжении недели. Оптимум работоспособности в большинстве случаев приходится на вторник, в среду регистрируется некоторый спад, а в четверг наблюдается существенный подъем скорости и точности работы. В пятницу вновь наступает спад работоспособности. Исходя из этого, надо особое внимание уделить расписанию уроков.

Целесообразно разделить все предметы на четыре степени сложности. Часы высокой работоспособности (2-3 урока надо отводить занятиям по предметам первой степени трудности, требующим у учащихся большого умственного напряжения). В эти же часы проводятся контрольные работы. Наибольшее значение для предупреждения утомления имеют занятия трудом, физической культурой, музыкой, особенно когда они проводятся на 3 - 4 уроках. В этом случае последний урок, представляющий вторую или третью степень сложности проходит при относительно высокой работоспособности.

К переутомлению учащихся приводит не только неправильно составленное расписание, но и чрезмерная учебная нагрузка. Поэтому содержание одного урока не должно быть усвоено полностью к следующему уроку. Для того чтобы школьник осознал, полностью воспринял и усвоил учебный материал необходимо достаточно значительное время, при чём это время различно для каждого ребёнка. Здоровьесбережение, безусловно, зависит от объема и сложности домашнего задания. Учитель должен соизмерять объем и сложность с возможностями ученика. Ребенок должен постоянно ощущать себя счастливым и инновационные технологии помогут нам в этом.

Литература:

1. Н.Н.Азизходжаева Педагогические технологии педагогическое мастерство. Ташкент 2005
2. Э.Г.Газиёв Психология высшей школы. Ташкент 2007.
3. Л.Д. Столяренко «Педагогическая психология», Ростов-на-Дону, Феникс 2003г.
4. Б.Л.Фарберман и др. Интерактивные методы Ташкент 2001
5. Зиямухамедова С., Зиямухамедов Б. Новая педагогическая технология. Ташкент 200
6. www.pedagog.uz qoraqalpogiston_rmoi@xtv.uz



**БОШЛАНГИЧ СИНОФ ЎҚУВЧИСИДА МАНТИҚИЙ ВА ИЖОДИЙ ФИКРЛАШ
КЎНИКМАЛАРИНИ ЎСТИРИШ**

Пулатова Д., Тошкент ВПКҚТМОИ ўқитувчиси

Мактабга келган ҳар бир бола нутқ кўникмаларини, аввало, оилада эгаллайди.

Эндигина сўзлашга ўрганаётган бола сўзларни чала-ярим талаффуз қилар экан, унинг ота-онаси, буви ва буваси боланинг нутқини тўғрилашлари зарур. Бола кўчада ижтимоий аҳволи, зехни, идроки, тушунчаси, одоби турли-туман бўлган тенгдош ўртоқлари билан сўзлашади, фикр алмашади. Мана шунинг ўзи унда нутқнинг ривожланишига, сўз бойлигининг ортишига сабаб бўлади ҳамда муҳим аҳамият касб этади.

Мактабга ўқишга келган бола бу ерда ҳам янги сўзлар билан танишади. Масалан: танаффус, дарс, устоз ва бошқалар.

Таълим жараёнида улар томонидан қўлланиладиган сўзлар кўпайиб, нутқи ривожланиб, сўз бойлиги ортиб бораверади. Ҳар бир фан бўйича терминлар, яъни: ёзувдан грамматика, қоида, математикадан қўшиш, айириш, камаювчи, йиғинди, ўқишдан сарлавҳа, матн, шеър ва бошқалар ўрганилади, уларнинг фарқини ўрганиб боради.

Ўқувчиларнинг нутқини ўстириш, уларнинг оғзаки ва ёзма нутқлари устида иш олиб бориш каби бир қатор вазифалар бошланғич синф ўқитувчиларининг асосий вазифаларидан биридир. Ўқувчи нутқининг равон бўлиши, ўз фикрларини эркин баён эта олиши, теран фикрлаши ўқитувчининг ўқувчилар билан олиб борадиган амалий машғулотларининг мазмун моҳиятига боғлиқ.

Методикада ўзбек бадиий сўз ижрочилиги санъатига хос бўлган ифодали ўқиш санъатига ҳам катта эътибор берилади. Ўзбек педагогикаси ифодали ўқишни бошланғич синфлардан машқ қилишни ва уни кейинчалик аста-секин такомиллаштириб боришни тақозо этади. Ифодали ўқиш бошланғич синфларда турли шеърӣй, прозаик, диалогик нутқларни тўғри ўқиш, уларнинг мазмунига мос оҳанг паузаларини тўғри белгилаш орқали амалга оширилади. Боланинг ижтимоий муҳити ҳам унинг нутқининг ривожланиши, сўз бойлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Бола ота-онасидан сўзлашув маданиятини ўзлаштириб боради.

Бошланғич синф ўқувчиларининг нутқи устида ишлаш каби вазифаларни амалга ошириш учун авваламбор ўқитувчи қуйидаги талабларга жавоб бера оладиган бўлиши керак. Ўқитувчи нутқи равон ҳамда сўз бойлигига эга бўлиши, ўз ўқувчиларига кўпроқ шеърларни ёд олдиришга, ифодали ўқишга ўргатиши ва талаб қилиши керак. Бошланғич синфда ифодали ўқишни яхши ташкил қилишда ўқитувчи асосий роль ўйнайди. Ифодали ўқиш жараёнида нафас, овоз ва нутқ органлари фаол иштирок этади. Ифодали ўқиш кишининг нутқ фаолиятининг махсус эътибор берилган кўриниши бўлганлиги учун у кундалик нутқдан сезиларли фарқ қилади. Шунга кўра, ифодали ўқишда нутқ аъзоларининг иштироки ҳам кундалик нутқ жараёнидагига қараганда анчагина фаол бўлади.

Нутқ аъзоларини фаоллаштиришга кўмаклашувчи машқлар мажмуасига эса нутқ техникаси дейилади. Онглилик ва ифодалилиқ ўқишнинг асосий сифати бўлиб, булар бир-бири билан узвий боғланади. Ўқитувчининг нутқи болалар нутқининг таркиб топиши учун асосий омиллардан биридир. Ўқувчининг нутқ сўзлай олиши ўқитувчи меҳнати самарасидир.

Ўқитувчи ҳар бир боланинг нутқ техникасига эътибор бермоғи лозим. Чунки ифодали ўқиш жонли нутқ билан узвий равишда боғланади. Ўқитувчи ва ўқувчилар оғзаки нутқ малакаларини овоз, нафас олиш ва дикцияга доир махсус топшириқлар орқали мустаҳкамлаб борадилар. Киши сўзлаган вақтда ўзининг нафас ва овоздан фойдалана олиши, шунингдек, товушларни тўғри ва аниқ талаффуз этиш малакаларини текшириб кўриши керак.

Нутқ техникаси дейилганда ўқиш ва сўзлаш, тўғри нафас олиш, овоз ва талаффуз тушунилади. Ўқувчи нутқ сўзлаш жараёнида нафас олишдан тўғри фойдалана билса, ҳар бир товушнинг тўғри артикуляциясини ва аниқ дикциясини эгалласа, адабий талаффуз меъёрларини эгаллай билса, хотираси яхши, фикрлаши теран, нутқи равон бўлишга эришса, демак ўқувчининг нутқи равон бўлади.

Нутқнинг ташқи ва ички, оғзаки ва ёзма турлари мавжуд. Ташқи нутқ асосан алоқа боғлаш мақсадларига хизмат қилади. Сўзланмайдиган ва ёзилмайдиган нутқ ички нутқ, яъни инсоннинг ўзи учун бўлган нутқдир. Ёзма нутқ функционал жиҳатдан ички нутқ билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Маълумки, сўзлашув тили нутқ ўстиришнинг дастлабки босқичи ҳисобланиб, у аста-

секин такомиллашиб боради. Сўзлашув тили ўқилган матнларни оғзаки ҳикоя қилишда намоён бўлади. Сўзлашувга ўрганиш барча дарслар жараёнида амалга ошади, лекин ўқиш дарслари етакчи аҳамият касб этади. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини меъёрлашда нутқда оҳангдорлик, яъни кироат билан ўқишнинг амалий аҳамиятини ўстириш, адабий тил меъёри ва мезонларига риоя қилиш, ўқиш методларини такомиллаштириш йўллари излаш ва энг қулайларини амалиётга татбиқ қилиш зарур.

Адабий тил тушунчаси кенг қамровли, кўп қиррали ҳодисадир. Адабий тил тараққиёти барқарорлигини таъминлашда болаларнинг ёшлиқдан нутқ маданиятларини таркиб топтириш ва тарбиялаш лозим.

Ҳозирги кунда талаб этилаётган замонавий таълим, яъни педагогик ва ахборот технологиялари асосидаги дарсларда ўқувчиларнинг фаол иштироки, уларнинг шахс сифатида шаклланишига қаратилган таълим жараёнидаги машқлар, интерфаол усуллар, гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш, баҳс-мунозарага киришиш, ўз фикрларини эркин баён эта олиш каби бир қатор билим, кўникма ва малакалар ўқувчи шахсининг таркиб топиши учун асосий омиллардир.

Ҳозирги даврда янги, илғор технологиялар, инновациялар, интерфаол таълимни узлуксиз таълим тизимига қўллашдан мақсад ҳам ўқувчини ўзини масъулиятини, фаоллигини ошириш асосида унинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ижодкорликка йўналтиришни асосий мақсад қилиб қўйишдан иборат.

Бундай мақсадни амалга ошириш, таълимни муваффақиятли кечиши сифат ва самарадорликка олиб келишни таъминлайди.

Ҳар бир таълим соҳасидаги янгиликлар ўқувчи шахсига қаратилганлиги баробарида унинг баркамоллигини таъмин этувчи восита сифатида хизмат қилади.

Бола шахси педагогик ва психологик нуктаи назардан жуда нозик ҳис туйғуларга бой бўлиб, ўқитувчи ана шу туйғуларни илғаши, бола руҳиятини кўтариши зарур.

Бошланғич синф ўқувчиларининг нутқлари устида ишлаш жараёнида гап тузиш машқлари ўтказилади. Гап тузиш машқларида ўқувчилар уни аввал оғзаки, кейин ёзма бажаришга ўрганадилар. 1–синфда саволларга жавоб бериб, гап тузадилар. 2-синфда ўқувчилар гапни грамматик мавзу сифатида ўрганадилар. Гап тузишга оид энг кўп қўлланиладиган машқларга қуйидагиларни киритиш мумкин. Жумладан, саволларга тўлиқ жавоб бериш, савол тузишга ўргатиш, ўрганилаётган грамматик мавзуга доир гаплар тузиш, расмлар асосида гап, ҳикоя тузиш, сўз бирикмаларини қатнаштириб гап тузиш, икки-уч содда гапдан қўшма гап ёки уюшиқ бўлакли гап тузиш, гапни яқин мазмунли бошқа гап билан алмаштириш ва ҳоказо.

Бошланғич синф ўқувчисининг нутқи равон, фикри теран, ўз фикр-мулоҳазаларини тўлиқ етказиб бера оладиган ҳамда хотираси яхши, фаол бўлса, бундай ўқувчи, албатта, нутқ сўзлай олади. Унинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда вақт меъёрлари белгилаб берилади. Бошланғич синф ўқувчиси учун одатда 6-10 дақиқа кифоя.

Бошланғич синф ўқувчисининг асосий фаолияти ўйиндан иборат бўлгани боис етказиладиган билим ҳам ўйинлар орқали ташкил этилса, ўқувчининг билимларни ўзлаштириши учун қулай имкониятга айланади. Бошланғич таълимда қўлланиладиган интерфаол усуллардан ФСМУ, Синквейн, Кластер, Тушунчалар таҳлили, Бумеранг каби ўқувчилар фаоллигини оширувчи ҳамда нутқий кўникмаларини ривожлантирувчи машқлар оғзаки ва ёзма нутқнинг ривожланишига хизмат қилади.

Таълимий ўйинлар эса ўқувчиларни ҳозиржавобликка, мантиқий фикр юритишга, фикрларини эркин баён этишга, мустақил топшириқлар орқали ўз-ўзини назорат қилишга ўргатади. Масалан, бошланғич синф ўқувчилари учун сеvimли бўлган машқлардан бири – сўзлар асосида ҳикоя тузишдир. Бу машқда ўқитувчи доскага бир неча сўз ёзиб, ана шу сўзлар иштирокида ҳикоя тузишларини ўқувчиларга таклиф қилади. Ўқувчилар ҳикоя тузиш жараёнида уларнинг сўз бойлиги ортади, гапларни тўғри тузишни ҳамда тўғри талаффуз қилишни, мустақил фикр юритишни ўрганадилар. Масалан: Гулноза, ўрток, олма, бетоб.

Яна бир машқ. Ўқитувчи ҳикоя бошлайди. Ўқувчилар уни давом эттирадилар. Бунда

ўқувчиларда ижодкорлик қобилияти ривожланиб, баён, иншо ёзиш каби кўникмалари ривожланади. Масалан: Умида мактабга келаётган эди...

Бошланғич синф пойдевор ҳисоблангани боис бу даврда ўқувчиларнинг шахс сифатида шаклланишига катта аҳамият берилиши керак. Ўқувчиларнинг мантикий ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш учун ҳар бир фанда ўқувчи ёшига мос вазифаларнинг белгиланиши муҳим аҳамият касб этади. Дарслардаги ўқувчилар учун тайёрланган тарқатма ва дидактик материаллар, мустақил ишлар, грамматик машқлар, фаоллаштирувчи машқ ва вазифалар ўқувчиларнинг фикрлаш доираларини кенгайтиради, фаоллигини оширади, ҳозиржавобликка ўргатади.

Бошланғич синф машғулотилари интерфаол усуллар орқали ташкил этилганда, билим эркин муҳитда, таълимий ўйинлар орқали етказилганда, яқка тартибда ишлаганда, мустақил ишларда, умуман олганда, дарсларни ноанъанавий ташкил қилиб, дарс марказига ўқувчи шахси қўйилганда ўқувчиларнинг мантикий ва ижодий фикрлаш кўникмалари шакллантирилиб, ривожланиб боради.



ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ – БОШЛАНҒИЧ СИНФДАН БОШЛАНАДИ

Пўлатова Г., Навоий вилояти Қизилтепа тумани ХТМФМТТЭБ методисти

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 4-июлдаги “Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 144-сонли ҳамда вилоят халқ таълими бошқармасининг 2011 йил 24 ноябрдаги “Умумий ўрта таълим мактабларида “Дарс – муқаддас” тадбирини амалга оширишни таъминлаш тўғрисида”ги 264-сонли буйруқларининг ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда бошланғич таълим тизимида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бошланғич таълим тизимида таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш ва назорат қилиш муҳим ва мураккаб жараён. Бошланғич таълим тизимида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларнинг ечимини топишда методик ёрдам кўрсатиш, бошланғич синфларда умумтаълим фанларининг ўқитилишида ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларининг талаб даражасидан пастлигининг олдини олиш, шунингдек, умумтаълим мактабларида бошланғич таълим мазмунини такомиллаштириш, ҳар бир фаннинг ўқитилишида юқори самарадорликка эришишни таъминлаш, ўқитувчиларга амалий ёрдам беришни мунтазам йўлга қўйиш, шунингдек, бошланғич синфларда ўқитувчиларнинг ўқувчилар саломатлиги, қизиқишлари, қобилияти, иқтидори, ўзига хос оламини аниқлашга доир билимини ошириш имкониятларини излаш ва татбиқ этиш, бошланғич синф ўқитувчиларининг йиллар давомида амалга ошираётган ишлари, тажрибалари, янгиликлари, ихтиро, изланишларини рўёбга чиқариш, кўрсатиш, оммалаштириш, бошланғич синф ўқитувчилари орасидан фидоийларининг ёшларга билим бериш борасида қилган меҳнатларининг сарҳисобини, улардаги ижодий қобилиятларини ривожлантириш юзасидан қилган ишларини қадрлаш ва баҳолаш, маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида бошланғич синфларда таълим-тарбия жараёнини “**НАЗОРАТ қилиш жадвали**” жорий этиш мақсадга мувофиқдир:

Умумтаълим муассасаларининг бошланғич синфларда таълим-тарбия жараёнини
“НАЗОРАТ қилиш жадвали”

№	Ҳафта кунлари	Белгиланган йўналишлар		Амалга ошириш тартиби
		Ўқитувчи учун	Ўқувчи учун	
1	ДУШАНБА	Сиёсий ўқув ва матбуот куни	Кундаликлар куни	Ўз-ўзини назорат қилиш куни. Ўқувчиларнинг кундаликлари текширилади ва тўғри, хатосиз, чиройли ёзилиши назорат қилинади
2	СЕШАНБА	Дарс таҳлиллари куни	Математика куни	Ўқувчиларнинг математик билимларини оширишга эътибор қаратилади, айниқса математик амалларни ечиш тартиби, масалаларга қисқа шарт тузиш, тенгламаларни ечиш, геометрик шаклларни тўғри чизиш, ўлчаш, белгилашларга
3	ЧОРШАНБА	Ота – оналар билан ишлаш куни	Эртақлар ва тўғарақлар куни	Ўқиш фанининг ўқитилишига эътибор қаратилади, ўқувчиларнинг ўқиш тезлиги назорат қилинади, ўқиш тезлигини ДТСга мос равишда ошириш чоралари кўрилади. Тўғарақлар фаолияти ривожлантирилади, ҳар бир ўқувчи кизиқишига қараб тўғарақка жалб этилади
4	ПАЙШАНБА	Кутубхона да ишлаш куни	“Заковат” ва кутубхона да ишлаш куни	Ҳар бир дарсда белгиланган фанда ўтилган мавзуларга доир ўқувчиларнинг билимини оширишга қаратилган “Заковат” дақиқалари ўтказилади. Ҳар бир ўқувчи кутубхонадан ўқув ва бадий китоблар олиб ўқиши амалга оширилади
5	ЖУМА	“Маънавият соатлари” куни	Тиллар ва “Зулфияxonим қизлари” куни	Она тили, рус тили, ихтисослашган мактабларда чет тили фанларининг ўқитилиши кучайтирилади, ўқувчиларнинг хусниҳати назоратга олинади. Иқтидорли қизлар билан ишлаш тизимли йўлга қўйилади.
6	ШАНБА	Методик (ўз устида ишлаш) куни	Эстетик тарбия куни	Тасвирий санъат, мусиқа, жисмоний тарбия фанларини юқори савияда ташкил этилиши назорат қилинади
7	ЯКШАНБА	Саёҳат ва саломатлик куни		Ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам ўз оиласи билан бирга саёҳатга чиқиши, тозалikka, соғлиғига эътибор қаратиши, спорт билан шуғулланиши, миллий ўйинлар ўйнаши мақсадга мувофиқдир.

Умумтаълим муассасаларининг бошланғич синфларида таълим-тарбия жараёнини **“НАЗОРАТ қилиш жадвали”** йўлга қўйиш жуда осон ва қулай. Жумладан,

Душанба куни – ўқитувчи сиёсий янгиликлардан хабардор бўлади, матбуот хабарлари билан танишади, ўз устида ишлайди. Бу кунда ўқувчиларнинг кундаликлари текширилади ва тўғри, хатосиз, чиройли ёзилиши назорат қилинади. Қизилтепа туманидаги барча мактабларида душанба куни бошланғич синф ўқитувчилари билан йиғилишлар ўтказилиб, унда Республикамиздаги сиёсий янгиликлар ва матбуот хабарлари айтиб, эшиттирилади.

Сешанба куни – ўқитувчилар дарсларни таҳлил қилади, ўқувчилар учун математика куни. Ўқувчиларнинг математик билимларини оширишга эътибор қаратилади, айниқса математик амалларни ечиш тартиби, масалаларга қисқа шарт тузиш, тенгламаларни ечиш, геометрик шаклларни тўғри чизиш, ўлчаш, белгилашларга кўпроқ эътибор қаратилади. Методистлар, ўқитувчилар томонидан дарслар таҳлил қилинади. Бунда дарсни дидактик (ёки таълимий), илмий, услубий (методик), психологик, педагогик, комплекс (муҳассам) таҳлил қилиш мумкин. Ўқувчилар билан сешанба куни “Ёш математик” кўрик-танловини,

математик кеча, “Кичик олимпиада” каби тадбирларни ўтказиш жуда яхши самара беради.

Чоршанба куни – ўқитувчилар учун ота-оналар билан ишлаш куни, ўқувчилар учун – эртақлар ва тўғарақлар куни. Чоршанба куни ўқиш фанининг ўқитилишига алоҳида эътибор қаратилади, ўқувчиларнинг ўқиш тезлиги назорат қилинади, ўқиш тезлигини ДТС га мос равишда ошириш чоралари кўрилади. Тўғарақлар фаолияти ривожлантирилади, ҳар бир ўқувчи қизиқишига қараб тўғарақка жалб этилади. Мактабда “Кўғирчоқ театри” фаолияти йўлга қўйилиб, турли хил эртақлар саҳналаштирилади.

Ўқитувчилар ота-оналар билан ҳар ҳафтанинг чоршанба куни суҳбат ўтказиши, ота-оналар йиғилишларини тренинг шаклида, ўқувчилар ижодий ишлари кўргазмасини ташкил этган ҳолда ўтказиши. Шунингдек, ота-оналар билан мулоқот дафтарларини юритилишини амалга оширилади. Шунингдек, ота-оналар билан “Энг яхши ота, она”, ўқувчилар билан “Энг яхши фарзанд”, ота-она ва ўқувчи билан “Отам, онам ва мен” кўрик-танловларини ўтказиш ота-она билан мактаб ҳамкорлигини мустаҳкамлайди. Энг фаол ота-оналарга миннатдорчилик хатларини юбориш ҳам ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлайди.

Пайшанба куни – ўқитувчилар учун кутубхонада ишлаш куни, ўқувчилар учун “Заковат” ва кутубхонада ишлаш куни. Ҳар бир дарсда белгиланган фанда ўтилган мавзуларга доир ўқувчиларнинг билимини оширишга қаратилган “Заковат” дақиқалари ўтказилади. Ҳар бир ўқувчи кутубхонадан ўқув ва бадиий китоблар олиб ўқиши амалга оширилади. Пайшанба куни бошланғич синф ўқитувчиси ўз синфидаги барча ўқувчиларини кутубхонага жалб қилиши, ўқувчининг китобга меҳр қўйишга ундайди. Китоб билан дўстлашган бола доим яхшилиққа интилади. Шунингдек, ҳар бир дарснинг бошланишида “Заковат дақиқалари” ўтказилиб, ўқувчиларнинг ёши ва қобилиятларига мос илм-фаннинг охирги янгиликларидан хабардор этилади. Ўқитувчининг ўзи ҳам дарсга доир, шунингдек кўшимча адабиётлардан, Интернет, “ZiyoNET” манбаалардан фойдаланади.

Жума куни – ўқитувчилар учун – “Маънавият соатлари” куни, ўқувчилар учун – тиллар ва “Зулфияхоним қизлари” клуби куни. Жума куни она тили, рус тили, чет тили фанларининг ўқитилиши кучайтирилади, ўқувчиларнинг хусниҳати назоратга олинади. Шунингдек, иқтидорли қизлар билан ишлаш тизимли йўлга қўйилади. “Маънавият соатлари” кунида ўқитувчи ва ўқувчи учун Президентимиз асарлари, маънавият янгиликлари, миллий ғоя тарғиботи ишлари йўлга қўйилади. Бу билан ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашлари янада ривожлантирилади. Ўқувчиларнинг тилларни ўрганишга қизиқишларини ошириш мақсадида “Ёш таржимон”, “Кимнинг хати чиройли?” каби танловларни ўтказиш мумкин. Чет тили фанидан тўғарақ машғулоти назорати ўтказилади. “Зулфияхоним қизлари” клубида иқтидорли қизлар билан “Баҳор маликалари” “Санъат шайдолари” каби кўрик-танловлар ташкил этилади.

Шанба куни – ўқитувчи учун методик (ўз устида ишлаш) куни, ўқувчи учун – эстетик тарбия куни. Шанба куни тасвирий санъат, мусиқа, жисмоний тарбия фанларини юқори савияда ташкил этилиши назорат қилинади. Шанба куни ўқитувчи ўз устида ишлайди, турли методикалардан дарсларда самарали фойдаланишни ўрганади. Ўқувчилар билан “Ёш рассомлар” “Энг яхши кўшиқ ижрочиси” кўрик-танловлари, “Қувноқ стартлар” мусобақасини ўтказиш мумкин. “Ёш шахматчилар” клубини ташкил этиш яхши самара беради.

Якшанба куни – ўқитувчи ва ўқувчи учун саёҳат ва саломатлик куни. Якшанба куни ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам ўз оиласи билан бирга саёҳатга чиқиши, тозалиққа, соғлиғига эътибор қаратиши, спорт билан шуғулланиши, миллий ўйинлар ўйнаши мақсадга мувофиқдир.

Қизилтепа туманида бугунги кунда 40 та мактаб фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан 38 тасида бошланғич синфлар бор. 38 та мактабнинг бошланғич синфларида 2 йилдан буён таълим-тарбия жараёни назорат қилиш жадвали асосида ташкил қилиб борилмоқда. Бошланғич синфларда таълим-тарбия жараёнининг сифатини кўтаришда катта ёрдам беради.



ТАЪЛИМНИНГ БОШЛАНҒИЧ БОСҚИЧИДА ЧЕТ ТИЛИНИНГ ЎҚИТИЛИШИ: ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗАЛАР

Расулова М.Ж., ЎзПФТИ илмий ходими

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 декабрь 2012 йил “Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида, чет тили ўқув фани сифатида 2013 йил 1 майга қадар бошланғич таълим таркибидан тўлиқ ўрин эгаллаши, чет тилларни ўргатишга бўлган қизиқишни кучайтириш ва халқнинг ўртача маълумот даражасини ўстириш, халқаро ва маданиятлараро ҳамкорликка тайёргарликни шакллантириш каби истиқболдаги вазифаларни амалга оширишни кўзда тутаяди ва ушбу фаннинг таълимдаги аҳамиятини тасдиқлайди. Қарорда белгиланган вазифалар ижросида халқаро тажриба, хусусан, тилларни ўрганиш, ўқитиш ва билим даражасини баҳолаш бўйича умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш талабларига таянган ҳолда ишлаб чиқилиб, яратилган ДТС ларнинг ҳар жиҳатдан пухта бўлишига хизмат қилади. CEFR – “Чет тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш” юзасидан талаблардан фойдаланиш ўзбек таълим тизимида чет тилларни ўрганиш, ўқитиш ва баҳолашнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлашга қаратилади. Эскича ўқитиш тизимида фақат грамматика ва фонетикани ўргатишга асосланган бўлиб, чет тили таълим тизимига ўзгартириш киритиш билан ҳаётдан узоқ бўлган мавзулардан йироқлашиб, янги методикага – коммуникатив нутқ тизими ва ҳаётийликка асосланган, тўртта кўникмани биринчи синфдан оқ қамраб оладиган янги замонавий хорижий тилларни ўрганиш тизимига ўтилмоқда.

Халқ таълими вазирлигининг 2013-йил 18-октябрдаги “Чет тилларини ўқитишнинг доимий мониторингини олиб бориш тўғрисида”ги 335-б-сонли буйруғи ижросини таъминлаш юзасидан жорий 2013-2014 ўқув йилининг октябр ойида Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ходимлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 12, Хўжайли туманидаги 72, Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 58, Учқўрғон туманидаги 43, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги 19, Ғузор туманидаги 1, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳридаги 42, Оқдарё туманидаги 45, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги 5, Ўртачирчиқ туманидаги 3-сонли умумий ўрта таълим мактабларида чет тилларини ўқитиш сифати ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида қайд этилган мактаблардаги дарс жараёни ва ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражасини ўрганиш учун 23 та банддан иборат саволнома натижалари таҳлил қилинди ва тегишли тавсиялар берилди.

Сўровнома натижалар 1-синфда чет тилини ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар тақдим этилди:

- 1) мультимедиа дискини такомиллаштириш зарур;
- 2) чет тили фани ўқитувчиларига методик ёрдам сифатида малака ошириш курсларида бошланғич синф методикасини каскад усулида ўқитишни янада такомиллаштириш лозим;
- 3) ўқувчилар билимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш учун мактаб ва оила ҳамкорлигини кучайтириш керак;
- 4) ўқитувчилар учун кўшимча методик тавсия ва йўриқномалар ишлаб чиқилиши зарур;
- 5) ўқитувчиларга бошланғич синф ўқувчилари билан ишлашнинг психологик негизлари ёритилган тавсиялар зарур;
- 6) мактабларда “Инглиз тили” кунлари ва турли тадбирларни ташкил этиш юзасидан йўриқномалар яратиш;
- 7) инновацион таълим технологиялари асосида ўқувчиларни гуруҳларда ишлатиш орқали ўқувчи шахсига индивидуал ёндашувга эришиш керак;

8) дарсликка миллий ва миллатлараро бағрикенглик ғояларини сингдириш лозим;
9) дарслик ва унга илова қилиб берилган мультимедада ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиш лозим;

10) мультимедиа дисклари воситасида ўқув материалларида талаффузи осон сўз ва сўз бирикмаларини ўргатишга эътибор бериш керак;

11) ўқитувчи ва ўқувчилар 1-синф дарслигидан деярли фойдаланишмаяпти. Бунинг учун дарсликни янада такомиллаштириш ва мультимедадаги айрим топшириқларни дарсликка ҳам кўчириш мақсадга мувофиқдир.

Қайд этилган мактабларда ушбу буйруқ ижросини таъминлаш юзасидан жорий йилнинг 10-14-март кунлари умумий ўрта таълим мактабларида чет тилларини ўқитиш сифати ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида дарс жараёнлари кузатилди, таҳлил қилинди. Таҳлил натижаси **Инглиз тили таълимини баҳолашнинг илмий-методик мезонлари (10 та мезон)** бўйича мос балларда белгиланди.

Кузатувлар жараёнида қуйидагилар аниқланди:

1. Мактаб ўқитувчилари туман ва мактаб метод бирлашмалари томонидан етарли даражада тавсия ва намунавий дарс ишланмалари билан таъминланган.

2. Ўқитувчилар томонидан уйга вазифани бажариш, дарслик билан ишлаш, ота-оналарнинг ёрдами, машқларни бажариш бўйича йўриқномалар ва тавсиялар ишлаб чиқилган ва ота-оналарга етказилган.

3. Айрим мактабларда дарсларни номутахассис ўқитувчилар (масалан, инглиз тилидан асли француз тили ўқитувчиси) ўтмоқдалар. Натижада ўқитувчилар ўзларининг талаффузи устида ишлашларининг гувоҳи бўлдик (ўқитувчилар бир-бирига ўзаро ёрдам беришади).

4. Ўқитувчилар ўқувчилар билан индивидуал ва гуруҳда ишлаш кўникмасига эга.

Шунингдек, дарс жараёнларини кузатиш асосида қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар такдим этилди:

Ўрганилган барча ҳудудларда дарс давомида ўқитувчилар асосан фронтал топшириқлар бериш асосида ишлашмоқда, гуруҳларга бўлиб ишлаш методидан фойдаланилмаяпти. Келгусида гуруҳли дидактик ўйинларни амалга ошириш орқали бу камчиликни бартараф этиш тавсия этилди. Хусусан, қуйидагиларга эътибор қаратиш керак:

1. Дарс жараёнида гуруҳлараро мусобақа ва топшириққа асосланган илғор технологияларни қўллаш.

2. Ўқувчилар билимини ҳисобга олган ҳолда, уларга табақалашган топшириқлар бериш.

3. Ўқувчилар билимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш учун мактаб ва оила ҳамкорлигини кучайтириш.

4. Ўқитувчилар учун қўшимча методик тавсия ва йўриқномалар, ўқувчилар билан ишлашнинг психологик негизлари ёритилган тавсиялар бериб бориш.

5. Дарс давомида қўлланиладиган кўرғазмали воситаларнинг ранг-баранглигини таъминлаш.

6. Бошланғич синф чет тили фани ўқитувчиларининг малакасини оширишни тизимли ва узлуксиз равишда амалга ошириш.

7. Ўқувчиларни дарслик билан ишлашга жалб этиш мақсадида мультимедадаги айрим ўқув материалларини дарсликка ҳам кўчириш ҳамда тарқатма материаллардан кенгрок фойдаланиш.

8. Ўқитувчи китоби билан ўқувчи ҳамда ота-оналар қўлланмалари орасидаги номутаносибликни бартараф этиш мақсадга мувофиқ.

Узлуксиз таълим тизими учун яратилган давлат таълим стандартлари, умумтаълим мактабларининг 1-синфи учун яратилган дарслик мажмуаларидаги ўқувчилар ёши ва психологик хусусиятларига мослиги, дарслик мажмуаларидаги материалларни ўқувчилар томонидан ўзлаштириш мониторингини олиб бориш, ушбу тайёрланган ўқув дастурлари ва дарслик мажмуаларига ўз вақтида тегишли ўзгартиришлар киритиш мақсадида олиб борилган тажриба-синов ишлари асос бўлди.



ЎҚУВЧИЛАРНИ ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Расулходжаева М., ТДПУ ўқитувчиси

Бошланғич синф ўқувчилари ахлоқий тарбиясини ташкил этишда юқори самаранинг таъминланиши учун хизмат қилувчи омиллар амалий фаолият сифатининг яхшиланишига хизмат қилади.

Муаммо доирасида олиб борилган амалий фаолият якунлари мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич таълим фаолиятининг бугунги кундаги ҳолати борасида якуний хулоса чиқаришга имкон бериши билан бирга ушбу муассасалар фаолиятини такомиллаштиришнинг самарали йўллари излаб топиш лозимлигини кун тартибига олиб чиқмоқда.

Бошланғич таълим фаолиятини такомиллаштиришнинг энг мақбул йўли - янги педагогик технологияларни жорий этиш ҳисобланади.

Истикболдаги вазифа бошланғич таълим муассасалари фаолиятида ҳам кенг кўламда ахборот технологиялар хизматидан фойдаланишга эришишдир.

Куйида ўқувчиларда ахлоқий сифатларни шакллантириш юзасидан машғулотни тавсия этамиз.

Машғулот мавзуси: “Ҳайвонот оламига сайр”.

Машғулотнинг мақсади: Ўқувчиларга ҳайвонот олами ҳақида билимлар бериш. Уларда ҳайвонларга, жонли табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш орқали ахлоқий сифатларни тарбиялаш.

Ҳайвонот олами ҳақида тушунча бериш, ҳайвонларни тасвирлаш, ҳайвонот оламига нисбатан онгли ва ахлоқий муносабатда бўлишни тушунтириш машғулотнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Жамоавий гуруҳ шаклида ўтказиладиган ушбу машғулотда оғзаки баён қилиш, суҳбат, савол-жавоб, «Кластер» технологияси усуллари билан фойдаланилади. Тарқатма материал, ҳайвонларнинг сурати туширилган расмли карточкалар машғулотни ташкил этишдаги асосий воситалар ҳисобланиб, унда ҳар бир ўқувчининг фаол иштирокини ўқитувчи кузатиб боради. Машғулотга оид саволлар билан мурожаат қилиш усули ҳам ўқувчиларни фаолликка ундаб, эътиборини, диққатини жамлашга хизмат қилади. Машғулот сўнггидаги рағбатлантириш эса уларни дарсларга қизиқишини ошириши табиий.

Машғулотнинг бориши:

I босқич. Ўқитувчи болаларга савол билан мурожаат қилади:

- Болажонлар, қандай ҳайвонларни биласиз?

Ўқувчилар жавоб беришади: ёввойи ҳайвонлар, уй ҳайвонлари, қушлар, паррандалар.

Ўқитувчи - Диққат билан расмларга қараб, уларнинг турлари ва фарқларини билиб оламиз. Айтингчи, қайси ҳайвонлар ёввойи, йиртқич дейилади, қайсилари эса уй ҳайвонлари деб аталади? Буларнинг қандай зарарли ҳамда қандай фойдали томонлари бор?

Болалар уларнинг номларини айтадилар, ўзига хос хусусиятлари ҳамда зарарли томонларини билганларича айта бошлайдилар.

II босқич. Ўқитувчи турли ҳайвонлар расмларини кўрсатиб болалар билан биргаликда уларни синфларга ажратади (классификациялаш); яъни уй ҳайвони, йиртқич ҳайвонлар, паррандалар, қушлар расмларини ажратишади.

III босқич. Ушбу босқичда тарбиячи ўқувчиларга ўзларига ёқадиган ҳайвон расмларини танлаб олишларини таклиф қилиб, уларни гуруҳларга ажратади.

IV босқич. Ўқитувчи ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларни умумлаштиради:

Болалар, Сиз ҳайвонлар ҳақида қандай шеър ва эртаклар биласиз? Ушбу ҳайвонларга ўз

муносабатингизни билдиринг-чи.

- Ҳайвонларни қандай парвариш қилиш мумкин? Уларга азоб бериш мумкинми?
- Ҳайвонот оламини қандай асраш мумкин?
- Ҳайвонларни инсон ҳаётидаги аҳамияти қандай?

Ўқувчилар ўрганган билимлари асосида саволларга жавоб топадилар. Қайси гуруҳ фаол катнашса, ўша гуруҳга байроқчалар тарқатилади ва қолган гуруҳ иштирокчилари рағбатлантирилади.

Ўқувчилар томонидан билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилганлик даражаси ҳайвонот оламига нисбатан ахлоқий, онгли муносабатларининг шаклланганлигини суҳбат, муаммоли саволлар, тест, кузатиш орқали аниқланади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч» Т.: «Ўзбекистон», 2008 й.
2. Турдиқулов Э.О., Турдиқулов У. Марказий Осиёда экологик таълим тараққиёти. Т., “Фан”, 2005 й.
3. Ў.Қ.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.Т.”Фан”2006й.- 261б.
4. Мирзаев Р. Ҳайвонот олами. Т.: “Шарқ нашриёти”. 2006. – 108 б.
5. Юсупова П. Мактабгача ёшдаги болаларга экологик тарбия бериш. – Т.:1995й. - 223б.



БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ИҚТИДОРЛИ ВА БЎШ ЎЗЛАШТИРУВЧИ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ИШЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Рахмонова Ш., Навоий вилояти ХТБ Методика маркази методисти

Ҳозирги кунда замонавий таълимда иқтидорли ўқувчи-ёшларга алоҳида эътибор берилаяпти. Бу замонавий таълим беришга эришишнинг бош мақсадидир. Шу боис уларга чуқур билим бериш, қобилиятини ривожлантириш, иқтидорни ўстириш ишлари такомиллаштирилмоқда.

19 йиллик педагогик тажрибам давомида иқтидорли болалар билан ишлашда қатор муаммоларга дуч келган бўлсам, бу муаммоларнинг ечимини иш фаолиятим давомида топишга ҳаракат қиламан.

Мамлакатимизда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ўқитиш жараёнига илғор педагогик технологияларни кенг қўламда татбиқ этиш барча турдаги таълим муассасалари олдидаги энг долзарб вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланади. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонида асосан иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, улардаги ноёб фазилатларни янада ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Таълим жараёнида нафақат илғор технологияларнинг қўлланишига, балки боланинг қобилияти, иқтидори, хотираси, фикрлаши, мантиқий тасаввурига ҳам эътибор бериб дарс ўтиш лозим бўлади.

Иқтидор нима?, Истеъдод нима?, Иқтидорли бола қандай бола?, Истеъдодли бола қандай бола?, Улар билан қандай ишлаш керак?, Улар билан ишлашнинг, уларни ўқитиш технологиясининг асосий мезонлари нималарда? Бу мезонлар нимага таянади? Шу каби саволларнинг ечими куйидагича:

- иқтидор – инсон қобилиятларининг юқори даражада ривожланиши ва маълум соҳаларда ютуқларга эришиш;

- истеъдод – иқтидорнинг юқори даражаси ҳисобланиб, иқтидорни ривожлантириш натижасида пайдо бўлади;

- иқтидор умумий, яъни ҳар томонлама ва маълум бир соҳадан бўлиши мумкин. Масалан, умумий – ҳар томонлама ақлий, иқтидор эгалари тарихдан маълум: Леонардо да Винчи, А.Дюрер, М.В.Ломоносов, Абу Али ибн Сино, Беруний ва бошқалар.

- Иқтидор ва истеъдод эгалари маълум бир соҳада ёки соҳаларда ва турли даражада бўлиши мумкин.

Иқтидорли болаларнинг мунтазам билим олишини таъминлаш, уларда билим олиш эҳтиёжини ривожлантириш, базавий ўқув, илмий ва услубий маданий билимларини шакллантириш, меҳнат кўникмаларини, ижодий эркин фикрлашни, касб танлашга, атроф-оламга онгли муносабатни ҳосил қилиш, миллий ҳамда умумбашарий қадриятларни узвий бирлаштириш асосида ўқувчиларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, ўз Ватани, халқига содиқ фуқарони шакллантириш, таълимнинг узлуксизлигини ва изчиллигини, ўқув дастурларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидаги ўқув дастурлари билан узвий ўзаро боғланишни таъминлаш замонавий таълимнинг асосий вазифасидир.

Иқтидорли болалар билан ишлашни ривожлантириш мактабгача ҳамда бошланғич таълимдан бошланади, зеро бошланғич таълимда ўқиш, ёзиш, санаш, ўқув фаолиятининг асосий малака кўникмалари, ижодий фикрлаш хислатлари, ўзини ўзи назорат қилиш ўқуви, нутқ, хулқ-атвор маданиятини, шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи асослари таркиб топтиради.

Вилоятимиздаги 355 та мактабда бошланғич синфларда **“Иқтидор юлдузлари” клубини** ташкил этдик. Мактабларда бундай клубнинг ташкил этилиши бошланғич синфларда иқтидорли ўқувчилар билан тизимли ишлашни амалга ошириш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш қобилиятларини ривожлантириш жараёнида ўқитувчига методик ёрдам кўрсатиш мақсадида йўлга қўйилди.

Ҳар бир мактабда, ҳар бир синфда бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар бор. Шу сабабли биз вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 4 июлдаги “Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 144-сонли, вилоят халқ таълими бошқармасининг 2011 йил 24 ноябрдаги “Умумий ўрта таълим мактабларида **“Дарс – муқаддас”** тадбирини амалга оширишни таъминлаш тўғрисида”ги 264-сонли буйруқларининг ижросини таъминлаш, бошланғич синфларда бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан тизимли ишлашни амалга ошириш, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлаш жараёнида ўқитувчига методик ёрдам кўрсатиш мақсадида барча таълим муассасаларининг бошланғич синфларида бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан **“Биларжон”** гуруҳларини ташкил этдик.

“Биларжон” гуруҳи **ҳар бир бошланғич синфида** бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ташкил этилади. **“Биларжон”** гуруҳининг ташкил этилишига математика, она тили, ўқиш фанларидан дарс берадиган ўқитувчи масъулдир.

“Биларжон” гуруҳлари фаолиятини назорат қилиш ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлашда ўқитувчига методик ёрдам кўрсатиш бўйича туман, шаҳар ХТМФМТТЭБларнинг бошланғич таълим йўналиши методистлари, ҳар бир мактабнинг бошланғич таълим бўйича методбирлашма раҳбари масъулдир.

Мактабларда бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан **“Биларжон”** гуруҳларининг ташкил этилиши ўқувчиларнинг билимидаги бўшлиқларни тўлдиришга ёрдам бермоқда. Бу эса доимий равишда бошқарма томонидан назорат қилиниб борилмоқда. Назорат жадваллари илова этилади.

1-жадвал

_____ ойда **“Биларжон”** гуруҳлари фаолиятини **“НАЗОРАТ қилиш жадвали”**

Мактаб рақами _____

Мактабда бошланғич синфлар сони _____

Мактабда ташкил этилган **“Биларжон”** гуруҳлари сони _____

Ой давомида **“Биларжон”** гуруҳларига жалб қилинган ўқувчилар сони _____

Ой давомида “Биларжон” гуруҳларида ўтказилган машғулотларнинг (ўқувчилар

томонидан ўзлаштирилиши мураккаб бўлган) мавзулари
(синфлар ва фанлар кесимида)

Т/р	Синф	Фани	Ой давомида “Биларжон” гуруҳларида ўтказилган машғулотларнинг (ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши мураккаб бўлган) мавзулари	Машғулот ўтказилган сана
1	1-синф	математика	“Жуфт ва тоқ сонлар” мавзуси	2013 йил 1 ноябрь

_____ тумани _____ мактабнинг бошланғич таълим
бўйича методбирлашма раҳбари _____ (имзо, сана)

2-жадвал

_____ туманида _____ ойда “Биларжон” гуруҳлари фаолиятини
“НАЗОРАТ қилиш жадвали”

Т/р	Мактаб рақами	Мактабда бошланғич синфлар сони	Мактабда ташкил этилган “Биларжон” гуруҳлари сони	Ой давомида мактабдаги “Биларжон” гуруҳларига жалб қилинган ўқувчилар сони
1	1-мактаб	4	4	32
...				
	Жами			

_____ тумани ХТМФМТТЭБ нинг бошланғич таълим йўналиши методисти
_____ (имзо, сана)

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ДАРС ИНТИЗОМИГА МУНОСАБАТ МУАММОЛАРИ

Рашидов Ҳ.Ф., ЎзПФИТИ директори, п.ф.д., профессор

Бошланғич синфларда ўқувчилар томонидан мактаб интизомига риоя қилиш, уларнинг мактабгача таълим муассасаси ёки ота-она тарбияси шароитларидан мактаб таълими шароитларига мослашишини таъминлаш юқори синфларда муваффақиятли ўқишни давом эттиришларига мустаҳкам замин яратади. Бошланғич синфларнинг таълим дастурлари ушбу синфларнинг ўқитувчилари олдида ўқувчилар томонидан фанларнинг элементар асосларини ўзлаштиришларига эришиш, болаларни хар томонлама ривожлантириш, уларни мустақил ўрганишга ва билимларини кенгайтиришга ўргатиш вазифаларини кўяди. Лекин бошланғич синф ўқитувчилари, кичик ёшдаги ўқувчиларнинг баъзилари ўқишни, дарсларда ўтиришни истамаслиги, уй вазифалари ва мустақил ишларни бажармаслиги, дарслик ва ўқув қуролларига салбий муносабатда бўлиш ҳолларига тез-тез дуч келадилар. Бундай болаларда мактаб ва ўқув жараёни билан боғлиқ барча нарсаларга салбий муносабат юзага келади. Шундай ўқувчилар ҳам учрайдики, улар синф раҳбари ёки ўқитувчининг педагогик таъсирига қаршилик қиладилар.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бошланғич синфларда айрим ўқувчиларнинг дарсга бўлган салбий муносабати мактабда ўқишга бўлган қизиқишнинг пастлиги, ўқиш жараёнида пайдо бўлган қийинчиликларни енгиб ўтишга мослаша олмаслик ёки эплай олмаслик, ўқиш жараёнига, ўқитувчиларга, умуман мактаб муҳитига нисбатан салбий ҳиссиётли муносабат билан тавсифланади.

Фикримизча, кичик ёшдаги ўқувчиларнинг дарсга бўлган салбий муносабатининг

умумий сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- мактабгача бўлган ёш даврида оилада болалар билан мактабга тайёрлаш ишларининг олиб борилмаганлиги;

- мактабгача таълим муассаларида мутахассислар томонидан психологик-педагогик мослашув ишларининг олиб борилмаганлиги;

- биринчи синфга қабул қилинган болалар индивидуал психологик-педагогик таъхис қилиниб, уларнинг шахсий хусусиятлари аниқланмаганлиги ва улар билан коррекцион ишлар олиб борилмаганлиги;

- олти ёшли болаларни психологик-педагогик таъхис марказлари орқали 1- синфга тайёрлашда нотўғри тавсия берилганлиги ва б.

Назаримизда, бошланғич синф ўқувчиларининг дарсга бўлган салбий муносабати нафақат уларнинг индивидуал хусусиятларига, балки кўпчилик ҳолларда бошланғич таълим ўқитувчисининг уларга бўлган муносабати билан ҳам боғлиқдир. Баъзи ҳолларда ўқитувчилар ўзларига “кўпроқ ёққан” ўқувчилар ёки энг ёмони - ота-онаси билан “яхши муносабат ўрнатилган” ўқувчиларга алоҳида этиборни қаратадилар. Бу эса бошқа ўқувчиларда табиий ички эътирозни уйғотади. Шу билан бирга, болаларга муҳаббат ва меҳрибонлик билан муносабатда бўлган ўқитувчилар синфни “аълочи-севимлилар” ва “ўзлаштира олмайдиган-тўполончи”ларга ажратмайдилар. Болалар томонидан ўқитувчининг дарсда ҳам, дарсдан кейин ҳам ўқувчилар билан тўғри меҳрибонлик билан муносабат ўрнатиши, унинг мактаб таълимига мослашишидаги қийинчиликларни енгилда қўллаб-қувватлаши, ўзлаштиришни кўтаришда ёрдам кўрсатиши алоҳида кадрланади.

Кичик ёшдаги болаларнинг ўқишга муносабатига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа сабаблар: оилада ноижтимоий муҳитнинг юзага келганлиги (жанжаллар, алкоголизм, уришлар ва ҳ.к.); оилада бола тарбияси бўйича ижобий анъаналарнинг йўқлиги кабилар кичик ёшдаги ўқувчиларнинг психик ривожланишида ва уларнинг ўқишида нуқсонларни келтириб чиқаради. Шулар билан боғлиқ ҳолда, болаларда ўз синфдошлари билан бўлиб турадиган низолар натижасида келиб чиқувчи депрессиялар пайдо бўлиши мумкин.

Депрессия - кайфиятнинг ёмонлашуви, тез хафа бўлиш, сержаҳллик, апатия, кўполлик билан тавсифланади. Депрессия ҳолатида бола уйда дарс қилишга ўзини мажбурлай олмайди, бир неча дарсни қолдиради, кейин эса бутунлай мактабга келишни хоҳламайди.

Боладаги бундай белгиларни сезган ота-оналар бунинг айбдори, ёмон ўқитиш ва ёмон тарбиялашни йўлга қўйган мактаб деб ҳисоблайдилар. Иш билан банд бўлган ота-оналар кўпчилик ҳолларда болалар тарбиясидан ўзларини четга оладилар, уларнинг болалари билан бўлган муносабатларидаги хатолари кўпчилик ҳолларда мактабнинг ўқувчиларга салбий таъсири орқали қилинган хатолари: ўқувчиларга нисбатан авторитар, буйруқбозлик турфасида муносабат, кўпол психологик таъсир кўрсатиш, ўқитиш методларининг пассив ва мажбурий тавсифланиши, педагогик мулоқот техникаси даражасининг пастлиги билан қўшилиб кетади.

Амалиёт кўрсатадики, ўқишга бўлган салбий муносабатли болаларга педагоглар ва айниқса, ота-оналар томонидан кўрсатиладиган жазоли таъсир чоралари кам самарали бўлиб, баъзан эса тесқари натижага – ўқишдан бутунлай бош тортишга ҳам олиб келиши мумкин. Бундай болаларга нисбатан диққат, эътибор, сабр-тоқат кўрсатиш, уларда ўқишнинг ижобий мотивларини тарбиялаш, яхши ҳиссиётлар ва интилувчанлик сифатларини шакллантириш лозим. Бу йўналишда ота-оналар ва педагоглар учун қуйидаги тавсиялар ёрдам бериши мумкин:

- бола билан ижобий ҳиссий мулоқот ўрнатиш, уни ўзига яқин олиш;
- мактабга муносиб бўлса, болани макташни унутмаслик;
- дарсларни тайёрлаш учун вақт ва доимий жойни белгиб қўйиш;
- уй вазифасини бажаришни ҳар куни назорат қилиш, нуқсонлар учун койимаслик;
- болани топшириқни бажараётган вақтда чалғимасликка ўргатиш;
- болага дарсларни тайёрлашда ёрдам бериш учун барча ишларни четга суриш;
- тезда самарага эришилмаганидан умидсизланмаслик;

- тажрибали ота-оналардан маслаҳатлар олиш;
- боланинг характеридаги ўзгаришларга доимо эътибор бериш, айрим ҳолларда мутахассис психологларга мурожаат қилиш;
- салбий ҳолатлар ўткинчи эканлигини унутмаслик;
- муваффақиятсизликларга босиқлик билан ёндашиш, жазоламаслик, болага бақирмаслик.

Кичик ёшдаги болаларни мактаб таълимига тезкорлик билан муваффақиятли мослашиб кетиши учун авваломбор болани мактабга ҳам жисмоний, ҳам психологик тайёрлаш лозим. Бунинг учун мактабгача таълим муассасаларида мактабга тайёргарлик дастурига мувофиқ ишлар амалга оширилиши ижобий аҳамиятга эга. Бунда болаларда мактаб таълимида нималарга эришилиши тўғрисида ижобий тасаввурлар ҳосил қилиш, уларда ўқишга бўлган мустаҳкам қизиқишни шакллантириш муҳимдир. Бу тадбирлар доирасида педагогик-психологик ва дидактик қоидаларга амал қилган ҳолда болаларнинг бирламчи саводхонлигини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Бошланғич синфларга мослашиш, уларда ўқишни самарали ташкил этишнинг муваффақияти биринчи навбатда ўқитувчи ва ўқувчининг дарс жараёнидаги конструктив мулоқотига, уларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишига, таълим мақсадларига эришиш учун биргаликда ҳаракат қилишига, ўзаро ишонч ва ҳурматига боғлиқ. Ўқитувчининг ҳар бир ўқувчининг эришган муваффақиятини сезиш, синфда хайрихоҳ муносабатларни яратиш, ўзаро ёрдамни рағбатлантириш, шахсий намуна билан ўзига тортиш, кичик ёшдаги ўқувчилар билан дўстона мулоқот русумини қўллаш маҳорати – мана шулар дарсларга салбий муносабатда бўлишни енгишнинг, ўқув фаолиятини ижобий мотивлаштиришни шакллантиришнинг самарали омилларидир.

Адабиётлар

1. Рашидов Х.Ф., Мусурманов Р., Алимходжаева С. Дарс интизомига салбий муносабатдаги ўқувчиларга нисбатан конструктив таъсир этиш амалиёти. - Тошкент. ЎзПФТИ, 2013й. - 86 б.
2. Рудик Г.А. Дисциплинарний фактор школьного урока в условиях глобализации. //Мақtab va hayot. - №2 (102). - с. 30-36.
3. Гарганеев С.В., Балашов П.П. Механизмы школьной дезадаптации подростков и пути её преодоления // Вестник Московского Университета. – 2003. - №1 (27). - С.106-109.



ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ИЖОДИЙ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ

**Раҳимов Б., п.ф.д., Гулистон шаҳар 2-Академик лицей ўқитувчиси,
Раҳимова Д., Ҳайтова Г. Гулистон шаҳар 2-педагогика коллежи ўқувчилари**

Жамиятимиз тараққиёти учун зарур, кенг дунёқараш, мустақил ва ижодий фикрга эга бўлган ёшларни тарбиялаш давлатимиз томонидан бошланғич синф ўқитувчиларининг олдига қўйган бош вазифаларидан биридир.

Бошланғич синф ўқувчилари шахсининг ривожланиши ўзига хос хусусиятга эга. «Бу, энг аввало, уларда ўзини такомиллаштириш истагининг кучайиши ва ўқишга бўлган қизиқишининг ўсиши билан характерланади»¹. Бу даврнинг энг муҳим хусусиятларидан бири мантиқий фикр юритишга интилишдир. Шунинг учун ҳам бу даврда ўқувчиларга фақат назарий билим бермасдан, турли амалий вазиятларга муносабат билдиришни шакллантириш, кўпроқ изланиш, ижодий ёндашув, тафаккур ривожига эътибор қаратиш, ҳар бир ўқувчида ўз амалий фаолиятида фикрлашнинг мазмун-моҳияти, унинг ранг-баранглиги, кўп қиррали хусусиятларини англаш малакаларини шакллантириш лозим. Реал борлиқни англаш

¹ Фридман Л.М., Кулагина И.Ю. Психологический справочник учителя. - М.: Просвещение, 1991. -С. 288.

таълимнинг ҳаёт билан алоқадорлигини ўргатишдан иборат. Бошланғич синф ўқувчисининг фикри кенг ва атрофлича бўлиши учун ўқитувчи таълимнинг ҳаёт билан алоқадорлик томонини унга аниқлаштириш лозим. Билим оловчи ана шуни тушуниб етсагина ўз куч-ғайратини, билимларни қизиқиб ўрганишга сарфлай олади.

Педагогик ва методик адабиётларда кўрсатилишича, педагогик муаммоларни комплекс ўрганиш ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, ўқув-тарбия ишларининг самарадорлигини ошириш, педагогик жараёни оптималлаштириш, таълимни илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш имкониятларини оширади¹.

Мактаб даврида ўз-ўзини аниқлаш жараёни шахсий фикрга эга бўлиш, мустақил мулоҳаза юритиш, менинг фикрим тўғри, дейиш (танқидийлик) хусусиятига эга бўлади. Шунинг учун бу даврда, айниқса, ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш долзарб масала ҳисобланади. Худди шу даврда ўқитувчи турли усул, йўл, технология воситасида бошланғич синф ўқувчиларида мантикий фикрлаш хусусиятини камол топтириши лозим. Зеро, ҳар бир боланинг онгли эҳтиёжи ва ички қизиқишини уйғотмай туриб уларни ижодий фикрлашга ўргатиб бўлмайди. Бундай эҳтиёж ва қизиқиш фақат ижодий фикрли кишида бўлади.

Инсоннинг тафаккури қанчалик мустақил бўлса, у шунчалик ташаббускор бўлади. Одамнинг фикрлаши қанча эркин бўлса, у шунча изланувчан, ижодкор бўлади. Шаклланиб келаётган шахс оилада катталар, мактабда ўқитувчилар ҳокимлигидан қутулса, унинг руҳий, ақлий, жисмоний имкониятларига қараб иш тутилса, болада ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарлик ҳисси пайдо бўлади. У ўз фикри, қарашига эга бўлади. Фикр кишиси ҳамиша ўз қарашларини асослайди, керак бўлганда ҳимоя қилади. Шунинг учун юртимизда мустақил, ижодий фикрловчи шахслардан иборат баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини ижодий фаолиятга йўналтириш масаласига жаҳон педагогика илмида ҳамиша у ёки бу даражада эътибор қаратилган. Бошланғич синф ўқувчиларини дарс жараёнида фақат ўқитувчи айтганларини бажарадиган иштирокчидан таълим-тарбия жараёнининг ижрочилари даражасига кўтариш мақсадида ўзлаштириладиган билимларни тарбияланувчи олдига муаммо шаклида қўйиш зарурлиги шўролар педагогикасида ўтган асрнинг етмишинчи йилларида кўтарилганди. Лекин бундан асосий мақсад ўқувчи фаоллигини ошириш орқали фақат билим ўзлаштириш самарадорлигини кўтаришдан иборат эди.

Ҳар қандай инсон ўз олдида қўндаланг турган ҳаётий ёки илмий муаммони ҳал этиш учун ўйланади, изланади, билганларини тафтиш қилади, зўриқади, машаққат чекади. Бу руҳан соғлом одамга хос бўлган табиий хусусият. Таълим жараёнида шундай вазиятга солинган бола ҳам ўша муаммони ҳал қилиш орқали билим олиш йўлида меҳнат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мактаб таълими жараёнида ўқувчиларда борлиқ ҳақида маълумот, тушунча ҳосил қилдирибгина қолмай, ана шу дунёни ўзи аниқлаб етиш учун уларга шароит, имконият яратишимиз зарур.

MASALALAR BOSHLANG‘ICH SINIF O‘QUVCHILARINING INTELLEKTUAL RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA

**Rahimova F., UrDU “BTN va M” kafedrasi o‘qituvchisi
Xudayarova M., BT va STI 1-kurs talabasi**

Uzluksiz ta’limning muhim bo‘g‘ini bo‘lgan boshlang‘ich ta’lim tarkibiga kiruvchi matematik ta’lim sohasi bolaga nafaqat son, sanoq, sonlar ustida arifmetik amallar bajarish, geometrik figuralar, miqdorlarga oid bilim, malaka va ko‘nikmalarni shakllantirish, o‘ylash, mustaqil fikrlash, tahlil qilgani holda xulosalar chiqara olish, ijodiy ishlashga oid malakalarni shakllantirish,

¹ Исследование методологических проблем комплексного подхода к воспитанию. - М.: Наука, 1982. -С. 190.

shuningdek bola shaxsiy imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish, qobiliyatini rivojlantirishni maqsadini qo'yadi. Bu o'rinda boshlang'ich ta'lim konsepsiyasi talablari asosida matematik ta'lim sohasi tarkibida o'rgatiladigan arifmetik, algebraik va geometrik materialni mavzu va mohiyat jihatidan integratsiyalashgan holda o'rgatish, bunda ta'lim jarayonini rivojlantiruvchi, uzviyligi va uzluksizligi xususiyatlari asosida tashkil etish imkoniyatlari, omil va vositalarini izlash muhim masalalar qatoridan o'rin oladi. Ana shunday imkoniyatlardan biri matematik masalalar yechishdir. Aslida inson kundalik turmush tarzida zaruriyat va ehtiyojlardan kelib chiqadigan vaziyatlarga duch keladi, ularni bartaraf etish imkoniyatlarini izlaydi. Ba'zi hollarda vaziyatlarni osongina bartaraf etishning imkoniyatlari topilsa, ba'zi hollarda esa topilmay qoladi. Ana shunda yuzaga kelgan vaziyat masalaga, muammoga aylanadi. Demak, masalani ayni shu paytda amalga oshirish imkoniyatlari mavjud bo'lmagan aniq maqsadlarni ro'yobga chiqarishning vositalarini izlash zaruriyatini keltirib chiqaradi.

Masalani yechish bu aniq maqsadni ro'yobga chiqarish imkoniyatlarini izlash bo'lsa, topilgan imkoniyatlar masalaning yechimini beradi. Matematika fanining rivojlanish tarixi insoniyat ongli faoliyatining shakllana borishi bilan bevosita bog'liqdir. Kundalik turmush ehtiyojlarini bartaraf etish, ovchilik qurollarini, yer maydonlarini taqsimlash, dehqonchilik, hunarmandchilikni amalga oshirish, olingan hosilni taqsimlash, ro'zg'or anjomlarini yasash, idishlar sig'imini aniqlash kabi qator jarayonlarda yuzaga kelgan vaziyatlar matematika fanining paydo bo'lishida muhim omil hisoblanadi. Tarixiy manbalar antik davrdayoq odamlar son va sanoq, sonlar ustida amallar, o'lchash, hisob-kitob hamda masalalar yechishga oid bilim, malaka va ko'nikmalarga ega bo'lganliklari haqida ma'lumot beradi. Raind papirusida 15 ta, Moskva papirusida keltirilgan 3 ta masalani, bir no'ma'lumli chiziqli tenglamalar yordamida yechiladigan masalalarga qiyoslash mumkin. Shuningdek, papiruslarda qiziqarli, fikrni mashq qildirishga oid masalalar ham uchraydi. Bugun turli mamlakat muzeylarida saqlanib, Bobil madaniyatidan darak beruvchi 500000ga yaqin "sopol kitob"larda 500ta masala yechimi 200 ta sonli jadvallar va 150 ta muammoli masalalar keltirilgan. Matematika rivoji tarixida ikkinchi davrni boshlab beruvchi yunon falsafiy maktablarida chizg'ich va sirkul yordamida yasashga oid masalalar orqali proporsiyalar nazariyasidan foydalangan holda mutanosiblik va uyg'unlik sirlarini izlab "go'zallik formulasi" ni yaratishga intilganlar.

To'rt davrga ajratilgan matematika taraqqiyot tarixining har bir davrida rivojlanish mohiyati va ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda matematik masalalar mavjud bo'lib, ular qanchalik inson absrakt tafakkurini o'stirishga xizmat qilsa, fan rivojiga ham shunchalik xizmat qilgan. Antik davr olimlari matematik masalalarni umumiy holda ikki: "topishga" va "isbotlashga" doir masalalarga ajratganlar.

Topishga doir masalalarda yasahs, hisoblash, ayniy almashtirish, no'malum obyekt, miqdorni topish, isbotlashga doir masalalarda biror matematik tasdiqni to'g'ri yoki noto'g'riligini aniqlash, dalillar bilan ko'rsatib berish nazarda tutiladi.

Berilgan obyektlarning xarakter va xususiyatlari, nazariy mohiyati, shart xususiyatidan kelib chiqqan holda masalalarni hisoblashga, isbotlashga va yasashga oid masalalarga ajratish mumkin. Shuningdek, obyektlarning mazmun va mohiyati masalani amaliy va nazariy masalaga ajratish imkoniyatini beradi. Obyektlar real predmetlardan iborat bo'lsa masala amaliy masala hisoblanadi.

Abu Rayhon Beruniy asarida keltirilgan "Yer yuzasiga tik o'sgan ma'lum uzunlikdagi terak bir joydan sinib, uning singan bo'lagi egilgan holda uchi yerga tekkan. Agar terakning ostidan boshlab singan bo'lagining yerga tekkan uchigacha bo'lgan masofa ma'lum bo'lsa, uning qayerdan singanini toping" masala amaliy masalaga misoldir. Masala boshlang'ich matematik ta'limning muhim tarkibiy qismini tashkil etib, ular asosan amaliy xarakterdagi, hisoblashga va yasahsga oid masalalardir. Boshlang'ich ta'lim jarayonida bolalarning yosh xususiyatlari inobatga olingan holda o'rgatilishi lozim bo'lgan nazariy ma'lumotni jo'yali o'zlashtirish, tushunchalarni mustahkamlash, egallangan bilimlarni amaliyotga joriy etish, ularni kundalik yumushlari, zaruriyatlarida qo'llay olishga oid bilim, malaka va ko'nikmalarni shakllantirishda ham masalaning o'rni va mohiyati alohida o'rin tutadi. Masala matnini tushinib o'qish, unda qatnashayotgan obyektlarni-elementlarni, masala mohiyatini anglab yetish, matndan berilganlar va izlanganlarni ajratib olish boladan diqqat

va o'ta ziyraklikni talab etadi. Masala shartidan xulosaga o'tish yoki berilganlardan izlanganlar tomon "deduktiv" ko'prik yasash uchun bola masalani obdon o'ylaydi, elementlarga ajratadi, atroflicha tahlil qilgan holda elementlar orasida bog'lanish o'rnatish uchun masala mohiyatiga yaqin bo'lgan tushunchalar, ta'riflar, xulosalar, tasdiqlarni esga olgan holda bog'liqlik jihatlarini yuzaga chiqaradi. Amaliy masala o'quvchini solishtirish, qiyoslash, taqqoslash, aniqlashtirish, umumlashtirish, tahlil qilish va xulosalash kabi bilish amallarini qo'llagan holda obrazli mantiqiy tafakkur qilish jarayonini shakllanishi va rivojlanishi uchun imkoniyat yaratadi. Maqsadga intilish jarayonida fikrlar oydinlashadi, uyg'unlashib mantiq peshlanib, aql charxlanadi. Shuningdek, dars va darsdan tashqari o'tkaziladigan ishlarda qiziqarli, mantiqiy, nostandart masalalar yechish bolaning matematika faniga bo'lgan qiziqishni orttirish barobarida tushinish, izlash, o'ylash imkoniyatini yaratgan holda ta'limolish ehtiyojini ham shakllantiradi.

Adabiyotlar

1. Otajonova Z. Matematika o'qitishda O'rta Osiyolik olimlar ijodidan foydalanish. – Toshkent, 1992.
2. Поя Д. Математическое открытие. - Москва, 1970.
3. Siddiqov X. O'rta Osiyo, Yaqin va O'rta Sharq olimlarining ishlarida geometriya.- Toshkent, 1981.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАНИНИНГ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ХУСУСИДА

**Рофиев Х., Самарқанд ВПКҚТМОИ доценти,
Ибрагимова Д., Холматова Н., Самарқанд ВПКҚТМОИ ўқитувчилари**

Ижтимоий ҳаётимизнинг замонавий босқичида баркамол авлодни вояга етказиш ҳукуматимиз сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бундай устувор вазифани ижобий ва самарали ҳал этишда умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида барча фанларнинг ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини ошириш доимий равишда долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Бошланғич синфларда ўқитиш сифат ва самарадорлиги қанчалик юқори бўлса, ўқувчиларнинг юқори синфларда ўқитиладиган фанларни ўзлаштиришлари шунчалик юқори бўлади. Маълумки, бошланғич синфларда ўқитиладиган фанлар қаторида жисмоний маданият фани ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, ўқувчиларни жисмоний ва маънавий баркамол этиб шакллантиришда катта аҳамиятга эга.

Бошланғич синфлардаги жисмоний маданият дарсларида, ўқувчилар жисмоний маданият ҳақидаги дастлабки билим, амалий кўникма ва малакаларни, биринчи дарсдан бошлаб тўғри ва пухта ўзлаштирадилар, юқори синфларда бу жараён шунчалик сифатли ва самарали кечади. Болаларни замонавий спорт турларига қизиқиши ва улар билан шуғулланишга зарур бўлган замин яратилади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Болалар спорти – ўзбек спортининг келажаги, унинг халқора майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг пойдеворидир. Фарзандларимизнинг спортга қизиқиши, интилиши ва керак бўлса, спортга меҳрини айти ёш болалик давридан ўйғотган тақдирдагина спорт ҳар қайси одамнинг ҳаётда ҳақиқатдан ҳам доимий ҳамроҳ бўлиб қолишига эриша оламиз",- деган кўрсатмасини ижро этган бўламыз.

Бугунги кунда бошланғич синфларда жисмоний маданият дарсларини ўқитишда сифат ва самарадорликни ошириш борасида мамлакатимизнинг бир неча етакчи олимларининг илмий тадқиқотларда ўз аксини топган. Бу бошланғич синфларда жисмоний маданият дарсларининг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-услубий ишлар амалга ошириладиганидан дарак бермоқда. Шу билан бир қаторда, бизнинг илмий кузатишларимиз, тадқиқотларимиз, таҳлилларимиз бошланғич синфларда жисмоний маданият дарсларини ўқитилишида баъзи муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Жумладан:

-бошланғич синфларда жисмоний маданият дарсларини умумтаълим ўқитувчилари томонидан ўқитилиши натижасида сифат ва самарадорлик муаммосининг етарли даражада

хал этилмаётганлиги;

-умумтаълим ўқитувчиси жисмоний маданият соҳаси бўйича мутахассис бўлмаганлиги оқибатида, бу фанни ўқитишга хос касбий- педагогик спорт маҳоратига оид билим, амалий кўникма ва малакалар, услубий ва ташкилий ўқувларнинг етишмаслиги;

-бошланғич 1-4-синфларда жисмоний маданият дарсларига ажратилган соатлардан унумли фойдаланилмаётгани;

-бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний маданият бўйича ДТС лари томонидан белгиланган назарий билимлар, амалий кўникма ва малакаларни ўзлаштира олмаётганлиги;

-ёш болаларни спортга бўлган қизиқишлари ҳамда истеъдодларини тўла рўёбга чиқара олмаётгани ва ҳоказолар аниқланмоқда.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар жисмоний маданият фанини ўқитишда нотўғри назарий билим, жисмоний ҳаракат амалларига оид кўникма, малакалар шакллантирилмоқда. Бошланғич синфларда ўқувчиларни хато ўқитиш оқибатида кейинчалик динамик қотиб қолишга олиб келишини академик Крестаников ХХ асрнинг 30-40-йилларида илмий жиҳатдан исботлаб берган эди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки:

1.Бошланғич синфларда жисмоний маданият фанини ўқитиш, ўқувчиларни жисмоний маданиятга хос билим, жисмоний ҳаракат амалларини тўғри бажаришни ўргатиш орқали ёш болаларда соғлом турмуш шаклини таркиб топтиришда таълимнинг муҳим босқичи бўлиб қолади.

2. Бошланғич синфларда жисмоний маданият фанини ўқитиш жисмоний маданиятга хос бўлган педагогик касбий спорт маҳоратига эга бўлмаган умумтаълим ўқитувчисига берилган.

3. Бундай ҳолат эса бошланғич синфларда жисмоний маданият фанини ўқитишда сифат ва самарадорликни оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

4. Бошланғич синфларда жисмоний маданият фанини ўқитишда сифат ва самарадорликни юксак даражага ошириш учун, жисмоний маданият дарсларини юқори даражада педагогик ва касбий спорт маҳоратига эга бўлган мутахассис ўқитувчиларга топшириш замон талабидир.



BOSHLANG`ICH SINFLARDA O`QUVCHILARNING OG`ZAKI NUTQINI OSHIRISH

**Rustamova S., Navoiy viloyati Nurota tumanidagi 27-umumiy o`rta ta`lim maktabi
o`qituvchisi**

Boshlang`ich ta'limda o`quvchilar og`zaki nutqini o`stirish o`quv dasturining muhim talablaridan biridir. O`quvchilar og`zaki nutqini o`stirish vositalari asosan Ona tili, O`qish, Tabiat, Matematika va boshqa fanlarni o`qitish orqali amalga oshiriladi. O`quvchilar og`zaki nutqini o`stirish ko`proq o`qish darslarida ertak, hikoya, she'r, rasmlar yo`li bilan o`rgatish orqali erishiladi.

Pedagogik tajribalar va olib borilayotgan tadqiqotlar tahlili shuni ko`rsatadiki, o`quvchining tayyorgarlik darajasi og`zaki nutqining rivoji bilan bog`liq. Chunki barcha o`quv materiallari pedagog va o`quvchining bevosita muloqoti orqali amalga oshiriladi.

Hozirgi zamon talabi yangi dars usullarini ijod qilib, dars jarayonida to`plashdir. Men ham "Quvnoq vagoncha" usulini ijod qilib, ularni dars jarayonida qo`llab kelmoqdaman.

Dars jarayonida foydalanib kelayotgan "Quvnoq vagoncha", "Sirlı jumboq", "Davrnıng bolasi", "Iqtidoringni ko`rsat" kabi dars usullari o`quvchilarning savodxonligini oshirish bilan bir qatorda ularning mustaqil fikrlash qobiliyatini o`stirishda katta yordam beradi.

Masalan: "Iqtidoringni ko`rsat" usulida o`quvchilarga ma'lum bir mavzu yuzasidan turli xil topshiriqlar berilishi mumkin. O`quvchilarning har biri o`z iqtidoriga mos ravishda bir mavzuni turlicha talqin etishi mumkin.

Ba'zi o'quvchilar mavzu yuzasidan biror she'r yozishi, hikoya ijod qilishi, mavzuga mos rasm chizishi, qo'shiq aytishi va biror narsa yasab kelishi mumkin.

Dars jarayonida berilgan topshiriqlarni so'raganda har bir o'quvchi o'zi ijod qilgan narsa yuzasidan mustaqil fikrlagan holda bajargan topshirig'iga izoh beradi. Bu esa o'quvchining mustaqil fikrlash qobiliyatini yanada oshirishda katta yordam beradi.

Davrning bolasi usulida ham o'tilayotgan mavzu yuzasidan o'quvchilarga kitobda berilgan ma'lumotlardan tashqari qo'shimcha ma'lumotlar topib kelish topshiriladi. O'quvchilar ham bunda mustaqil izlanadilar va keyingi darsda topib kelgan qo'shimcha ma'lumotlarini aytib, ham o'zlarining ham sinfdoshlarining mustaqil fikrlarini boyitishga erishishlari mumkin.

O'quvchilarning mustaqil fikrlarini o'stirish uchun qo'llab kelayotgan yangi usullardan yana biri "Sirli jumboq" usuli bo'lib, men bu usulni o'qish darsida o'tgan "O'zbekiston Respublikasi gerbi" mavzusida qo'llagan edim. Bu usulda o'quvchilardan birini rassom sifatida tanlab, yozuv taxtasi yoniga chiqardim. 5 nafar o'quvchi bug'doy, bayroq, quyosh, paxta, oy timsollarida chiqib, rassomdan ularning suratini chizib berishini iltimos qilishdi. Rassom esa ularning barchasini bir joyda qanday tasvirlashni o'ylab qoldi. Rassom suratni chizgunicha o'quvchilar boshqa topshiriqlarni bajardilar. Ularni rag'batlantirish uchun o'sha beshta ramziy timsoldan foydalangan holda rag'batlantirildi.

Dars oxirida yig'ilgan paxta, oy, quyosh, bayroq, bug'doy kabilar birlashtirilib, o'quvchilardan bularning qayerda ko'rganlarini so'radim. O'quvchilar bularning barchasi "O'zbekiston Respublikasi gerbi"da borligini aytishdi va rassomning qanday rasm chizganini topishdi.



"Sirli jumboq" usulining qulay tomoni shundaki, uni nafaqat boshlang'ich sinflarda, balki yuqori sinflarda adabiyot darslarida ham qo'llasa bo'ladi. Bu usuldan o'quvchilar mustaqil fikrlash qobiliyatining o'sishida katta ahamiyatga ega degan fikrdaman.

Bu usullar o'quvchilarni yanada izlanishga, og'zaki nutqining rivojlanishi va xotirasining kuchayishiga, savollarga aniq va puxta javob berishga, har qanday vaziyatdan chiqa olishga undaydi. O'quvchilarni og'zaki nutqini o'stirish eng avvalo, o'qituvchiga bog'liq. Chunki o'qituvchining og'zaki nutqi ham shu o'quvchilarga qaratilgan bo'ladi. Uning nutqi o'zining ichki kuchi, ishonchi gapirayotgan mavzusiga o'zining ham qiziqayotganligi bilan ajralib turadi.

O'quvchilar og'zaki nutqini o'stirish vositalardan yana quyidagi usul hozirgi davr talabalariga javob bera olishi mumkin. O'qituvchi har bir darsni boshlashdan oldin o'quvchilar bilan 3-5. daqiqalik suhbat o'tkazishi maqsadga muvofiqdir. Bu suhbatning mavzulari quyidagicha bo'lishi kerak. "Bizning maktab", "Mening oilam", "Men onamga yordamchi", "Kim bo'lsam ekan?", "Odobli bo'lishga harakat qilamiz", "O'tmishni o'rganish burchimizdir", "Yurtimiz ramzlari" kabilar. Men mana shu mavzularni o'quvchilarga navbati bilan bir kun oldin topshiraman. Ular ertasiga mavzu asosida bog'lanishli og'zaki nutqqa asosan to'g'ri gaplar tuzib kelishga harakat qilishadi. O'quvchilarning yoshi kattalashgan sari ular ko'p so'zlardan gaplar tuzishadi, natijada bir necha gaplar tuzilgan matn hosil bo'ladi.



O'quvchilar og'zaki nutqini o'stirishning yana bir usuli haqida: Bola har kuni maktabga kelib ketadi, mehmonga boradi, darsdan tashqari paytlari turli o'yinlar o'ynaydi, turli sayohatlarga boradi.

Ana shu davrda bola juda ko'p narsalarni uchratadi, ko'p kishilar bilan gaplashadi. Hamma o'quvchilar ham o'zlari kuzatgan voqea hodisalarni qayta tasavvur qilishga odatlanmaydi.

Bolaning atrof-muhitni kuzatishlarni qayta tasavvur qilishlari, ko'rganlarni qayta fikrlashlari o'z nutqlarini boyitib borishlarida biz o'qituvchilarning nazoratimiz kuchli bo'lishi kerak. O'z ko'rganlari asosida gap tuzishda o'quvchi o'z fikrini qayta talqin qiladi. Bunda biz o'qituvchilar o'quvchining fikrini diqqat bilan tinglashimiz, tuzgan gaplarining ixcham, mazmunli bo'lishiga e'tibor berishimiz kerak. Undan o'quvchi o'ziga xulosa chiqarib, bora-bora o'z nutqida kamchilik va nuqsonlarni yo'qotib borishga harakat qiladi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarning og'zaki nutqini o'stirishda sinfdan tashqari o'qish darslari va fanlararo sayohat darslari, hisoblash malakalarini o'stirish, o'tayotgan sanalarga atab she'rlar yodlash, musobaqa o'yinlarining ahamiyati katta ijobiy natija beradi. Tabiatga uyushtirilgan sayohatlar bola ongini, fikrini, og'zaki nutqini boyitadi.

Men boshlang'ich sinf o'quvchilariga o'quvchilarning nutqini o'stirish, fikrini turli usullarda bayon qilish va og'zaki nutq madaniyatini egallashlari yuzasidan quyidagi tavsiyalarni taklif qilaman.

- Bola bilan gaplashayotganda to'g'ri, aniq so'zlash va boladan han shuni talab qilish;

- mavzuni sodda va tushunarli tushuntirish;

- bolani savol berishga undash;

- bolaning qiziquvchanligiga e'tibor berish;

- bola siz bilan gaplashayotganda uni diqqat bilan fikrini bo'lmasdan eshitish;

- bolaga yangi - yangi taassurotlarni ko'proq berishga sharoit yaratish;

- har kuni bolani she'r, hikoya, ertak o'qishga undash va o'qiganlarini birgalikda muhokama qilish/

Xulosa qilib shuni aytish lozimki, boshlang'ich ta'lim jarayonida bolaning mantiqiy tafakkur qila olish salohiyatini, aqliy rivojlanishini, dunyoqarashini, savodxonligini va o'z-o'zini anglash salohiyatini shakllantirishga, jismonan sog'lom bo'lishga, moddiy borliq go'zalliklarini his eta olgan, milliy urf-odatlarini o'ziga singdirishga va ardoqlashga, ularga rioya qilishga o'rgatadi.

Boshlang'ich ta'lim uzluksiz ta'limning poydevoridir. U mustahkam bo'lsa, uning ustiga quriladigan bino ham mustahkam bo'ladi. Boshlang'ich sinfda o'quvchilarning og'zaki nutqini muntazam o'stirib borish, ularning atrof-muhitni kuzatish ishlari va qayta tasavvur qildirish orqali



boshlang'ich nutq, matnlar tuzishdagi so'zlarning o'zaro bog'lanishda kamchiliklarga yo'l qo'ymaslikka amaliy yordam beradi. Bunda har bir boshlang'ich sinf o'qituvchisi erinmay o'zi ustida tinmay ishlashi lozim.

Yosh avlodni dunyoning mazmuni, uning turfa voqea-hodisalari, insoniyat yaratgan madaniyat va bilim boyligi bilan tanishtirish, ona Vataniga, millatiga, xalqiga sadoqatli, eng muhimi, odamlarga hurmat, samimiy munosabat va yuksak insoniy fazilatlar egasi bo'lish ruhida tarbiyalash – bularning hamma-hammasi pedagoglarimizning zimmasiga tushadi.

Boshlang'ich sinflarda bolalarning ong va tushunchalari shakllanadi, ular bilimining poydevori quriladi. Ana shu poydevor qanchalik mustahkam bo'lsa, bolalar yuqori sinfga o'tganda fanlarni o'zlashtirishga qiynalmaydilar.

Bolalarni bilim sarchashmalaridan va odob durdonalaridan bahramand etish hamda ularga amal qilish lozimligini tushuntirish har bir o'qituvchining vazifasidir. Shu ma'noda o'qituvchi juda murakkab va faxrli vazifalarni bajaradi. Ruhshunos pedagoglarning fikricha, inson tayyor qobiliyat bilan emas, balki iste'dod kurtaklarini tarbiyalab, ulardagi ijodiy qobiliyatlarini o'stirib borishi kerak.



БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Рўзиев Ф., ЎзПФИТИ катта илмий ходим- изланувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги 1875-сонли қарорининг амалиётга тадбиғи ва Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 3 январдаги 3-сонли буйруғига асосан “Чет тилларидан 2-синф учун яратилган дарслик мажмуаларини тажриба-синовдан ўтказиш тартиби” тўғрисидаги буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида Республикаимизнинг 135 та умумтаълим мактабларида тажриба-синов ишлари олиб борилмоқда. Кузатишларимиз натижасида Бухоро вилоятининг тўққизта умумтаълим мактабларида дарсликлар тажриба-синовдан ўтказиляпти. Жумладан, Бухоро шаҳридаги 2-сон, 39-сон умумтаълим мактаблари инглиз тилига; 4-сон умумтаълим мактаби немис тилига; Когон тумани 1-ИДУМ инглиз тилига; Гиждувон тумани 49-сон умумтаълим мактаби инглиз тилига; Ромитан туман 1-сон умумтаълим мактаби инглиз тилига; Вобкент тумани 21-сон умумтаълим мактаби француз тилига; Гиждувон тумани 34-сон мактаби француз тилига; Шофиркон туман 28-сон мактаби немис тили бўйича таянч мактаблари қилиб олинган.

Таянч мактабларида ҳар бир синф 2 та гуруҳга ажратилган ҳолда 2 нафар мутахассис-ўқитувчи раҳбарлигида таълим жараёни ташкил этилган. Инглиз тилига таянч қилиб олинган мактабларда дарс бераётган ўқитувчилар қуйидагича фикр билдирдилар: 2-синфларда тажриба-синов учун берилган “Kids English” дарслиги бўйича, дарсликдаги барча ўтилган ҳарфларнинг ёзилиши, талаффузи ҳамда шу ҳарфлар билан бошланадиган сўзлар ўқувчилар қизиқиши ва ёшига мос танланган ҳамда кўргазмали берилган. Ўқувчилар мавзуларни яхши ўзлаштиряптилар, лекин ҳар қандай тажриба-синовдаги дарслик ҳам маълум камчиликлардан холи эмас, албатта.

1. Ўқувчиларга ҳар дарсда фонетик машқлар ҳам бериб борилса.
2. 3а-машқининг “Is it Sunday” қўшиғи йўқ.
3. 3 б- машқда эса ҳафта кунлари ўрнида “ABC” қўшиғи қуйланади.
4. Ўқувчиларга китобда ўқиш учун сўзлар берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.
5. Ҳар бир дарсда битта ҳарф бериш керак деб ўйлаймиз, яъни паст ўзлаштирувчи ўқувчилар учун ҳам осонроқ бўлади.
6. Биз ўз тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда, ҳарфларни ўргатишда эртаклардан

фойдаланиш назарда тутилса, қисқа сюжетли ҳикоялардан фойдаланилса, бошланғич синф ўқувчилари шу ҳарфларни қисқа вақтда яхшироқ ўрганади ҳамда узоқ муддатгача хотирасида сақлайди. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи қуйидагича 39-мактабда синфда 16 ўқувчи таълим олади, шундан “5” баҳо 8 та, “4” баҳо 6 та, “3” баҳо билан 2 нафар ўқувчилар баҳолаган.

Вилоятнинг Вобкент ва Гиждувон туманларидаги француз тилига таянч қилиб олинган 21- ва 34-сонли умумтаълим мактабларида тажриба-синов ўтказиш учун танлаб олинган гуруҳда 20 та ўқувчи таълим олади. Синфнинг ўзлаштириш кўрсаткичи қуйидагича: 3 баҳо 3 та; 4 баҳо 6 та; 5 баҳо 11 та.

2-синф француз тили дарслиги бўйича ўқитувчиларимизнинг таклифлари қуйидагича:

1. Дарсликдаги сўзлар билан видео лавҳадаги сўзлар мос эмас.
2. F ва H ҳарфларидаги матндаги сўзлар ўқувчиларга қийинчилик туғдирмоқда.
3. Ўтилмаган ҳарфлар матнларда берилган.
4. Ёзув дафтарида ҳам баъзи камчиликлар мавжуд: а) 14-бет 2-машқда вазифада хато бор; б) 3-машқда ҳарфлар тўлиқ берилган аслида эса сўзларни топиш учун ҳарфлар тушириб қолдирилиши керак.
5. Ўқув режага мавзулар ҳажмидан келиб чиққан соатлар бўйича тақсимот қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Вилоятнинг Бухоро шаҳридаги 4-сон ва Шофиркон туманидаги 28-сон ўрта умумтаълим мактаблари немис тилига таянч қилиб олинган бўлиб “Deutsch macht Spass-2” дастури бўйича дарс бераётган ўқитувчиларнинг таклифлари қуйидагича:

1. Бўлимнинг расм ва топшириқлари тўғри танланган. Бироқ дискдаги топшириқлар мавзуга мос эмас, биринчи бўлимдаги диалоглар берилган. Ss, Tt ҳарфи ўрнига Sch sch, Tsch tsch ҳарфларининг ёзилиши кўрсатилган.

2. Бўлимнинг иккинчи дарсида дизайн ва топшириқлар яхши берилган, дарсликнинг учинчи топшириғида топишмоқни топинг деб берилган, ўқитувчи қўлланмасида эса рангларга доир шеър келтирилган. Ўқувчилар шеърни ўргандилар. Мультимедиада юқоридаги хатоларга йўл қўйилган. Zz, Yu ҳарфлари ўрнига Sp, St ҳарф бирикмаларининг ёзилиши берилган.

3. Бўлимнинг учинчи дарсида берилган топшириқлар ва расмлар мавзуга мос. Дарсликнинг учинчи топшириғида топишмоқни топинг дейилган, бироқ топишмоқни ўзи берилмаган. Мультимедиада Qq, Rr ҳарфи ўрнига Gg, Hh ҳарфининг ёзилиши берилган, лекин сўзлар Qq, Rr ҳарфига оид берилган. Мультимедиада яна юқоридаги камчиликлар тақдорланган, 6-топшириғида Räume сўз нотўғри Raum деб талаффуз қилинган.

4. Бўлимнинг 4-дарсида берилган топшириқ ва расмлар мавзуга мос, бироқ 3-топшириқдаги ашула дарсга унча мос эмас. Унинг ўрнига шеър берилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўзлаштириш кўрсаткичи битта гуруҳда 17 ўқувчидан 8 нафари “5” баҳо, 7 нафари “4” баҳо, 2 нафари “3” баҳо билан баҳоланганлар. Биз кузатишларимиз натижасида ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш кўрсаткичлари билан қизиқдик ва шундай хулосага келдик, яъни таълим жараёнида ўқувчи ва ўқув материалларининг ўзаро таъсири орқали янги билим кўникма ва малакалар шаклланади, олдин ўрганилган билимлар, эгалланган малакалар янги тасаввурлар билан кенгайди, лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Чунки, “3” баҳога ўзлаштирган ўқувчиларнинг руҳий-психологик ҳолатидаги ўзгаришлар ўқитувчиларимизни ташвишга солмоқда. Шуни инобатга олиб, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда таълимнинг мазмунига, билимни эгаллашга бўлган қизиқиши ўқувчининг ўз ақлий меҳнати натижасидан қаноатланиш ҳисси билан узвий боғлиқдир. Бу туйғу ўқитувчининг рағбатлантириши билан намоён бўлади ва ўқувчида самаралироқ ишлаш майли, истаги, иштиёқини шакллантиради. Болада пайдо бўлган фахрланиш, ўз кучига ишонч ҳислари билимларни ўзлаштириш ва малакаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дарсликларни такомиллаштириш ўқув жараёнини ташкил этишда педагоглар бу ҳолатни алоҳида эътиборга олишлари лозим.

МУНДАРИЖА

1.	Елмуратова А.	Ўқувчиларда ижодий фикрлашни шакллантирувчи фаол методлар	3
2.	Ержанова М.К.	Таълим-тарбия жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг билиш жараёнларини ҳисобга олишнинг аҳамияти	5
3.	Есбергенова Г.Б.	Использование игрового метода обучения на уроках иностранного языка в начальных классах	6
4.	Jabborova X.	Boshlang'ich ta'lim jarayonida innovatsion texnologiyalar va interaktiv metodlardan foydalanish	8
5.	Жалилова Н.	Бошланғич таълимда замонавий ахборот технологияларининг ўрни	13
6.	Jalilova N.	The problem of teaching word formation in primary school	14
7.	Жолдасбаев П.	Бошланғич синфларда ўқувчиларни мантикий фикрлашга ўргатишнинг хусусияти	15
8.	Жуманазаров У.А., Жуманазарова Г.У.	Лисоний ўйинлар – бошланғич синф ўқувчиларининг мантикий ва ижодий кўникмаларини шакллантирувчи етакчи омил	17
9.	Жуманазаров У.А. Жуманазарова Д.У.	Дидактик ўйинлар – бошланғич адабий таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш омили	18
10.	Жуманазаров У.У.	Чет тили дарсларида педагогик технологияларни ташкил этиш – долзарб муаммо	20
11.	Jumaniyozova M., Qurbonova E.	Boshlang'ich sinflarda z.m.bobur haqidagi asarlarni o'rganishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish orqali dars samaradorligini oshirish	23
12.	Жўраева Х.Ш.	Бошланғич синфларда инглиз тили дарсларини замонавий тарзда ташкил этиш самарадорлик омили	25
13.	Забирова Е., Утемуратов Б.	Роль педагогических принципов в повышении качества и эффективности начального образования	27
14.	Zaripova G.	Boshlang'ich ta'limda o'quvchilarga texnika xavfsizligi qoidalari va sanitariya-gigiyena talablarini o'rgatish	30
15.	Зарипова Г. Имомова Ш.	Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларда интернетдан фойдалана билишга қизиқишни тарбиялаш этикаси	32
16.	Зарипова Г.	Бошланғич таълим жараёнида математика, информатика ва ахборот технологиялари дарсларида ўқувчиларда ақлий-интеллектуал қобилиятларнинг ривожланиши	34
17.	Зокиров И., Матниёзов И.	“Kids’ English 2” дарслиги янгича ёндашув асосида!	36
18.	Ибрагимова Д., Халматова Н.	Инновацион технологиялар бошланғич таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш омилидир	38
19.	Inoyatova M.	Savodga o'rgatish davrida ta'lim sifatini oshirish masalalari	40
20.	Ismailova Sh.	Bola shaxsini shakllantirishda rivojlantiruvchi ta'lim texnologiyalaridan foydalanishning uslubiy masalalari	42
21.	Исламова Д.	Здоровьесберегающие образовательныетехнологии	44
22.	Исламова Г.Ш.	Бошланғич синфларда лойиҳалаштириш асосида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш	47

23.	Камалова Н.	Развитие творческих способностей у учащихся на уроках русского языка	49
24.	Karimova N., Egamberdiyeva G.	Darslarni integratsiyalash Orqali ta'lim samaradorligini oshirish	51
25.	Karimova N.	Chet tili darslari orqali boshlang'ich sinf o'quvchilarida ijodiy va mustaqil fikrlashni shakllantirish	53
26.	Кенжабоев А., Жумаев С.	Таълим-тарбия жараёнига компетенциявий ёндашув	55
27.	Колмыкова Л.В.	Формирование навыков логического и творческого мышления учащихся начальных классов в учебно- воспитательном процессе	59
28.	Кудайназаров А.	Бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион фаолияти – шахсга йўналтирилган дидактик жараёни ривожлантириш омили сифатида	69
29.	Куртебаева Н., Сейтова Г.	Эффективность применения игровых методов в обучении иностранному языку	63
30.	Мадазизова Д.Х., Ҳақназарова С.А.	Бошланғич таълим ёшидаги болаларда чет тилларига қизиқиш уйғотиш	65
31.	Мадалиева М.	Диктантлар орқали бошланғич синф ўқувчиларини мантикий ва иждодий фикрлашга ўргатиш	67
32.	Mamanazarova T., Rustamov J., Rahimov I.	Innovatsion texnologiyalarni Boshlang'ich ta'lim mehnat darslarida sifat- samaradorligini oshirish omili	68
33.	Маматкулов Д., Сапаров Қ., Азимов И., Мадатов Р.	Бошланғич синф ўқувчиларида иждодий тафаккур ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш	70
34.	Mamatqulova G.	Bola shaxsini rivojlantirishga yo`naltirilgan ta`lim texnologiyalari	72
35.	Мамедова Ю.	Бошланғич синфларда “дарс–мукаддас” контекстида инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш	76
36.	Мардонов Ш.Қ., Иноятова М.Э.	Бошланғич синф инглиз тили дарсларида таълимий ўйинлардан фойдаланиш	78
37.	Мардонов Ш.Қ., Алмаматов Т., Тилакова М.	Бошланғич таълим сифат ва самарадорлигини оширишда педагогик аксиологиянинг ўрни	84
38.	Махмудова Н.	Бошланғич синф ўқувчиларида янги педагогик технологиялар асосида ватанпарварлик тарбиясини шакллантириш услублари	86
39.	Махмудов Б.А.	Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ҳаракатли ўйинлар орқали эстетик тарбиялашда интерфаол методлардан фойдаланиш	88
40.	Махмутова Г.А.	Внедрение современных педагогических И информационных технологий В образовательно-воспитательный процесс	90
41.	Машарипова А.	Илгор педагогик технологиялар ўқитувчи фаолиятини ривожлантиришнинг асосий омили	92
42.	Mahmudova M.A.	O'quvchi xato qilish orqali o'rganadi	93
43.	Мақсудов У.Қ., Холиқова О.	Бошланғич таълимда фанларнинг чет тиллари билан интеграциялаш масалалари	95
44.	Мирзаев А.М.,	Ўқув-тарбия жараёнида бошланғич синф ўқувчиларига	97

	Гафуржанов Ф.С., Мамажанов Р.Х.	белбоғли кураш усулларини ўргатиш	
45.	Мирзаева Н.	Три источника информационной жадды	100
46.	Мусурмонов Р.	Кичик мактаб ёшидаги болаларда дарс жараёнига нисбатан салбий муносабатни олдини олиш омиллари	101
47.	Muxiddinova K.	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini milliy urf- odatlar asosida tarbiyalash	104
48.	Назарова Б., Сафаров Э.	Бошланғич синф ўқувчиларини мантикий фикрлашга ўргатиш масалалари	105
49.	Nazirova G.M.	Maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalarni boshlang'ich ta'limga samarali tayyorlash	107
50.	Ne'matova S.	Boshlang'ich sinf ona tili darslarini tashkil etishda interfaol usullardan foydalanishning samarali yo'llari	109
51.	Неъматов Ш.	Бошланғич синф ўқувчиларининг фикрлаш фаолиятларини фаоллаштириш усуллари	112
52.	Normatova G., Sattorova D.	Boshlang'ich ta'lim samaradorligini oshirishga texnologik yondoshuv	114
53.	Носиров К.Ж.	Ижодий фикрлашга ўргатиш: мазмун, моҳият ва зарурат	117
54.	Нурабуллаев Т.	Ўқувчиларда ижодий-танқидий фикрлашни шакллантиришда педагогик-психологик узвийликни таъминлаш масалалари	119
55.	Nurtoeyeva N.B.	O'quv-tarbiya jarayonida boshlang'ich sinf o'quvchilarining mantiqiy va ijodiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantirish	121
56.	Omonova U.	Boshlang'ich ta'limda innovatsion	123
57.	Пирниязова Н.В.	Радость и здоровье детям – через инновационные технологии в обучении и воспитании учащихся начальной школы	126
58.	Пулатова Д.	Бошланғич синф ўқувчисиди мантикий ва ижодий фикрлаш кўникмаларини ўстириш	129
59.	Пўлатова Г.	Таълим-тарбия – бошланғич синфдан бошланади	132
60.	Расулова М.Ж.	Таълимнинг бошланғич босқичида чет тилининг ўқитилиши: таклиф, мулоҳазалар	136
61.	Расулходжаева М.	Ўқувчиларни ҳайвонот олами билан таништириш	138
62.	Рахмонова Ш.	Бошланғич синфларда иқтидорли ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлаш йўллари	140
63.	Рашидов Ҳ.Ф.	Бошланғич синфларда дарс интизомига муносабат муаммолари	143
64.	Раҳимов Б., Раҳимова Д.	Ўқув-тарбия жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини ижодий фикрлашга ўргатиш	145
65.	Rahimova F., Xudayarova M.	Masalalar boshlang'ich sinf o'quvchilarining intellektual rivojlantirish vositasi sifatida	147
66.	Рофиев Х., Ибрагимова Д., Холматова Н.	Бошланғич синфларда жисмоний маданият фанининг сифат ва самардорлигини ошириш хусусида	149
67.	Rustamova S.	Boshlang'ich sinflarda o'quvchilarning og'zaki nutqini oshirish	150
68.	Рўзиев Ф.	Бошланғич синфларда чет тилларни ўқитиш жараёнида баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари	153

**БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ:
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР**

**Республика илмий-амалий
конференцияси**

МАТЕРИАЛЛАРИ

Иккинчи китоб

Компьютерда
саҳифаловчи:

М.Холиқов

Босишга рухсат этилди 05.05.2014.
Бичими 60x84¹/₁₆. Босма табағи 10
Буюртма №01. Адади 100 нусха.

Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика
фанлари илмий тадқиқот институти
«Riso EZ 200 E» нусха кўчириш
мосламасида чоп этилди.